

АНВАР ҲОЖИАҲМЕДОВ

МАКТАБДА  
АРУЗ  
ВАЗНИНИ  
ЎРГАНИШ

*Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма*

Ўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нaшири

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълиқлаган*

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 1995

X  $\frac{430601(400-\text{№ } 182}{353(04) - 94}$  86 — 95

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 1995

ISBN 5-645-02190-8

## МУАЛЛИФ ДА Н

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ўрта мактаблар учун тузилган адабиёт дастурларида мумтоз адабиётимиз намуналарига тобора кенгроқ ўрин ажратилмоқда, ўқувчиларнинг минг йиллик адабий меросимиз билан атрофлича танишиб, мутафаккир шоирларимиз ижоди, уларнинг бадий салоҳиятлари, ҳаётий муаммолар, инсоннинг ранг-баранг кечинмаларини теран мазмунли, нафис ва жозибадор мисраларда жилолантиришлагани санъаткорликларини ўрганиб боришлари учун зарур имкониятлар яратилмоқда. Аммо бундан бир неча асрлар муқаддам Шарқ адабиётининг ўзига хос услублари асосида, хилма-хил мажозий тимсоллар, шеърий санъатлар воситасида, хусусан, анчагина мураккаб аруз вазни ўлчовлари заминида яратилган ғазаллару рубоийлар, мухаммаслару мусаддаслар, қитъалару туюқлар, қасидалару дostonларни ифодали ўқиш, шарҳлаш, таҳлил қилиш тил ва адабиёт ўқитувчиларидан етук билим ва малакани, баркамол устозлик маҳоратини талаб қилади.

Мумтоз адабиётимизнинг дурдона асарларини, улардаги ҳар бир байт, мисра, ҳар қайси сўзни ўз вазнига, шоир назарда тутган шеърий ўлчовга мувофиқ ўқилмас экан, ижодкорнинг ғоявий-бадий ниятини англаб етиш ҳам, танланган оҳанг лаззатини ҳис қилиш ҳам маҳол. Ифодали ўқилмаган шеърий асар, хусусан, нодир шеърятимиз жавоҳирлари ўқувчи кўзи олдида ўз латофатини йўқотиши, унинг қалбида, онгида бундай асарга қизиқиш ҳам, муҳаббат ҳам уйғотмаслиги аниқ. Бинобарин, аруздаги шеърий асарларни бадий ўқишга ўргатиб бориш ўқитувчининг муҳим ва масъулиятли вазифаларидан биридир. Бунинг учун эса, аввало, унинг ўзи мумтоз шеърятимиз намуналарини санъаткорларча ўқий олиш маҳоратини эгаллаган бўлиши керак.

Вазн — бадий шаклнинг энг муҳим қисмларидан бири. Асар мазмуни: танланган мавзу, ижодкор дилини тўлқинлантираётган муаммолар, бадий тимсолларда муҳассамлантирилаётган умумбашарий ғояларни жозибали таъсирчан, ўқимишли қилиб ифодалашда вазн алоҳида аҳамиятга эгадир. Бинобарин,

шоир у ёки бу ўлчовни асоссиз, тасодифан танламайди, балки муайян ғоявий-бадий ниятдан келиб чиқиб, энг мақбул вазнларга мурожаат қилади. Кўринадики, ижодкорнинг вазн танлаш, ўз асарининг мусиқий оҳангдорлигини таъминлаш, хилма-хил шеърӣ ўлчовлар воситасида ўз қаҳрамонлари қиёфасини жонли, ҳаётӣ қилиб тасвирлаш маҳоратини ўрганиш асарни бадий таҳлил қилишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бу ҳам ўқитувчининг мазкур соҳада чуқур билим ва малакага эга бўлишини тақозо этади.

Шу нарса ҳам сир эмаски, ўқувчиларни аруз шеърӣ ўлчов тизими назарияси билан таништириш, мумтоз шеърӣятимиз намуналарини ифодали ўқишга ўргатиб бориш, асарни таҳлил қилиш давомида шоирнинг вазн устида ишлаш маҳоратини кузатиш муайян методика асосидагина амалга оширилиши мумкин. Ўқитувчиларни шу хил методика асослари билан қуроллантириш эса мактабда аруз назарияси ва амалиётини зарур даражада ўрганиб бориш нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим. Ушбу китобда юқоридаги мулоҳазаларнинг барчаси ҳисобга олинди.

Ўқувчиларга аруз вазнини ўргатиш устида иш олиб бораётган ўқитувчи, аввало, мазкур шеърӣ ўлчов тизими хусусида муайян назарӣ билимга эга бўлиши лозим. Шунинг назарда тутиб, қўлланманинг биринчи қисми аруз назарияси асосларига бағишланди. Бу қисм аруз тизимининг барча назарӣ масалаларини қамраб олмайдди, албатта; муаллиф унда адабиёт ўқитувчилари учун зарур бўлган асосӣ маълумотларнигина беришни лозим топди.

Қўлланманинг мактабда аруз вазнини ўрганишга доир қисмида асосӣ диққат мумтоз адабиётимиз намуналарини ифодали ўқиш масаласига қаратилди: ҳар бир асарнинг вазни, рукни, ўта чўзиқ бўғин — ҳижола, қўшиб ўқиладиган бўғинларни тўғри ўқиш йўллари кўрсатилди. Айни вақтда ижодкорларнинг вазн устида ишлаш маҳоратини ўрганишнинг мақбул усуллари тавсия этилди. Дарсдан ва синфдан ташқарида аруз илми ва амалиётини ўрганиш тадбирлари баён қилинди.

Қўлланманинг мазкур қайта ишланган ва тўлдирилган нашрини тайёрлашда биринчи нашри (1978) юзасидан матбуотда билдирилган фикрлар, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг кенгаш ва суҳбатларда баён қилган мулоҳазалари эътиборга олинди. Чунинчи, назарӣ қисм соддалаштирилиб, аруз илмининг барча масалалари эмас, ўзбек арузининг энг муҳим жиҳатларигина баён қилинди, методика қисми эса проф. У. Норматов раҳбарлигида тузилган янги дастур асосида қайтадан ишлаб чиқилди.

Шубҳасиз, ушбу нашрда ҳам мулоҳазаталаб ўринлар, ҳисобга олинмаган илмӣ ва тадрисӣ масалалар ҳам бўлиши табиӣ. Муҳтарам ўқувчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари қўлланманинг кейинги нашри янада такомиллаштирилишига имкон берган бўлур эди.

## КИРИШ

VIII асрда яшаб ижод қилган араб адабиётшунос, муסיқа-шунос олими Халил ибн Аҳмад гомонидан асос солинган „Аруз“ шеърӣй ўлчов тизими қарийб бир минг уч юз йилдан бери араб, форсий ва туркий адабиётларнинг асосий шеърӣй мезони сифатида қўлланиб келади. Унинг бунчалик кенг кўлами, умрбоқийлиги арузга хос латиф муסיқийлик, оҳанглар ранг-баранглиги, ҳаёт воқелиги ва инсоний ҳиссиётлар олами-ни сержило мисралар воситасида таъсирчан, жозибадор ифодалаш имкониятларининг бениҳоялиги билан белгиланади.

Араб шеърӣятига VIII асрдан тағбиқ этилган мазкур ўлчов тизими IX аср бошлариданоқ форс-тожик адабиётида ҳам қўллана бошлади ҳамда Рудакий, Фирдавсий, Дақиқий, кейинроқ Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий каби буюк шоирлар ижодидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Арузнинг туркий шеърӣятга кириб келишини ҳам шу даврга нисбат бериш мумкин.

IX — X асрларда туркий халқлар орасидан етишиб чиққан кўплаб шоирлар ўша давр анъаналарига мувофиқ ўз асарларини араб тилида битар эканлар, аруз ўлчовига асосландилар, хилма-хил муסיқий ва жозибадор вазнлар заминида ғоявий ва бадий жиҳатдан баркамол ҳасида ва газаллар, рубоий ва қитъалар яратдилар. XI асрнинг машҳур адабиётшунос олими Абу Мансур ас-Саолибийнинг „Ятимат-уд-даҳр“ китобида бундай ижодкорлардан кўпларининг номлари ва асарлари зикр қилинган. Бу даврда туркий тилда ҳам арузнинг енгил ва ўйноқи ўлчовларида кўплаб лирик шеърлар ёзилганлиги шубҳасиз. Зеро, бу хил тажрибаларсиз XI асрда Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ дек йирик достонининг майдонга келиши маҳол эди.

XII аср туркий адабиётнинг намунаси сифатида бизгача етиб келган „Ҳибатул ҳақойиқ“ достони аруз назарияси ва амалиётини ўзлаштириб, нафис бадий асарлар яратиш анъанаси бу даврда ҳам давом этиб, ривожланиб боргандан далолат беради. XIII — XIV асрлар давомида аруз ўлчови Паҳла-

вон Маҳмуд, Бадриддин Чочий каби мутафаккир шоирларнинг форсий шеърлятида ҳам, Носириддин Рабғузий, Хоразмий, Қутб, Сайфи Саройи каби соҳиби каломларнинг туркий асарларида ҳам кенг қўлланди ва ўзбек адабиётининг асосий шеърлий мезони бўлиб қолди. Бу ижодкорлар томонидан кўплаб лирик шеърлар, „Қиссаси Рабғузий“ китоби, „Муҳаббатнома“, „Хисрав ва Ширин“, „Гулистон“ таржималари каби ўлмас асарларни битишда моҳирона фойдаланилган ўттиздан ортиқ вазн аруз ўлчовининг адабиётимизга тобора чуқурроқ кириб борганини, шоирларимиз ушбу мураккаб ўлчов тизими назариясини тобора пухтароқ эгаллаб, хилма-хил вазнлар асосида гўзал шеърлий бадиалар яратиш маҳоратини ҳам изчиллик билан ўрганиб борганларини кўрсатиб турибди.

XV аср ўзбек арузи ривожда алоҳида босқич саналади. Чунки бу даврнинг биринчи ярмида Атоий, Саккокий, Дурбек, Гадоий, Лутфий сингари туркиёй ижодкорлар ўз асарларини арузнинг энг жозибали ўлчовлари асосида яратиб, кўплаб вазнларни шеърлятимизга олиб кирган бўлсалар, буюк Алишер Навоий ўзининг лирик шеърлари, дostonларини яратиш жараёнида аруз ўлчовининг барча имкониятларини синовдан ўтказиб, юзга яқин вазнни қўллаб, бу соҳада энг яхши муваффақиятларга эришди.

Алишер Навоийнинг мазкур соҳадаги анъаналарини давом эттирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек арузини янги тарққиёт босқичига кўтарди.

Алишер Навоий ва Бобур изидан борган ўзбек шоирлари хилма-хил вазнларни ўз шеърлятларида санъаткорлик билан қўллаб бдириб, ўзбек арузини камол топтирдилар, қатор-қатор янги ўлчовларни кашф этиб, уни янада тақомиллаштирдилар. Бу соҳада Машраб ва Нолира, Мунис ва Огаҳий, Муқимий ва Фурқат, Ҳамза ва Авлоний каби соҳиби каломларнинг хизмати катта бўлди.

Аруз 1917 йилдан кейинги даврда ҳам ўзбек шеърлятининг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилди. Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Фафур Гулом, Ойбек, Уйғун каби шоирларимиз асосан бармоқ вазни асосида ижод қилган бўлсалар ҳам, энг яхши лирик шеърларини яратишда арузга ҳам мурожаат қилдилар. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий каби ижодкорларнинг аксар асарлари мана шу шеърлий мезон асосида ёзилган эди.

60-йилларда иқтидорли ёш шоир Эркин Воҳидов ўзининг “Ёшлик девони” билан шеърлятимизда арузнинг қайта жонланишига кучли таъсир кўрсатди. Унинг қадимий, лекин гоят мушиқий, замондошимизга- хос лирик кечинмаларни ниҳоятда латиф ифодалашга имкон берувчи мазкур қадимий ўлчовдаги шеърлари аруз имкониятларини яна бир бор намойиш қилди, унинг ҳали ўз умрини тугатмаганини, бу ўлчов заминида рангбаранг туйғулар мавжини энг дилрабо мисраларда жилолантириш мумкинлигини исботлаб берди. 60—80-йиллардаги ёш-

лар шеърятда аруз мезонидаги кўплаб лирик асарлар бево-  
сита мана шу девоннинг таъсири остида яратилди, десак хато  
бўлмас. Абдулла Орипов, Жамол Камол, Ойдин Ҳожиева,  
Эътибор Охунова каби кўплаб шоирлар ўз шеърлари билан ўз-  
бек арузининг гўзаллигини, жозибали оҳангларга бойлигини  
яна бир бор далилладилар.

Ҳозирги адабиётимизда, 90-йиллар шеърятда ҳам аруз  
мустақил Ўзбекистонимизнинг дилрабо тароналарини, замон-  
дошимиз қалбидаги нозик ва мураккаб туйғуларни шаффоф  
мисраларда акс эттириш ишига муносиб хизмат қилиб кел-  
моқда.

\* \* \*

Аруз тизими асрлар давомида араб, форс-тожик ва туркий  
шеърятларда амалий жиҳатдан қўлланиб келиши билан бир  
вақтда ушбу адабиётшуносликларда назарий жиҳатдан ҳам  
такомиллашиб борди, аруз махсус илм сифатида мактаб ва  
мадрасаларда мутгасил ўргатилди, мазкур шеърый мезон наза-  
рияси ва амалиётига доир кўплаб илмий тадқиқотлар яратил-  
ди, рисоалар битилди. Халил ибн Аҳмадан сўнг Ибн Усмон  
Мазиний, Имом Аҳмад ибн Абдураббих, Ибн ал-Хатиб ат-Таб-  
ризий, Зиёвуддин Абул Жайш ал-Ҳазражий каби араб олим-  
лари ушбу илмга доир асарлар яратиб, аруз тараққиётига ҳис-  
са қўшдилар.

Аруз илми ҳақида, айниқса, форс-тожик адабиётшунослиги-  
да кўплаб асарлар битилди. Мавлоно Юсуф Нишобурий (X  
аср) форсий тилда арузга оид илмий асар яратган олимлар-  
нинг биринчиси эди. Рашидиддин Ватвот (XIII аср) нинг „Ҳа-  
дойиқ ус-сеҳр“, Шамс Қайс (XIII аср) нинг „Ал-мўъжам фи  
меёр ашъор ал-ажам“, Насриддин Тусий (XIV аср) нинг „Ме-  
ёр-ул ашъор“, Салмон Савожий (XIV аср) нинг „Қасидатун  
маснуот ал-аруз“, Абдураҳмон Жомий (XV аср) нинг „Рисо-  
лан аруз“ асарлари форс-тожик арузининг назарий ва амалий  
ривожда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Аруз илми ривожига туркий халқлар орасидан етишиб  
чиққан адабиётшунос олимлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.  
Машҳур файласуф Абу Наср Форобий (X аср), Абу Али ибн  
Сино (X—XI асрлар), Абул Қосим Замаҳшарий (XI—XII аср-  
лар), Абу Яъқуб Юсуф ибн Абубакр Саккокий (XII—XIII аср-  
лар)лар ўзларининг араб ва форсий тилда битган илмий асар-  
лари билан фақат араб ва форсий арузларга эмас, айни  
вақтда туркий аруз тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўр-  
сатдилар.

Туркий арузнинг назарий ва амалий жиҳатдан шакллани-  
ши ва изчил ривожланиб боришида Алишер Навоийнинг илк  
бор туркий тилда яратилган „Мезонул авзон“ („Вазнлар ўл-  
чови“) асари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Улуғ мутафаккир  
шоир аруз қондаларини, хилма-хил баҳрлари ҳамда вазнлари-

ни туркий тилда муфассал баён қилиш билан чекланиб қолмай, туркий халқларнинг оғзаки шеърляти мезони билан аруз вазнлари ҳамоҳанглигини атрофлича далиллади ҳамда туркий тил хусусиятларини назарда тутган ҳолда арузнинг туркий адабиётларда, хусусан, ўзбек шеърлятида кенг қўлланиши мумкин бўлган кўп лаб ўлчовларини ҳам белгилаб берди.

Ўзининг лирик шеърлари ва дostonларини яратишда арузнинг ранго-ранг вазнларини синчковлик билан синовдан ўтказган Навоий туркий тилларда ҳам аруз ўлчовлари асосида турлитуман жанр ва шаклларда гоят латиф лирик асарлар яратиш ва йирик дostonларни битиш мумкинлигини амалда исбот ҳам қилиб берган эди. Бу билан шоир туркий тилнинг беқиёс бойлиги ва бетакрор гўзаллигини шеърйй ўлчов жиҳатидан ҳам намойиш қилди.

Ўзбек арузининг назарий ва амалий жиҳатдан янада камол топишида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг „Мухтасар“ деб номланган йирик илмий асарининг аҳамияти беқиёсдир. Олим ва шоир Бобур арузнинг назарий асосларини мукамал ёритади, аруз ўлчовларининг форсий ва туркий шеърлятлардаги мавқеини, қўламини ҳар икки адабиётнинг ўлмас намуналари билан далиллади, айни вақтда ўзбек арузи ўлчовлар доирасининг ниҳоятда кенглигини таъкидлаш мақсадида шеърлятимизда қўлланилиши мумкин бўлган 537 ўлчовни (улардан 400 га яқини мутлақо янги, Бобур томонидан кашф қилинган вазнлар) санаб ўтиб, улардан ҳар бирига бир байтдан мисоллар келтиради. Бинобарин, „Мухтасар“ ўзбек арузининг илм сифатидаги тараққиётида алоҳида ўрин тутди.

XIX аср охирларида Зокиржон Фурқат ҳам аруз илмига доир рисола битган эди. Ҳалигача нашр қилинмаган бу асарни профессор Гулом Каримов Остроумов фондидан топган эди. 16 бетлик бу кичик рисолада шоир арузнинг шеърлятимизда кенг қўлланган 55 вазни ҳақида маълумот берган, ҳар қайси ўлчовга форсий ва туркий адабиётлардан мисоллар келтирилган.<sup>1</sup>

Инқилобдан кейинги даврда ҳам ўзбек арузининг назарий ва амалий масалаларини илмий тадқиқ этиш давом этди.

1936 йил Фитрат қаламига мансуб „Аруз ҳақида“ рисоласи нашр этилди. Олим унда аруз қонунларини соддалаштириб баён қилади, шеърлятимизда қўлланган энг мусиқий ўлчовларнинг оҳанг хусусиятларини таъкидлаб, уларга ўзбек адабиётидан мисоллар келтиради.

1948 йили адабиётшунос олим Содиқ Мирзаев „Навоий арузи“ мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёзиб тугаллади. Тадқиқотда арузнинг назарий масалалари Навоий „Мезонул авзон“и асосида баён қилинган. Навоий шеърлятида қўлланган баҳрлар таъкидлаб кўрсатилган эди. Олимнинг улкан хиз-

<sup>1</sup> Қаранг: *Ғ. Каримов*. Халқ, тарих, адабиёт. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1977, 125—126-бетлар.



мати шунда бўлдики, у Навоийнинг „Хазойин ул маоний“ асарида 3132 шеърнинг вазн хусусиятларини илк бор аниқлаб чиқди, уларнинг рукнларини, чизмаларини белгилаб берди. Бу жадваллардан адабиётшуносларимиз ҳануз фойдаланиб келмоқдалар.

Ўзбек арузининг назарий ва амалий масалалари таниқли олим Алибек Рустамовнинг „Аруз ҳақида суҳбатлар“<sup>1</sup> рисола-сида ҳам ўз ифодасини топган. Тадқиқотчи ўз асарида Фитрат рисоласидаги анъаналарни янада ривожлантириб, аруз қонунлари, хилма-хил баҳрлар, вазнларнинг оҳанг хусусиятларини осонлаштириб ифодалаш усулини қўлади. А. Рустамовнинг Навоий ва Ҳабибий шеърларининг вазн хусусиятлари ҳақидаги тадқиқотлари<sup>2</sup> ҳам ўзбек арузидаги бадиий маҳорат муаммоларини ҳал қилиш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Адабиётшунос С. Ҳасановнинг<sup>3</sup> Бобур рисола-си тадқиқига бағишланган изланишлари ҳам<sup>4</sup> ўзбек арузининг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишга, хусусан, мазкур рисола-нинг илмий-амалий қимматини атрофлича ёритишга бағишланган эди.

Кейинги йилларда ўзбек арузининг назарий масалаларини ўрганиш устида заҳматкаш олим Умнат Тўйчиев жиддий илмий текширишлар олиб борди, унинг „Ўзбек поэзиясида аруз системаси“<sup>4</sup> сарлавҳали йирик илмий асарида ана шу тадқиқотларнинг натижалари ўз ифодасини топган.

Кўриниб турибдики, XV асрдан бери ўзбек арузининг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари изчиллик билан тадқиқ қилиниб келди, ушбу шеъринг мезонинг етакчи хусусиятлари, энг мақбул, мусиқий баҳрлари ҳамда вазнлари белгиланди, имкониятлар кўлами аниқланди, баъзи ижодкорларнинг аруздан фойдаланишидаги маҳорати муносиб баҳоланди.

Лекин ўзбек арузи тарихи, камолот хусусиятлари, ҳар қайси ўзбек шоири ижодидати ўрни, ҳар бир соҳиби каломнинг оҳанг яратишдаги санъаткорлигини ўрганиш соҳасида кўпдан-кўп муаммолар адабиётшунослигимиз олдидаги долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун эса, аввало, иқтидорли арузшунос мутахассисларни тарбиялаб етиштириш, мактаб ва олий ўқув юртларида ўзбек арузи назарияси ва амалиётини чуқур ўрганиш лозим. Шубҳасиз, бу соҳадаги энг катта масъулият мактаблардаги тил ва адабиёт ўқитувчилари зиммасига тушади. Уларнинг аруз назарияси ва

<sup>1</sup> Алибек Рустамов. Аруз ҳақида суҳбатлар. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1972.

<sup>2</sup> А. Рустамов. Ҳабибий шеърларининг вазни. Адабий мерос. 2-сон Тошкент, 1971; А. Рустамов. Навоийнинг бадиий маҳорати, Тошкент, 1979.

<sup>3</sup> Қаранг: С. Ҳасанов. Бобурнинг „Аруз рисола-си“ асари. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1981.

<sup>4</sup> У. Тўйчиев. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1985.

амалиёти соҳасидаги билим ва малакалари ушбу шеърий ўлчов тизимини мактабларда муваффақиятли ўрганиб боришнинг асосий гаровидир.

\* \* \*

Халил ибн Аҳмад аруз илми ва амалиётига асос солар экан, араб тилининг хусусиятлари, араб адабиётининг азалий анъаналари, услубиёти, шеър турларидан келиб чиққан эди. У белгилаб берган баҳрлар, вазнлар араб тили ва шеъриятига қойилмақом бўлиб тушган эди. Аруз бошқа халқлар адабиётларига ўтиб борар экан, ҳар қайси тил, ҳар қайси адабиёт хусусиятларига мос келиши қийин эди, албатта. Шунинг учун ҳам форс-тожик шеъриятига кириб борган аруз назарий жиҳатдан ҳам, амалий нуқтаи назаридан ҳам қатор ўзгаришларга дуч келади: араб адабиётига мувофиқ келувчи қатор баҳр ҳамда вазнлар, хусусан, тавил, мадид, басит, муқтазаб, қариб, мушокил, ғариб баҳрлари форс-тожик шеъриятига мос келмаганлиги туфайли тушиб қолди, бошқа баҳрларнинг вазнларида ҳам кўпгина ўзгаришлар—алмашувлар рўй берди; булар оқибатида форс-тожик арузи деб аталган шеърий ўлчов тизими шаклланиб борди.

Аруз туркий адабиётларга кўчганида ҳам худди шу хил ҳолат юз берди, юқорида зикр этилган баҳрларнинг туркий шеъриятларга ҳам мос тушмаслиги маълум бўлди. Туркий тилларнинг араб ва форс тилларига нисбатан ўзгачалиги, хусусан, унда чўзиқ ҳижоларнинг нисбатан камроқ қўлланиши, қисқа ҳижоларнинг кетма-кет келиши каби хусусиятлар туркий арузнинг шаклланишига сабаб бўлди. Унинг узвий бир қисми бўлган ўзбек арузи ҳам бир қатор жиҳатлари билан араб ва форс-тожик арузидан ажралиб туради. Аруз фонетикаси—ҳижолар—бўғинларнинг тузилиши ва турлари, асл руқнларнинг ҳосил қилиниши ва хилма-хил кўринишлари, баҳрларнинг ташкил топиши, энҳофлар—ўзгаришларнинг хусусиятлари ва турлари араб, форс-тожик арузи каби ўзбек арузига ҳам ҳосилдир. Ўзбек арузига махсус жиҳатлар қуйидагилар:

1. Ўзбек арузида 19 баҳрдан 11 тасигина қўлланади. Улар ҳазаж, ражаз, рамал, мунсарих, музориъ, мужтасс, ҳафиф, сариъ, мутақориб, мутадорик, комил баҳрларидир. Араб шеъриятига хос бўлган вофир, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, ғариб, муқтазаб баҳрлари ўзбек арузида қўлланмайди.

2. Ўзбек арузида қўлланадиган баҳрларнинг ўзбек тили хусусиятлари билан белгиладиган вазнлар доираси мавжуд. Бинобарин, шеъриятимизда қўлланадиган вазнлар сони ва турлари жиҳатидан араб ва форс-тожик шеъриятидаги вазнлардан фарқланиши мумкин.

3. Ўзгаришларнинг барчаси ҳам ўзбек арузига мос келармайди, шунинг учун араб ва форс-тожик арузига хос жа-

ми 44 хил ўзгаришнинг 23 туригина шеърятимизда қўлланади.

Аслида аруз шеърий ўлчов тизими сифатида араб ва форс-тожик шеърятларига хос жами 19 баҳр, уларнинг жами 200 дан ортиқ вазнларини ўрганиб, ўзлаштириб келинган. Аруз илмига бағишланган рисоаларнинг ҳар бирида шу ҳолатни кўрамиз. Лекин ўзбек арузи учун хос бўлмаган қоидалар, баҳрлар, ўзгаришлар, вазнларни ўзлаштириш ортиқча вақт сарфлашдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун биз китобда ўзбек арузи қоидаларинигина, шеърятимизда фойдаланилган ва фойдаланилаётган баҳрлар ҳамда вазнларинигина ўрганишни мақсадга мувофиқ деб билиб, ўзбек арузининг энг муҳим қоидаларинигина баён қилдик. Айни чоғда, ана шу қоидаларни ўзлаштириш учун қулай бўлган тартиб билан ёритишга интилдик.

## „АРУЗ“ ШЕЪРИЙ ЎЛЧОВ ТИЗИМИ НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ

Халил ибн Аҳмад ўзи асос солган илми „Аруз“ номи билан атаган эди. Бу сўзнинг маъносини арузшунослар турлича изоҳлаб келганлар. Алишер Навоий ўзининг „Мезонул авзон“ асаридида бу сўз маъносини қуйидагича шарҳлаган эди: „Халил ибн Аҳмад раҳматуллоҳқи, бу фаннинг возиидир, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмишки, ани „Аруз“ дерлар эрмиш ва ул водийда аъроб уйларин тикиб, жилва бериб, баҳога кияурлар эрмиш. Ва уйни араб „байт“ дер. Чун байтларни бу фан ила мезон қилиб, мавзуини номавзуинидин аюрурлар, гўёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била „аруз“ дебтурлар“<sup>1</sup>. Кўринадики, улуг шоир „аруз“ истилоҳи Халил ибн Аҳмад яшаган манзилга яқин бўлган водий номини билдиради, деган фикрни таъкидлаяпти, бу водийда араблар чодир уйларни тикиб, уларни безатиб, баҳосини аниқлаб сотар эдилар.

XV асрнинг таниқли адабиётшуносларидан бўлган Воҳид Табризий ўзининг „Жамиъ ул-мухтасар“ номли асаридида: „Аруз арабларнинг чодир уйини ушлаб турувчи устуннинг номи, арузийлар ҳар қайси байтнинг биринчи мисраси охиридаги рукни ҳам „аруз“ деб атайдилар, мисранинг мана шу охириги бўлаги айтилганида, шеърнинг қандай вазнда ёзилганлиги маълум бўлади“<sup>2</sup>, деб изоҳ берган эди. Аксар адабиётшунос олимлар „аруз“ истилоҳининг шу тарздаги икки хил шарҳини маъқуллайдилар.

Шарқ классик адабиётида кенг қўлланиб келган аруз вазни шеър мисраларида қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг муайян тартибда гуруҳланиб такрорланишига асосланади. Маълумки, ҳозирги шеърятимизнинг асосий ўлчов тизими ҳисобланган бармоқ ҳам шеър мисраларида бир хил миқдордаги бўғинларнинг муайян тартибда гуруҳланиб такрорланишини тақозо этади. Аммо унинг учун бўғинларнинг сифати, яъни қисқа ёки чў-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 14-том. Фафур Ғулом номидаги баъдий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1967. 137-бет.  
<sup>2</sup> Воҳид Табризий. „Джам-и мухтасар“. ИРД., Москва, 1959, 26-бет.

зиқлиги аҳамиятсиздир. Масалан, Ҳ. Олимжоннинг „Ўзбекистон“ шеърдан олинган қуйидаги мисраларни кўздан кечирайлик:

Водийларни яёв кезганда,  
 Бир ажиб ҳис бор эди менда,  
 Дарёлардан куйлаб ўтардим,  
 Кўшиқларга қулоқ тутардим.

Шу мисралардаги бўғинларни аниқласак, қуйидаги чизма пайдо бўлади:

```

    - - - - - √ - - - - -
    - √ - - - - - √ - - - - -
    - - - - - - - √ - - - - -
    √ - - - - - √ - √ - - - - -
    
```

Кўринадики, ҳар қайси мисрада 9 тадан бўғин бўлиб, улар 4-5 тарзида туроқларга бўлиниб такрорланади. Лекин мисралардаги чўзиқ ва қисқа бўғинлар сони ҳам ҳар хил, ўрни ҳам муайян эмас, яъни улар истаган миқдорда ва исталган ўринда кела олади. Аруз тизимида эса ҳар қайси мисрадаги қисқа ва чўзиқ бўғинлар сони ҳам бир хил, ўрни ҳам муайян бўлади. Масалан, Навоийнинг бир ғазали матлаини кўздан кечирайлик:

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,  
 Кўзларимга кеча тонг откунча уйку келмади.

Шу байтнинг чизмасини тузсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

```

    - √ - - - - - √ - - - - - √ - - - - - √ - - - - -
    - √ - - - - - √ - - - - - √ - - - - - √ - - - - -
    
```

Диққат қилинса, ҳар қайси мисрада 15 тадан бўғин бўлиб, уларнинг 11 таси чўзиқ, 4 таси қисқа эканини, ана шу чўзиқ ва қисқа бўғинлар мисраларда маълум ўринларда келаётганини кўриш мумкин.

Чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг шу тарздаги такрорланиши майин мусиқий ритм-оҳангни таъминлайди. Ёки Фурқатнинг „Сайдинг қўя бер, сайёд“ мусалласидан икки мисрани шу тарзда кўздан кечирайлик:

Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мендек,  
 Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек.

Бу мисраларнинг чизмасини шундай кўрсатиш мумкин:

```

    - - √ √ - - - - - - - √ √ - - - - -
    - - √ √ - - - - - - - √ √ - - - - -
    
```

Бинобарин, мазкур байтнинг ҳар мисрасида 14 тадан бўғин бўлиб, уларнинг 10 таси чўзиқ, 4 таси қисқа. Ана шу бўғинлар мисраларда қатъий бир тартибда барқарор бўлиб такрорланади. Аруз тизимига мансуб қайси бир вазнин олиб қараманг, уларда ана шу қонданинг қатъий сақланишини кўрасиз.

Юқоридаги парчаларда чўзиқ ва қисқа бўғинлар ҳар қайси мисрада муайян тарзда ритмик гуруҳларга уюшиб такрорланган. Бармоқ тизимидан фарқли ҳолда, ҳар қайси гуруҳда сўз ёки сўз бирикмаси тугалланиши шарт эмас, сўзлар ёки бирикмалар бўлиниб қолиб, иккинчи гуруҳга ўтиб кетиши ҳам мумкин. Ҳамид Олимжон шеърдан олинган парчада ҳар қайси мисрадаги биринчи гуруҳ—олдинги туроқлар *водийларни, бир ажиб ҳис, дарёлардан, қўшиқларга* тарзида тугалланган. Бу—бармоқ тизимига хос қонуни. Арузда ёзилган шеърларни кўздан кечирсак, биринчи мисрадаги „кеча келгум“ ритмик гуруҳидаги сўзлар кейинги гуруҳда давом этаётганини кузатамиз. Бинобарин, бу хусусият ҳам аруз тизимига хос саналади. Шунинг учун ҳам бу гуруҳлар бармоқда қўлланадиган „туроқ“ истилоҳи билан эмас, „руки“ истилоҳи билан ифодаланади.

Аруз тизимининг назарий масалаларини пухта ўзлаштириш, бу тизим асосида яратилган асарларни тўғри ва ифодали ўқиш, уларни гоъвий-бадий таҳлил қилиш учун бўғинлар ҳамда руқналарнинг хусусиятлари, турлари, шеър тузилишидаги ўрнини пухта билиб олиш зарур.

### Қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ бўғинлар

Маълумки, шеърий мисраларда мусиқий оҳанг унли ва ундош товушларнинг муайян тартибдаги такроридан ҳосил бўлади. Шу туфайли ҳам аруз назариясига оид илмий асарларда сокин (мустақил ундош ёки чўзиқ унли) ҳамда мутаҳаррик (ҳаракатланувчи, яъни қисқа унли олдидаги ундош) ҳарфлар вазн яратувчи энг кичик жўзв ҳисобланган. Бундай ҳарфлар араб ёзувигагина хос бўлиб, биз улар асосида иш кўролмаймиз. Бизда аруз тизимининг энг кичик бўлаги сифатида бўғин қабул қилинган. Шеърий вазн уч хил—қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ бўғинга асосланади.

Қисқа талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган ёки шундай унли билан тугаган очиқ бўғинлар қисқа бўғин деб аталади. У вазн чизмасида V ёки ∪ белгиси билан ифодаланади.

Чўзиқ талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган ёки шундай унли билан тугаган очиқ бўғинлар, шунингдек, таркибида қисқа унли бўлган ёпиқ бўғинлар чўзиқ бўғин саналади. Бундай бўғинлар вазн чизмасида—(чизиқча) белгиси билан ифодаланади. Шеър мисраларидаги бўғинларнинг чўзиқ ёки қисқалиги уларнинг ёзилишига қараб эмас, вазнга мувофиқ ўқилишига кўра аниқланади. Масалан, Машраб ғазалидан қуйидаги парчани кўздан кечирайлик:

Кўрсат жамолинг мастоналарга,  
Ишқингда куйган парвоналарга.

Мисраларни вазнга мувофиқ ўқиб туриб бўғинларга ажратсак, қуйидаги чизма ҳосил бўлади:

Кўр-сат жа-мо-линг мас-то-на-лар-ға,  
 — — √ — — — — √ — —  
 Иш-қинг-да куй-ган пар-во-на-лар-ға.  
 — — √ — — — — √ — —

Яъни кўр, сат, лирг, мас, лар, иш, қинг, куй, ган, пар, лар бўғинлари таркибида қисқа унли бўлган ёпиқ бўғин, мо, то, ға, во, ға бўғинлари эса чўзиқ унли билан тугаган очик бўғин сифатида чўзиқ бўғин деб белгиланади. Жа, на, да, на бўғинларидаги „а“ унлиси қисқа ўқилади ва шу туфайли қисқа бўғин саналади.

Шуни ҳам билиб қўйиш керакки, чўзиқ бўғиннинг ҳар икки тури бир хил белги билан ифодаланса-да, улар оҳанг яратиш жиҳатидан тенг эмас; очик чўзиқ бўғин ёпиқ чўзиқ бўғинга қараганда ёқимлироқ оҳанг беради.

Ёпиқ чўзиқ бўғин таркибида чўзиқ унли келса, у анча чўзиқ талаффуз этилади. Бундай бўғинлар ўта чўзиқ бўғин саналади. Шунингдек, қўш ундош билан тугаган бўғинлар ҳам ўта чўзиқ бўғин ҳисобланади. Бундай бўғинлар мисра ичида—√ белгиси билан, мисра охирида эса ~ белгиси билан ифодланади. Масалан, Бобурнинг машҳур бир ғазалидан олинган қуйидаги парчага эътибор беринг:

Сўрма ҳолимники, бўддум бурноғидин зорроқ,  
 Жисм жондин зору, жоним жисмдин афгорроқ.

Байтни вазнга мувофиқ ўқисак, биринчи мисрадаги *зорроқ* сўзининг ҳар икки бўғини, *афгорроқ* сўзининг кейинги икки бўғини таркибидаги „о“ унлисининг чўзиқ талаффуз қилиниши туфайли бошқа ёпиқ бўғинлардан фарқланиб туради. Чунки улар ўта чўзиқ бўғинлардир. Кейинги мисрадаги *жисм* сўзининг бўғинлари эса қўш ундош билан тугалланган. Шунга кўра улар ҳам ўта чўзиқ бўғин ҳисобланади. Байтнинг вазн чизмаси қуйидагича тузилади:

Сўр-ма-ҳо-лим ни-ки, бўл-дум бур-но-ғи-дин зор-роқ,  
 — √ — — — √ — — — √ — — — √ ~  
 Жисм-жон-дин зо-ру жо-ним жисм-дин аф-гор-роқ  
 — √ — — — √ — — — √ — — — √ ~

Бобурнинг қуйидаги байтини ҳам кўриб ўгайлик:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,  
 Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ўқишга алоҳида диққат қилинмаса, мисралардаги мусиқий оҳанг чиқмайди. Ифодали ўқишга эришиш учун *ёз, ёр, дўст, шеър, ишқ* бўғинлари таркибидаги унлиларни чўзиб талаффуз қилиш лозим, чунки улар ўта чўзиқ бўғинлардир. Байтнинг вазн чизмаси эса қуйидагича:

Ёз-фас-ли, ёр-вас-ли, дўст-лар-нинг суҳ-ба-ти  
 — √ — — — √ — — — √ — — — √ —

Шеър-бах-си, ишқ-дар-ди, бо-да-нинг -кай-фи-яти  
— √ — — — √ — — — √ — — — √ —

Аруз тизими қондаларига мувофиқ бўғинлар бир-бирига қўшилиб кетаверади. Хусусан, ёпиқ бўғин охиридаги ундош вазн талаби билан ўзидан кейинги унли билан қўшилиб ўқи-лиши мумкин. Бу васл ҳодисаси дейилади. Бу ҳолда чўзиқ бўғин қисқа бўғин ёхуд ўта чўзиқ бўғин очиқ чўзиқ бўғинга айланиб қолиши мумкин.

Кўриниб турибдики, ўта чўзиқ бўғин ритм—оҳанг ҳосил қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Бўғинлар ҳақидаги юқорида айтилган маълумотларни амал-лий жиҳатдан пухта ўзлаштирмай туриб, аруз назариясининг бошқа масалаларига киришиб бўлмайди. Шунинг учун арузда яратилган шеърий асарда бўғинларнинг чўзиқ-қисқалигини аниқлаш юзасидан мумкин қадар кўпроқ машқ қилиш лозим. Шундагина ўқиш давомида бўғиннинг тури осонлик билан белгиланади. Хусусан, ўта чўзиқ бўғинларга алоҳида эътибор бериш лозим.

**Машқ учун мисоллар:**

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондир жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

*Лутфий.*

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг суҳбатин кўнгулм писанд этмас.

*Навоий.*

Кўрдум юзунгни, девона бўлдум,  
Ақли ҳушимдин бегона бўлдум.

*Машраб.*

Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Суҳбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоғлар.

*Муқимий.*

Дўстлар, айшу тараб фасли баҳор истар кўнгул,  
Ҳар кун еаҳрода сайри долазор истар кўнгул.

*Фурқат.*

**Сабаб, ватад, фосила**

Қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг бирикувидан сабаб, ватад, фосила<sup>1</sup> деб аталган бўлақлар ташкил топади.

Сабаб бир чўзиқ ёхуд икки қисқа бўғин демакдир. Бир чўзиқ бўғиндан иборат бўлган сабаб (чизмаси: —) сабаби ҳа-

<sup>1</sup> Аруз илмига асос солган араб адабиётшуноси Халил ибн Аҳмад шеър бирлиги—байтни уйга—шеър уйига ўхшатиб, атамаларни ҳам арабларнинг ҳодир уйи ашёлари номидан олган. *Сабаб, ватад, фосилалар* ҳам шу хил уйни тиклашда фойдаланиладиган *арқонча, қозикча* каби нарсалар номини билдиради.



фиф (енгил сабаб), икки қисқа бўғиндан тузилган сабаб (чизмаси: V V) эса сабаби сақийл (оғир сабаб) дейилади.

Қисқа ва чўзиқ бўғиннинг бирикувидан ватад деб аталган бўлак тузилади. Бундай бирикмада қисқа бўғин чўзиқ бўғиндан олдин ёки кейин келиши мумкин. Шунга кўра ватадлар икки хил бўлади:

1. Ватади мажмуъ, яъни қўшилган ватад.

2 Ватади мафруқ, яъни ажратилган ватад.

Ватади мажмуъ чўзиқ бўғиннинг ўзидан олдин келган қисқа бўғин билан бирикувидан тузилади ва чизмада V — белгиси билан ифодаланади.

Ватади мафруқ эса, аксинча, чўзиқ бўғиннинг ўзидан кейин келган қисқа бўғин билан бирикувидан тузилади ва чизмада — V белгиси билан кўрсатилади.

Ватадлар таркибидаги чўзиқ ва қисқа бўғин бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, қўшиб талаффуз қилинади. Масалан, „ғўзал ватан“ бирикмасидаги ҳар икки сўз бўғинларининг тувилиши ватади мажмуъга мисол бўла олади. Унда биринчи бўғин қисқа бўлиб, кейинги чўзиқ бўғин билан бирикиб келади, бир-биридан ажралмаган ҳолда талаффуз қилинади. Шунингдек, *китоб*, *ҳаёт*, *қуёш*, *бахор* каби сўзлар ҳам ватади мажмуъни ифодалайди.

Фўрқатнинг „Гимназия“ шеъридаги:

Дема гимназияким, бир гулистон,

Эрур ҳарёнда гудчинлар хироми—

байтининг вазн чизмаси қуйидагича бўлади:

V — — — V — — — V — —  
V — — — V — — — V — —

Бу мисралардаги 1—2, 5—6 ва 9—10 бўғинлар, яъни биринчи мисрадаги дема, зия, гулис, иккинчи мисрадаги эрур, да, гул, хиро бўғин бирикмалари ватади мажмуъдан ташкил топгандир. Қолган чўзиқ бўғинлар сабаб ҳисобланади. Юқоридаги мисраларнинг тузилишини қуйидагича кўрсатиш ҳам мумкин:

ватад сабаб сабаб ватад сабаб сабаб ватад сабаб

V — — — V — — — V — —

Навоийнинг „Ул шайхки“ ғазалидан қуйидаги парчани кўрайлик:

Ул шайхки минбар уза афсунга берур тул,

Шайтондир ўзи, мажлисининг ақли суруқ гўд.

Бу байтнинг чизмаси қуйидагича:

— — V V — — V V — — V V — —  
— — V V — — V V — — V V — —

Демак, мисралар ватад ҳамда сабаблардан тузилган. Ҳар қайси мисрадаги 2—3, 6—7, 10—11 бўғинлар ватади мафруқ (чўзиқ бўғиндан кейин қисқа бўғин келган) ни ташкил этган бўлса, 4—5, 8—9, 12—13 бўғинлар ватади мажмуъни ҳосил

қилган. Биринчи ва охириги (14-) бўғинлар эса сабабдир. Яъни байтнинг ҳар қайси мисраси:

Сабаб ватади мафрук (ватади мажмуъ ватади мафрук)  
ватади мажмуъ ватади мафрук (ватади мажмуъ) сабабдан

ташқил топган.

**Фосила** эса икки ёки уч қисқа бўғиннинг ўзидан кейин келган бир чўзиқ бўғин билан бирикишидан ҳосил бўлади. Агар икки қисқа бўғин билан чўзиқ бўғин бирикса, кичик фосила (фосилаи суғро) тузилади ва у чизмада  $VV$ — тарзида кўрсатилади, уч қисқа бўғин билан бир чўзиқ бўғин бирикиб, **катта фосила** (фосилаи кубро) ҳосил қилади ва у чизмада  $VVV$ — тарзида кўрсатилади. Катта фосила ўзбек шеър-иятида деярли қўлланмаган

### Руки, унинг тузилиши ва турлари

Сабаб, ватад ва фосилаларнинг бирикувидан шеър-ий мисралар ҳосил қилувчи энг йирик бўлак—руки майдонга келади.

Бир сабаб билан ватади мажмуъ бирикмасидан „фаулун“ ва „фоилун“ рукилари ҳосил бўлади. Агар ватадан сўнг сабаб келса, „фаулун“ руки, аксинча, сабабдан сўнг ватад келса, „фоилун“ руки тузилади. **Фаулун** руки чизмада  $V$ — тарзида, **фоилун** руки эса  $-V$ — тарзида ифодаланади

Икки сабаб билан бир ватаднинг бирикувидан тўртта тўрт бўғинли руки тузилади. Булар мафойилун, фоилотун, мустафъилун ва мафъулоту рукиларидир.

Ватади мажмудан сўнг икки сабаб келса, **мафойилун** руки (чизмаси:  $V---$ ), ватади мажмуъ икки сабаб ўртасида келса, **фоилотун** руки (чизмаси:  $-V---$ ), ватади мажмуъ икки сабабдан сўнг келганда, **мустафъилун** руки (чизмаси:  $---V-$ ) ҳамда икки сабабдан сўнг ватади мафрук келса, **мафъулоту** руки (чизмаси:  $----$ ) ҳосил бўлади.

Ватад ҳамда фосиланинг бирикувидан ҳам икки руки—мутафоилун ва мафоилатун рукилари майдонга келади.

Ватади мажмуъ кичик фосиладан олдин келганда, **мафоилатун** руки (чизмаси:  $V-VV-$ ) ҳамда шу ватад кичик фосиладан кейин келганда, **мутафоилун** руки (чизмаси:  $VV-V-$ ) тузилади.

Шундай қилиб, сабаб, ватад ҳамда фосилалар бирикувидан аруз вазнининг асллар деб аталувчи қуйидаги рукилари ҳосил бўлади:

Руки номи	чизмаси	Руки номи	чизмаси
фаулун	$V---$	мустафъилун	$---V-$
фоилун	$-V-$	мафъулоту	$----V$
мафойилун	$V----$	мутафоилун	$VV-V-$
фоилотун	$-V---$	мафоилатун	$V-VV-$

## Баҳрлар, уларнинг тузилиши ва турлари

Аруз вазнидаги шеър ўлчовларининг асосий турлари— баҳрлар юқоридаги 8 рукннинг турли тартибда бирикиб такрорланишидан ҳосил бўлади. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

**1. Бир рукннинг айнан такроридан тузилган баҳрлар.** Бундай баҳрлар 7 та бўлиб, мафъулоти рукнидан бўлак, юқоридаги етти рукннинг айнан такроридан ҳосил бўлади. Яъни **фаулун** рукни такроридан **мутақориб баҳри**, **фоилун** рукни такроридан **мутадорик баҳри**, **мафойилун** рукни такроридан **ҳазаж баҳри**, **фоилотун** рукни такроридан **рамал баҳри**, **мустафъилун** рукни такроридан **ражаз баҳри**, **мутафоилун** рукни такроридан **комил баҳри** ҳамда **мафоилатун** рукни такроридан **вофир баҳри** ҳосил бўлади.

Бир байтда бу рукнлар тўрт марта такрорланса, бундай вазни **мураббаъ** (арабча „тўртлик“ дегани), олти марта такрорланса, **мусаддас** (арабча „олтилик“), саккиз марта такрорланса, **мусамман** (арабча „саккизлик“) деб юритилади. Мисоллар:

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу чархи бемуруватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

*Увайсий.*

Мазкур байтнинг рукнлари ва чизмаси қуйидагича:

За-мо-на	кул-фа-ти-дин	бу	кў-нгул	до-ғўл	ди-до-ғўл-ди,
√----	√----		√----	√----	
мафойилун	мафойилун		мафойилун	мафойилун	
Бу-ча-хи-бе	му-рув-ват-дин	кў-нгул-до-ғўл	ди-до-ғўл-ди.		
√----	√----	√----	√----		
мафойилун	мафойилун	мафойилун	мафойилун		

Кўринадики, бу байтда мафойилун рукни саккиз марта такрорланяпти. Демак, ушбу шеър **ҳазаж мусаммани солим** вазнида ёзилган экан.

Кўздин тўкулди қон ёшим, мен мубтало қайга борай?  
Раҳм айламас ул маҳвашим, мен мубтало қайга борай?

*Муқимий.*

Бу мисраларнинг рукнлари ва чизмаси қуйидагича:

Кўз-дин-тў-кул	ди-қон-ё-шим	мен-муб-та-ло	қай-га-бо-рай?
---√-	---√-	---√-	---√-
мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун
Раҳ-май-ла-мас	ул-маҳ-ва-шим	мен-муб-та-ло	қайга-бо-рай?
---√-	---√-	---√-	---√-
мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун

Байтда мустафъилун рукни 8 марта такрорланган. Демак, бу шеърнинг баҳри ражаз бўлиб, вазннинг номи ражази **мусаммани солимдир**.

Не хаёл эди янаким кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,  
Баданимга ҳар саридин ҳаламг урубон анга қафас айладинг.

Навоий.

Ушбу байт рукнлари ва чизмасини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Не-ха-ёл-э-ди я-на-ким кў-нгул қу-ши-сай-ди-ни -

√√—√—

√√—√—

√√—√—

мутафоилун

мутафоилун

мутафоилун

ҳа-ва-сай-ла-динг

√√—√—

мутафоилун

Ба-да-ним-га-ҳар са-ри-дин ҳа-данг -у-ру-бон а-нга

√—√—

√√—√—

√√—√—

мутафоилун

мутафоилун

мутафоилун

қа-фа-сай-ла-динг

√√—√—

мутафоилун

Бу байтда мутафоилун рукни 8 марта такрорланипти. Шунга кўра, унинг баҳри комил саналиб, вазннинг номи **комили мусаммани солимдир**.

Юқорида кўриб ўтганимиз бир хил рукннинг айнан такроридан тузиладиган мутақориб, ҳазаж, ражаз баҳрлари ўзбек адабиётида асосан саккиз рукнли вазнлар сифатида энг кўп қўлланади. Айниқса, ҳазажи мусаммани солим ва ражази мусаммани солим вазнларида шоирлар кўплаб лирик шеърлар яратганлар. Масалан, Навоийнинг „Хазойинул маоний“ китобига кирган 3132 шеърдан 259 таси, шу жумладан, 245 ғаза-ли ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Муқимийнинг ички жилдлик танланган асарларига кирган 48 шеъри шу вазнида битилган.

II. **Икки хил рукнли баҳрлар**. Аруз вазнига мансуб бир қатор баҳрлар икки хил рукннинг маълум тартибда такрорланишидан юзага келади. Бундай бирикиб такрорланиш икки турлидир:

**Бигтадан олинган икки хил рукннинг такрорланишидан ҳосил бўлган баҳрлар**. Бундай баҳрлар бизга маълум 8 рукннинг иккита-иккита бўлиб такрорланишидан тузилади.

Мафойилун ва фоилотун рукнларининг кетма-кет такрорланишидан музореи баҳри юзага келади. Улар бир байтда:

мафойилун фоилотун

мафойилун фоилотун

тарзида такрорланса, музореи мураббаи солим вазни,

мафойилун фоилотун мафойилун,

мафойилун фоилотун мафойилун

тарзида такрорланса, музореи мусаддаси солим вазни,

мафойилун фоилотун мафойилун фоилотун  
мафойилун фоилотун мафойилун фоилотун

тарзида такрорланса, музореи мусаммани солим вазни ҳосил бўлади

Фоилотун ва мустафъилун рукналарининг бирикиб такрорланишидан хафиф ва мужтасс баҳрлари тузилади. Фоилотун рукни мустафъилундан олдин келиб такрорланса, хафиф баҳри ҳосил бўлади.

Уларнинг ўрин алмашилиб такрорланишидан эса мужтасс баҳри юзага келади.

Мустафъилун ва мафъулоту рукналари такроридан мунсариҳ ва муқтазаб баҳрлари тузилади. Агар мустафъилун рукни мафъулоту рукнидан аввал келиб такрорланса, мунсариҳ баҳри ҳосил бўлади. Мафъулоту рукни мустафъилун рукнидан аввал келиб такрорланганда эса, муқтазаб баҳри тузилади.

Фаулун ҳамда мафойилун рукналарининг бирикиб такрорланишидан тавил баҳри тузилади.

Фоилотун ва фоилун рукналарининг кетма-кет келиб такрорланишидан мадид баҳри, мустафъилун ва фоилун рукналарининг кетма-кет келиб такрорланишидан басит баҳри ҳосил бўлади.

Икки бир хил ва битта бошқа хил рукналарнинг такрорланишидан тузилган баҳрлар. Бундай баҳрлар ҳар бир мисрада уч рукнининг маълум тартибда такрорланишидан ҳосил бўлади. Улардан иккитаси бир хил, учинчиси бошқа хил рукнидан иборат бўлади. Бир мисрада уч, бир байтда эса олтига руки иштирок этгани учун бундай баҳрлар олти рукник, яъни мусаддас шаклдагина намоён бўлади, улар мураббаъ ва мусамман кўринишларига эга бўлмайди.

1. Қариб баҳри. Бу баҳр иккита мафойилун ва битта фоилотун рукни такроридан тузилади. Шеър байтларида доимо:

мафойилун мафойилун фоилотун  
мафойилун мафойилун фоилотун

тарзида қўлланиб, қариби мусаддаси солим вазини ҳосил қилади.

2. Мушокил баҳри. Бу баҳр иккита мафойилун ва битта фоилотун рукни такроридан тузилади. Солим рукналарининг ҳар бир байтда:

фоилотун мафойилун мафойилун  
фоилотун мафойилун мафойилун

тарзида такрорланишидан мушокил баҳрининг мушокили мусаддаси солим вазни ҳосил бўлади.

3. Ғариб баҳри. Бу баҳр иккита фоилотун ва битта мустафъилун рукни такроридан тузилади. Бу рукналар ҳар қайси байтда солим ҳолда:

фоилотун фоилотун мустафъилун  
фоилотун фоилотун мустафъилун

Тарзида такрорланишидан ғариби мусаддаси солим вазни ҳосил бўлади.

4. **Сариъ баҳри.** Бу баҳр икки мустафъилун ва бир мафъулоту рукни такроридан тузилади. Бу рукнларнинг шеър байтларида:

мустафъилун мустафъилун мафъулоту  
мустафъилун мустафъилун мафъулоту

тарзида такрорланишидан сарен мусаддаси солим вазни ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, арузнинг 19 баҳри билан танишдик. Ҳажаз, ражаз, рамал, мутақориб, ҳафиф, мужтасс, сариъ баҳрлари ўзбек шоирлари ижодида кенг қўлланган, мутадорик, комил, мунсариҳ баҳрларида яратилган шеърӣ асарлар унча кўп эмас. Улардан саккизтаси, хусусан вофир, муқтазаб, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, ғариб баҳрларидан шеърӣятимизда фойдаланилмайди.

### Зиҳофлар

Аруз вазнининг мураккабликларидан бири шундаки, биз юқорида кўриб ўтган саккиз асосий рукн шеър мисраларида, баҳрларда кўпинча турли ўзгаришлар билан қўлланади. Бу ўзгаришлар аруз илмида зиҳоф деб юритилади. Саккиз рукн ҳаммаси бўлиб 45 хилгача зиҳофга учрайди. Бу ўзгаришларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Рукнлар таркибидаги бўғинларнинг сон жиҳатидан ўзгариши, яъни бўғинларнинг туширилиши ёки орттирилиши.

2. Рукнлар таркибидаги бўғинларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши; чўзиқ бўғинларнинг қисқа ёхуд ўта чўзиқ, шунингдек, қисқа бўғинларнинг чўзиқ бўғинларга айлантирилиши.

3. Юқоридаги икки хил ўзгаришнинг бир вақтда қўлланиши, яъни рукнлар таркибидаги бўғинларнинг бир вақтда ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгартирилиши.

Аруз вазнининг асоси бўлган рукнларнинг турли хил ўзгаришларга дуч келиши натижасида уларнинг ўзгарган кўринишлари, фуруълари, яъни тармоқ рукнлар ҳосил бўлади. Бундай тармоқ рукнлар сони ҳар бир асосий рукнда ҳар хил миқдорга ва ҳар хил кўринишга эга.

### Мафойилун рукннинг тармоқлари

Мафойилун рукни юқоридаги зиҳофлардан 12 тасида учрайди, демак, бу рукннинг 12 хил тармоқ кўриниши мавжуд.

## 1. Бўгинларнинг сон жиҳатидан ўзгариши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукнлар

1. **Мафъулун** — мафойилун рукнининг „ҳарм“ („бурунни кесиш“) зиҳофига дуч келиб, биринчи қисқа бўғини туширилишидан ҳосил бўлади: мафойилун рукнининг биринчи бўғини „ма“ туширилгач, қолган „фойилун“ қисми ўзига тенг мафъулун рукни билан алмаштирилади ва „бурни кесик“ маъносида аҳрам деб юритилади

2. **Фаулун** — „ҳазф“ („ташлаш“) зиҳофига дуч келишдан ҳосил бўлади: мафойилун рукнининг охириги бўғини „лун“ туширилади ва қолган „мафой“ қисми ўзига тенг бўлган фаулун рукни билан алмаштирилади ва маҳзуф деб юритилади.

3. **Фаал** — „жабб“ („бичиш“) зиҳофига дуч келиб, кейинги икки сабабнинг туширилишидан ҳосил бўлади: мафойилун рукнининг „ийлун“ қисми туширилгач, қолган „мафо“ қисми ўзига тенг фаал рукни билан алмаштирилиб, ажабб деб юритилади.

4. **Фаъ** — „батар“ („илдиздан ағдариш“) зиҳофига дуч келишдан ҳосил бўлади: мафойилун рукнининг олдинги уч бўғини — „мафой“ қисми туширилгач, қолган „лун“ қисми ўзига тенг фаъ рукни билан алмаштирилади ва абтар деб юритилади.

## II. Бўгинларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукнлар

Мафойилун рукни таркибидаги бўғинларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши, яъни чўзиқ бўғинларнинг қисқа бўғинларга ва аксинча ўзгартирилиши натижасида қуйидаги тармоқ рукнлар ҳосил бўлади:

1. **Мафойлун** — „қабз“ (ушлаб қолиш) зиҳофига дуч келиб, учинчи, чўзиқ бўғиннинг қисқа бўғинга айлантирилишидан ҳосил бўлади ва мақбуз деб юритилади.

2. **Мафойилу** — „кафф“ (қайтариш) зиҳофига дуч келиб, тўртинчи, чўзиқ бўғиннинг қисқа бўғинга айлантирилишидан ҳосил бўлади ва макфуф деб юритилади.

3. **Мафойилон** — „тасбиғ“ (тўлдириш) зиҳофига дуч келиб, охириги чўзиқ бўғиннинг ўта чўзиқ бўғинга айлантирилишидан юзага келади ва мусаббағ деб юритилади.

## III. Бўгинларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукнлар

Мафойилун рукни таркибининг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгариши, яъни бўғинларнинг туширилиши, айни вақтда чўзиқ бўғинларнинг қисқа бўғинга ёки ўта чўзиқ бўғинга айлантирилиши натижасида қуйидаги тармоқ рукнлар ҳосил бўлади:

1. **Фоилун** — „шатар“ (айбли қилиш) зиҳофига дуч келиши туфайли биринчи бўғини туширилиб, айни вақтда учинчи бўғини қисқа бўғинга айлантирилгач, қолган фоилун қисми аштар деб юритилади.

2. **Фаул** — „хатм“ (тишни синдириш) зиҳофига дуч келиб, кейинги икки бўғиннинг туширилишидан, айни вақтда иккинчи, чўзиқ бўғиннинг ўта чўзиқ бўғинга айлантирилишидан ҳосил бўлади ва ахтам деб юритилади.

3. **Мафойил** — „қаср“ (қисқартириш) зиҳофига дуч келиб, охириги бўғиннинг туширилиши ва учинчи, чўзиқ бўғиннинг ўта чўзиқ бўғинга айлантирилишидан ҳосил бўлади ва мақсур деб юритилади.

4. **Мафъулу** — „харб“ (вайрон қилиш) зиҳофига дуч келиб, биринчи бўғиннинг туширилиши, айни вақтда тўртинчи бўғиннинг қисқа бўғинга айлантирилишидан ҳосил бўлади. Бундай ўзгаришдан сўнг қолган „фойилу“ қисми ўзига тенг мафъулу рукни билан алмаштирилади ва ахраб деб юритилади.

5. **Фозъ** — мафойилун рукнининг „залал“ (соннинг гўштсиз бўлиб қолиши) зиҳофига дуч келиб, биринчи, учинчи ва тўртинчи бўғинларнинг туширилиши, айни вақтда қолган иккинчи бўғиннинг ўта чўзиқ бўғинга айлантирилишидан юзага келади ва азалл деб юритилади.

Демак, мафойилун рукнининг турли зиҳофларга дуч келиши натижасида унинг куйидаги тармоқлари (фуруълари) ҳосил бўлади ва тубандагича аталади:

1. Мафойилон ( $\vee - - \sim$ ) — мусаббар
2. Мафоилун ( $\vee - \vee -$ ) — мақбуз
3. Мафойилу ( $\vee - - \vee$ ) — мақфуф
4. Мафойил ( $\vee - \sim$ ) — мақсур
5. Мафъулун ( $- - -$ ) — ахрам
6. Мафъулу ( $- - \vee$ ) — ахраб
7. Фаулун ( $\vee - -$ ) — маҳзүф
8. Фоилун ( $- \vee -$ ) — аштар
9. Фаал ( $\vee -$ ) — ажабб
10. Фаул ( $\vee \sim$ ) — ахгам
11. Фазъ ( $-$ ) — абтар
12. Фозъ ( $\sim$ ) — азалл.

Мафойилун рукнининг тармоқлари шу рукнининг такрори асосига қурилган ҳазаж баҳри вазнларида, шунингдек, мафойилун рукни иштирокида тузиладиган музореъ баҳри вазнларида қўлланилади.

Маълумки, баҳр — аруз шеърини ўлчов тизимининг асосий турларидан бири. Ҳар қайси баҳр эса кўплаб вазнларни — шу баҳрнинг тармоқларини ўз ичига олади.

Вазнларни аниқлаш учун шеърини асар байтлари, аксарият биринчи байти — мағлаи вазнга мувофиқ ўқилди. Сўнг ҳар қайси мисраъ бўлакларга — рукнларга ажратилиб, уларнинг биз кўриб ўтган қайси асл ёки тармоқ рукнларга тенг эканлиги



оғзаки ёки ёзма тарзда — чизмасини чизиш йўли билан аниқланади.) Тармоқ руки қайси асдан ҳосил қилингани белгилангач, баҳр маълум бўлади.

Шундан кейин бир байтда шу руки неча марта такрорланганига кўра вазнининг 4. 6 ёки 8 рукилиги, ёхуд мураббаъ, мусаддас ёки мусамман эканлигини билиб оламиз. Ҳар қайси рукининг номини белгилаб, шу байт мисраларида қайси рукилар иштирок этганини ҳисобга олиб, вазни топамиз.

Байтлардаги ҳар қайси рукининг ўз ўрнига кўра номи бор. Олдинги мисранинг биринчи руки садр, охиригиси аруз, кейинги мисранинг биринчи руки ибтидоъ, охиригиси зарб, қолган рукилар эса ҳашв деб аталади. Жумладан, 8 рукили байтда улар қуйидагича жойлашади:

садр ҳашв ҳашв аруз  
ибтидоъ ҳашв ҳашв зарб

6 рукили байтда эса улар

садр ҳашв аруз  
ибтидоъ ҳашв зарб

тарзида ўрин олади.

Масалан, Навоийнинг „Фарҳод ва Ширин“ достонидан олинган:

Недур аҳволинг, эй зори ғарибим,  
Висолим давлатидин бенасибим

байтининг, у орқали эса достоннинг вазнини аниқламоқчи бўлсак, аввало, байтни ифодали ўқиймиз, сўнг уни:

Недур аҳво линг эй зори ғарибим,  
Висолим дав латидин бе насибим

тарзида ритмик бўлак—рукиларга ажратамиз. Ҳар қайси руки биз ўзлаштирган рукиларнинг асл кўриниши ёхуд бирон тармоғига тенг келади, ўша асл ёхуд тармоқни оғзаки аниқлаймиз.

Кўриниб турибдики, мисраларнинг биринчи—садр ва ибтидоъ ҳамда ўртадаги — ҳашв рукилари мафойилунга, мисралар охиридаги аруз ва зарб рукилари фаулунга тенг.

Оғзаки аниқлаш мушкул туюлса, ҳар қайси мисраъ чизмасини белгилаб чиқиш мумкин. Байт рукилари чизмасини чизсак, шундай манзара ҳосил бўлади:

Не-дур аҳ-во ли-нг эй-зо-ри га-ри-бим,  
√ — — — √ — — — √ — —  
Ви-со-лим-дав ла-ти-дин-бе на-си-бим.  
√ — — — √ — — — √ — —

Олдинги чизмалар мафойилун, охиригиси эса фаулунга тенглиги кўриниб турибди. Фаулун-мафойилун рукининг маҳзуф тармоғи. Мисраларда мафойилун руки такрорланаётган экан, демак, байт ҳазаж баҳрида ёзилгани маълум бўлди. Байтда 6

руки қўлланган, демак, у мусаддас, яъни—олти рукнли вазнда ёзилган. Садр, ибтидоъ, ҳашвлар—солим, аруз ва зарб эса маҳзуф кўринишда. Бинобарин, байт вазни ҳазажи мусаддаси садр, ибтидоъ ва ҳашвлар—солим, аруз ва зарб маҳзуф тарзида ифодаланади. Лекин аруз илмида вазнларни қисқача, солим рукиларни кўрсатмай, фақат тармоқ рукиларнигина таъкидлаш қабул қилинган. Шунга кўра, мазкур вазнни ҳазажи мусаддаси маҳзуф деб ифодалаш мумкин. Демак, вазнни қисқа ифодалаш учун байт ёхуд шеърнинг қайси баҳрда ёзилганлиги, рукилар сони ҳамда мисраларда қандай тармоқ рукилар қўлланганини кўрсатиш керак экан.

### Ҳазаж баҳри вазнлари

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳазаж баҳри мафойилун рукининг шеър мисраларида такрорланишига асосланади. Шу асл руки ва унинг кўриб ўтилган тармоқлари (фуруълари) ҳазаж баҳрининг кўпгина вазнларини белгилаш диксониятини ярагади.

Адабиётимизда ҳазаж баҳрининг мусаддас (олти рукнли), мусамман (саккиз рукнли) ҳамда мустаҳзод (орттирилган, 12 рукили) вазнлари кўп қўлланилган. Шулардан энг муҳимлари билан танишиб ўтайлик.

### Олти рукнли вазнлар

Ҳазаж баҳрининг бу хил вазнларидан тўрттаси шеърятим изда кўл учрайди.

1. **Ҳазажи мусаддаси маҳзуф.** Номидан кўриниб турибдики, бу вазнда мафойилуннинг маҳзуф кўриниши—фаулун руки иштирок этади.

Чиқиб кенг пахта майдонларни кўрдик,  
Адирда яшнаган донларни кўрдик.

*Ҳабибий.*

Юқоридаги байтни рукиларга ажратиб, уларнинг чизмасини белгилаб, ҳар қайси бўлакнинг қайси солим ва тармоқ рукиларга мослигини белгиласак,

Чи-қиб-кенг-пах та май-дон-лар ни-кўр-дик
$\vee$ — — — $\vee$ — — — $\vee$ — —
мафойилун                      мафойилун                      фаулун

кўриниши ҳосил бўлади. Демак, байтнинг садр, ибтидоъ ҳашвлари—солим, аруз ва зарб эса маҳзуф рукига тенг экан. Шунга кўра, унинг вазни ҳазажи мусаддаси маҳзуф деб кўрсатилади.

2. **Ҳазажи мусаддаси мақсур.** Бу вазнда байтлардаги олти рукининг иккитаси — мисралар охиридаги аруз ва зарб рукилари мафойилун рукининг мақсур кўринишида — мафойил шаклида бўлади.

Юқоридаги вазндан фарқи фақат шундаки, охирги рукилар ўта чўзиқ бўғин билан тугалланади. Масалан:

Қилур пайконларинг кўнглум ўтин тез,  
Агарчи қатра бўлмас шуъла ангез.

*Навоий.*

Мазкур байт чизмасини аниқлаб, рукиларга ажратсак, қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Қи-лур-пай	кон	ла-ринг	кўнг-лум	ў-тин	тез
∨ — — —		∨ — — —		∨ — — ~	
мафойилун		мафойилун		мафойил	

А-гар-чи	қат	ра-бўл-мас-шуъ	ла-ан-гез
∨ — — —		∨ — — —	∨ — — ~
мафойилун		мафойилун	мафойил

3. Ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи маҳзуф. Бу вазнда мафойилуннинг уч фуруъи — мафъулу, мафоилун ва фаулун рукилари иштирок этади. Масалан:

Ҳар дам манга юз жафо қилурсан,  
Минг дардга мубтало қилурсан

*Огаҳий.*

Мазкур байтнинг садр ва ибтидоъ рукилари мафъулу (аҳраб)га, ҳашвлари мафоилун (мақбуз)га, аруз ва зарб рукилари эса фаулун (маҳзуф)га тенгдир. Байт чизмаси эса қуйидагича:

Ҳар-дам-ма	нга юз-жа-фо	қи-лур сан
— — ∨	∨ — ∨ —	∨ — —
мафъулу	мафоилун	фаулун
Минг-дар-д	ға-муб-та-ло	қи-лур-сан
— — ∨	∨ — ∨ —	∨ — —
мафъулу	мафоилун	фаулун

4. Ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи мақсур. Бу вазн юқоридагидан мисралардаги охирги бўғиннинг ута чўзиқлиги, яъни охирги рукининг фаулун (маҳзуф)га эмас, мафойил (мақсур)га тенглиги билангина фарқланади. Масалан:

Тутғил бу жаҳонни, эй дилафгор,

Бир дилбари шўху ноз кирдор.

*Огаҳий.*

байтнинг вазнини аниқласак, қуйидаги чизма ҳосил бўлади:

Тут-ғил-бу	жа-ҳон-ни-эй	ди-лаф-гор,
— — ∨	∨ — ∨ —	∨ — ~
мафъулу	мафоилун	мафойил
Бир-дил-ба	ру-шў-ху-но	з-кир-дор
— — ∨	∨ — ∨ —	∨ — ~

Юқоридаги тўрт вазнининг ҳаммаси ҳам ўйноқи, ёқимли оҳангга эга бўлиши туфайли ҳам лирик, ҳам лиро-эпик поэзияда кенг қўлланилган. Ҳазажи мусаддаси маҳзүф ва мақсур вазнларида Хоразмийнинг „Муҳаббатнома“, Қутбнинг „Хисрав ва Ширин“, Лутфийнинг „Гул ва Наврўз“, Навоийнинг „Фарҳод ва Ширин“ дostonлари битилган. Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзүф ва мақсур вазнларида Навоий ва Фузулийнинг „Лайли ва Мажнун“ дostonлари яратилган.

### Саккиз рукли вазнлар

1. Ҳазажи мусаммани мусаббағ. Бу вазнда битилган мисраларнинг олдинги уч рукни мафойилун, охиригиси мафойилон, яъни мафойилуннинг мусаббағ тармоғига тенг бўлади.

Қизил ёхуд қаро ё кўк тўнунг ҳар бир эрур мавзун,  
Начукким, ой либоси ҳам шафақ, ҳам кеча, ҳам гардун.

*Навоий.*

байтини рукларга ажратиб, уларнинг чизмасини аниқласак, охириги бўғин ўз таркибидаги „у“ унлисининг чўзиқ талаффуз қилиниши туфайли ўта чўзиқ бўғин ҳосил қилаётгани, бинобарин, охириги рукни мафойилонга тенг эканлигини кўрамиз. Байт чизмаси эса қуйидагича бўлади:

Қизил	ёхуд	қаро	ё	кўк	тўнунг	ҳар	бир	эрур	мавзун,
√	—	—	—	√	—	—	—	√	—
—	—	—	—	—	—	—	—	—	~
Начукким	ой	либоси	ҳам	шафақ	ҳам	ке-	ча	ҳам	гардун
√	—	—	—	√	—	—	—	√	—
—	—	—	—	—	—	—	—	—	~

Чизмани руклар билан алмаштирсак,

мафойилун	мафойилун	мафойилун	мафойилон
мафойилун	мафойилун	мафойилун	мафойилон

кўринишига эга бўламиз.

2. Ҳазажи мусаммани ахраб. Бу вазнда ёзилган шеърларнинг ҳар бир байти 8 рукли бўлиб, кўпинча мисраларнинг биринчи ва учинчи руклари ахраб кўринишида бўлади. Масалан:

Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мендек,  
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек.

*Фурқат.*

Бу байтнинг чизма ва рукларини аниқласак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

Сай-динг-қў	я-бер-сай-ёд,	сай-ё-ра	э-кан мен-дек,
—	—	—	—
√	√	—	√
—	—	—	—
мафзулу	мафойилун	мафзулу	мафойилун
Ол-до-ми	ни-бўй-ни-дин	бе-чо-ра	э-кан-мен-дек.
—	—	—	—
√	√	—	√
—	—	—	—
мафзулу	мафойилун	мафзулу	мафойилун

## Мисоллар:

Гул барг уза қилмишсен то сабзан тар пайдо,  
Кун кўзгусида гўё занг этти асар пайдо.

*Навоий.*

Ул дилбари раънога мен ёр бўлай дерман,  
Май берса манга андин бир қатра тотай дерман.

*Машраб.*

3. Ҳазажи мусаммани аштар. Мазкур вазнда мисраларнинг биринчи ва учинчи рукилари мафойилуннинг аштар тармоғи—фоилунга тенг бўлади. Масалан:

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,  
Парчалаб кишанларни, боғ ичида жавлон қил.

*Ҳамза.*

байти шу вазнда битилган. Унинг чизмаси эса қуйидагича:

Кел-ди-о	чи-лур-чо-ғи	ўз-ли-гинг	на-мо-ён-қил,
— √ —	√ — — —	— √ —	√ — — —
фоилун	мафойилун	фоилун	мафойилун
Пар-ча-лаб	ки-шан-лар-ни	бо-ғ и-чи	да-жав-лон-қил,
— √ —	√ — — —	— √ —	√ — — —
фбилун	мафойилун	фоилун	мафойилун

## Мисоллар:

1. Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,  
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.

*Увайсий.*

2. Ҳолима назар ул ой қилдиму экин оё,  
Жонда доғи ҳижроним билдиму экин оё.

*Огаҳий.*

3. Дўстлар, бу маҳфилда бу кеча нигорим йўк,  
Айб қилмангиз бўлса сабр ила қарорим йўк.

*Огаҳий.*

4. Фасли навбахор ўлди кетибон зимистонлар,  
Дўстлар, ганиматдур, сайр этинг гулистонлар.

*Фурқат.*

5. Меҳри ойжамолинга кўнглим ошён бўлди,  
Меҳр эмас, вужудимга балки айни жон бўлди

*Ҳабибий.*

4. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф. Бундай вазнда мафойилуннинг ахраб, макфуф ва маҳзуф рукилари иштирок эгади.

## Мисол:

Ул шайхки, минбар уза афсунга берур тул,  
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли сурук гул.

*Навоий.*

Бу байт рукиларининг чизмасини аниқласак.

Ул-шай-х	ки-мин-бар-у	за-аф-сун-га	бе-рур-тул.
— — √	√ — — √	√ — — √	√ — —

Шай-тон-ду рў-зи-маж-ли си-нинг-аҳ-ли су-рук-ғул,  
 — — √ √ — — √ √ — — √ √ — —

кўриниши ҳосил бўлади.

Ана шу чизмага мувофиқ, байт руқнларини қуйидагича кўрсатишимиз мумкин:

мафъулу мафойилу мафойилу фаулун  
 мафъулу мафойилу мафойилу фаулун  
 — — √ √ — — √ √ — — √ √ — —

Демак, мисраларнинг биринчи руқнлари — садр ва ибтидоъ мафойилуннинг ахраб кўриниши — мафъулу руқнига, ҳашвлар мафойилуннинг макфуф кўриниши — мафойилу руқнига, охири руқнлар — аруз ва зарб эса мафойилуннинг маҳзуф кўриниши — фаулунга тенг. Шунга кўра бу байтнинг вазни ҳажажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф тарзида эканини таъкидлашимиз мумкин.

Бу вазн энг ёқимли, жозибадор ўлчовлардан бири ҳисобланиб, мумтоз адабиётимизда кўп қўлланган. Хусусан, XV — XVI асрларда ўзбек шоирлари — Лутфий, Навоий, Бобур ва бошқалар ўзларининг кўп ғазалларини ана шу вазнда битганлар. Мисоллар:

Ёз бўлди, керак ул бути айёр топилса,  
 Барча топилур, бизга керак ёр топилса.

*Лутфий.*

Сенсан, севарим: хоҳ инон, хоҳ инонма,  
 Қондур жигарим: хоҳ инон, хоҳ инонма.

*Лутфий.*

Эй турфа пари, одамийнинг жонимидурсан?  
 Ё икки ёруғ кўзлари инсонимидурсан?

*Лутфий.*

Кўнглумға қилай чора дедингу неча бора,  
 Жон борди сенинг дардинг ила эмди не чора?

*Лутфий.*

Ёр бордию, кўнглумда анинг нози қолибтур,  
 Андоқки, қулоғим тўла овози қолибтур.

*Навоий.*

Ул ойга не ғам тушса бу девонадин айру,  
 Бўлмас зарари шамъга парвонадин айру.

*Навоий.*

Жоним чиқадур ҳажр ила жонон керак эрди,  
 Кўнглум куядур дард ила дармон керак эрди

*Навоий.*

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,  
 Ўт ёқти жаҳон мулкина гавго қилайин деб.

*Машраб.*

Дилбар юзини кўргали девона келибдур,  
Юз нозу карашма била жонона келибдур.

*Машраб.*

Кўрмас мени ўз базмига чун ёр муносиб,  
Бўлғайму анга суҳбати агёр муносиб.

*Мунис.*

5. Ҳазажи ахраби макфуфи маҳзүфи мустаҳзод. Маълумки, мустаҳзодда ҳар бир мисрадаги 4 рукнга яна икки—биринчи ва тўртинчи рукнлар орттирилади. Масалан:

Ишқинг ўтидин ўртанадур жони низорим,  
ул навъини машъал,  
Хокистар ўлуб елга борур гарди губорим,  
жисмим бўлубон ҳал.

*Мунис.*

Бу байт чизмаси қуйидагича:

Иш-қинг ў	ти-дин ўр-та	на-дур жо-ни	ни-зо-рим
— — ✓	√ — — √	√ — — √	√ — —
мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаулун

ул навъ и	ки-машъ-ал
— — √	√ — —
мафъулу	фаулун

Хо-кис-та	рў-либ ел-га	бо-рур гар-ди	гу-бо-рим
— — √	√ — — √	√ — — √	√ — —
мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаулун

жис-мим бў	лу-бон ҳал
— — √	√ — —
мафъулу	фаулун

Мисол:

Не вўсмау не кесмадур ул зулфи сумансой,  
не ғамзан жоду,  
Машшота сенга золи фалакдур магар эй ой,  
хуршид анга кўзгу.

*Навоий.*

### Рубой вазнлари


Шарқ адабиётининг кенг тарқалган анъанавий жанрларидан бири бўлган рубойлар ҳам ҳазаж баҳрида ёзилади. Уларнинг вазнларини аниқлаш бошқа жанрдаги шеъринг асарларга қараганда мураккаброқ. Бунинг сабаби шундаки, рубойларда кўпроқ тармоқ рукнлар иштирок этади, унинг устига бошқа шеъринг асарларда барча мисралар кўпинча бир ё икки вазнда ёзилса, рубойларда ҳар бир мисра алоҳида вазнда битилиши, яъни тўрт мисра тўрт хил вазнда келиши ҳам мумкин. Аммо, рубой вазнларини аниқлашнинг энгил томонлари ҳам мавжуд. Гап шундаки, Шарқ адабиётидаги барча рубойларда қўлланиладиган рукнлар ўнтагина бўлиб, барчаси мафойилуннинг солим ва тармоқ рукнларидир:

1. Мафойлун—солим  
    ∨ — — —
2. Мафойлу—макфуф  
    ∨ — — ∨
3. Мафойлун—мақбуз  
    ∨ — ∨ —
4. Мафъулу—ахраб  
    — — ∨
5. Мафъулун—ахрам  
    — — — —

6. Фойлун—аштар  
    — ∨ — —
7. Фа л—ажабб  
    ∨ —
8. Фаул—ахтам  
    ∨ —
9. Фовъ—азалл  
    — — ∨
10. Фаъ—абтар  
    — — —

Шарқ адабиётидаги барча рубойлар иштирок этувчи рукнлар жиҳатидан ахраб ва ахрам гуруҳларига бўлинади. Ахраб гуруҳига кирадиган рубойлар албатта мафойилуннинг ахраб тармоқ рукни — мафъулуга тенг рукидан, ахрам гуруҳига кирадиган рубойлар эса мафойилуннинг ахрам тармоқ рукни — мафъулунга тенг рукидан бошланади. Ҳар икки гуруҳдаги рубойларнинг рукнлари фақат қуйидагича бўлиши мумкин:

### Ахраб гуруҳи вазнларининг рукнлари



Юқоридаги жадвалга диққат қилинса, бу гуруҳдаги рубойлар мафъулуга тенг рукидан бошланишини, иккинчи рукнлари эса мафойилун, мафойилун ва мафойилудан биригина бўлиши мумкинлигини кўрамыз.

Иккинчи рукн мафойилу ёки мафойилун бўлса, учинчи рукн мафойилун ёки мафойилу рукнларидан бири бўлади. Агар иккинчи рукн мафойилун бўлса, учинчи рукн мафъулун ёки мафъулудан бири бўлади.

Тўртинчи рукн эса бир бўғинли фаъ ёки фoъ, икки бўғинли фаал ёки фаул тармоқ рукнларидан бирига, тенг бўлади. Эътибор берган бўлсангиз, учинчи рукн таркибида учта чў-



зиқ бўғин мавжуд бўлганда. тўртинчи руқн фoъ ёки фаъдағ бири бўлиши, учинчи руқн таркибида икки чўзиқ бўлганда, тўртинчи руқн фаал ёки фаул бўлиши мумкинлигини кўриш қийин эмас.

Рубойи руқнларини ва унинг вазнини аниқлаш учун ҳар қайси мисранинг чизмасини белгилаб олиш лозим. Масалан, қуйидаги рубойининг вазнини аниқлайлик:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,  
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Навоий.

Ҳар қайси мисранинг чизмасини белгилаб чиқайлик:

Гур-бат-да	ға ри-б-шо	д-мон бўл-ма	сэ-миш.
— — √	√ — √ —	√ — — √	√ —
Эл ан-га	ша-фи-қу меҳ	ри-бон-бўл-ма	сэ-миш
— — √	√ — √ —	√ — — √	√ —
Ол-тин-қа	фа сич-ра-гар	қи-зил гул бут	са,
— — √	√ — √ —	√ — — —	—
Бул-бул-га	ти-кон-де-ко	ш-ён-бўл-ма	сэ-миш
— — √	√ — √ —	√ — — √	√ —

Энди ана шу чизмаларга кўра, мисралардаги тармоқ руқнларни аниқлаймиз:

Гур-бат-да	ға-ри-б шо	д-мон бўл-ма	се-миш'
— — √	√ — √ —	√ — — √	√ —
мафъулу	мафоилун	мафойилу	фаал
Эл ан-га	ша-фи-қу меҳ	ри-бон бўл-ма	сэ-миш.
— — √	√ — √ —	√ — — √	√ —
мафъулу	мафоилун	мафойилу	фаал
Ол-тин қа	фа сич-ра-гар	қи-зил гул бут	са,
— — √	√ — √ —	√ — — —	—
мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ
Бул-бул-га	ти-кон-де-ко	ш-ён бўл-ма	се-миш.
— — √	√ — √ —	√ — — √	√ —
мафъулу	мафоилун	мафойилу	фаал

Юқоридаги руқнларнинг номини аниқлаб, ҳар бир мисранинг вазнини белгилаш қийин эмас. Масалан, биринчи мисрадаги мафъулу — ахраб, мафоилун — мақбуз, мафойилу — макфуф, фаал — ажабб. Демак, бу мисранинг вазни ҳазаж мусаммани ахраб мақбузи макфуфи ажабб бўлади. Рубойининг иккинчи, тўртинчи мисралари ҳам худди шу вазнда эканини аниқлаш қийин эмас. Учинчи мисра эса бошқача вазнда. Унинг учинчи руқни мафойилун, яъни солим, тўртинчиси эса фаъабтар. Шунга кўра, учинчи мисранинг вазни ҳазаж мусаммани ахраби мақбузи солими абтар бўлади.

## Яна бир мисол:

Йиллар тутибон шайх мақолотиға гўш,  
 Не кўнглума завқ етди, не жонима жўш.  
 Жонимға наво солдию кўнглумга хуруш,  
 Бир журъа била мурбачая бодафуруш.

*Навоий.*

Бу рубойнинг чизмасини аниқласак, қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Йил-лар-ту	ту-бон-шай-х	ма-қо-ло-ти	ға-гўш,
— — √	√ — — √	√ — — √	√ ~
мафъулу	мафоййлу	мафоййлу	фаул
Не-кўнг-ли	ма-зав-қ-ег	ти-не-жо-ни	ма-жўш,
— — √	√ — √ —	√ — — √	√ ~
мафъулу	мафоилун	мафоййлу	фаул
Жо-ним-ға	на-во-сол-ди	ю-кўнг-лум-ға	ху-руш,
— — √	√ — — √	√ — — √	√ ~
мафъулу	мафоййлу	мафоййлу	фаул
Бир-журъ-а	би-ла-мур-ба	ча-и-бо-да	фу-руш.
— — √	√ — — √	√ — — √	√ ~
мафъулу	мафоййлу	мафоййлу	фаул

Юқоридаги чизмага кўра, мазкур рубойнинг мисралари қуйидаги вазнларда эканлигини аниқлаймиз:


1 - мисра — ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ахтам.

2 - мисра — ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ахтам.

3 - мисра — ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ахтам.

4 - мисра — ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ахтам.

## Ахрам гуруҳининг рукнлари



Юқоридаги чизмадан кўринадики, бу гуруҳдаги рубойларда мафъулунга тенг биринчи рукндан сўнг уч тармоқ руки — мафъулун, мафъулу ва фоилунлардан бири келиши мумкин

Иккинчи руки мафъулу ёки фоилун бўлса, учинчи руки мафойилун ёки мафойилу рукиларидан бири бўлади, агар у мафъулун бўлса, учинчи руки сифатида мафъулун ёки мафъулу рукиларидан бири келади.

Ахрам гуруҳидаги рубойларнинг ҳам тўртинчи рукилари бир бўғинли фоъ ёки фаъ, икки бўғинли фаул ёки фаал рукиларидан бирига тенг бўлади.

Чизмани кузатиш яна бир қизиқ хулосани келтириб чиқаради. Гап шундаки, агар қисқа бўғин шартли равишда ярим бўғин, чўзиқ бўғин бутун бўғин деб ҳисобланса, ҳар бир мисрадаги барча бўғинлар сони 10 га, охириги бўғин ўта чўзиқ бўғиндан иборат бўлса, 10,5 га тенг; дастлабки уч рукидаги бўғинлар сони 8,5 ёки 9 та бўлади. Агар бу сон 9 га тенг бўлса, тўртинчи руки фоъ ёки фаъдан иборат бўлади, агар у 8,5 га тенг бўлса, тўртинчи руки ўрнида бу сонни 10 га етказувчи ўта чўзиқ бўғинга тенг бўлган фаал руки ёхуд икки бўғинга тенг бўлган фаул руки келади. Масалан:

Эй, сансиз умридин осойиш йўқ,  
 Кўз истарким кўрса жамолингни ўқ.  
 Келгилки, бир қатла узорингни кўрай,  
 Ким ҳажринг урди кўп бу кўксумга ўқ.

Навоий.

Бу рубой мисраларининг чизмасини қуйидагича кўрсатишимиз мумкин:

Эй, сан сиз	ум-рим-дин	о-со-йиш	йўқ,
мафъулун	мафъулун	мафъулун	фоъ
Кўз ис-тар	ким кўр са	жа-мо-линг-ни	ўқ
мафъулун	мафъулу	мафойилун	фоъ
Кел-гил-ки,	бир қат-ла	у-зо-ринг-ни	кў-рай,
мафъулун	мафъулу	мафойилу	фаул
Ким ҳаж-ринг	ур-ди-кўп	бу кўк сим га	ўқ
мафъулун	фоилун	мафойилун	фоъ

Демак, юқоридаги рубой мисралари қуйидаги вазнларда ёзилган:

- 1 - мисра: ҳазажи мусаммани ахрами азалл,
  - 2 - мисра: ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими азалл.
  - 3 - мисра: ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ажабб.
  - 4 - мисра: ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими азалл.
- Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзбек адабиётида рубойлар, асосан, ахраб гуруҳи вазнларида ёзилган.

## Фоилотун руқнининг тармоқлари

Фоилотун руқни ўн хил ўзгаришга учрайди, бунинг натижасида ўн беш тармоқ руқни юзага келади.

I. Руқнлар таркибидаги бўғинларнинг сон жиҳатидан ўзгариши натижасида ҳосил бўлган тармоқ руқнлар:

1. **Фоиун.** Бу руқни фоилотуннинг „ҳазф“ (ташлаш) зиҳофига дуч келиб, охириги бўғиннинг туширилиши натижасида ҳосил бўлади. Фоилотун руқнининг бундай ўзгаришдан сўнг қолган „фоио“ қисми ўзига тенг фоиун руқни билан алмаштирилади ва маҳзуф деб юритилади.

II. Фоилотун руқни таркибидаги бўғинларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида ҳосил бўлган тармоқ руқнлар:

1. **Фоиотун.** Бу руқни фоилотуннинг „хабн“ (қисқартириш) зиҳофига дуч келиб, биринчи чўзиқ бўғиннинг қисқа бўғинга айлантирилиши натижасида ҳосил бўлади ва махбун деб юритилади.

2. **Фоилоту.** Фоилотун руқнининг „қафф“ (қайтариш) зиҳофига дуч келиб, охириги чўзиқ бўғиннинг қисқа бўғинга айлантирилиши натижасида ҳосил бўлади ва мақфуф деб юритилади.

3. **Фоилоту.** Фоилотун руқнининг „шакл“ („тушовлаш“) зиҳофига дуч келиб, биринчи ва тўртинчи бўғинларнинг қисқа бўғинга айлантирилиши натижасида ҳосил бўлади ва машкул деб юритилади.

4. **Фоилотон ёки фоилийён.** Фоилотун руқнининг „тасбиғ“ („тўлдириш“) зиҳофига дуч келиб, охириги бўғиннинг ўта чўзиқ бўғинга айлантирилиши натижасида ҳосил бўлади ва му-саббағ деб юритилади.

III. Фоилотун руқнининг айни бир вақтда ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгартрилиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ руқнлар:

1. **Фоиот** ёки **фоион.** Фоилотун руқнининг „қаср“ (қисқартириш) зиҳофига дуч келиб, охириги бўғиннинг туширилиши ҳамда учинчи бўғиннинг ўта чўзиқ бўғинга айлантирилиши натижасида ҳосил бўлади ва мақсур деб юритилади.

2. **Фаълун.** Фоилотун руқнининг „қатъ“ („кесиш“) зиҳофига дуч келиб, кейинги икки бўғиннинг туширилиши, айни вақтда иккинчи, қисқа бўғиннинг чўзиқ бўғинга айлантирилиши натижасида ҳосил бўлади. Бундай ўзгаришдан сўнг қолган „фои“ қисми ўзига тенг фаълун руқни билан алмаштирилади ва мақтуъ деб юритилади.

3. **Фоилон.** Фоилотуннинг мақсур кўриниши „фоион“ ни „хабн“ зиҳофи билан ўзгартириб, биринчи бўғинни қисқа бўғинга айлантиришдан ҳосил бўлади ва махбуни мақсур деб юритилади.

4. **Фоиун.** Фоилотуннинг маҳзуф кўриниши „фоиун“ ни „хабн“ зиҳофи билан ўзгартириб, биринчи бўғинни қисқа бў-

ғинга айлантириш натижасида ҳосил бўлади ва маҳбуни маҳзуф деб юритилади.

5. **Фаилийён.** Фоилотуннинг мусаббағ кўриниши „фоилийён“ рукнини „хаби“ зиҳофи билан ўзгартириб, биринчи бўғинини қисқа бўғинга айлантиришдан ҳосил бўлади ва маҳбуни мусаббағ деб юритилади.

6. **Фаълон.** Фоилотуннинг мақтуъ кўриниши — „фаълун“ рукнини „тасбиғ“ зиҳофи билан ўзгартириб, иккинчи бўғинини ўта чўзиқ бўғинга айлантириш натижасида ҳосил бўлади ва мақтуи мусаббағ деб юритилади.

Шундай қилиб, фоилотун рукнининг турли ўзгаришларга дуч келиши натижасида унинг адабиётимизда қўлланадиган қуйидаги тармоқлари (фуруълари) юзага келади:

1. Фоилийён — мусаббағ  
— √ — ~
2. Фаилотун — маҳбун  
√ √ — —
3. Фаилийён — маҳбуни мусаббағ  
√ √ — ~
4. Фоилоту — мақфуф  
— √ — √
5. Фаилоту — машкул  
√ √ — √
6. Фоилун — маҳзуф  
— √ —
7. Фаилун — маҳбуни маҳзуф  
√ √ —
8. Фаилон — маҳбуни мақсур  
√ √ ~
9. Фоилон — мақсур  
— √ ~
10. Фаълун — мақтуъ  
— —
11. Фаълон — мақтуи мусаббағ  
— —

Юқоридаги тармоқ рукнларидан фоилоту фақат иккинчи, фаилоту биринчи ва учинчи, фаилотун иккинчи ва учинчи рукнлар ўрнида, қолганлари эса фақат охириги рукнлар ўрнида қўлланади. Шунинг ҳам, билиб олиш зарурки, мисраларнинг охириги рукнларида фаилун, фаилон, фаълун, фаълон рукнлари ўзаро алмашилиб қўлланиши ҳам мумкин. Бу ҳолда кўп вазнли шеърлар юзага келади.

Фоилотун рукнининг солим ва тармоқ кўринишлари рамал, музореъ, ҳафиф ва мужтасс баҳрларида кўп қўлланади.

### Рамал баҳри вазнлари

Рамал баҳри, умуман, Шарқ адабиётида, хусусан, ўзбек мумтоз шеъриятида энг кўп қўлланадиган ўлчовдир. Ундан, айниқса, хилма-хил жанрдаги лирик шеърлар битишда кенг

фойдаланилган. Қуйида рамал баҳрининг ўзбек мумтоз адабиётида кенг қўлланган вазиларини кўриб ўтамиз.

### Олти рукли вазилар

1. Рамали мусаддаси маҳзуф. Бу вазнда ҳар қайси мисранинг биринчи ва иккинчи руклари фоилотуннинг солим кўриниши тарзида бўлиб, охириги руклар — аруз ва зарб унинг маҳзуф кўринишида бўлади. Масалан:

Соқиё, ҳажрон тунидур, бода тут,  
Ул кўеш бирла бу шомимни ёрут.

*Навоий.*

Бу байт чизмаси қуйидагича бўлади:

Со-қи-ё-ҳиж	рон-ту-ни-дур	бо-да-тут
— √ — —	— √ — —	— √ —
фоилотун	фоилотун	фоилун
Ул ку-ёш-бир	ла-бу-шо-мим	ви-ё-рут
— √ — —	— √ — —	— √ —
фоилотун	фоилотун	фоилун

Чизмадан кўринадики, ҳар бир мисранинг биринчи ва иккинчи руклари ўз таркиби жиҳатидан фоилотунга тенг, учинчи рукларда эса фоилотунга тенг бўлиш учун бир чўзиқ бўғин етишмайди. Бу руклар фоилунга, яъни фоилотун рукнининг маҳзуф тармоқ рукнига тенг. Демак, байтнинг вазни рамали мусаддаси маҳзуфдан иборат.

Мазкур баҳр ҳам ўзбек шеърлятида анча кенг қўлланади.

Мисоллар:

Жавр ўқин хоки танимға урма кўп,  
Кўкка бу тупроғни совурма кўп.

*Навоий.*

Ёрнинг васли эмас озорсиз,  
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

*Нодира.*

Қоматингни сарви бўстон айладинг,  
Қумриларни зору нолон айладинг.

*Муқимий.*

2. Рамали мусаддаси мақсур. Бу вазн ўз хусусияти жиҳатидан рамали мусаддаси маҳзуфга ўхшаб кетади, бу вазнда ёзилган шеърларнинг мисраларида биринчи ва иккинчи руклар фоилотунга, охириги руклар эса фоилон рукнига тенг келади. Бинобарин, олдинги вазндан сўнгги руки жиҳатидан, яна виикроғи, ана шу рукнинг охириги бўғини ўта чўзиқ бўғинга тенглиги билангина фарқ қилади.

Масалан:

Қилмағил зиндор издор эҳтиёж,  
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж.

*Нодира.*

Бу байт чизмаси қуйидагича бўлади:

Қил-ма-ғил-зин	ҳо-р-из-ҳор	эх-ти-ёж
— √ — —	— √ — —	— √ —
фоилотун	фоилотун	фоилон
Ким а-зиз-эл	ни қи-лур хөр	эх-ти-ёж
— √ — —	— √ — —	— √ ~
фоилотун	фоилотун	фоилон

Байтда олти рукн иштирок этапти. Ҳар бир мисрадаги биринчи ва иккинчи рукнлар — солим, учинчи рукн эса фоилотун рукнининг мақсур фуруи — фоилонга тенг. Шунинг учун ҳам бу байт рамали мусаддаси мақсур вазнида ёзилган, деб ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, юқоридаги икки вазн бир-биридан кам фарқ қилади. Шунинг учун ҳам улар кўпинча биргаликда қўлланади. Бирон шеърнинг матлаи у ёки бу вазнда бўлиши мумкин, шеърнинг қофияланувчи мисралари ҳам ўша вазнда келади. Айни вақтда қофияланмайдиган мисралар иккинчи вазнда бўлиши мумкин. Шундай қилиб, рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур вазнлари кўп ҳолда биргаликда қўлланади.

**3. Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф.** Бу вазнда ёзилган шеърларнинг ҳар мисрасидаги биринчи рукнлар фоилотунга, иккинчи рукнлар фоилотуннинг махбун тармоғи — фаилотунга, учинчи, охириги рукнлар эса фоилотуннинг махбуни маҳзуф тармоғи фаилунга тенг бўлади. Масалан:

Ваҳ, неча торғай ул ой дарду ғамин,  
Е ғаму дарди йўқ элнинг ситамин.

*Навоий.*

Шу байтнинг чизмаси қуйидагича:

Ваҳ-не-ча-тор	та-йу-лой-дар	ду-ға-мин,
— √ — —	√ √ — —	√ √ —
фоилотун	фаилотун	фаилун
Ё-ға-му-дар	ди-йў-қэл-нинг	си-та-мин
— √ — —	√ √ — —	√ √ —

Мисраларнинг биринчи рукни фоилотунга, иккинчи рукни фаилотунга, учинчи рукни эса фаилунга тенг, бу хил шеърлар рамали мусаддаси махбуни маҳзуф вазнида ёзилган бўлади.

**4. Рамали мусаддаси махбуни мақтуъ.** Бу вазнда ёзилган шеърларнинг ҳам биринчи бўғинлари фоилотунга, иккинчи рукнлари фаилотунга тенг бўлади, лекин охириги рукн фоилотуннинг мақтуъ тармоғи — фаълунга тенг келади. Масалан:

Не кун ўлгайки нигорим келгай,  
Боғи умримда нигорим келгай.

*Навоий.*

Бу байтнинг чизмаси қуйидагича:

Не-кун ўл-гай	ки-ни-го-рим	кел-гай,
— √ — —	√ √ — —	— —
фоилотун	фаилотун	фаълун
Бо-ғи-ум-рим	да-ни-го-рим	кел-гай
— √ — —	√ √ — —	— —
фоилотун	фаилотун	фаълун

Шеър мисраларининг биринчи рукнлари фоилотунга, иккинчи рукнлари фаилотунга, охириги рукнлари эса фоилотуннинг мақтун мусаббағ тармоғи — фаълонга тенг бўлса, бу хил шеърлар рамали мусаддаси махбуни мақтун мусаббағ вазнида ёзилган ҳисобланади.

### Саккиз рукли вазилар

Форс-тожик ва туркий адабиётларда, жумладан, ўзбек шеърларида XIV асрдан бошлаб рамал баҳрининг саккиз рукли вазилари айниқса кенг қўлланиб келди. Ҳар бир шоир ижодини кўздан кечирсак, улар лирик шеърларининг катта қисми шу хил вазиларда яратилганини кўришимиз мумкин. Рамал баҳрининг саккиз рукли вазиларини кўздан кечирайлик.

1. **Рамали мусаммани маҳзуф.** Рамал баҳрининг бу тармоғида ёзилган шеър байтларининг аруз ва зарб рукнлари — ҳар бир мисранинг охириги, тўртинчи рукнлари фоилотун рукнининг маҳзуф кўриниши — фоилунга тенг бўлади. Масалан:

Ҳеч ким мендэк илоҳи ёридин айрилмасун,  
Муниси ғамхор ўшал дилдоридин айрилмасун.

Ҳамза.

Бу байтдаги рукнлар чизмасини аниқласак, қуйидаги кўри-  
ниш ҳосил бўлади:

Ҳе-ч-ким-мен	дек-и-ло-ҳи	ё-ри-дин-ай	рил-ма-сун
— √ — —	— √ — —	— √ — —	— √ — —
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун
Му-ни-си-ғам	хо-рў-шал-дил	до-ри-дин-ай	рил-ма-сун
— √ — —	— √ — —	— √ — —	— √ — —
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун

Кўриниб турибдики, бу байтдаги олти рукн — садр ва ибтидоъ, ҳашв рукнлари солим, яъни уларда фоилотун рукни ўзгаришсиз такрорланипти, тўғрироғи, бу рукнларни ташкил этган бўғин гуруҳларининг ҳар бири ўз таркиби жиҳатидан фоилотун рукнига тенг. Ҳар қайси мисра охиридаги рукнлар — „рилмасун“ бўғинлари эса фоилунга тенгдир: „рилмасун“ рукни уч бўғиндан иборат бўлиб, икки чўзиқ бўғин ўртасида қисқа бўғин келган. Чизмаси — √ — бўлган бундай рукн фоилунга тенг.



Демак, бу байтнинг вазни рамали мусаммани маҳзуф бўлади.

Яна бир мисол:

Навбахор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Судҳат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоғлар.

*Муқимий.*

Бу байтдаги рукнлар чизмаси қуйидагича бўлади:

Нав-ба-ҳор-о	чил-ди-гул-лар	саб-за бўл-ди	бо-ғ-лар,
— √ — —	— √ — —	— √ — —	— √ —
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун
Сух-ба-гай-лай	лик-ке-линг-лар	жў-ра-лар-ўр	то-ғ-лар.
— √ — —	— √ — —	— √ — —	— √ —
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун

Бу мисраларнинг дастлабки уч рукни фоилотунга тенг бўлиб, охириги рукнларда бир бўғин етишмайди, яъни „боғлар“, „тоғлар“ рукнлари бўғинларнинг таркиби, чўзиқ-қисқалиги жиҳатидан фоилун рукнига тенг. Шунинг учун ҳам улар маҳзуф саналади. Мазкур байт ўз рукнларига кўра рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилганлигини аниқлаш қийин эмас.

Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, рамали мусаммани маҳзуф вазни ўзбек мумтоз адабиётида энг сеvimли вазни ҳисобланган. Ҳар бир мумтоз шоир асарларини кўздан кечирсак, уларнинг лирик шеърлари, айниқса, ғазалларининг катта қисми шу вазнида ёзилганлигини кўрамиз. Масалан, Алишер Навоийнинг „Ҳазойинул маоний“ китобидаги 3132 шеърдан 1156 таси, жумладан, 2600 ғазалдан 1089 таси, яъни 42 фоизи мана шу вазнида битилган. Шу вазнида Бобурнинг 113 ғазалдан 42 таси, Муқимийнинг 226 лирик шеърдан 117 таси ёзилган. Бошқа шоирлар ижодида ҳам бу вазнида яратилган лирик шеърларни кўплаб учратамиз. Бунинг сабаби мазкур вазнининг ўйноқлиги, жозибadorлигида, инсоннинг ранг-баранг ички кечинмаларини ифодалаш учун қулайлигидадир.

Мисоллар:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг откуйча уйқу келмади.

*Навоий.*

Кел-кел, эй оромни жонимким, тилабдур жон сени,  
Чеҳра очким, кўрмак, истар мийдан гирён сени.

*Навоий.*

Кўрмагай эрдим жамолин олам оро, кошки,  
Бўлмагай эрдим бори оламга расво кошки.

*Бобур.*

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним мени,  
Осмонни пора қилди тийғи афғоним мени.

*Машраб.*

Ғам ҳалок этди мени ҳажрингда, эй жон, қайдасан,  
Сенсизин беморман, дардимға дармон қайдасан.

*Нодира.*

Чун уйидин келмали мен сори жоновим чиқар,  
Айлаб истиқбол анинг ўтрисиға жоним чиқар.

*Мунис.*

Оҳким, афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толеим,  
Вожгундир имтиҳон қилдимки, аксар толеим.

*Муқимий.*

Оҳким, ҳамлард йўқ дард ошкор айлар десам,  
Ёзгали шарҳи ғамимни ғамгусор айлай десам.

*Фурқат.*

2. **Рамали мусаммани мақсур.** Бу вазн кўп жиҳатдан рамали мусаммани маҳзуфга ўхшаб кетади, ҳатто уқиш чоғида, уларни бир-биридан ажратиш ҳам алоҳида диққатни талаб этади. Гап шундаки, юқорида кўрганимиздек, фоилотун рукнининг маҳзуф ва мақсур тармоқ рукнлари уч бўғинли бўлиб, аввалги икки бўғини тенг, учинчи бўғинидагина бир оз фарқ бор, холос. У ҳам бўлса, маҳзуф рукнининг учинчи бўғини бир чўзиқ бўғинга, мақсур рукниники эса ўта чўзиқ бўғинга тенг. Демак, мақсур рукнининг охирги бўғини таркибида чўзиб талаффуз қилинувчи унлиси бўлган ёпиқ ёки қўш ундош билан тугайдиган ёпиқ бўғиндан иборат.

Масалан:

Ҳар кун ўтган кечадин ошуфта кўнглум зорроқ,  
Ҳар тун ўтган кундин ашқафшон кўзум хунборроқ.

*Навоий.*

Бу байт мисраларидаги охирги бўғинлар — „роқ“ таркибидаги „о“ унлиси анча чўзиқ талаффуз қилинади. Шу тугайли мазкур бўғин ўта чўзиқ бўғинга тенг бўлади. Шу хусусиятни ҳисобга олиб, байт чизмасини тузсак, қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Ҳар ку-н-ўт-ган	ке-ча-дин-о	шуф-та-кўнг-лум	зо-р-роқ
— √ — — —	— √ — —	— √ — —	— √ ~
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилон
Ҳар ту-нўт-ган	кун-ди-наш-каф	шон-кў-зум	хун бо-р-роқ
— √ — —	— √ — —	— √ — —	— √ ~
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилон

Бундай чизмали вазн эса рамали мусаммани мақсур деб аталади.

Яна бир мисол:

Ёр келса, бас маҳалдурким, ичм қон этти шавқ,  
Сабру оромим бериб барбод тугён этти шавқ.

*Навоий.*

Бу байт мисраларидаги охириги рукнининг учинчи бўғини таркибидаги унли чўзиқ талаффуз қилинмайди, аммо бу бўғин қўш ундош билан тугаган. Юқорида қўш ундош билан тугаган бўғиннинг мисра охирида ва ундош билан бошланган бўғиндан аввал келганда (мисра ичида) ўта чўзиқ бўғинга тенг саналишини таъкидлаган эдик. Шунга мавофиқ бу мисралардаги охириги бўғин — „шавқ“ сўзи ўта чўзиқ бўғин ҳисобланади. Байт чизмаси эса қуйидагича гузилади:

Ё-р-кел-са	бас-ма-ҳал-дур	ким-и-чим-қон	эт-ти-шавқ,
— √ — —	— √ — —	— √ — —	— √ — —
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилон
Саб-ру-о-ро	мим-бе-риб-бар	бо-д-туғ-ён	эт-ти-шавқ.
— √ — —	— √ — —	— √ — —	— √ — —
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилон

Демак, бу байтларнинг вазни ҳам рамали мусаммани мақсур бўлади. Шунини эслатиб ўтиш лозимки, рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган шеърларда қофияланувчи мисраларнинггина мазкур баҳрда бўлиши шарт бўлиб, қолган мисралар кўпинча мусаммани маҳзуф вазнида келади. Бошқача қилиб айтганда, қофияланмайдиган мисраларнинг охириги бўғинлари чўзиқ бўғинга тенг бўлиши мумкин. Масалан, юқоридаги шеърнинг давомини кўздан кечирайлик:

Ёр келса, бас маҳалдурким, ичим қон этти шавқ,  
Сабру оромим бериб барбод тугён этти шавқ.

Озу кўп ҳар не деди қосид висолинг муждасин,  
Сабрим озу изгиробимни фаровон этти шавқ.

Шавқ дижрондин батар ошуб солди қўнғлума,  
Қўнғлум ошубини қўйким, ёрати жон этти шавқ.

*Навоий.*

Шеърнинг қофияланмайдиган учинчи ва бешинчи мисралари охиридаги рукнлар маҳзуф руки — фоилунга тенглигини, яъни бу мисралар рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилганини кўриш қийин эмас.

Рамали мусаммани мақсур вазни ҳам адабиётимизда кўп қўлланади. Навоийнинг „Хазойинул маоний“ асаридаги 2600 ғазалдан 334 таси, яъни 13 фоизи ана шу вазнида битилган. Бошқа шоирлар ҳам ўз лирик асарларини яратишда бу вазнидан анча кенг фойдаланганлар.

Мисоллар:

Неча тортай васл учун мен зори маҳзун интизор,  
Ваҳки кўздан тўкти селоби жигархун интизор.

*Навоий.*

Дўстлар, мен телба аҳволига йиғланг зор-зор,  
Ким солодур гаҳ-гаҳ ўт қўнғлумга тушган хор-хор

*Навоий.*

Эй жамоду, нозу ишванг бир-биридан хўброқ,  
Қоматинг марғубу андан пайкаринг марғуброқ.

*Навоий.*

Ул парининг тигидин қўрқутма мени, эй рақиб,  
Ишқиди бошимға менинг ҳар на келса, ё насиб.

*Бобур.*

Фурқат ичра қон юғуб, ғам бирла чектим оҳи сард,  
Ким хазон авроқидек бўлди юзим ҳажрида зард.

*Нодира.*

Ғунчалар очилдию, кўнглум очилмайдур ҳануз,  
Булбулосо хотирим гул майли қилмайдур ҳануз.

*Мушс.*

Эй кўнгул, истар эсанг зулмаг қулубингға чирог,  
Аҳли дониш суҳбагинин бўлмагил ҳаргиз йирог.

*Ҳамза.*

**3. Рамали мусаммани махбуни маҳзуф.** Бу ўлчовда фоилотуннинг солим кўринишидан ташқари, унинг махбун тармоқ рукни—фаилотун ҳамда махбуни маҳзуф тармоқ рукни-фаилун иштирок этади. Юқоридаги вазн каби. бу вазннинг ҳам мисраларидаги биринчи рукнлар солим бўлиб келади. Махбуни маҳзуф тармоқ рукни—фаилун, одатда, мисраларнинг охиридан ўрин олади. Махбун рукнлар эса ҳашвлар ўрнида келади. Масалан:

Сунбули шомиди юз айлади гулрез яна,  
Булди ҳар.учқунинин кўнглум ўти тез яна.

*Навоий.*

Бу мисралар чизмаси қуйидагича бўлади:

Сун-бу-ли-шо	ми-да-юз-ай	ла-ди-гул-ре	з-я-на,
— √ — —	√ √ — —	√ √ — —	√ √ —
фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилун
Бўл-ди-ҳар-уч	қу-ни-дин-кўнг	лу-мў-ти-те	з-я-на.
— √ — —	√ √ — —	√ √ — —	√ √ —
фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилун

Бу вазнда ҳам алабиётимизда кўпгина шеърлар битилган. „Хазойинул маоний“ да шу вазнда ёзилган 89 шеър, жумладан, 83 ғазал бор.

Мисоллар:

Қилди овора мени хастани овора кўнгул,  
Хонумонимни қаро қилди юзи қора кўнгул.

*Навоий.*

Кўзи ул юз ўтидин халқ ичини доғ этадур,  
Ёхуд икки қошининг ёларини чоғ этадур.

*Навоий.*

**4. Рамали мусаммани махбуни маҳзуф.** Бу вазн рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнидан фақат охирги рукнининг таркиби—икки, қисқа ва бир чўзиқ бўгин ўрнига икки чўзиқ

бўгин келиши билан фарқ қилади, яъни рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнида охириги руки чизмаси √ √ — тарзидаги фаулунга тенг бўлса, бу вазнида чизмаси — — бўлган фаълунга тенг келади. Масалан:

Ваҳ, бу не хусну, жамолу, не латофатдур бу,  
Дема ишқ аҳлики, дин аҳлига офатдур бу.

*Навоий.*

Бу байт чизмасини тузиб чиқсак, қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Ваҳ, бу-не-хус — √ — —	ну-жа-мо-лу √ √ — —	не-ла-то-фат √ √ — —	дур-бу — —
фоилотун	фаилотун	фаилогун	фаълун
Де-ма-ишқ-аҳ — √ — —	ли-ки-дин-аҳ √ √ — —	ли-ға-о-фат √ √ — —	дур-бу. — —
фоилотун	фаилогун	фаилотун	фаълун

Мисоллар:

Манга ўлмақлик эрур ҳажрида осон сенсиз,  
Улайин, лек даме бўлмайин, эй жон, сенсиз.

*Навоий.*

Бўлди беҳудлиғима бодаи гулгун боис,  
Они нўш айлагали соқии мавзун боис.

*Навоий.*

**5. Рамали мусаммани махбуни мақтуи мусаббағ.** Бу вазн рукилар таркиби жиҳатидан рамали мусаммани махбуни мақтуга яқин туради, хусусан, мисраларнинг аввалги уч руки айнан ўхшаш, кейинги рукидагина бир оз фарқ бўлиб, у ҳам бўлса, мақтуъ тармоқ руки — фаълун ўрнида мақтуи мусаббағ тармоқ руки — фаълон келади, бошқача қилиб айтганда, рамали мусаммани махбуни мақтуъ вазнидаги охириги бўгин бир чўзиқ бўгиндан иборат бўлса, бу вазнида ана шу бўгин ўта чўзиқ бўгинга тенг бўлади.

Масалан:

Ул пари чеҳра чу кўргузса жамолин мақбул,  
Кўрган эрмастурур ўз ақлига қолмоқ маъқул.

*Навоий.*

Бу байт рукиларининг чизмаси қуйидагича:

Ул па-ри-чеҳ — √ — —	ра-чу-кўр-гуз √ √ — —	са-жа-мо-лин √ √ — —	мақ-бул, — ~
фоилотун	фаилогун	фаилотун	фаълон
Кўр-ға-нэр-мас — √ — —	ту-ру-рўз-ақ √ √ — —	ли-ға-қол-моқ √ √ — —	маъ-қул — ~
фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаълон

Шу мисралар охиридаги рукилар фоилотуннинг мақтуи мусаббағ тармоқ руки — фаълонга тенглигининг асосий белгиси шундаки „маъқул“ сўзининг иккинчи бўгини таркибидаги „у“

унлиси анча чўзиб талаффуз қилинади, шу сабабли ўта чўзиқ бўғинга тенг ҳисобланади. Фаълон рукни таркибидаги „лон“ қисми ҳам юқорида кўрганимиздек, ўта чўзиқ бўғинни ифодалайди.

**6. Рамали мусаммани машкул.** Бу вазнда фоилотун рукнининг солим кўрғинишидан ташқари унинг машкул тармоқ рукни — **фаилоту** ҳам қатнашади. Ўзбек адабиётида бу вазнда ёзилган лирик шеърларда машкул тармоқ рукни саккиз рукни-ли байт мисраларининг биринчи ва учинчи рукнлари ўрнида келади. Масалан:

Яна шуълалик, кўнгулни ғаминг этти пора-пора,  
Буки бутрашур эрур поралари эмас шарора.

*Навоий.*

Бу байт чизмасини тузсак, қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Я-на	шуъ-ла	лиқ-кў-нгул-ни	ға-ми-н-г	эт-ди	по-ра-по-ра
√ √ — √		— √ — —		√ √ — √	— √ — —
фаилоту		фоилотун		фаилоту	фоилотун
Бу-ки-бут-ра		шур-э-рур-по		ра-ла-ри-э	мас-ша-ро-ра
√ √ — √		— √ — —		√ √ — √	— √ — —
фаилоту		фоилотун		фаилоту	фоилотун

Мисоллар:

Очилиб туман тароват била саҳни боғ аро гул,  
Етуруб чаманга ҳар ён неча зеб ила сафо гул.

*Огаҳий.*

Кечалар эмас фалакни ёруғ айлаган ситора,  
Чиқар оҳим оташидин бўлунуб неча шарора.

*Фурқат.*

Нахуш ул гўзал қаро кўз ҳама эл фидоси бўлмиш,  
Магарам мусаххар этган кўзининг қароси бўлмиш.

*Ҳабибий.*

Мазкур вазн таркибидаги қисқа бўғинларнинг кўплиги унинг ўйноқчилигини таъминлаган. Шунинг учун ҳам ўзбек шоирлари асрлар давомида ўзларининг анчагина шеърларини мана шу вазнда ёзганлар.

### Музореъ баҳри тармоқлари

Юқорида кўрганимиздек, музореъ баҳрининг рукнлари мафойилун ва фоилотунлардан иборат бўлиб, бу икки рукн маълум тартибда такрорланиб келарди. Ўзбек адабиётида, асосан, бу баҳрнинг мусамман шакли, яъни ҳар байтда саккиз рукни иштирок этадиган шакли қўлланиб келган. Музореи мусаммани солим вазнининг чизмаси қуйидагича эди:

Мафойилун	фоилотун	мафойилун	фоилотун
√ — — —	— √ — —	√ — — —	— √ — —
Мафойилун	фоилотун	мафойилун	фоилотун
√ — — —	— √ — —	√ — — —	— √ — —

Бу вазн чизмасидан ҳам кўриниб турибдики, ҳар қайси мисра-нинг биринчи ва учинчи рукини ўрнида мафойилун, иккинчи ва тўртинчи руқлари ўрнида фоилотун руқлари келади. Музореъ баҳрининг вазнларини аниқлашда руқларнинг шу хил жойланишини назарда тутиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, биринчи ва учинчи руқлар мафойилун тармоқларидан, иккинчи ва тўртинчи руқлар эса фоилотун руқларнинг тармоқларидан иборат бўлади. Саккиз руқли музореъ вазнларининг ўзбек адабиётида кўпроқ қўлланадиганлари қуйидагилар:

1. Музореи мусаммани ахраб. Бу вазнда мафойилун руқни биринчи — садр ва ибтидоъ руқлари ҳамда учинчи — ҳашв руқларида ахраб — мафъулу кўринишида, фоилотун руқлари эса солим кўринишида иштирок этади. Масалан:

Хатнинг аро узоринг сабза ичила лола,  
Ул чашми пур хуморинг лоладаги газола.

*Бобур.*

Бу байтнинг чизмасини қуйидагича тузиш мумкин:

Хат-тинг-а	ро-у-зо-ринг	саб-за-и	чи-да-ло-ла
— — √	— √ — —	— — √	— √ — —
мафъулу	фоилотун	мафъулу	фоилотун
Ул чаш-ми	пур-ху-мо-ринг	ло-ла-да	ғи-ға-зо-ла
— — √	— √ — —	— — √	— √ — —
мафъулу	фоилотун	мафъулу	фоилотун

Кўриниб турибдики, мисраларнинг биринчи ва учинчи руқлари мафъулу руқнига, яъни мафойилуннинг ахраб кўринишига тенг. Фоилотун руқлари эса ўзгаришсиз, яъни солим кўринишида қолган. Шунга кўра, бу байт вазнини музореи мусаммани ахраб деб кўрсатиш мумкин.

Бу баҳрдаги шеърларни ўқиганда, биринчи ва учинчи руқларнинг охириги бўғинлари қисқа бўлгани учун улар иккинчи ва тўртинчи руқларнинг биринчи чўзиқ бўғини билан қўшилиб ўқилиши лозимлигини унутмаслик керак. Чунончи, ҳозирги байт қуйидагича ўқилиши керак:

Хатнинг аро узоринг сабза ичи далола,  
Ул чашми пур хуморинг лоладаги газола.

Музореи мусаммани ахраб вазни адабиётимизда сеvimли вазнлардан бири бўлиб келган. XV — XX асрлар давомида шоирларимиз бу вазнда кўплаб лирик шеърлар яратганлар. Мисоллар:

Қулбамга баски гардун ғам тоши ёғдурубдур,  
Сабрим уйидек ул ҳам емрулғали турубтур.

*Навоий.*

Ҳуру пари юзидин рухсорингиз чиройлик,  
Жаннат улидий, эй гул, гулзорингиз чиройлик.

*Фурқат.*

Эй маҳваши замоним, эй ёр, хуш келибсиз,  
Биздек ғарибни йўқлаб, дилдор хуш келибсиз.

*Ҳамза.*

2. Музореи мусаммани ахраби макфуфи маҳзүф. Маъкур вазн ўз таркибидаги руқидлар нуқтаи назаридан анчагина мураккаб. Бу вазнда ёзилган шеърларнинг ҳар қайси мисрасида биринчи руқи мафойилуннинг ахраб тармоғи — мафъулуга, иккинчи руқи фоилотуннинг макфуф тармоғи — фоилотунга, учинчи руқи мафойилуннинг макфуф тармоғи — мафойилуга, охириги, тўртинчи руқи эса фоилотуннинг маҳзүф тармоғи — фоилунга тенг бўлади. Масалан:

Кўнглум эрур шикаставу жоним низоҳ ҳам,  
Ошуфтадур замириму жисмии фиғор ҳам.

*Мунис.*

Бу байт чизмаси қуйидагича:

Кўнгл-лум-э	рур-ши-кас-та	ву-жо-ним-ни	зо-р-ҳам.
— — √	— √ — √	√ — — √	— √ —
мафъулу	фоилоту	мафойилу	фоилун
О-шүф-та	дур-за-ми-ри	му-жис-мим-фи	го-р-ҳам.
— — √	— √ — √	√ — — √	— √ —
мафъулу	фоилоту	мафойилу	фоилун

Ушбу вазн ўқиш учун қўлай бўлмаса ҳам, мумтоз куйларга жуда мос тушади. Хусусан, бу вазндаги ғазаллар, мухаммаслар „Дугоҳ“ каби шашмақом куйларида кенг фойдаланилган.

Мисоллар:

Боғи беҳишт равзаи ҳуснуи кинояти,  
Обиҳаёт шаққари лаълинг ривояти.

*Атоид.*

Сайд этди дилбарим мени ошуфта сочдин,  
Солди каманд буйнума икки қулочдин.

*Лутфид.*

Оҳим ғамингда гунбази аҳзарни куйдирур,  
Хар учқуни фалакда бир ахтарни куйдирур.

*Навоид.*

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

*Бобур.*

Хуштур баҳор мавсумининг айши чоғида,  
Ўз ёри бирла бўлса киши васл боғида.

*Оғаҳид.*

3. Музореи мусаммани ахраби макфуфи мақсур. Бу вазн шокоридагидан охириги руқининг фоилунга эмас, фоилотуннинг мақсур тармоғи — фоилонга тенглиги билангина фарқланади. Масалан:

То бўлмишам бу олам арз ошноий умр,  
Чекмак дурур ишим кеча-кундуз жафойи умр.

*Оғаҳид.*



Бу байт чизмаси қуйидагича:

То-бўл-ми	шам-бу-о ла	ма-ро-о-ш	но-йи-умр,
— — √	— √ — √	√ — √	— √ ~
мафъулу	фоилоту	мафойилу	фоилон
Чек-мак-ду	рур-и-шим-ке	ча-кун-дуз-жа	фо-йи-умр.
— — √	— √ — √	√ — — √	— √ ~
мафъулу	фоилоту	мафойилу	фоилон

Мисоллар:

Юз сеҳр қилса кимгаки эллиқин ўтти ёш,  
Атфол саҳраси қилур атфолдек маош.

*Навоий.*

Эй ҳурвашки, покдур асру сенга сиринт,  
Ранг айлар иктисоб юзунгдир гули биҳишт.

*Мунис.*

Йук манда фақр кўйида гардунга эҳтиёж,  
Бўлмас қаноат ақлида ҳар дунга эҳтиёж.

*Огаҳий.*

Ҳар сўзда ҳар биравга не ширин нуқоти бор,  
Бол томди огзидинки, тилинда наботи бор.

*Мужрим.*

### Мустафъилун рукнининг тармоқлари

Мустафъилун руки жами 9 хил зиҳофга дуч келиши натижасида унинг 14 тармоғи (фуруи) майдонга келади. Шулардан бизнинг шеърятимизда қуйидагилари қўлланади:

1. **Мафойилун.** Мустафъилуннинг „хабн“ („этакни йиғиш“) зиҳофига дуч келиб, биринчи чўзиқ бўғинининг қисқа бўғинга айлантрилишидан ҳосил бўлади ва махбун деб юритилади.

2. **Муфтаилун.** Мустафъилуннинг „тайи“ („йиғиш“) зиҳофига дуч келиб, иккинчи чўзиқ бўғинининг қисқа бўғинга айлантрилишидан ҳосил бўлади ва матвий деб юритилади.

3. **Мустафъилон** Мустафъилуннинг „изола“ („этакни қўйиш“) зиҳофига дуч келиб, охири бўғинининг ўта чўзиқ бўғинга айлантрилишидан ҳосил бўлади ва музол деб юритилади.

4. **Мафоилон.** Мустафъилуннинг махбун тармоғи-мафоилуннинг изола зиҳофи билан охири бўғинининг ўта чўзиқ бўғинга айлантрилиши натижасида ҳосил бўлади ва махбун музол деб юритилади.

Шундай қилиб, мустафъилун рукнининг турли ўзгаришларга дуч келиши натижасида унинг адабиётимизда қўлланувчи қуйидаги тармоқлари ҳосил бўлади ва қуйидагича аталади:

1. Мафойилун — махбун

√ — √ —

3. Мустафъилон — музол

— — √ ~

2. Муфтаилун — матвий  
— √ √ —

4. Мафоилон — махбуни музол  
√ — √ ~

Мустафйилун рукнининг юқоридаги тармоқлари шу рукнининг такроридан тузиладиган ражаз баҳри ҳамда мустафйилун иштирок этадиган хафиф ва мужтасс, мунсарих ва сарих баҳрлари вазнларида қўлланилади.

Биз қуйида мустафйилун рукнининг солим ва тармоқ кўринишлари иштирок этган ва адабиётимизда кенг фойдаланиладиган баҳрлар ҳамда вазнларни кўриб ўтамиз.

### Ражаз баҳри вазнлари

Ражаз баҳрининг адабиётимизда кенг қўлланиладиган мусаммани солим кўринишидан ташқари, унинг қуйидаги тармоқларидан ҳам шоирларимиз баракали фойдаланиб келганлар:

**Ражази мусаммани матвий махбун.** Мустафйилун рукнининг такроридан тузиладиган ражаз баҳрининг бу вазнида мустафйилуннинг махбун кўриниши — мафоилун ва матвий кўриниши — муфтаилун рукнлари иштирок этади. Бу вазнда ёзилган шеърларнинг байтларидаги садр ва ибтидоъ ҳамда учинчи рукн ўрнидаги ҳашв рукнлари, яъни ҳар қайси мисранинг биринчи ва учинчи рукнлари муфтаилунга, иккинчи рукн ўрнидаги ҳашв ҳамда аруз ва зарб рукнлари, яъни ҳар мисранинг иккинчи ва тўртинчи рукнлари мафоилунга тенг бўлади. Масалан:

Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай,  
Вар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.

*Навий.*

Мазкур байтнинг чизмаси қуйидагича:

Гар-а-ла-мим	га-чо-ра-йўқ	бўл-ма-са-бўл	ма-сун-не-тай.
— √ √ —	√ — √ —	— √ √ —	√ — √ —
муфтаилун	мафоилун	муфтаилун	мафоилун
Вар-ға-ми-ма	шу-мо-ра-йўқ	бўл-ма-са-бўл	ма-сун-не-тай
— √ √ —	√ — √ —	— √ √ —	√ — √ —
муфтаилун	мафоилун	муфтаилун	мафоилун

Бу вазн ҳам ўзбек шоирларининг сеvimли ўлчовларидан бўлиб келган.

Мисоллар:

Ваҳ, не бало эканким ул, чиқди самандин ўйнотиб,  
Қошлари ёсини чекиб, ғамзаси ёларин отиб.

*Навий.*

Қуйди кўнгулки қолмади ашқда қонидин асар,  
Қон демайинки, кўзда ҳам ашқи равонидин асар.

*Навий.*

Гулшани боғи даҳр аро булбули нағма: ар ўзум,  
Бир бутти хушхиром учун ошиқи дарбадар ўзум.

*Машраб.*

Қилма гурур, эй кўнгул, кимга жаҳон вафо қилур,  
Кимлики сайл аилади, гусса била фано қилур.

*Нодира.*

Ўтди нашот фурсати келмади ёрдин хабар,  
Бўлди кўнгул сўроғида хастау зору дарбадар.

*Носира.*

Боғу баҳор аро нетонг бўлмаса гар қароримиз,  
Ким сари қўйингиз эрур боғимизу баҳоримиз.

*Огаҳий.*

Ёр келур замона йўқ, келмаса-келмасун нетай,  
Сарф эгара хазона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

*Завқий.*

### Ҳафиф баҳри вазнлари

Ҳафиф баҳри фоилотун ва мустафъилун рукнларининг бирикиб такрорланишидан ҳосил бўлишини юқорида кўриб ўтган эдик. Ўзбек адабиётида, асосан, бу баҳрнинг мусаддас шакли қўлланиб келган. Ҳафиф баҳрининг солим кўриниши чизмаси:

фоилотун	мустафъилун	фоилотун
—V—	—V—	—V—
фоилотун	мустафъилун	фоилотун
—V—	—V—	—V—

эканлигини биласиз.

Ҳафиф баҳри вазнлари ана шу рукнларнинг тармоқларидан ҳосил бўлади. Шу баҳрнинг энг муҳим, адабиётимизда кўп қўлланган вазнларини кўриб ўтайлик.

1. **Ҳафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъ.** Бу вазнда мустафъилуннинг маҳбун тармоқ рукни — мафоилун ва фоилотуннинг мақтуъ тармоқ рукни — фаълун иштирок этади. Масалан:

Даҳрким ёр йўқ манго анда,  
Бор эса доғи йўқ вафо анда.

*Навоий.*

Мазкур байтнинг чизмаси қуйидагича:

Даҳ-р-ким-ё	р-йўқ-ма-нго	ан-да,
—V—	V—V—	—
фоилотун	мафоилун	фаълун
Бо-рз-са-до	ғи-йўқ-ва-фо	ан-да
—V—	V—V—	—
фоилотун	мафоилун	фаълун

Мисоллар:

Ҳар неча жавр қилса ноз аҳли,  
Тортмай найлагай ибз аҳли.

*Навоий.*

Лаб уза хатъ анбар олуди,  
Оташин лаълининг эрур дуди.

*На оий*

Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму,  
Ё оқар меҳр чашмасидин сув?

*Навоий*

2. Ҳафифи мусаддаси махбуни маҳзуф. Бу вазнининг олдинги икки рукни юқоридаги ҳафифи мусаддаси махбуни мақтуъга ўхшаш, яъни биринчи рукни фоилотунга, иккинчиси эса мафоилунга тенг. Учинчи рукни эса икки чўзиқ бўғинли фаълунга эмас, балки икки чўзиқ ва бир қисқа бўғинли файлун рукнига тенг. Шу учинчи рукн жиҳатидангина бу икки вазн фарқ қилади. Масалан:

Кимки махлуқ хизматиға камар,  
Чуст этар—яхшироқ ушалса бели.

*Навоий.*

Бу байт чизмаси қуйидагича бўлади:

Ким-ки-мах-лу	қ-хиз-ма-ти	га-ка-мар,
—√—	√—√—	√√—
фоилотун	мафоилун	фаилун
Чуст-э-тар-ях	ши-роқ-у-шал	са-бе-ли
√√—	√—√—	√√—
фоилотун	мафоилун	фаилун

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, фаълун ва файлун руклари бир-бирига тенг ҳисобланиши мумкин, чунки агар қисқа бўғинни ярим, чўзиқни эса бутун бўғин ҳисобласак, ҳар икки рукнда иккитадан бўғин мавжуд бўлади. Бу икки рукни бир-бири билан алмаштириб бўлмайди, аммо бир шеърда, ҳатто бир байтда икки хил вазни қўллаш, яъни байтнинг бир мисрасини ҳафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазнида, иккинчи мисрасини эса ҳафифи мусаддаси махбуни маҳзуф вазнида ёзиш мумкин. Бу тарзда шеър вазнига сезиларли путур етмайди. Масалан:

Назимм ичра ғариб маънилар,  
Ғуробо хайлидин нишонадурур.

*Навоий.*

Бу байт чизмаси қуйидагича:

Наз-ми-м ич-ра	ға-ри-б-маъ	ни-лар,
—√—	—√—√	—
фоилотун	мафоилун	фаълун
Ғу-ра-бо-хай	ли-дин-ни-шо	на-дур-рур.
—√—	√—√—	√√—
фоилотун	мафоилун	фаилун

Кўриниб турибдики, биринчи мисра фаълун рукни билан тугаган бўлса, иккинчиси файлун рукни билан хотималанган, яъни икки мисра кўри хил вазнда ёзилган.

Биз юқорида кўриб ўтган икки вазн кўпроқ қитъаларни ёзишда қўлланган.

### Мужтасс баҳри вазилари

Мустафъилун ва фоилотун рукларининг бирикиб такрорланишидан мужтасс баҳрининг тузилишини ҳам юқорида кўриб ўтган эдик. Фақат бу баҳрда биринчи ва учинчи рукларда мустафъилун, иккинчи ва тўртинчи рукларда фоилотун такрорланади. Ана шу икки рукнинг тармоқлари мужтасс баҳри вазнларини юзага келтиради.

Ўзбек адабиётида мужтасс баҳрининг, асосан, саккиз рукли шаклидан фойдаланиб келинган. Бу шаклнинг чизмаси қуйидагича эди:

Мустафъилун	фоилотун	мустафъилун	фоилотун
— — √ —	— √ — —	— — √ —	— √ — —
Мустафъилун	фоилотун	мустафъилун	фоилотун
— — √ —	— √ — —	— — √ —	— √ — —

Қуйида мужтасс баҳрининг ўзбек адабиётида кўп қўлланилган баъзи вазиларини кўриб чиқамиз.

Адабиётимизда қўлланиладиган мужтасс баҳри вазнларининг деярли барчасида мисралардаги аввалги уч рукн бир хил — „мафоилун файлотун мафоилун“ тарзида такрорланади. Улар ўртасидаги фарқ фақат энг сўнги рукнигагина боғлиқдир. Ҳар бир мисрадаги охириги, тўртинчи рукн ўрнида келган фоилотуннинг турли хил ўзгариши, турли тармоқ рукларининг қўлланишига кўра вазн номлари ҳам ўзгариб боради.

**1. Мужтасси мусаммани махбуни маҳзүф.** Мужтасси мусаммани махбуни маҳзүф вазнида ана шу охириги рукн фоилотуннинг махбуни маҳзүф кўриниши — файлун рукнидан иборатдир. Масалан:

Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,  
Бу навъи даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

*Навоий.*

Бу вазннинг чизмасига диққат қилинг:

Ме-нинг-фи-ро	қи-му-о-нинг	ви-со-ли-тун	би-ла-тонг,
√ — √ —	√ √ — —	√ — √ —	√ √ —
мафоилун	файлотун	мафоилун	файлун
Бу-навъ-и-даҳ	р-да-йўқ-эх	ти-мо-ли-тун	би-ла-тонг
√ — √ —	√ √ — —	√ — √ —	√ √ —
мафоилун	файлотун	мафоилун	файлун

**2. Мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур.** Бу вазн адабиётимизда кўпроқ қўлланган. Унинг мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф вазидан фарқи шундаки, ҳар қайси мисралаги охириги рунлр бунда фоилотуннинг маҳбуни мақсур тармоғи — файлонга тенг бўлади. Масалан:

Эрур ҳамиша хазон баргидек бошимда шарор,  
Сенга не ғамки, бошинг узрадур ҳамиша баҳор.

*Навоий.*

Маъкур байт чизмаси қуйидагича:

Э-рур-ҳа-ми	ша-ха-зон-бар	ги-дек-бо-шим	да-ша-ро-р.
√-√-	√√--	√-√-	√√~
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	файлон
Се-нга-не-ғам	ки-бо-шинг-уз	ра-дур-ҳа-ми	ша-ба-ҳор.
√-√-	√√--	√-√-	√√~
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	файлон

**3. Мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ.** Бу вазнда юқоридагилардан фарқли ўлароқ, ҳар қайси мисранинг охириги рунлари ўрнида фоилотуннинг мақтуъ тармоқ рунки — фаълун келади. Ундан аввалги уч рун эса юқоридагича такрорланади. Масалан:

Лабинг ҳаёт суйидинким зулол эмиш — билдим,  
Зулол нуқтаси устида хол эмиш — билдим.

*Навоий.*

Маъкур байт чизмасини қуйидагича тузиш мумкин:

Ла-бинг-ҳа-ёт	су-йи-дин-ким	зу-лол-э-миш	бил-дим,
√-√-	√√--	√-√-	---
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълун
Зу-ло-л-нуқ	та-си-ус-ти	да-ҳол-э-миш	бил-дим.
√-√-	√√--	√-√-	---
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълун

Бу вазн ҳам ёқимли бўлиб, адабиётимизда анча кенг қўлланиб келган.

Мисоллар:

Ажаб эмастур, агар бўлса дардим огоҳи,  
Менинг шаҳимким эрур дардмандлар шоҳи.

*Навоий.*

Хужуми хол эрур ул гули жамол узра,  
Начукки мушк сочиғай ҳарир ол узра.

*Навоий.*

Тилаб юзунгни кўнгул ҳажрдин фароғ истар,  
Қаронгу тунда нечукким киши чароғ истар.

*Навоий.*

Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ғатан қилғил.

*Навоий.*

4. Мужтасси мусаммани махбуни мақтуи мусаббағ. Мазкур вазн ҳам юқоридагидан аруз ва зарб руқнлари жиҳатидангина фарқ қилади, бунда ана шу руқнлар фонлотуннинг мақтуи мусаббағ тармоқ руқни — фаълондан иборат бўлади. Масалан:

Мени ҳавосида девона айлади ул шўх,  
Жунуни ишқ ида афсона айлади ул шўх.

*Навоий.*

Бу байтнинг чизмаси қуйидагича:

Ме-ни-ҳа-во	си-да-де-во	на-ай-ла-ди	ул-шўх,
V—V—	V V—	V—V—	—~
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълон
Жу-ну-ни-иш	қи-ла-аф-со	на-ай-ла-ди	ул-шўх
V—V—	V V—	V—V—	—~
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълон

Бу мисраларнинг охиридаги „шўх“ бўғини таркибида бўлган „ў“ унлиси чўзиб талаффуз қилингани туфайли, бу бўғин ўта чўзиқ бўғин саналади, олдидаги чўзиқ бўғин билан биргаликда фаълон руқнига тенг келади.

Бу вазндан ҳам шоирларимиз кўп фойдаланганлар.  
Мисоллар:

Кўнгулки ишқини жон ичра айлади маҳфуз,  
Гўҳарни нақди ниҳон ичра айлади маҳфуз.

*Навоий.*

Чу қилди ишқига кўнгулмни мубтало ул шўх,  
Кетурди жонима ҳар лаҳза юз бало ул шўх.

*Навоий.*

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, юқоридаги вазнлар руқнлар таркибининг бир-бирига яқинлиги туфайли биргаликда қўлланиши ҳам мумкин. Кўпгина шеър мисраларидаги олдинги уч руқн бир хил бўлиб, аруз ва зарб руқнларида фонлотуннинг махбуни мақсур, махбуни мақзуф, мақтуъ ва мақтуи мусаббағ руқнлари алмашилиб туради. Масалан:

Тешилди хаста кўнгул, ишқ тийғи эгкоч зўр,  
Кирар анга қора қайғу сипоҳи уйлаки мўр.

*Навоий.*

Бу байт чизмаси қуйидагича:

Те-шил-ди-хас	та-кў-нгул-иш	қ-тий-ғи-эт	коч-зўр,
V—V—	V V—	V—V—	—~
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълон

Ки-рар-а-нга	қо-ра-қай-ғу	си-по-қи-уй	ла-ки-мўр
V—V—	VV—	V—V—	VV~
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаилон

Кўриниб турибдики, биринчи мисра мужтасси мусаммани махбуни мақтуи мусаббағ вазнида, иккинчиси эса мужтасси мусаммани махбуни мақсур вазнида ёзилган.

Худди шунингдек, мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф ва мужтасси мусаммани махбуни мақту вазнлари ҳам бирликда қўлланиши мумкин.

Масалан:

Чу ҳусн вақтида ул ойға зор ошиқ эдим,  
Кўруб жаҳон эли йиғларлар эри я ҳолимга.

*Навоий.*

Мазкур байт чизмаси қуйидагича:

Чу-ҳус-н-вақ	ти-да-ул-ой	ға-зо-р-о	ши-қэ-дим,
V—V—	VV—	V—V—	VV—
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаилун
Кў-руб-жа-ҳон	э-ли-йиғ-лар	ла-рэр-ди-ҳо	лим-ға
V—V—	VV—	V—V—	—
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълун

Шеърнинг чизмасига эътибор қилинса, биринчи мисранинг мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазнида, иккинчисининг эса мужтасси мусаммани махбуни мақту вазнида эканини кўриш қийин эмас.

## Мафъулоту рукнининг тармоқлари

Мафъулоту рукни жами 9 хил ўзгаришга учрайди. Натижада унинг 13 тармоғи юзага келади. Шулардан айримларигина адабиётимизда қўлланиб келган. Жумладан:

1. **Фоилун.** Бу рукн мафъулотунинг макшуф тармоғи — мафъулуннинг „тайй“ зиҳофи билан ўзгартирилиб, иккинчи чўзиқ бўғинининг қисқа бўғинга айлантирилиши ҳамда қолган мафъулунни ўзига тенг бўлган **фоилун** рукни билан алмаштирилишидан ҳосил бўлади. Бу рукн матвийи макшуф деб юритилади.

2. **Фоилон.** Бу рукн мафъулотунинг мавқуф тармоғи бўлган мафъулунни „тайй“ зиҳофи билан ўзгартириб, иккинчи чўзиқ бўғинини қисқа бўғинга айлантириш ҳамда ҳосил бўлган „мафъулон“ („у“ унлиси қисқа) ни ўзига тенг **фоилон** рукни билан алмаштириш натижасида юзага келади. Бу рукн матвийи мавқуф деб юритилади.

Маълумки, мафъулоту рукнининг бир ўзи такрорланиб, бирор баҳрни ҳосил қилмайди, у, одатда, бошқа рукнлар, хусусан, мустафилун рукни билан биргаликда такрорланиб, мун-



сарих, муқтазаб ва сарих баҳрларининг тузилишида иштирак этади. Шу сабабли мафъулоти рукнининг тармоқлари бу баҳрларда қўлланганда, ана шу баҳрларнинг турли тармоқлари майдонга келади.

Ўзбек адабиётида сарих ва мунсарих баҳрлари қўлланиб, муқтазаб баҳри ишлатилмайди. Шу сабабли қуйида мафъулоти руки иштирокидаги сарих, мунсарих баҳри вазнларидан баъзиларини — шоирларимиз ижодида фойдаланилганларини кўриб ўтайлик.

### Мунсарих баҳри вазнлари

Маълумки, бу баҳр мустафъилун ва мафъулоти рукиларининг бирикиб такрорланишидан тузилади. Ўзбек адабиётида бу баҳрнинг мусамман шакли, яъни саккиз рукили кўриниши кўпроқ қўлланилади. Мунсарихи мусаммани солим вазнининг бир мисрадаги чизмаси қуйидагича эди:

мустафъилун мафъулоти мустафъилун мафъулоти  
 —V— ——V— ——V— ——V—

Мунсарих баҳрининг тармоқларида бу рукилар турли ўзгаришларга дуч келган ҳолда иштирак этади. Ўзбек адабиётида бу баҳрнинг қуйидаги вазнларидан фойдаланилган:

1. Мунсарихи мусаммани матвий макшуф Мунсарих баҳрининг бу тармоғида мустафъилун рукинининг матвий тармоғи — муфтаилун ҳамда мафъулоти рукинининг матвий макшуф тармоғи — фоилун қатнашади: ҳар бир мисранинг биринчи ва учинчи рукилари муфтаилунга, иккинчи ва тўртинчи рукилари эса фоилунга тенг бўлади. Масалан:

Сурма биланму ул ой кўзни қаро айламиш,  
 Йўқса Хўтан жайрани мушк ичида агнамиш.

*Навоий.*

Бу байт чизмаси қуйидагича:

Сур-ма-би-лан му-у-лой кўз-ни-қа-ро ай-ла-миш,  
 —VV— —V— —VV— —V—  
 муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун  
 Йўқ-са-Хў-тўн жай-ра-ни муш-ки-чи-да аг-на-миш.  
 —VV— —V— —VV— —V—  
 муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун

Мисоллар:

Кўнглум очилмас даме бу бадани зордин,  
 Уйлаки маҳкам тугун инчароқ тордин.

*Навоий.*

Ваҳки чамандин яна эсли шамол ўзгача,  
 Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

*Навоий.*

2. **Мунсариҳи мусаммани матвийи мавкуф.** Бу баҳр юқоридагидан шу билан фарқланадики, унинг олдинги уч рукнида ўзгариш бўлмаган ҳолда, охириги рукн ўрнида мафъулотунинг матвийи макшуф тармоғи — фоилун эмас, балки матвийи мавкуф тармоғи — фоилон келади.

Масалан:

Бода мени айлади зуҳду риёдин халос,  
Зуҳду риё йўқки минг ранжу анодин халос.

*Навоий.*

Мазкур байт чизмаси қуйидагича:

Бо-да-ме-ни	ай-ла-ди	зуҳ-ду-ри-ё	дин-ха-лос,
— √ √ —	— √ —	— √ √ —	— √ ~
Муфтаилун	фоилун	муфтаилун	фоилон
Зуҳ-ду-ри-ё	йўқ-ки-минг	ран-жу-а-но	дин-ха-лос
— √ √ —	— √ —	— √ √ —	— √ ~
Муфтаилун	фоилун	муфтаилун	фоилон

### Сариъ баҳрининг тармоқлари

Маълумки, сариъ мустафилун ва мафъулоту рукнларининг бирикиб такрорланишидан тузилади. У, одатда, мусаддас шаклида, яъни олти рукнлик кўринишда қўлланади. Унинг солим ҳолдаги тўлиқ чизмаси қуйидагича эди (бир мисрада):

мустафилун	мустафилун	мафъулоту
— — √ —	— — √ —	— — — √

Ўзбек адабиётида сариъ баҳрининг қуйидаги вазнларидан кўпроқ фойдаланилган:

1. **Сариъи мусаддаси матвийи макшуф.** Бу вазнда мустафилун рукнининг матвий тармоғи — муфтаилун рукни ҳамда мафъулоту рукнининг матвийи макшуф тармоғи — фоилун рукни иштирок этади. Муфтаилун биринчи ва иккинчи рукнлар ўрнида, фоилун эса учинчи рукн ўрнида келади.

Масалан:

Оҳки ишқ айлади шайдо мени,  
Солди жунуи кўйига савдо мени,

*Навоий.*

Бу байтнинг чизмаси қуйидагича бўлади:

О-ҳ-ки-иш	қай-ла-ди-шай	до-ме-ни,
— √ √ —	— √ √ —	— √ —
Муфтаилун	муфтаилун	фоилун
Сол-ди-жу-нун	кў-йи-га-сав	до-ме-ни.
— √ √ —	— √ √ —	— √
Муфтаилун	муфтаилун	фоилун

Ўзбек шоирлари бу вазнда кўплаб лирик шеърлар, эпик достонлар битганлар. Номасълум шоирнинг „Юсуф ва Зулайхо“, Навоийнинг „Ҳайратул аброр“ достонлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мисолялар:

Бор эди Мағрибада шоҳи номвар,  
Ҳамроҳ эди чун анга фатҳу зафар.

*Дурбек.*

Эйки қавий айлади давлат қўлунг,  
Зудм сори-тушти ва лекин йўлинг.

*Навоий.*

## 2. Саръи мусаддаси матвийи мавқуф.

Бу вазн юқоридаги ўлчовдан охириги рукннинг фоилон (мафъулоти рукннинг матвийи мавқуф тармоғи) тарзида қўл-ланиши билангина фарқланади.

Масалан:

Ўн ики ойда келадур бир таноб,  
Ўзгалара роҳату менга азоб.

Байт рукнлари ва чизмаси қуйидагича:

Ўн-и-ки-ой	да-ке-ла-дур	бир-та-ноб
муфтаилун	муфтаилун	фоилон.
Ўз-га-ла-ра	ро-ҳа-ту-мен	га-а-зоб
муфтаилун	муфтаилун	фонлон

## Фаулун рукннинг тармоқлари

Фаулун рукни таркибидаги бўғинларнинг турли хил ўзга-риши натижасида унинг қуйидаги тармоқлари майдонга келади:

1. **Фаълун.** Бу рукн фаулуннинг „салм“ („бузилиш“) зиҳофи билан ўзгартирилиб, биринчи қисқа бўғинининг туширилиши ва қолган „улун“ қисмининг ўзига тенг бўлган **Фаълун** рукни билан алмаштирилишидан ҳосил бўлади ва **аслам** деб юритилади.

2. **Фаал.** Бу рукн фаулуннинг „ҳазф“ зиҳофи билан ўзгартирилиб, кейинги чўзиқ бўғинининг туширилиши ва қолган „фау“ қисмининг ўзига тенг **фаал** рукни билан алмаштирилишидан ҳосил бўлади ва **маҳзўф** деб юритилади.

3. **Фаулу.** Бу рукн фаулуннинг „қабз“ зиҳофи билан ўзгартирилиб, охириги чўзиқ бўғинини қисқа бўғинга айлантиришдан ҳосил бўлади ва **мақбуз** деб юритилади.

4. **Фаълу.** Бу рукн фаулуннинг „сарам“ („олдинги тишни синдириш“) зиҳофи билан ўзгартирилиб, биринчи қисқа бўғинининг туширилиши, айни вақтда охиридаги бўғинни қисқа бўғинга айлантириш ҳамда қолган „улу“ қисмини ўзига тенг **фаълу** рукни билан алмаштириш натижасида ҳосил бўлади ва **асрам** деб юритилади.

5 Фаул. Бу руки фаулуннинг „қаср“ зиҳофи билан ўзгартирилиб, охирги бўғинининг туширилиши ва иккинчи бўғинининг ўта чўзиқ бўғинга айлантирилишидан ҳосил бўлади ва мақсур деб юритилади.

Шундай қилиб, фаулун рукнининг турли ўзгаришларга дуч келиши натижасида унинг адабиётимизда қўлланадиган қуйидаги тармоқлари ҳосил бўлади ва қуйидагича аталади:

1. Фаулу — мақбуз

√—√

2. Фаълун — аслам

— —

3. Фаал — маҳзуф

√—

4. Фаул — мақсур

√~

5. Фаълун — асрам

—√

Фаулун рукнининг юқоридаги тармоқлари бу руки такро-рига асосланган мутақориб баҳри ҳамда унинг иштирокида тузиладиган тавил баҳрининг тармоқларини келтириб чиқаради. Тавил баҳри адабиётимизда қўлланмаган. Қуйида мутақориб баҳрининг ўзбек адабиётида кўп қўлланадиган вазиларини кўриб ўтамыз.

1. Мутақориб мусаммани мақсур. Бу вазнда фаулуннинг мақсур тармоғи — фаул рукни иштирок этади. У, олатда, ҳар байтнинг аруз ва зарб рукнлари, яъни ҳар қайси мисранинг охирги рукнлари ўрнида келади. Масалан:

Зи-ҳи-шаҳу нў-шинг бағоят малиҳ,  
Мусалсал сўзинг бениҳоят малиҳ.

*Навоий.*

Бу байт чизмасини шундай кўрсатиш мумкин:

Зи-ҳи-шаҳу ду-нў-шинг ба-ғо-ят ма-лиҳ,

√— —      √— —      √— —      √~

фаулун      фаулун      фаулун      фаул

Му-сал-сал сў-зинг-бе ни-ҳо-ят ма-лиҳ.

√— —      √— —      √— —      √~

фаулун      фаулун      фаулун      фаул

2 Мутақориб мусаммани маҳзуф. Бу вазнда фаулуннинг маҳзуф тармоқ рукни — фаал иштирок этади. У ҳам ҳар бир байтнинг аруз ва зарб рукни, яъни мисраларнинг охирги рукнлари ўрнида келади. Масалан:

Сениндек буте йўқтурур Чин аро,  
Бути Чин сенинг бандан ойин аро.

*Нав ий.*

Бу байтнинг чизма ва рукнлари қуйидагича:

Се-нинг-дек	бу-те-йўқ	ту-рур-Чин	а-ро,
√—	√—	√—	√—
фаулун	фаулун	фаулун	фаал
Бу-те-Чин	се-нинг-бан	да-нго-йин	а-ро.
√—	√—	√—	√—
фаулун	фаулун	фаулун	фаал

3. Мутақориби мусаммани аслам. Мутақориб баҳрининг бу тармоғида фаулуннинг аслам тармоғи — фаълун рукни иштирок этади. Бу рукн, одатда, мисраларнинг биринчи ва учинчи рукнлари ўрнида келади. Масалан:

Кўрсат жамолинг мастоналарга,  
Ишқингда куйган девоналарга.

*Маишраб*

Бу байтнинг чизмаси қуйидагича:

Кўр-сат	жа-мо-линг	мас-то	на-лар-га,
—	√—	—	√—
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
Иш-қинг	да-куй-ган	де-во	на-лар-га.
—	√—	—	√—
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун

Мазкур вазнда адабиётимизда кўллаб ажойиб лирик шеърлар яратилган. Мисоллар:

Эй шўх зебо, эй сарв раъно,  
Бўлдум гамингдин мажнун шайдо.

*Навоий.*

Арзимни айдим боди сабога,  
Еткурса ҳолим ул дилрабога.

*Ҳуҷайдо*

Ўн олти рукнли мутақориби аслам

Мумтоз шеърятимизда мутақориб баҳрининг кўп рукнли вазналари ҳам қўлланган. Айрим етук шоирлар, хусусан, 16 рукнли мутақориби аслам вазнида лирик шеърлар битганлар.

Мазкур вазнда яратилган шеърларнинг ҳар байтида 16 та рукн иштирок этиб, мисраларда фаулун рукнининг аслам тармоғи — фаълун солим рукн — фаулун билан кетма-кет алмашиниб такрорланади. Масалан:

Сенсан латофат тахти уза шах, ҳусн ақлидурлар  
хайли сипоҳинг,  
Бўлсун илоҳи то рўзи маъшар афзуну олий  
иқболи жоҳинг.

*Оғаҳий.*

Мана шу байт чизмаси қуйидагича:

Сен-сан	ла-то-фат	тах-ти	у-за-шаҳ	ҳус-наҳ	ли-дур-лар
—	√—	—	√—	—	√—
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
				хай-ли	си-по-ҳинг
				—	√—
				фаълун	фаулун
Бўл-сун	и-ло-ҳи	то-рў	зи-маҳ-шар	аф-зу	ни-о-лий
—	√—	—	√—	—	√—
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
				иқ-бо	ли-жо-ҳинг,
				—	√—
				фаълун	фаулун

### Ўн олти рукни мутақориби аслами мусаббағ

Бу вазн юқоридаги ўлчовдан охириги бўғиннинг ўта чўзиқлиги, яъни ҳар қайси қофияланувчи мисрадаги охириги рукнининг фаулунга эмас, балки унинг мусаббағ тармоғи — фаулунга тенглиги билангина фарқланади. Масалан:

Ақлимни олди, ҳайратга солди бир турфа жонон,  
 султони ҳубон,  
 Ул бир табассум айлаб такаллум чун моҳи тобон  
 бўлди намоеън.  
*Фурқат.*

Байт чизмаси қуйидагича:

Ақ-лим	ни-ол-ди,	ҳай-рат	га-сол-ди	бир-тур	фа-жо-нон
—	√—	—	√—	—	√—
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
				сул-то	ни-хў-бон,
				—	√—~
				фаълун	фаулун
Ул-бир	та-бас-сум	ай-лаб	та-кал-лум	чун-мо	ҳи-то-бон
—	√—	—	√—	—	√—
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
				бўл-ди	на-мо-ён
				—	√—~
				фаълун	фаулун

### Ўн олти рукни мутақориби мақбузи аслам

Аруз вазнига биринчи марта Алишер Навоий томонидан олиб кирилган бу вазнда фаулун рукнининг мақбуз тармоғи — фаулу ҳамда аслам тармоғи — фаълун рукнлари иштирок эта-

ди: фаулу тоқ рукнларда, фаълун эса жуфт рукнлар ўрнида келади. Бу вазнининг рукнлари ва чизмаси қуйидагичадир:

Фаулу	фаълун	фаулу	фаълун	фаулу	фаълун	фаулу	фаълун
√-√	---	√-√	---	√-√	---	√-√	---
Фаулу	фаълун	фаулу	фаълун	фаулу	фаълун	фаулу	фаълун
√-√	---	√-√	---	√-√	---	√-√	---

Масалан:

Не пок мажнунки бир пари чехра пок хуснига зор бўлғай,  
Бу пок ишқ ичра пок жон тарки этса не ихтиёр бўлғай.

Навоий.

Мазкур байтнинг чизмаси тузилса, қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Не-по-к	маж-нун	ки-бир-па	ри-чех	ра-по-к	хус-ни
√-√	---	√-√	---	√-√	---
фаулу	фаълун	фаулу	фаълун	фаулу	фаълун
				га-зо-р	бўл-ғай
				√-√	---
				фаулу	фаълун

Бу-по-к	иш-қич	ра-по-к	жон-тар	ки-эт-са	не-их
√-√	---	√-√	---	√-√	---
фаулу	фаълун	фаулу	фаълун	фаулу	фаълун
				ти-ё-р	бўл-ғай
				√-√	---
				фаулу	фаълун

### Фоилун рукнининг тармоқлари

Фоилун рукни таркибидаги бўгинларнинг ўзгариши натижасида унинг адабиётимизда қўлланувчи қуйидаги тармоқларга майдонга келади:

1. **Файлун.** Бу рукн файлотуннинг „хабн“ зиҳофига дуч келиб, биринчи чўзиқ бўгинининг қисқа бўгинга айлантирилишидан ҳосил бўлади ва махбун деб юритилади.

2. **Фаълун.** Бу рукн файлогуннинг „қатъ“ зиҳофига дуч келиб, охириги бўгинини тушириш ва қисқа бўгинини чўзиқ бўгинга айлантириш натижасида ҳосил бўлади ва мақтуъ деб юритилади. Фоилун рукнининг шундай ўзгаришдан сўнг юзага келган „фон“ қисми ўзига тенг бўлган фаълун рукни билан алмаштирилади.

3. **Файлон.** Бу рукн файлоннинг махбун тармоғи файлуни-нинг изола зиҳофи билан ўзгартирилиб, охириги чўзиқ бўгинини ўта чўзиқ бўгинга айлантириш натижасида ҳосил бўлади ва махбуни музод деб юритилади.

Фойлун рукнининг бу зиҳорлари унинг такроридан тузиладиган мутадорлик баҳри, шунингдек, унинг иштирокида тузиладиган мадид ҳамда басит баҳри тармоқларини майдонга келтиради. Ўзбек адабиётида мадид ва басит баҳрларидан фойдаланилмаган. Шеъримизда мутадорик баҳрининг икки вазни қўлланган, холос.

Мутадорик мусаммани мақтуъ. Бу вазн шеър мисраларида фақат чўзиқ бўғинларнинггина келиши жиҳатидан характерлидир. Бир байтдаги саккизта рукнининг ҳар бири фойлун рукнининг мақтуъ тармоғи — фаълунга тенг бўлади. Масалан:

Борғил эй ҳамдам ҳар ёни,  
Кўнглум итмиш, топил они.

*Навоий.*

Мазкур байт қуйидаги чизмага эга:

Бор-ғил	эй-ҳам	дам-ҳар	ё-ни,
— —	— —	— —	— —
фаълун	фаълун	фаълун	фаълун
Кўнг-лум	ит-миш,	топ-қил	о-ни.
— —	— —	— —	— —
фаълун	фаълун	фаълун	фаълун

Ун олти рукни мугадорик махбун

Бу вазн шеър мисраларида фойлун рукнининг махбун тармоғи иштирок этишини тақозо қилади. Адабиётимизда ана шу рукнининг бир байтда 16 марта такрорланишига асосланган кўриниши қўлланилган

Масалан:

Туну кун караминг ўқини отасан ҳамда олам  
элини нишона қилиб,  
Вале навбат агар манга етса, хато қиласан  
неча навъ баҳона қилиб.

*Огаҳий.*

Шу байт чизмасини қуйидагича тузиш мумкин:

Ту-ну-кун	ка-ра-минг	ў-қи-ни	о-та-сан	ҳа-ма-о
VV—	VV—	VV—	VV—	VV—
фаилун	фаилун	фаилун	фаилун	фаилун
		ла-мэ-ли	ни-ни-шо	на-қи-либ,
		VV—	VV—	V—
		фаилун	фаилун	фаилун



Ва-ле-нав ба-та-гар ма нга-ет са-ха-то қи-ла-сан  
 √√— √√— √ — √√— √√—  
 файлун файлун файлун файлун файлун  
 не-ча-нав иъ-ба-ҳо на-қи-либ,  
 √√— √√— √√—  
 файлун файлун файлун

Кўриниб турибдики, мазкур байтда файлун рукнининг махбун фуруи — файлун 16 марта айнан такрорланган. Шунга кўра шеър вазни 16 рукли мутадорикки махбун эканини таъкидлашимиз мумкин.

Шундай қилиб, юқорида кўриб ўтилган 8 асдан олтитасининг хилма-хил ўзгаришларга дуч келиши натижасида шеърятимизда фойдаланиладиган 30 га яқин тармоқ руки — фуруълар майдонга келади. Улар адабиётимизда қўлланиб келган 11 баҳрнинг 100 га яқин вазналари асосини ташкил қиладди.

Шуни назарда тутиш лозимки, асллар ва уларнинг тармоқлари шоирларимиз ижодида фойдаланилган вазналарда ҳар қайси мисранинг муайян ўринларида келади. Чунончи, мафойилун, фоилотун, файлотун, мустафъилун, мафоилун, фаулун, фоилун, фаълун руклари исталган руки ўрнида, мафъулу, муфтаилун 1 — 3, файлоту, фаълу 1 ва 3, фоилоту фақат 2-руклар ўрнида кела олади. Кўпгина фуруълар, хусусан, охирги бўғини ўта чўзиқ бўлган мафойилон, мафоилон, мафонил, фойилиён, файлийён, фоилон, файлон, фаълон, фаул, фоз, шунингдек, файлун, фаал, фаъ фуруълари фақат охирги руклар ўрнидагина келиши мумкин.

Ана шу рукларнинг бир қисmidан ҳозирги шеърятимиз вазналарини белгилашда ҳам фойдаланилмоқда.

## МАКТАБДА АРУЗ ИЛМИНИ ЎРГАНИШ

Мактабда адабиёт ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири-ни ўқувчиларни шеърий асарларни ифодали ўқишга, ўргатиш, уларни шоирларимиз ижодида қўлланган хилма-хил вазнларнинг ритм—оҳанг хусусиятлари, шеърятимизда қўлланиш кўлами, муаллифларнинг ҳар қайси шеърий ўлчовдан санъаткорона фойдаланиш маҳораги билан гаништириш, бинобарин, вазннинг баъдий асардаги ўрни ҳақида муайян билим ва малакалар ҳосил қилиш ташкил этади. Ўқувчилар адабиётимизнинг кўп асрлик тарихини ўрганиш жараёнида ранг-баранг шеърий ўлчов тизимлари ҳақида маълумот оладилар, улардан ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари, турли хил вазнларини кўздан кечирадилар. Хусусан, адабиётимизда минг йил давомида қўлланиб келинган аруз ўлчов тизими хусусиятларини атрофлича ўзлаштирадилар.

Аруз тизими билан ўқувчиларни таништириш, аввало, амалий мақсадни кўзлайди. Гап шундаки, мазкур шеърий ўлчов тизими асосида яратилган шеърий асарларни ифодали ўқиш учун аруз назариясидан пухта билимга эга бўлиш талаб қилинади. Аруз ўлчовининг етакчи жиҳатлари — унинг қисқа ва чўзиқ бўғинлар такрорига асосланиши, асосий рукнлари, баҳрлари, вазнлари, ифодали ўқиш усулларини яхши ўзлаштирмай туриб, ушбу тизим асосида битилган асарларни тўғри, саводли тарзда ўқиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқитувчи диққати даставвал мана шу масалага қаратилмоғи лозим

Аруз тизимида битилган хилма-хил жанрлардаги лирик ва эпик асарларни ифодали ўқиш, уларнинг вазн хусусиятларини таҳлил қилиш ва турли-туман ўлчовларни аниқлаш малакаларини эгаллаш учун ҳам мазкур тизимнинг назарий жиҳатларидан етарли даражада хабардор бўлиш талаб этилади. Арузнинг назарий асосларини изчил ўзлаштириб бориш ишини 6-синфдан бошлаш мумкин. Ушбу синфда Алишер Навоий асарларини ифодали ўқишга киришилار экан, аруз шеърий ўлчов тизими ҳақида дастлабки тушунчани ўқувчилар диққатига ҳа-вола қилиш лозим.

Ўқитувчининг бу ҳақдаги кичик маърузаси қуйидагича бўлиши мумкин:

Алишер Навоийнинг биз ўрганганидан шеърини асарларини ифодали ўқиш учун уларнинг вазн хусусиятларини, яъни қандай оҳанг, қандай ўлчов асосида ёзилганини билиб олиш лозим. Ўзбек адабиётида ХХ аср бошларига қадар яратилган асарларнинг деярли барчаси аруз деб аталган шеърини ўлчов асосида ёзилган. Ушбу ўлчов шеърда қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг маълум бир тартибда такрорланишига асосланади

Қисқа бўғин деб қисқа талаффуз қилинадиган унли билан битган очиқ бўғинга айтилади. Бундай бўғинлар шеър чизмасида √ белгиси билан белгиланади. **Китоб, зафар, умид** каби сўзларнинг биринчи бўғинлари шундай қисқа бўғинлардир.

Очиқ бўғин чўзиқ унли билан тугаса ёки ёпиқ бўғин таркибида қисқа унли келса, чўзиқ бўғин ҳисобланади, шеър чизмасида эса — белгиси билан ифодаланади. **Доно, зебо, мактаб, қиммат** каби сўзларнинг бўғинлари ана шундай чўзиқ бўғинлардир.

Аруз вазнида ёзилган асарларнинг муҳим хусусияти шундаки, ҳар қайси мисрада қисқа ва чўзиқ бўғинлар ўзининг муайян, аниқ ўрнига эга. Шеърни тўғри ўқиш учун қайси ўринда қандай бўғин туришини шеър чизмасидан билиб олиб, шунга мувофиқ ўқиш лозим. Масалан, биз ҳозир ўқийдиган „Ҳолами Тойи“ ҳикоясидаги бўғинлар

— √ √ —      — √ √ —      — √ —

кўринишида жойлашган. Достоннинг барча мисраларида шу тартиб ўзгармайди. Демак, ҳар қайси мисрадаги 2-, 3-, 6-, 7-, 10- бўғинлар қисқа бўғин тарзида, 1-, 4-, 5-, 8-, 9-, 11- бўғинлар эса чўзиқ бўғин қилиб ўқилиши керак. Акс ҳолда оҳанг бузилади. Биринчи байтни кўздан кечирайлик:

Ҳолами Тойига бир озодаваш  
Дедики: „Эй ҳимматинг озода куш“.

Юқоридаги чизмага кўра биринчи мисрадаги **ҳо, то, йи, о, зо, ваш** бўғинларини чўзиқ бўғин тарзида, **та, ми, га, бир, да** бўғинларини қисқа бўғин қилиб ўқишимиз лозим. Аммо **бир** бўғини ёпиқ бўлгани учун қисқа бўлолмайди-ку. **Бир** тарзида ўқисак, оҳанг бузилади. Шунинг учун бу сўз охиридаги **р** ундошини кейинги **о** бўғинига қўшиб ро қилиб ўқисак, бир сўзининг **би** қисми очиқ бўғин бўлиб қолади-да, оҳанг сақланади. Иккинчи мисрадаги **ҳимматинг** сўзининг **нг** ундошини **о** унлисига қўшиб ўқиб, **ти** бўғинини қисқа бўғинга айлантирамиз. Шеър оҳангини сақлаш учун бундай қўшиб ўқиш ҳодисаси шеърларда тез-тез учраб туради. Ушбу ҳикоянинг анчагина мисраларида шу хил бўғинлар қўлланган.

Аруз вазнидаги шеърларни тўғри, ифодали ўқиш учун ўта чўзиқ бўғин нималигини ҳам билиб олиш зарур. Ёпиқ бўғин таркибида унли чўзиқ бўлса (масалан, **хитоб, жавоб** сўзлари-

даги кейинги бўгинлар каби) ёки бу хил бўгин қўш ундош билан тугаса (**банд, ганж** сўзлари каби), бундай бўгинлар ўта чўзиқ саналади. Улар мисра ичида келса, —V белгиси билан, мисранинг охирида келса, ~ белгиси билан ифодаланади. Шеърда таркибида чўзиқ унлили ўта чўзиқ бўгин келганда, шу унлини чўзиб талаффуз этиш, қўш ундош билан тугалланган ўта чўзиқ бўгинлар келганда. Ё улар таркибидаги унлини чўзиб ўқиш, ёки охириги ундошни алоҳида талаффуз қилиб, қисқа бўгинга айлантириб ўқиш лозим бўлади.

Ана шундай суҳбатдан сўнг ўқитувчи ҳикояни ўқишга киришиб, ифодали ўқиш усулларини тушунтиради. Ўқувчилар ўқир эканлар, чўзиб ёки қўшиб ўқиладиган ҳолатларга алоҳида диққат қилиб, тўғри ўқишни таъкидлаб боради.

Кейинги асар — „Икки вафоли ёр“ ҳикоясини ўқишга киришишдан аввал эса ўқитувчи мисраларни бўлақларга — рукнларга ажратишни ўргатади. Бунинг учун ҳар бир мисрадаги сўзларни тўрт бўгин-тўрт бўгин қилиб ажратиш машқ қилинади. Мисраларни рукнларга тўғри ажратиш учун аввало уларни ифодали ўқиш, бунда ўта чўзиқ бўгинлар ҳамда қўшиб ўқиладиган ўринларга алоҳида диққат қилиш лозим. Масалан, биринчи байт шундай ўқилади:

Андоқ эшигтимки шоҳи — ко-м-рон,  
Тўрт улус — хони Темур — Кўрагон.

Шундан кейин мисралар:

Андоқ эшит — тимки шоҳи — комрон,  
Тўрт улус — хони Темур — Кўрагон

тарзида рукнларга ажратилади. Сўнг ҳар қайси рукннинг чизмадаги белгиларга мувофиқлиги аниқланади. Натижада ўқувчилар биринчи, иккинчи рукнларнинг —V V— белгисига, охириги рукннинг эса —V~ белгисига тенглигини белгилайдилар.

Ниҳоят, ўқитувчи 1—2-рукнларни **муфтаилун**, охириги рукнни **фоилон** сўзи билан ифодалаш мумкинлигини, чунки чизмалар ана шу сўзларга мослигини айтади ва ҳар қайси мисра рукнлари ва чизмасини:

муфтаилун муфтаилун фоилон  
—V V— —V V— —V~

тарзида кўрсатиб, шу оҳангни ўқиш жараёнида сақлаш муҳимлигини таъкидлайди.

Учинчи асар — „Кабутар“ ҳикоясини ўрганиш жараёнида шу хил тадбир давом эттирилади. Ўқувчилар бу асарнинг олдинги икки ҳикоядан бошқачароқ тарзда рукнларга бўлиниши ва чизмаси, бўгинлар таркибининг ўзгачалигига диққат қиладилар. Зеро, „Кабутар“ ҳикояси мисралари рукнларга чизмасосида:

Эшиттам	-ки бир то-	йири но-	ма бор,
Битик эим	-нида шар	қи-ҳанго-	ма бор.
Сабукпар	кабутар-	ки ҳар бир	қулоч,
Ки паррон	очиб тай	қилиб бир	йиғоч.

тарзида ажратилади. Ҷўқитувчи бу хил рукнлар учун **фаулун** **фаулун** **фаул** сўзлари мослигини уқтириб, ушбу шеърий ўлчов рукндари ва чизмаси:

фаулун фаулун фаулун фаул  
 V— V— V— V~

шаклида ифодаланишини таъкидлайди ҳамда асарнинг олдинги ўлчовдан фарқланувчи бошқа бир вазнда ёзилганига ўқувчилар эътиборини тортади.

Бу хилдаги машғулотлар навбатдаги ҳар қайси асарни ўрганиш жараёнида давом эттирилади. Ўқувчилар аста-секин аруз хусусиятлари, рукн, уларнинг чизмаси, ўқилиши ҳақида тобора чуқурроқ билим ва малакага эга бўла борадилар.

7-синфда арузни ўрганиш устидаги ишлар яна бир оз мураккаблашади. Энди ўқувчиларга ўрганилган асарлар чизмасини аниқлаш малакаси сингдирилади. Бу тadbирни шу синфда ўрганиладиган Аҳмад Юғнакийнинг „Ҳибатул-ҳақойиқ“ достонидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи аруз илми ҳақида 6-синфда ўтилганларни такрорлар экан, қисқа, чўзиқ ҳамда ўта чўзиқ бўғинлар таърифини эслатади ва достондан танланган „Тилни тийиш ва одоб-ахлоқ ҳақида“ парчасини ўқитиб, мисралардаги бўғинларнинг қисқа ёки чўзиқлигини аниқлаш ҳамда уларнинг чизмасини ёзишни синфга вазифа қилиб топширади. Ўқувчилар дастлабки мисраларни ўқитувчи раҳбарлигида, кейингиларини эса мустақил аниқлайдилар. Мисралар чизмаси синф тахтасига кўчирилганда:

V— V— V— V—

ёзуви пайдо бўлади. Энди ўқитувчи бир неча мисрани ўқитириб, рукнларга ажратади ва ҳар қайси рукнга фаулун ёки фаал сўзларидан бири мос келишини таъкидлаб, асар рукндари ва чизмаси

фаулун фаулун фаулун фаал  
 V— V— V— V—

тарзида эканини уқтиради. Шу хил машғулотлар Алишер Навоий, Махмур ва Ҳамза асарларини ўрганиш жараёнида давом эттирилади.

8-синфда шеъриятимизда кенг қўлланган айрим баҳр ҳамда вазиларни ўрганиш, уларни аниқлаш иши билан шуғулланиш мумкин. Бу соҳадаги дастлабки тadbир Алишер Навоийнинг „Кеча келгумдур дебон“ ғазалини ўқиш ва таҳлил қилиш жараёнида рамали мусаммани маҳзуф вазинини ўзлаштиришдир.

Ўқитувчи аввалги дарслар давомида Ҳайдар Хоразмийнинг „Бўз тўқувчи кампир ва баззоо ҳикояти“, Алишер Навоийнинг „Қаро кўзум“ ғазалини ўқиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланар экан, ўқувчиларга 6—7-синфларда аруз назарияси ва амалиёти ҳақида ўтилганларни эслатади, асарларни ифодали ўқишга алоҳида диққат қилади. Сўнг „Кеча келгумдур дебон“ ғазалини ўқишга киришилар экан, асар баҳри ҳамда вазни ҳақида маълумот беради. Бунинг учун ҳар қайси мисра ифодали ўқиб туриб рукнларга ажратилади, ҳар қайси рукн чизмаси белгиланади. Синф тахтасида

—V— —V— —V— —V—

чизмаси пайдо бўлгач, ўқитувчи олдинги уч рукни фоилотун, охиргисини фоилун сўзлари билан ифодалаш мумкинлигини таъкидлайди ва шу хил рукн ва чизмага эга бўлган ўлчовни рамали мусаммани маҳзуф деб номлаш қабул қилинганини айтиб, мазкур атамаларни изоҳлайди. Яъни, аруз илмига кўра фоилотун ўлчови такрорига асосланувчи вазнлар туркуми — баҳри рамал деб аталиб, у „туя юриши“ маъносини ифодалаш, шеър бирлиги байт саналиб, ҳар бир байтда 8 бўлак—рукн бўлгани учун саккиз рукнли маъносида арабча мусамман — саккизлик сўзи билан аталиши, охирги рукн фоилотуннинг қисқарган шакли бўлгани учун „охирги бўғини ташланган“ маъносида маҳзуф деб юритилиши тушунтирилади, сўнг ушбу ўлчов шеърятимизда кенг қўлланган энг сеvimли вазн эканлиги таъкидланади, ҳар бир шоир лирикасининг катта қисми шу ўлчов асосида яратилганлиги ўқтирилади.

Ғазал қайта-қайта ўқилар экан, ўқувчилар мазкур вазннинг ҳақиқатан ҳам энг мусиқий, жозибали ўлчов эканига ишонч ҳосил қиладилар.

Муновиснинг „Шеър ул тийғи дудамдурким...“, Фурқатнинг „Сурмадин кўзлар қаро...“ ғазаллари ўрганилар экан, ўқувчиларга ушбу асарлардаги рукнларни ажратиш ва чизмасини белгилаш топширилади, шеърлар вазнини мустақил аниқлаш вазифасини ўқувчилар қийналмай бажара оладилар.

Шундай қилиб, 5—8-синфлардаги адабий ўқиш дарслари давомида ўқувчилар аруз илми асослари билан танишадилар, рукнлар чизмасини белгилаш, рамали мусаммани маҳзуф вазнидаги асарлар ўлчовини мустақил аниқлаш, аруздаги шеърини асарларни ифодали ўқиш малакасига эга бўладилар.

9—11-синфларда аруз шеърини ўлчов тизимининг назарий ва амалий масалаларини изчил ўрганишга киришилади. Ушбу йўналишдаги машғулотлар давомида ўқитувчи диққати:

— вазннинг шеърини асардаги ўрни ва аҳамияти, вазн турлари, ҳар қайси вазннинг ритм-оҳанг имкониятларидан хабардор қилиш;

— ўқувчиларни аруз тизимининг энг муҳим назарий масалалари билан таништириш, ҳар бир вазн хусусиятларини уларга ўргатиб бориш;

— ушбу ўлчов тизими асосида яратилган лирик ва эпик асарларни ифодали ўқиш малакаларини мустаҳкамлаб бориш;  
— шоирларнинг шеърий ўлчов танлаш маҳорати, асардаги ғояларни мужассамлантириш, лирик ва эпик қаҳрамонлар қиёфасини чизишда ҳар бир вазнга хос ритм-оҳанг имкониятларидан фойдаланишдаги санъаткорлигини ўзлаштириб бориш;

— арузда битилган шеърятимизнинг шеърий ўлчовлар жиҳатидан бойлиги ва ранг-баранглиги, турли-туман вазнларнинг ўзаро яқинлиги ёки фарқли жиҳатларини аниқлаш;

— ўзбек арузининг шаклланиш тарихи ва ривожланиш қонуниятлари, етук шоирлар ижодининг ўзбек арузи тараққиётидаги ўрни ҳақида умумий маълумотлар беришга қаратилмоғи керак.

Ўқувчиларга шеърий асарда вазннинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш иши, албатта, улар 5—8-синфларда олган маълумот ва малакаларга асосланади. Ўқитувчи 9-синфда ўзбек адабиёти тарихини ўргатишга киришар экан, арузда ёзилган дастлабки асарларнинг матни устида ишлаш жараёнида шеърий асарда вазннинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлаб ўтади. Бу хусусдаги ўқитувчи маърузаси қуйидагича бўлиши мумкин.

Маълумки, шеърий асар ўлчовли нутқдир. Ҳар қайси шеърий асар бирон-бир ўлчовга асосланмаса, унда бадиий асарга хос оҳанг, мусиқийлик, жозоба бўлмайди. Чунки бундай оҳангни мисралардаги бўғинларнинг тартибли такрори келтириб чиқаради. Энг қадимги кўшиқлардаёқ, бу хусусиятнинг сақланишини кўрамиз. Масалан:

Киш ёй билан тўқушти,  
Кингир кўзин бақишти.  
Тутишқали яқишти,  
Ўтғалимат ўғрашур.

парчасини кўздан кечирсак, унинг ҳар бир мисрасида еттитадан бўғин борлигига диққатимиз жалб бўлади. Шеърдаги оҳангни аввало мисралардаги бўғинларнинг тенглиги ҳосил қилади. Сиз ўқиб чиққан шеърий асарларнинг деярли барчасида ана шу қонунга амал қилингани кўриниб туради. Аммо мисралардаги бўғинларнинг тенглиги оҳанг яратиш масаласини тўла ҳал қилолмайди. Бунинг учун ҳар қайси мисрадаги тенг миқдорли бўғинларнинг маълум бир тартиб билан такрорланиши ҳам муҳимдир. Чунончи, юқоридаги парча мисраларида келган еттита бўғин икки гуруҳга бўлиниб такрорланяпти, биринчисида тўртта, иккинчисида эса учта бўғин келяпти. Шу хил такрорланиш туфайли шеърда ўзига хос енгил, ўйноқи оҳанг вужудга келяпти. Сиз 5—8-синфда ўқиган деярли барча шеърий асарларда ана шу хусусиятни кўриш мумкин. Бу асарларда ҳар қайси мисрадаги тенг миқдорда келган бўғинларнинг икки, уч, тўрт гуруҳга бўлиниб такрорланганини кўриб ўтганмиз. Масалан, Алишер Навоийнинг „Қаро кў-

зум ..“ деб бошланадиган ғазали мисраларида 15 тадан бўғиннинг тўрт гуруҳга бўлиниб такрорланганини кўриб ўтгандик.

Албатта, ҳар қайси шеърий асарнинг ўлчови, яъни унинг мисралари неча бўғинли эканлиги, бу бўғинлар қандай тартиб билан такрорланаётганлиги шоирнинг гоёвий-бадий ниятига боғлиқдир. Чунки ижодкор қандай гоёли ифодалашни, ўз асариди қайси қаҳрамон кечинмалари, қиёфасини тасвирлашига кўра у ёки бу ўлчовни танлайди. Уринли танланган ўлчов эса ана шу гоёлар, қаҳрамонлар қиёфасининг жонли, таъсирчан ифодаланишига ёрдам беради.

Ўқитувчи ўзининг фикрларини бир қатор шеърий асарлар вази асосида янада кенгроқ тушунтириши мумкин.

Ана шундай маълумотдан сўнг шеъриятимиздаги вази турлари эслатиб ўтилади ва ўқувчилар диққати аруз вази ҳамда унинг асосий хусусиятларига тортлади. Шеърий асарда вазнинг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги юқоридагича мазмундаги кичик маъруза қадимий кўшиқларни ўрганиш жараёнида амалга оширилиб, аруз ҳақидаги суҳбатни Юсуф Хос Ҳожиб ижодини ўрганиш давомида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи, аввало, ўқувчиларга 5 — 8- синфларда аруз ҳақида ўтилганларни эслатади сўнг ушбу ўлчов тизими хусусиятлари ҳақида қуйидагича маъруза қилади:

Биз бугун ўрганадиган шеърий асар — Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ дostonи аруз вази асосида яратилган. Шеъриятимизга тахминан X асрда кириб келган ушбу ўлчов тизими аста-секинлик билан ўзлаштирила бориб XIV асрга келганда асосий ўлчовга айланиб қолган. Шундан сўнг аруз тизими XX аср бошларигача адабиётимизда кенг қўлланди, замонавий шеъриятимизда ҳам ушбу ўлчов тизими асосида кўплаб асарлар яратилди.

Аруз вази шеър мисраларида чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг маълум тартиб билан такрорланишига асосланган шеърий ўлчов тизими саналади. Қисқа унли билан тугалланувчи очиқ бўғин — қисқа бўғин, чўзиқ унли билан тугалланувчи очиқ бўғинлар, шунингдек, таркибида қисқа унли келган ёпиқ бўғинлар чўзиқ бўғин саналади. Шеър чизмасида қисқа бўғин V белгиси билан, чўзиқ бўғин эса — белгиси билан ифодаланади. Бўғинларнинг чўзиқ-қисқалиги мисралардаги сўзлар, бўғинларнинг ёзилишига кўра эмас, балки вазига мувофиқ, ўқилишига кўра, яъни ифодали ўқиб туриб аниқланади. Жумладан, „Қутадғу билиг“ дostonидан олинган:

Киши туғди, ўлди, сўзи қолди, кўр,  
Ўзи борди янглуг оти қолди, кўр. —

мисраларидаги бўғинларни вазига мослаб ўқиб, юқоридагича белгилар билан ифодаласак:

V — —      V — —      V — —      V —  
V — —      V — —      V — —      V —



тарзидаги чизма ҳосил бўлади. Ушбу шаклда аруз тизими хусусиятлари ёрқин акс эгади. Яъни, эътибор қилсангиз, мисраларда қисқа ва чўзиқ бўғинлар маълум тартиб билан келатганини кўрасиз. Демак, дostonдаги ҳар қайси мисрада 11 тадан бўғин бўлиб, улар учга-учтадан гуруҳланиди, охириги гуруҳ эса икки бўғиндан тузилган. Шу хилдаги такрор дostonда ўзига хос оҳангни вужудга келтиради. Бу оҳангни янада аниқроқ қилиб:

фаулун фаулун фаулун фаал

сўзлари билан ифодалаш ҳам мумкин. Барча мисраларни ана шу оҳангга мувофиқлаштириб ўқиш лозим.

Шундан сўнг асардан танланган парчаларни ифодали ўқишга киришилади. Бинобарин, ўқувчилар бундай суҳбат давомида аруз тизимининг бош хусусияти — чўзиқ ва қисқа бўғинлар такрори арузнинг энг муҳим жиҳати эканини ўқиб оладилар, қисқа ва чўзиқ бўғинларни ўрганадилар, аруз вазидаги шеърини асарларни ифодали ўқиш усуллари ҳақидаги дастлабки маълумотга эга бўладилар, ифодали ўқиш малакасини эгаллашга киришадилар.

Иккинчи дарс давомида бу маълумотлар янада кенгайтирилади. Ўқитувчи маърузасининг бу қисми қуйидаги мазмунда бўлиши мумкин:

Аруз шеърини ўлчов тизимининг асоси фаулун, мафойилун, фойлотун, мустафъилун ва мафъулоту деб аталган бешта сўздан иборат бўлиб, улар асрлар, асосий рукнлар деб аталади. Ана шу беш хил бўлакни турли хилда такрорлаш билан аруз тизимининг асосий ўлчов турлари — баҳрлар ҳосил қилинади. Масалан, фаулун рукнини шеър байтларида 4, 6 ёки 8 марта айнан такрорлашдан мутақориб деб аталган баҳр юзага келади. Яъни қайси шеър шу ўлчовга мос қилиб ёзилган бўлса, у мутақориб баҳрида яратилган деб айтилади. Байтни бўлакларга ажратиб, ҳар қайси бўлакнинг қайси рукнига мос келишини аниқласак, шеърнинг у ёки бу баҳрда ёзилгани маълум бўлади. Жумладан, „Қутадғу билиг“ дostonидаги йигитлик мадҳига бағишланган қасидадаги бирон байтни шу хилда рукнларга ажратиб кўрайлик. Масалан:

Эсиз бу йигитлик, қани қанча борди,  
Тилаб бўлмадим мен неча ма тилаттим

байтини бўлакларга ажратсак, ҳар қайси бўлак фаулун рукнига мос келиши маълум бўлади.

Эсиз бу	йигитлик	қани қан	ча борди
фаулун	фаулун	фаулун	фаулун
Тилаб бўл	мадим мен	неча ма	тилаттим
фаулун	фаулун	фаулун	фаулун

Бинобарин, бу парча, фаулун рукни такрорига асосланган мутақориб баҳрида ёзилгани маълум бўлади.

Бир байтда тўрт рукн келса, мураббаъ, яъни тўрт рукнли (араб тилида арбаъ — тўрг маъносини беради), олти руку келса мусаддас, яъни олти рукнли (арабчада мусаддас — олтилик демак), саккиз рукн келса, мусамман, яъни саккиз рукнли (арабчада мусамман саккизлик демакдир) деб аталади. Байтдаги барча рукнлар асосий рукнларнинг ўзидангина ташкил топган бўлса, бундай вазн *солим*, яъни *соғлом*, *ўзгартирилмаган* деб айтилади. Юқорида биз таҳлил қилган байт саккизта фаулун рукнига мос келади. Шунинг учун бу вазни мутақориб мусаммани солим, яъни мутақориб баҳрининг саккиз рукнли ўзгармаган ўлчови деб кўрсатамиз. Биз ўқийдиган қасиданинг барча байтлари мана шу вазн асосида ёзилган.

Шундай суҳбатдан сўнг қасидадан танланган парча ифодали ўқишга киришилади.

Ўқувчилар ушбу маърузани тинглар эканлар, арузда баҳрларнинг тузилиш усулларида оғоҳ бўладилар, вазнларнинг аталишини ўрганадилар, мутақориб баҳри ва унинг мусаммани солим кўриниши билан илк бор танишадилар.

Аҳмад Югнакийнинг „Ҳибатул-ҳақойиқ“ достони ўрганилар экан, аруз тизимининг яна бир ҳодисаси — зиҳоф ҳақида дастлабки маълумотни бериш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи дostonдан танланган парчаларни ўқишга киришишдан олдин қуйидагича маъруза қилади:

Биз аввалги дарса Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ достонидаги ёшлик мадҳига бағишланган қасиданинг мутақориб мусаммани солим вазнида ёзилганини кўриб ўтган эдик. Ушбу дostonнинг аксар боблари бу ўлчовда эмас, ундан бир оз фарқ қилувчи вазнда ёзилган. Биз бугун ўқийдиган дostonимиз ҳам шу хил ўлчовда битилган. Бу ўлчовнинг чизмаси ва рукнлари:

фаулун фаулун фаулун фаал  
 V— V— V— V—

тарзидадир. Эътибор қилинг-а: аввалги уч рукн фаулунга тенг, ammo охириги рукнида бир бўғин етишмайди. Шунинг учун ҳам бу вазни солим деб бўлмайди. Чунки охириги рукн—фаулуннинг ўзгартирилган кўриниши. Фаулун рукнининг охириги бўғини туширилиб, фаал рукни ҳосил қилинган. Бу хил ўзгаришлар аруз тизимида тез-тез учраб туради. Фаал рукни „охириги бўғини ташланган“ маъносида маҳзуф деб юритилади. Вазн эса мутақориб мусаммани маҳзуф деб аталади. Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ дostonидаги асосий боблар каби Аҳмад Югнакийнинг „Ҳибат-ул ҳақойиқ“ дostonи ҳам шу ўлчов асосида ёзилган. Ҳар икки дostonни ана шу рукнларга мослаб ўқиш зарур.

Шундай маърузадан сўнг асарни ифодали ўқиш бошланади. Ўтилган назарий маълумотлар эса кейинги дарслар — Аҳ-

мад Яссавий. Рабғўзий. Паҳлавон Маҳмуд ижодларини ўрганиш жараёнида изчил такрорлаб, мустаҳкамлаб борилади.

Аруз ҳақидаги назарий маълумотларни чуқурлаштириш Сайфи Саройининг „Сухайл ва Гулдурсун“ дostonини ўрганиш жараёнида давом эттирилади. Асарни ўқишга киришишдан аввал ўқитувчи қуйидаги мазмунда маъруза қилади:

Сайфи Саройининг „Сухайл ва Гулдурсун“ дostonи ҳазаж мусаддаси маҳзуф деб аталувчи ўлчовда ёзилган. Биз сизлар билан фаулун рукни такрорига асосланган баҳр мутақориб деб аталишини кўриб ўтган эдик. Ҳазаж деб аталувчи баҳр эса мафойилун рукнининг айнан такрорига асосланади. Бу рукн ҳар қайси байтда олти марта такрорланса, ҳазаж мусаддас, яъни олти рукни ҳазаж деб, саккиз марта такрорланса, ҳазаж мусамман, яъни саккиз рукни деб аталади. Ҳамма рукнлар мафойилунга мос бўлса, бу хил ўлчов солим деб юритилади.

Сайфи Саройининг ушбу дostonидаги ҳар қайси байт рукнлари ва чизмаси:

мафойилун	мафойилун	фаулун
√----	√----	√---
мафойилун	мафойилун	фаулун
√----	√----	√---

кўринишида. Охирги фаулун рукни ҳам мафойилуннинг сўнги бўғини туширилган шакли бўлиб, маҳзуф деб аталади. Байт рукнлари мафойилун такроридан тузилгани учун баҳрни ҳазаж деб, олти рукн такрорланаётгани учун ҳазаж мусаддас деб, байтда мафойилуннинг ўзгартирилган кўриниши — фаулун иштирок қилгани учун эса ушбу ўлчов ҳазаж мусаддаси маҳзуф деб юритилади. Дostonдаги ҳар қайси байтни ана шу рукнларга мувофиқ оҳангда ўқиймиз.

Шундан сўнг дostonни ўқишга киришилади. Бу хил маълумот тўғрисида ўқувчилар арузга мансуб яна бир баҳр, унинг шеърятимизда қўлланган вазни билан танишадилар. Вазн номи, рукнлари, чизмаси дафтарга қайд этилади. Шу дарсдан бошлаб дафтарга мазкур вазнда асар битган шоирлар, уларнинг синфда ва мустақил тарзда ўрганилган асарлари номи ҳам изчил ёзиб борилади.

Хоразмийнинг „Муҳаббатнома“ асари ўрганилар экан, ҳазаж мусаддаси маҳзуф вазни ҳақидаги маълумотлар такрорланади ҳамда мустаҳкамланади, айни чоғда шу дostonда қўлланган яна бир ўлчов — ҳазаж мусаддаси мақсур ҳақида маълумот берилади. Ўқитувчининг бу ҳақидаги маърузаси қуйидаги мазмунда бўлиши мумкин:

Хоразмийнинг „Муҳаббатнома“ дostonидаги байтларнинг асосий қисми сизга Сайфи Саройи дostonидан яхши таниш бўлган ҳазаж мусаддаси маҳзуф деб аталган, рукнлари ва чизмаси эса ҳар мисрада:

мафойилун мафойилун фаулун

√----

√----

√---

кўринишида бўлган ўлчовда ёзилган. Лекин дostonдаги анчагина байтлар ушбу ўлчовга яқин турувчи ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида битилган. Бу ўлчовнинг рукнлари ва чизмаси эса:

мафойилун

мафойилун

мафойил

√----

√----

√--~

тарзидадир. Ҳар иккала вазннинг рукнлари ва чизмаларини қиёсласак, улар ўргасидаги фарқ фақат энг охириги бўғинда эканини кўраемиз. Яъни иккинчи вазнда охириги рукннинг сўнги бўғини ўта чўзиқдир. Ута чўзиқ бўғин деб эса таркибида чўзиқ унли бўлган ёхуд қўш ундош билан тугалланган ёпиқ бўғинларга айтилади. **Шоҳ, шод, зор** каби унлиси чўзаб талаффуз қилинувчи бўғинлар, **жисм, мулк, бахт, илм** каби қўш ундош билан тугалланувчи бўғинлар шулар жумласидандир. Улар мисра ичида — √ белгиси билан, мисра охирида эса ~ белгиси билан ифодаланади. Масалан, „Муҳаббатнома“ дostonидаги:

Кўнгул ширин сўзунгга бўлди Фарҳод,  
Кўзунг Кашмир жолусига устод

байтидаги ҳар қайси мисра охиридаги „ҳод“, „тод“ бўғинлари ана шундай ўта чўзиқ бўғинлардир. **Кашмир** сўзининг иккинчи бўғини ҳам шундай бўғиндир. Иккала мисра охири ўта чўзиқ бўғин билан тугаллангани учун бу ўлчов олдингисидан фарқ қилиб, ҳазажи мусаддаси мақсур ўлчови деб юритилади. Чунки унда мафойилуннинг қисқартирилган тармоғи мафойил иштирок этади. Бу рукн эса „қисқа қилинган“ маъносига мақсур деб аталади. Шундай қилиб, дoston икки вазнда ёзилганини аниқладик. Шеърятимизлаги кўпчилик шеърлар, дostonлар шу хилда икки вазнда ёзилган бўлиб, ҳар икки ўлчов охириги бўғиннинг чўзиқ ёки ўта чўзиқлиги билангина фарқланади.

Гап ўта чўзиқ бўғин ҳақида бозар экан, бундай бўғинлардаги унлар аксар ўринларда чўзиб ўқилишини билиб олиш керак. Масалан, юқоридаги байтдаги **мир, ҳод, тод** бўғинлари шу хилда, яъни унлини чўзиб талаффуз қилинади. Акс ҳолда вазн бузилади.

Ана шу хилдаги маърузадан сўнг асарни ўқишга киришилар экан, кўп ўриндаги ута чўзиқ бўғинларни тўғри ўқишга алоҳида диққат қилинади. Бу машғулотлар натижасида эса ўқувчилар яна бир янги ўлчов билан танишишдан ташқари, ўта чўзиқ бўғин, уни ўқиш усулларини билиб оладилар, шунингдек, ўзбек арузига, хос қўшвазник, яъни бир шеърый асарнинг икки ўлчовда ёзилиши ҳодисасини ёзлаштирадилар. Янги вазн, унинг рукнлари ва чизмаси дафтарга кўчириб олинади.

Атойи ғазалларини ўқиш ва таҳлил этиш жараёнида ҳам бир неча янги баҳр ҳамда вазилар ўзлаштирилади. Шоир қаламига мансуб „Эй орази шамсу қамарим...“ ғазалини ўрганишдан олдин ўқитувчи асар вазни ҳақида маълумот берар экан, унинг рукнлари ҳамда чизмаси:

мафъулу	мафоййлу	мафоййлу	фаулун
— — √	√ — — √	√ — — √	√ — —

тарзида эканини таъкиллаб, ҳар уч руқн мафоййлуни ўзгарган тармоқлари бўлиб, мафъулу — ахраб, мафоййлу — макфуф, фаулун эса маҳзуф деб аталишини, шунинг учун ҳам саккиз рукнли бу ўлчов ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф тарзида номланишини тушунтиради. Ўқувчилар вазн номи, рукнлари ва чизмаси, шоир, ғазалнинг шартли атамасини дафтарларига ёзиб оладилар. Бу хил машғулот оқибатида ўқувчилар ҳазаж баҳрининг яна бир вазнини билиб оладилар.

Шоирнинг „Ул санамки...“ деб бошланувчи ғазалнинг таҳлилига киришишдан олдин ўқитувчи янги баҳрни ўқувчиларга тушунтиради, уларни мазкур баҳрнинг энг муסיқий вазни билан таништиради. Суҳбат қўйидаги мазмунда бўлиши мумкин:

Атойининг „Ул санамки...“ деб бошланувчи ғазали сизга нотаниш бўлган ўлчов тури — ра-ал баҳри асосида ёзилган. Биз дастлабки суҳбатларимиздан бирида аруз тизимининг асоси бешта рукн эканини айтган эдик. Улардан фаулун рукни мутақориб, мафоййлу руқни такрорланиб, ҳазаж баҳрнини ташкил қилишини олдинги дарсларда билиб олдик. Фоилотун руқни такроридан эса рамал деб аталган яна бир ўлчовлар гуруҳи тузилади. Унинг рамали мусаммани маҳзуф деб аталувчи бир вазни шеърятимизда ғоятда кенг қўлланган. Бу ўлчов рукнлари ҳамда чизмаси:

фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун
— √ — —	— √ — —	— √ — —	— √ —

тарзида бўлиб, охирги фоилун руқни ҳам фоилотуннинг сўнгги бўғини туширилган тармоғидир. Кўринадики, асар байтларидаги барча рукнлар фоилотун ёки унинг маҳзуф тармоғи фоилунга тенг. Шунинг учун ҳам мазкур вазн рамали мусаммани маҳзуф деб аталади.

Ушбу вазнда 11 та чўзиқ ва 4 та қиска бўғин ўзига хос тарзда алмашиниб келади, буни оқибатида жуда муסיқий оҳанг ҳосил бўлади. Бу оҳангга эга бўлган ғазал ва мухаммасларни ашулага айлантириш осон. Ушбу вазндаги шеърлар эса хилма-хил куйлар билан ижро этилиши мумкин. Шунинг учун ҳам мана шу шеъринг ўлчов XIV асрдан бошлаб шеърятимизда кенг қўлланилган. Атойи ва Саккокий, Ҳофиз Хоразмий ва Лутфий, Алишер Навоий ва Заҳрирдин Бобур, Нодира, Огаҳий, Муқимий ва Фурқат сингари санъаткор шоирлар ўз лирик шеърларининг кўпини шу вазн асосида яратганлар.

Шу мазмундаги суҳбатдан сўнг шеърни ифодали ўқишга киришилади.

Атойининг мустақил ўқиш учун тавсия қилинган „Жамолинг васфини...“ деб бошланувчи ғазали ифодали ўқилгандан сўнг ўқитувчи шеърини асарлар вазнини мустақил аниқлаш малакаларини ҳосил қилишга киришади. Маълумки, ушбу ғазал вазни ўқувчиларга олдинги асарлар — Хоразмийнинг „Муҳаббатнома“ ва Сайфи Саройининг „Суҳайл ва Гулдурсун“ дostonларидан таниш. Ўқитувчи ғазал вазни ва руқнлари ҳақида маълумот бермай туриб, ўқувчиларга асар вазнини мустақил аниқлашни топширади. Ўқувчилар қийналсалар, ўқитувчи шеър мисраларини руқнларга ажратиш ва ҳар қайси руқннинг ўлчови — чизмасини аниқлаб, асар вазнини белгилаш усули билан уларни таништиради. Ўқувчилар ғазални ўқиб, жумладан, биринчи байтни:

Жамолинг вас — фини қилдим — чаманда,  
Қизорди гул — уёттин ан — жуманда

тарзида руқнларга ажратадилар. Сўнг ҳар қайси руқннинг олдин ўрганилган қайси руқнларга тенглигини белгилаб, байт мисралари:

мафойилун

мафойилун

фаулун

руқнларига мос келишини аниқлайдилар. Бу хил руқнлар билан улар олдин танишганлари туфайли ғазалнинг Хоразмий „Муҳаббатнома“ си, Сайфи Саройи „Суҳайл ва Гулдурсун“ и каби ўлчовда, яъни ҳазажи мусаддаси маҳзүф вазнида ёзилганини қайд этадилар.

Лутфий шеърини ўрганиш давомида олдинги дарсларда ўрганилган вазнлар, уларнинг руқнлар таркиби, чизмалари такрорланиб, мустаҳкамланиб борилади. Шоирнинг „Сенсан сева-рим...“ ва „Ёз бўлди...“ деб бошланувчи ғазаллари Атойи ижодини ўрганиш жараёнида ўзлаштирилган вази — ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзүф ўлчовида ёзилган. Ўқитувчи ғазалларни ўқишдан аввал яна бир бор ушбу вази, унинг руқнлари ва чизмасини эслатади, тахтага ёзиб кўрсатади ҳамда ҳар бир мисрани шу ўлчов оҳангида ўқиш дозимлигини ўқтиради. Бу хил тadbир жараёнида ўқувчилар мазкур вази хусусиятлари, оҳанги, руқнлари ва чизмаси ҳақидаги олдинги дарсда олган билимларини, бу хил ўлчовда битилган асарларни ўқиш малакасини мустаҳкамлайдилар.

Шоирнинг „Кўргали лаълинг ақиқин...“ деб бошланувчи ғазали вази ҳам ўқувчиларга Атойи ижодидан таниш. Бу асар ўлчови, руқнлари ва чизмасини ўрганиш давомида ўқувчиларнинг рамали мусаммани маҳзүф вази ҳақидаги назарий ва амалий билимлари яна бир бор мустаҳкамланади.

Лутфий туюқлари ўрганилар экан, ўқитувчи рамал баҳрининг ўқувчиларга таниш бўлмаган яна бир ўлчови ҳақида маълумот беради. Бу хусусдаги маъруза қуйидагича бўлиши мумкин:

Туркий адабиётларда яратилган туюқларнинг барчаси икки ўлчовдагина ёзилган бўлиб, улардан бири рамали мусаддаси маҳзуф деб аталади. Ҳар қайси байтда олти рукн келувчи ушбу вазн:

фоилотун  
— √ — —

фоилотун  
— √ — —

фоилун  
— √ —

тарзидаги рукнлар таркиби ва чизмасига эга. Мисра охиридаги фоилун рукни фоилотундан ҳосил қилинган бўлиб, ушбу рукннинг охириги бўғини туширилган кўринишидир. Бинобарин, барча рукнлар фоилотун ёки унинг тармоғига тенг бўлгани учун бу ўлчов рамал баҳрига мансуб ҳисобланади. Лутфийнинг биз ўрганадиган ҳар икки туюғи шу ўлчовда битилган. Улардаги ҳар қайси мисрани шу оҳангга мослаб, ўқишимиз зарур.

Шу хил маърузадан сўнг шеърлар ифодали ўқилади. Янги вазн, унинг рукнлари, чизмаси, Лутфийнинг шу ўлчовда битилган туюқлари номини ўқувчилар ўз дафтарларига қайд этдилар.

Шундай қилиб, 9-синфдаги дарслар давомида ўқувчилар аруз шеърий ўлчов тизими, унинг асосий рукнлари, мутақо-риб, ҳазаж ва рамал баҳрлари таркиби, уларнинг бир қатор вазнлари билан танишадилар, баъзи осон ўлчовларни мустақил аниқлаш, ўрганилган вазнларда битилган шеърий асарларни ифодали ўқиш малакаларини ўзлаштирадилар.

10-синфда аруз назарияси ва амалиётини ўрганиш янада чуқурлаштирилади. Бу синфда ўқувчилар янги баҳрлар, хилма-хил янги вазнлар билан танишадилар.

Алишер Навоий шеъриятининг вазн хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида ўқувчиларнинг аруз тизими ҳақидаги тасав-вурларини янада кенгайтириш учун қулай имкониятлар мав-жуд. Шоирнинг дастурдан ўрин олган „Ўн саккиз минг олам ошуби,“ деб бошланувчи ғазалини ўқишга киришишдан олдин ўқитувчи 9-синфда аруз ҳақида ўтилганларни ўқувчилар ёди-га туширади ва унинг асосий хусусиятлари: тизимнинг қисқа ва чўзиқ бўғинлар такрорига асосланганлиги, асосий рукнлар, баҳрлар ва уларнинг тузилиши, ўзлаштирилган вазнларни суҳ-бат жараёнида такрорлайди. Сўнг ғазалининг рамал баҳрига мансуб рамали мусаммани маҳзуф ўлчовида ёзилганини таъ-кидлаб, унинг рукнлари ва чизмасини тахтага ёзиб эслатади, ифодали ўқиш хусусиятларини тушунтиради, хусусан, ўта чў-зиқ бўғинларнинг ўқилишига диққатни жалб этади.

Навоийнинг „Шўх икки ғизолингни...“ деб бошланувчи ғазалини ўқишдан олдин эса ўқитувчи арузнинг яна бир янги ўлчови — ҳазаж баҳрига мансуб бўлган ҳазажи мусаммани ахраб вазни билан ўқувчиларни таништиради. Асарнинг ана шу ўлчовда яратилганлиги таъкидланиб, унинг рукнлари ва чиз-маси синф тахтасига:

мафъулу  
— — √

мафойлун  
√ — — —

мафъулу  
— — √


мафойлун  
√ — — —

тарзида ёзилиб, мафъулу рукни мафойилунни ўзгартириш орқали ясалгани, бинобарин, ўлчов мафойилун рукни такрорига асослангани учун ҳам ҳазаж баҳрига нисбат берилиши, мафъулу рукни ахраб (вайрон қилинган) деб аталиши, вазнининг эса бир байтда саккиз рукн иштирок этаётгани учун ҳазажи мусаммани ахраб деб юритилиши айтиб ўтилади. Шундан сўнг ўлчов оҳанги назарда тутилгани ҳолда шеърни ифодали ўқишга киришилади.

Шоирнинг „Кўнглунг истар ёрлар бирла“ деб бошланувчи ғазали устида иш бошланар экан, асарнинг ўқувчиларга яхши таниш бўлиб қолган рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилганини ҳисобга олиб, шеър ўлчовини ўқувчиларнинг ўзларига аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўқувчилар матндаги мисраларни рукнларга ажратиб, олдинги уч рукннинг **фоилотунга**, охириги рукннинг эса **фоилунга** тенглигини, шу тўғрисида ўлчовнинг рамали мусаммани маҳзуф деб аталишини, унинг рукилари ва чизмасини белгилаб, дафтарларига ёзиб оладилар.

Навоий ижодини ўрганиш жараёнида ўқитувчи илк бор рубой вазилари ҳақида маълумот беради. Унинг бу ҳақдаги маърузаси қуйидагича бўлиши мумкин.

Шеърятимизда яратилган барча рубойлар ҳазаж баҳрига мансуб 16 вазнда бўлиб, улар саккиздан икки гуруҳга ажралади. Алишер Навоийнинг биз ўрганадиган рубойлари эса шуларнинг биринчи гуруҳи асосида ёзилган. Ушбу рубой ўлчовларига асосан рубойларнинг биринчи рукни мафойилуннинг ахраб тармоғи мафъулуга, иккинчи рукилари шу рукннинг мақбуз тармоғи мафойилун ёки мақбуф тармоғи мафойилуга, учинчи рукилари мафойилун рукнининг ўзига ёки унинг мақбуф тармоғи мафойилуга, охириги рукилар эса мафойилуннинг ажабб, ахтам, абтар, азалл деб аталган тармоқлари: фаал, фаул, фаъ, фоъ рукиларидан бирига тенг бўлади. Айтганларимизни



шаклида кўрсатишимиз мумкин.

Шуни ҳам яхши билиб олиш лозимки, рубойлар бир, икки, уч, тўрт вазнли бўлиши мумкин. Аксар рубойлар икки вазнли шеър сифатида яратилади. Яъни рубойнинг бир ёки икки мисраси бир вазнда, икки ёки уч мисраси иккинчи хил вазнда ёзилиши мумкин.



Шоирнинг „Ким кўрди экан...“ деб бошланувчи рубойиси бир вазнли бўлиб, тўртала мисра рукнлари ва чизмаси:

мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ
— — √	√ — √ —	√ — — —	—

тарзида бўлган ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар деб аталувчи ўлчов асосида ёзилган бўлса, „Ғурбатда ғариб...“ деб бошланувчи рубойисининг 1-, 2-, 4- мисралари бир вазнда, учинчи мисраси эса иккинчи вазнда битилган. Аниқроғи, 1-, 2-, 4-мисра рукнлари ва чизмаси:

мафъулу	мафоилун	мафойилу	фаал
— — √	√ — √ —	√ — — √	√ —

тарзида бўлган ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб ўлчовида, 3- мисра:

мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ
— — √	√ — √ —	√ — — —	—

тарзида бўлган ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар деб аталган ўлчовда битилган.

Қолган рубойлар ҳам икки вазнлидир. Навоий яратган рубойлар орасида уч ва тўрт вазнли асарлар ҳам анчагина.

Ана шу хил маърузани тинглаган ўқувчилар рубойларнинг вазн хусусиятлари ҳақида дастлабки билимларни ҳосил қиладилар. Рубойий вазнларига оид бу тушунчалар Заҳрирддин Муҳаммад Бобур ва Оғаҳий лирикасини ўрганиш давомида такрорланади ва мустаҳкамланади.

Алишер Навоий қитъалари таҳлил қилинар экан, „Чун ғараз сўздин эрур...“ деб бошланувчи асар воситасида рамали мусаддаси маҳзүф вазни, „Нокасу ножинс авлодин...“ асари воситасида эса рамали мусаммани маҳзүф вазнлари ҳақидаги маълумотлар яна бир бор эслатилади. „Улки ифлосдин...“ „Кимки махлуқ хизматиға камар...“ деб бошланувчи қитъаларни ўқиш олдидан эса ўқувчилар арузнинг янги бир баҳри — **ҳафиф** билан танишадилар. Ўқитувчи бу қитъаларнинг **ҳафиф** (енгил) деб аталувчи баҳр — вазнлар гуруҳи заминида ёзилганини таъкидлар экан, бу баҳр **фоилотун** ва **мустафъилун** рукнларининг кетма-кет такрорига асосланиши, ўрганиладиган қитъалар эса рукнлари ва чизмаси:

фоилотун	мафоилун	фаълун
— √ — —	√ — √ —	— —

тарзидаги ҳафифи мусаддаси махбуни мақтуъ ҳамда:

фоилотун	мафоилун	фаилун
— √ — —	√ — √ —	√ √ —

тарзида бўлган ҳафифи мусаддаси махбуни маҳзүф деб аталувчи вазнларда ёзилганлигини айтиб ўтиб, ўлчовлар таркибидаги мафоилун мустафъилундан, фаълун ва фаилун рукнлари эса фоилотундан ҳосил қилинганига ўқувчилар диққатини

жалб қилади. Баҳр, вазнлар номи, рукнлари ва чизмаси, шу ўлчовларда битилган Навоий китъалари қайи номлари дафтарларга қайд этилади.

Алишер Навоийнинг „Хамса“ сини ташкил этган беш достон билан танишилар экан, ўқувчилар мутақориб, ҳазаж, ҳафиф баҳрларининг ўзларига таниш бўлиб қолган мутақориб мусаммани маҳзуф, ҳазажи мусаддаси маҳзуф, ҳазажи мусаддаси мақсур, ҳафифи мусаддаси махбуни мақтуъ, ҳафифи мусаддаси махбуни маҳзуф каби вазнлар билан яна бир бор дуч келиб, уларнинг хусусиятлари: рукнлар таркиби, чизмаларини эслайдилар, айни чоғда янги ўлчов гуруҳи — сариъ баҳри ҳақида маълумот оладилар. Ўқитувчи „Ҳайратул аброр“ достони сариъ деб аталган баҳрга мансуб вазнда ёзилганини таъкидлаб, бу баҳр мустафъилун ва мафъулоту рукнларининг кетма-кет такрорланишига асосланганини айтиб ўтади ҳамда достон шу баҳрга мансуб сариъи мусаддаси матвийи макшуф ва сариъи мусаддаси матвийи мавкуф ўлчовларида яратилганини, уларнинг рукнлари ва чизмалари:

муфтаилун	муфтаилун	фоилун
— √ √ —	— √ √ —	— √ —

ҳамда

муфтаилун	муфтаилун	фоилон
— √ √ —	— √ √ —	— √ ~

тарзида эканини таъкидлаб, ўқувчиларга ёздиреди.

Шундай қилиб, ўқувчилар Алишер Навоий шеърятини билан танишиш жараёнида ўзбек арузига хос бир қатор янги баҳр ҳамда вазнларни ўзлаштирадилар, аввал ўрганилган ўлчовларни мустақкамлайдилар.

Муҳаммад Солиҳнинг „Шайбонийнома“ достонини ўрганиш жараёнида ўқувчилар рамал баҳрига мансуб бир неча янги вазн билан танишадилар, ўзбек арузига хос кўпвазник ҳодисаси ҳақида дастлабки маълумот оладилар. Бу ҳақда ўқитувчи маърузаси қуйидагича бўлиши мумкин.

Ўзбек адабиётидаги айрим лирик ёки эпик асарлар бир баҳрга мансуб бўлган бир неча вазн асосида яратилган. Бунини кўпвазник ҳодисаси дейилади. Муҳаммад Солиҳнинг бугун биз ўрганиладиган „Шайбонийнома“ достони шундай асарлардан саналади. Шоир достон байтларининг аксариятини рукнлари ва чизмаси:

фоилотун	фаилотун	фаилун
— √ — —	√ √ — —	√ √ —

тарзида бўлган рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф

фоилотун	фаилотун	фаилон
— √ — —	√ √ — —	√ √ ~

тарзида бўлган рамали мусаддаси солими махбуни мақсур,

фоилотун	фаилотун	фаълун
— V —	V V —	—

тарзидаги рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъ,

фоилотун	фаилотун	фаълон
— — —	V V —	— ~

тарзидаги рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ деб аталган тўрт шеърий ўлчов асосида яратган. Рукнлар ва чизмалардан кўриниб турибдики, бу тўрт вазннинг биринчи ва иккинчи рукнлари бир хил такрорланиб келади, фақат охириги рукнларидagina бир оз ўзгариш юз беради. Шунга кўра улар тўрт вазн саналиб, тўрт хил ном билан аталади.

Достондаги анчагина байтлар шу ўлчовларга яқин бўлган яна тўрт вазнда ёзилган бўлиб, уларнинг рукнлари ва чизмаси:

фаилотун	фаилотун	фаилун
V V —	V V —	V V —
фаилотун	фаилотун	фаилон
V V —	V V —	V V ~
фаилотун	фаилотун	фаълун
V V —	V V —	— —

ҳамда

фаилотун	фаилотун	фаълон
V V —	V V —	— ~

тарзида. Яъни олдинги тўрт вазндан биринчи рукннинг фаилотун шаклида эканлиги билангина фарқланади. Бу вазнларнинг биринчиси рамали мусаддаси махбуни маҳзуф, иккинчиси — рамали мусаддаси махбуни мақсур, учинчиси — рамали мусаддаси махбуни мақтуъ, тўртинчиси эса рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ деб аталади. Шундай қилиб, достон асосан юқоридаги саккиз ўлчов заминида ёзилган.

Шу хил маълумотдан сўнг ўқитувчи ҳар қайси вазнга мисоллар келтириб, ўз фикрларини далиллайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ўрганилар экан, олдинги дарсларда ўзлаштирилган баҳрлар ҳамда вазнлар такрорланади, мустаҳкамланади, айнаи вақтда янги шеърий ўлчовлар ўқувчилар диққатига ҳавола қилинади. Шоирнинг „Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим“ мисраси билан бошланувчи ғазалили ифодали ўқишга киришишдан олдин ўқитувчи мазкур асарнинг ўқувчиларга нотаниш баҳрга мансуб эканини таъкидлаб, музориъ баҳри ҳақида маълумот беради.

Маълумки, ушбу шеърий ўлчов гуруҳи мафойилун ва фоилотун рукнларининг кетма-кет такрорига асосланади. Шеър вазни эса музориъи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф деб аталиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

мафъулу	фоилоту	мафойилу	фоилун
— — V	— V — V	V — — V	— V —

тарзидадир. Ҷқитувчи ушбу рукнлар ва чизмани сивф тахта-сига ёзиб кўрсатар экан, униң таркибидаги мафъулу рукни мафойлувнинг ахраб тармоғи, фоилоту рукни фоилотуннинг макфуф тармоғи, мафоййлу рукни мафоййлувнинг макфуф тармоғи, фоилун эса фоилотуннинг маҳзуф тармоғи эканини айтиб ўтиб, шу туфайли ҳам ушбу баҳр музориъ мусаммани, вазн эса юқорида таъкидланганидек, музориъ мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф деб номланишини ташунтиради.

Шоирнинг „Қолдим“, „Ҳазон япроғи янглиг...“, „Гурбат-да ул ой“, „Топмадим“ ғазаллари, шунингдек, рубойларидан намуналарни ўрганиш жараёнида ўқитувчи улардан ҳар бирини ифодали ўқишдан олдин вазн хусусиятлари: ўлчов номи, рукнлар таркиби, чизмаларни таъкидлар экан, олдинги дарслар давомида ўзлаштирилган рамали мусаммани маҳзуф, ҳазажи мусаммани солим, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ҳамда рубойи вазнлари такрорланади ва мустаҳкамланади. „Қолдим“, „Топмадим“ ғазаллари вазнини, рукнлари ва чизмасини ўқувчиларнинг ўзлари аниқлашлари мумкин. Буниги учун шу асарлар матлаларидаги мисраларни рукнларга ажратиб, улардан олдинги учтаси фоилотунга, охиргиси фоилунга мос келишини, фоилотун ва фоилун рукнлари бўғинларининг чўзиқ-қисқалигини аниқлаш ёхуд уларнинг чизмаларини эслаш орқали вазн чизмасини ёзиб чиқиш мумкин. Шундай қилинганда, ўқувчиларнинг вазнлар, уларнинг рукнлари таркиби, чизмаларини мустақил белгилаш малакалари мустаҳкамланиб боради.

Бобур ижодини ўрганиш жараёнида унинг аруз назариясига бағишланган „Мухтасар“ номли асари ҳақида маълумот бериш ҳам кўзда тутилган. Ўқитувчининг бу ҳақдаги маърузаси қуйидагича бўлиши мумкин:

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўз асарларини арузнинг хилма-хил баҳр ҳамда вазнларида яратиш билан чекланмай, ушбу шеърий ўлчов тизими хусусиятлари ҳақида махсус илмий асар — „Мухтасар“ деб номланган рисола ҳам яратган. Сиз буюк ижодкор Алишер Навоийнинг аруз назарияси ва амалиётига бағишланган „Мезонул авзон“ номли рисола ёзганини биласиз. Бобурнинг мазкур асари туркий тилда аруз назарияси ва амалиёти хусусидаги иккинчи рисоладир.

Бобур ўз рисоласида аруз илмининг қонун-қоидалари — асосий рукнлар ва уларнинг таркиби, баҳрларнинг тузилиши ва турлари, ҳар қайси баҳрнинг хилма-хил вазнлари ҳақида муфассал маълумот бериб, ҳар қайси вазнга форсий ва туркий шеърийдан қатор мисоллар келтиради. Ушбу асарнинг муҳим бир жиҳати шундаки, муаллиф арузнинг форсий ва туркий шеърийларда кенг қўлланган вазнларини таъкидлаш билангина чекланмай, фойдаланиши мумкин бўлган юзлаб шеърий ўлчовларни келтиради. Буларнинг аксарияти шоирнинг ўзи кашф этган янги вазнлар эди. „Мухтасар“ асарида

жами 21 баҳр ҳамда уларга махсус бўлган 537 вази ҳақида маълумот берилади. Бобурнинг ушбу рисоласи ўзбек арузи ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шермуҳаммад Мунис шеърини таҳлили давомида арузнинг назарий ва амалий масалаларига доир ўқувчилар билими янада чуқурлашади. Шоирнинг „Дўстлар, менсиз даме оҳанги ишрат қилмангиз“, „Ошно“, „Ҳануз“, „Қилмангиз“ ғазаллари рамали мусаммани маҳзуф ўлчовида ёзилган, ўқитувчи бу асарлар вази, рукнлари ва чизмаларини ўқувчиларнинг ўзларига мустақил аниқлатади. „Ширинсухан лайливамим...“ деб бошланувчи ғазал эса ўқувчиларга нотаниш бўлган ражази мусаммани солим вазида ёзилган. Ўқитувчи мазкур асар ражаз деб аталувчи баҳр асосида ёзилганини таъкидлаб, ушбу баҳр мустафъилун -рукни такрорига асосланишини уқтиради, шеър:

мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун  
 — — √ — — — √ — — — √ — — — √ —

рукнлари ва чизмасига эга бўлган ўлчовда битилган, шунга кўра бу вази ражази мусаммани солим деб аталишини таъкидлайди. Сўнг ғазални ифодали ўқишга киришилади.

Турди Фароғий ижоди ўрганилар экан, ўқувчилар „Субҳонқулихон“ мухаммаси вази мисолида шеъринимизга хос кўп вазлилик ҳодисасига яна бир бор дуч келиб, бу вази-ларга хос жиҳатларини такрорлайдилар. Маълумки, бу асар асосан рамал баҳрига мансуб бўлган рамали мусаммани солими маҳбуни маҳзуф, рамали мусаммани солими маҳбуни мақсур, рамали мусаммани солими маҳбуни мақтуъ ва рамали мусаммани солими маҳбуни мақтуъи мусаббағ вазида яратилган. Айни вақтда мухаммаснинг айрим мисралари рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф, рамали мусаммани маҳбуни мақсур, рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ ва рамали мусаммани маҳбуни мақтуъи мусаббағ вазида битилган. Ушбу сақкиз вазнинг рукнлар таркиби ва чизмаларини ўқувчилар ўз дафтарларига ёзиб оладилар.

Шоирнинг „Тор кўнгиллик беклар“, „Бир сари азм айла“, „Турдиман“, „Яхши замонлар кўрдиман“ ғазаллари вази ўқувчиларга таниш. Уларни ўқувчилар мустақил аниқлай оладилар. Бу хил машғулот ўқувчиларнинг вази, уларнинг рукнлари ва чизмаларини мустақил аниқлаш малакаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бобораҳим Мапраб шеърларини ифодали ўқиш давомида ўқувчилар шоир ижодига асос бўлган ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф („Ишқ водисидин бир кеча мен ҳай-ҳайлаб ўттум“, „Ишқ мазҳабига тақвию тоат чиқаёлмас“), ҳазажи мусаммани солим („Ажаб мажнундурман...“, „Ўртар“) вази-ларини, уларнинг рукнлари ва чизмаларини мустақил аниқлаш билан шуғулланадилар. Улар олдинги вазида бир оз қийна-

лишлари мумкин, бу ҳолда ўқитувчи ёрдамга келади. Кейинги ўлчовни эса улар осонлик билан белгилай оладилар.

Хўжаназар Хувайдо ғазаллари ўрганилар экан, ўқувчилар ражази мусаммани солим („Нафсинг сени...“), рамали мусаммани маҳзуф („Хоки пойи яхшилар бўл...“, „Қайси кун келдим жаҳонга...“) вазиларини, уларнинг рукнлари ва чизмаларини ўз дафтарларидаги ёзувлардан фойдаланиб мустақил тарзда аниқлайдилар.

Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодини ўрганиш давомида ўқувчилар шеърятимизга хос яна бир янги вазн — мустаҳзод вазни билан танишадилар. Шоир ўзининг „Эй ёр, санго...“ деб бошланувчи асарини ана шу хил ўлчовда битган эди.

Ўқитувчи шеърни ифодали ўқишга киришишдан аввал мустаҳзод шакли ҳақида маълумот беради. Маълумки, мустаҳзод ўз шаклий хусусиятларига кўра ғазалга яқин бўлиб, ҳар қайси мисрадан сўнг биринчи ва охириг руқнлар ортирилади. Мустаҳзоднинг анъанавий вазни

мафзулу	мафойилу	мафойилу	фаулун
— — √	√ — — √	√ — — √	√ — —
		мафзулу	фаулун
		— — √	√ — —

руқнларига асосланади. Огаҳий эса бу шаклни янада такомиллаштириб, ўз асарини:

мафзулу	мафойилу	мафойилу	фаулун
— — √	√ — — √	√ — — √	√ — —
		мафзулу	мафойил
		— — √	√ — ~
		мафзулу	фаулун
		— — √	√ — —

руқнларига асосланувчи ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мақсури мустаҳзод ўлчовида яратди. Ўқитувчи ана шу маълумотларни ўқувчилар онгига етказиб, вазн номи, руқнлари ҳамда чизмасини дафтарларига кўчиртиради ва шеърни ифодали ўқиш устида иш бошлайди.

Огаҳий қаламига мансуб „Мушкин қошининг ҳайъати“ ғазали ражази мусаммани солим вазнида ёзилгани туфайли ўқувчилар ўзларига таниш бўлиб қолган ушбу шеърини ўлчов ҳамда унинг руқнлар таркиби ва чизмасини мустақил аниқлайдилар.

„Бизки бугун жаҳон аро...“ деб бошланадиган ғазал ражази мусаммани матвийи маҳбун вазнида ёзилган бўлиб, руқнлари ва чизмаси:

муфтаилун	мафойилун	муфтаилун	мафойилун
— √ √ —	√ — √ —	— √ √ —	√ — √ —

тарзидадир. Ўқитувчи ушбу асар ҳам ражаз баҳрига мансублиги, чунки муфтаилун руқни мустафъилуннинг матвий деб аталувчи, мафойилун эса шу руқннинг маҳбун деб аталувчи

тармоқлари эканини, шунга кўра вазн номи ҳазажи мусаммани матвий махбун деб аталишини таъкидлаб, ифодали ўқишга киришади.

Ўқувчилар Огаҳийнинг мустақил ўқишга тавсия этилган „Юзунг очким...“ деб бошланувчи, газалини ўрганиш давомида ҳазажи мусаммани солим вазнидаги ушбу асар рукнлари ва чизмасини, ўлчов номини мустақил аниқлайдилар.

Аруз назарияси ва амалиётини ўзлаштириш устидаги ишлар XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётини ўрганиш жараёнида ҳам изчил давом эттирилади.

Алмай ва Комил Хоразмийлар ижоди устида иш олиб борилар экан, ўқувчилар уларнинг „Ҳаёт“, „Шам“, „Кўнгул“, „Тамаъ“ радифли газаллари вазни, рукнлари ва чизмаларини мустақил белгилаб, ушбу ўлчовлар ҳақидаги билимларини янада мустаҳкамлайдилар.

Аруз хусусиятлари, хилма-хил вазнларини ўрганишда Муқимий ижоди алоҳида ўрин тутади. Ўқувчилар дастлаб шорнинг машҳур „Навбахор“ газали вазни (рамали мусаммани маҳзуф), рукнлари ва чизмасини мустақил аниқлайдилар. Сўнг бу хил машғулот „Ким десун“ газали устида бажарилади. Мустақил ўқишга берилган „Сайлов“, „Зулм ила“, „Толем“, „Ёр ила“ газаллари вазнлари, рукнлари ва чизмаларини ўқувчилар мустақил равишда уйда аниқлайдилар ва бунинг натижалари ҳақида синфда ахборот берадилар.

Муқимийнинг „Ошиқ бўлубман“ шеъри ўқувчиларга нота-ниш бўлган мутақориб мусаммани аслам вазнида ёзилган бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

фаълун      фаулун      фаълун      фаулун  
 — —      √ — —      — —      √ — —

шаклиладир. Ўқитувчи фаълун рукни фаулун аслининг тармоғи эканини таъкидлаб, унинг аслам деб юритилиши, мисралар фаулун такрорига асослангани учун баҳрнинг мутақориб деб номланиши, саккиз рукли бу ўлчов мутақориб мусаммани аслам деб кўрсатилишини уқтиради ва асарни ифодали ўқишга киришади.

Муқимийнинг ҳажвий ва юмористик шеърлари вазнини ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўзлари илгари танишган сариғи мусаддаси махбун мақшув („Танобчилар“), ҳафифи мусаддаси махбун маҳзуф („Тўй“), рамали мусаммани мақсур („Лой“) вазнларини такрорлайдилар. „Саёҳатнома“ асарини ўқиш олди-дан ўқитувчи ушбу янги вазн хусусиятларини, яъни мустафълун рукнининг ҳар бир байтда тўрт марта такрорланишига асослангани учун ҳазажи мураббаи солим деб аталиши ҳамда

мустафълун      мустафълун  
 — — √ —      — — √ —

тарзидаги рукнлар таркиби ва чизмасига эга эканлигини таъкидлайди. Ифодали ўқиш давомида ўқувчилар вазн хусусиятларини амалий жиҳатдан ўзлаштирадилар.

Зокиржон Фурқат шеърини ўрганилаётган экан, ўқувчилар ҳазажи мусаммани аштар („Фасли навбаҳор ўлли“), ҳазажи мусаммани аҳраб („Сайдинг кўябер...“) вазнлари ҳақида маълумот оладилар. Шоирнинг „Бормасмиз“ шеъри, „Илм ҳосияти“ манзумаси ўлчовлари — ҳазажи мусаммани солим ҳамда ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнларини, уларнинг руқнлари ва чизмасини синфда мустақил аниқлайдилар. Уйда эса мустақил ўқишга тавсия қилинган „Гимназия“, „Виставка хусусида“, „Суворов“ шеърлари ўлчовини, руқнлари ва чизмасини белгилайдилар.

Шундай қилиб, 9—10-синфларда ўрганилган лирик ва эпик, ҳажвий ва юмористик асарларнинг вазн хусусиятларини изчил равишда ўзлаштириб бориш, ҳар қайси ўлчовни доимо такрорлаб бориш жараёнида ўқувчилар ўзбек арузи асосларини, шеъринимизда кенг қўлланган баҳрлар ҳамда вазнларни, уларнинг руқнлари ва чизмаларини ўзлаштирадилар. Булар ўзбек арузи хусусиятлари, унинг баҳр ҳамда вазн жиҳатидан ранг-баранглиги, изчил тараққиёт йўллари, ҳар қайси ижодкорнинг аруз ривожига қўшган ҳиссаси, ўзбек арузи илмининг юксалиш босқичлари ҳақида дастлабки маълумотларни ўзлаштиришга, айни чоғда унча мураккаб бўлмаган баҳрлар, вазнлар, уларнинг руқнлари ва чизмаларини мустақил белгилаш маъналарини ҳосил қилишга имкон беради.

\* \* \*

Адабиёт дарсларида аруз илмини ўзлаштиришнинг муҳим қирраларидан бирини шоирларнинг вазн устида ишлаш маҳоратини ўрганиш ташкил қилади. Маълумки, вазн бадиий шаклнинг узвий қисми бўлиб, ғояни бадиий ифодалаш, лирик ёки эпик қаҳрамонлар қиёфасини акс эттиришда, шеъринг асарлар мусиқийлиги, жозибдорлигини таъминлашда муайян вазифани бажаради. Бинобарин, шоир ҳеч қачон вазнга лоқайд муносабатда бўлолмайди, ҳар қайси ўлчовнинг ритм — оҳанг имкониятларидан унумли фойдаланиш унинг диққат марказида туради.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларни мазкур муаммо билан таништириб бориш ниҳоятда муҳимдир. Зеро, ҳар бир асар вазни, руқнлари, чизмасини билиб олган ўқувчи ана шу ўлчовнинг нима учун танлангани, унинг асар ғоясини жилдолантириш, лирик ёки эпик қаҳрамонлар тасвири, ички кечинмалари, хапти-ҳаракатини акс эттиришдаги ўрни, шоирнинг вазн танлаш ва ундан усталик билан фойдаланиш маҳоратини ҳам ўрганиб боришлари керак. Агар вазини ўзлаштириш ифодали ўқиш олдидан уюштирилса, шоирнинг вазндан фойдаланишдаги санъаткорлиги, масаласи асарнинг ғоявий-бадиий таҳлили ниҳоясида ҳал қилинади.

Шоирнинг вазн танлаш маҳоратини ўрганиш таҳлил қилинаётган асарда вазннинг ғоя ва тимсол билан муносабатини аниқлаш, ўзаро мувофиқлигини белгилаш билан бошланади.



Асар вазни, рукнлари ва чизмаси белгиланиб, шеър ифолали ўқилгач, мавзу, шоир илгари сураётган гоё, гавдалантирилган тимсоллар гоёвий-бадий жиҳатдан таҳлил қилинар экан, ўқитувчи „Шоир танлаган вазн асар гоёси, тимсолларига мувофиқми?“ деган саволни ўртага ташлайди. Дастлабки дарсларда ўқувчилар бу савола жавоб беришга қийналадилар, бу холда ўқитувчи ёрдамга келиб, масалани ойдинлаштирали. Жумладан, „Кутадуғу билиг“ дostonида танланган мутақориб мусаммани солим ҳамда мутақориб мусаммани маҳзуф вазнлари асарда илгари сурилаётган фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий муаммолар ҳақидаги шоир қарашларини жиддий ва сокин оҳангда ифодалашга қулайлигини таъкидлайди. Хоразмий „Муҳаббатнома“ сида танланган ҳазажи мусаддаси маҳзуф ҳамда ҳазажи мусаддаси мақсур вазнлари ошиқнинг ўз маҳбубасига илтижосини ифодалаш учун ҳам, маъшуқанинг гўзал қиёфасини ёрқин гавдалантириш учун ҳам мақбуллиги таъкидланади. Лутфийнинг „Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма“ ғазалига асос бўлган вазн шоир ички кечинмалари, ошиқнинг самимий туйғуларини ҳаётий ва таъсирчан тасвирлашга имкон бериши ўқтирилади.

Алишер Навоий шеърятини ўрганилар экан, шоир асарларидаги вазнларнинг лирик ва эпик қаҳрамонларни гавдалантиришдаги ўрнига, шоирнинг қулай, таъсирчан ва мусиқий, жозибали шеърий ўлчовларни танлаш маҳоратига алоҳида диққат қилинади. Ўқитувчи „Ўн саккиз минг олам ошуби...“ деб бошланадиган ғазалдаги вазн самимий ва покиза муҳаббат кечинмаларини, лирик қаҳрамонга хос садоқат ва вафодорлик туйғуларини гоётда таъсирчан ифодалашга хизмат қилаётганини ўқтиради. „Кўнглинг истар ёрлар бирла...“ ғазалида танланган рамали мусаммани маҳзуф ўлчови фалсафий мушоҳадалар, мураббий инсонга хос теран фикрларни вазмин, салобатли оҳанг воситасида ўқувчи онгига етказётганига синф диққатини тортади.

Навоий рубоийларини таҳлил қилиш жараёнида шоир мазкур жанрга хос пурвиқор вазнлардан муҳим фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий гоёларни мужассамлантиришда моҳирона фойдаланганини ўқтириш ўқитувчининг диққат марказида бўлади. Ўқувчилар „Фурбатда ғариб...“ рубоийсида танланган ўлчов ватанпарварлик туйғуларини чуқур ва таъсирчан ифодалашга имкон бераётгани, „Жондин сени кўп севармен...“ рубоийсида вазннинг ҳаётни адоқловчи инсон қиёфасини чиқишда қулай восита эканлиги, „Ким кўрди экан...“ рубоийсида маҳзун кечинмалар, адолатсизлик, ноҳақлик, бахтсизликдан шикоят кайфиятлари вазн туйғули ёрқин жилолантирилгани ҳақида маълумот оладилар.

Шоир „Хамса“ сини ташкил этувчи дostonларни ўқиш ва таҳлил қилиш давомида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилади. Ўқитувчи ҳар қайси дostonда „Хамса“ нинг

илк ижодкори Низомий Ганжавий томонидан танланган шеърий ўлчовлар Навоий томонидан ҳам сақланганига ўқувчилар диққатини тортиб, бу — Шарқ алабиёти, хусусан, форс-тожик ва туркий шеъриятларга хос азалий анъана эканини таъкидлайди. Навоий „Хамса“ сининг бадий баркамоллиги ҳақида сўз борар экан, ундаги вазнларнинг дostonлардаги гоёларни таъсирчан ифодалаш, қаҳрамонларнинг ранг-баранг қиёфаларини ҳаётий гавдалантиришдаги аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилиши зарур. Ўқитувчи „Ҳайратул аброр“ дostonида сариъи мусаддаси матвийи макшүф ва сариъи мусаддаси матвийи мавқуф вазнларининг шоир фалсафий мушоҳадалари, ахлоқий қарашлари, доно маслаҳатларини жиддий, салобатли оҳанг билан мужассамлантирганини таъкидлайди, „Лайли ва Мажнун“ дostonидаги ўлчовлар муҳаббат кечинмалари, қаҳрамонларнинг фожиали тақдирини ёрқин акс эттиришга жуда қулай эканини уқтиради, „Саъбан сайёра“ даги кўп вазнлиликнинг асардаги саккиз ҳикоя, ранг-баранг тимсоллар, воқеалар тасвирига қулайлигини айтиб ўтади, „Садди Искандарий“ дostonида танланган икки ўлчовнинг қаҳрамонлик ва дошишмандлик ифодасидаги аҳамияти ҳақида маълумот беради.

„Фарҳод ва Ширин“ дostonи ўрганилар экан, вазннинг асардаги ўрни ҳақида бир неча ўринда тўхтаб ўтиш жоиздир. Ифодали ўқиш давомида айрим парчалар мисолида ҳазажи мусаддаси маҳзүф ва ҳазажи мусаддаси мақсур вазнларининг табиат тасвирини чизиб учун ҳам, жанг манзараларини ёрқин бўёқларда акс эттириш учун ҳам, ишқий кечинмалар ифодаси учун ҳам қулайлиги қайта-қайта таъкидланади. Ўқувчилар боғлар, фасллар манзаралари, денгиз воқеалари, жанглар тасвирлари, Фарҳод ва Ширин муҳаббати ифодаси, Хисрав ва Фарҳод мунозараси, Фарҳод ва Ширин мактублари билан танишар эканлар, Навоийнинг вазнлардан фойдаланишдаги маҳоратига ишонч ҳосил қиладилар.

Алишер Навоий ижодини ўрганиш яқунлар экан, буюк мутафаккир шоирнинг ўзбек арузини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасига ўқувчилар диққатини жалб қилиш лозим. Маълумки, Навоий ўзининг ижодий фаолияти давомида ўзбек шеъриятини хилма-хил янги баҳрлар ҳамда вазнлар билан бойитишга алоҳида эътибор берди. Шоиргача адабиётимизда қирққа яқин вазн қўлланган бўлса, Навоий уларнинг сонини 100 тага яқинлаштиради. У халқ оғзаки ижодига хос қўпгина шеърий ўлчовларни адабиётимизга олиб кирди. Форсигўй шоирлар: „Туркий тилларда ранг-баранг мусиқий вазнларни қўллаб бўлмайдилар, қашшок ва дағал туркий тил бунга имкон бермайди“, — деган бемаъни даъвони илгари суриб келган бўлсалар, Навоий форсий шеъриятда фойдаланилган ҳар қандай ўлчовни туркий тилда ҳам бемалол қўллаб, гоёта сермазмун ва гўзал, жозибадор лирик ҳамда лиро-эпик асарлар яратиш мумкинлигини ўз шеърияти мисолида узил-кесил исботлаб берди.

Туркигўй шоирлар XV асрда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам Навоий анъаналарини изчил давом эттириб, арузининг хилма-хил ўлчовларида кўплаб ранг-баранг жанрлардаги ғоявий ва бадий баркамол асарлари билан адабиётимизни бойитдилар. Бобур ва Нодира, Машраб ва Огаҳий, Муқимий ва Фурқат каби егук ижодкорлар янги вазнларни кашф этиш, мавжуд вазилар имкониятини кенгайтириш билан шеърятимиз тараққиётига хизмат қилдилар.

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур** ижоди ўрганилар экан, шоир асарларида вазнлардан фойдаланиш маҳорати жиҳатларини ўқувчиларнинг мустақил фикрлари асосида аниқлаш имкони мавжуд. Бунинг учун шоирнинг у ёки бу асарида нима учун муайян вазн қўллангани ҳақидаги савол билан ўқувчиларга мурожаат қилинади. Масалан, шоирнинг „Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?“ деб бошланувчи ғазалида ифодаланган маҳзун кечинмаларга шеърда танланган рамали мусаммани маҳзүф вазни мос тушадими?“, „Бобур ўзининг „Ҳазон япроғи янглиғ...“ деб бошланувчи ғазалини ёзишда нима учун ҳазажи мусаммани солим ўлчовини танлаган?“, „Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим“ ғазалидаги лирик қаҳрамон кечинмаларини ифодалашда танланган вазн қандай вазифани бажарган?“ каби саволларга ўқувчилар бемалол жавоб бера оладилар. Ўқитувчи уларнинг фикрларини умумлаштираётган экан, Бобур ўзининг ҳар қайси асари учун ундаги ғоя ва тимсолларга мувофиқ келадиган ўлчовлар танлангани, вазнлар воситасида шеърлардаги туйғулар ёрқин ва таъсирчан ифодаланганини алоҳида таъкидлаб кўрсатади.

**Муҳаммад Солиҳнинг „Шайбонийнома“, Турдининг „Субҳонқулихон“** ҳажвияси ўрганилар экан, шоирларнинг ўз асарларида кўп вазнли ўлчовлардан фойдаланиш соҳасидаги маҳоратларини ўзлаштириш муҳим вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчи маскур масалага бағишланган суҳбат давомида бир асарда бир-биринга яқин бўлган бир неча вазндан фойдаланиш хилма-хил оҳанглар воситасида ранг-баранг ҳолатлар, воқеалар, туйғулар ифодаси учун муҳимлигини алоҳида таъкидлайди, асарлардан танланган парчалар воситасида кўп вазнлилик моҳиятини далиллайди. Буларнинг барчаси шоирларнинг кўп вазнлиликдан фойдаланиш маҳоратлари ҳақида ишончли маълумот ҳосил қилишга имкон беради.

**Машраб ва Ҳувайдо, Увайсий ва Нодира, Огаҳий ва Комил Хоразмийлар** ижоди ўрганилар экан, таҳлил қилинаётган ҳар қайси асарда вазндан фойдаланиш малакасини савол-жавоб ёки ўқитувчи маърузаси воситасида аниқлаб бориш зарур.

Муқимий ижоди ҳақида гап борар экан, шоирнинг лирик ва ҳажвий асарларда вазн имкониятларидан фойдаланиш маҳорати ўқитувчининг диққат марказида туради. Шоирнинг „Навбахор“, „Ошиқ бўлибман“ каби ғазаллари вазнининг ғоя ва лирик қаҳрамон туйғуларини бадий акс эттиришдаги аҳамияти суҳбат жараёнида аниқланади.

Муқимийнинг ҳажвий асарларида вазннинг ўрни масаласи алоҳида суҳбат мавзуси бўлмоғи лозим. „Танобчилар“ ҳажвияси ифодали ўқилиб ғоявий-бадий жиҳатдан таҳлил этилгач, ўқитувчи „Асардаги вазн ҳажвий қиёфалар яратишда қандай вазифани бажарган?“, „Асарда танланган вазн унда тасвирланган қаҳрамонлар қиёфасини ёрқин гавдалантиришга ёрдам берганми?“ каби саволларни ўқувчиларга ҳавола қилади. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштираётган ўқитувчи ҳажвияда танланган сарфий мусаддаси матвийи макшуф вазни танобчиларнинг қиёфаларини чизишда ҳам, уларнинг ўзаро муносабатлари тасвирида ҳам, нутқий тавсифномаларда — Султоналихўжа ва Ҳакимжонлар нутқини таъсирчан ифодалашда ҳам муҳим восита вазифасини бажаришига эътиборни қаратади.

Муқимий „Саётҳатнома“ ларида вазннинг аҳамиятини ўрганиш ҳам муҳимдир. Маълумки, шоир ўз асари учун халқ кўшиқларига ниҳоятда яқин турувчи ражази мураббаи солим ўлчовини танлаган эди. Мазкур вазн асарда ўзбек қишлоқларининг гўзал тасвирини чизишда ҳам, улардаги ижтимоий ҳаёт манзараларини ёрқин акс эттиришда ҳам, салбий тимсолларга хос хилма-хил иллатларни кулгили тарзда фош қилишда ҳам қулай восита вазифасини бажарди. „Саётҳатнома“ ларга енгиллик, ўйноқлик, жозибadorлик бағишлади. Асар учун бошқача ўлчов танланганда, балки у шунчалик халқ оммаси орасига чуқур кириб боролмаган, кўшиқларга айланмаган бўларди. Бу ўринда Муқимийнинг халқ билан яқинлиги, халқ оғзаки ижодини, унинг ранг-баранг вазнларини яхши билиши, ўз асарини халқчиллигини таъминлашда вазндан моҳирона фойдаланиши кўзга яққол ташланиб туради. Ўқитувчи мана шу ҳақиқатларни савол-жавоб ёки маъруза давомида ўқувчилар онига етказиши зарур.

Фурқат асарлари ўрганилар экан, унинг маърифатпарварликни улугловчи асарларида вазндан фойдаланиш маҳоратига ўқувчилар диққати жалб қилинади. Маълумки, шоир яратган „Илм хосияти“, „Гимназия“, „Виставка хусусида“, „Суворов“ асарлари ўқувчиларга Сайфи Саройининг „Сухайл ва Гулдурсун“, Хоразмийнинг „Муҳаббатнома“, номаълум муаллифнинг „Гул ва Наврўз“, Алишер Навоийнинг „Фарҳод ва Ширин“ дostonлари вазнларида — ҳазажи мусаддаси маҳзуф ҳамда ҳазажи мусаддаси мақсур ўлчовларидадир. Фурқат ана шу азалий, енгил ва мусиқий вазнлардан янгича ғоялар, янги қаҳрамонлар тасвирида санъаткорлик билан фойдаланган. Ўқилиши осон бўлган ушбу ўлчовлар шоир ғояларини, улардаги хилма-хил тимсолларни ёрқин, ҳаётий ва таъсирчан ифодалашга имконият яратган. Мазкур масалага бағишланган суҳбат давомида ана шулар ҳақида маълумот берилади.

Шундай қилиб, шоирларнинг вазн танлаш, улардан ўз асарларидаги ғоя ва тимсоллар ифодасида ўринли фойдаланиш маҳоратига бағишланган суҳбат ҳамда маърузалар давомида ўқув-

чилар шеърӣ ўлчовларнинг асардаги аҳамияти, шоирларнинг бу соҳадаги санъаткорлиги ҳақида изчил маълумот оладилар, турли хил вазнларнинг ўзаро яқинлиги ва фарқли жиҳатлари, ҳар бир ўлчовнинг ритм-оҳанг имкониятлари, ҳар қайси ўлчов қандай мазмунни ифодалашга қулайлигини вазнларни қиёслаш жараёнида ўрганиб борадилар, турли ўлчовларнинг адабиёти-мизда кенг қўлланиши сабабларини тушуниб оладилар. Буларнинг барчаси вазннинг шеърятдаги ўрни ҳақида атрофлича тасаввур ҳосил қилишга хизмат этади.

## АРУЗ ВАЗНИДАГИ АСАРЛАРНИ ИФОДАЛИ ҶУКИШ

Ўқувчиларни аруз вазнида яратилган асарларни ифодали ўқишга ўргатиш анча мураккаб ва масъулиятли вазифа эканлиги барча ўқитувчиларга аён. Ушбу ўлчов тизимининг ўзига хос жиҳатлари — қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг муайян тартиб билан такрорланиши, талаффузи алоҳида диққатни талаб қилувчи ўта чўзиқ бўғинларнинг мавжудлиги, кўп ўринларда бўғинларнинг қўшиб ўқилиши, шеърини асарларнинг ўнлаб вазнларда ёзилганлиги, мисралардаги сўзларнинг ўқилишида вазн тақозоси билан юз берадиган турли хил ўзгаришлар ифодали ўқишга ўргатиш иштини анча қийинлаштиради. Шунга қарамай, бу иш 5—10-синфлардаги дарслар давомида, шунингдек, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар вақтида изчил ва мутасил амалга оширилиши керак.

Ифодали ўқишга ўргатиш учун, аввало, ўқитувчининг ўзи муайян малакага эга бўлиши, ифодали ўқиш усулларини билиши лозим. Аруз ўлчовида шеърини асарларни ифодали ўқиш учун:

1. Аввало, ўқиладиган асарнинг қайси вазнида ёзилганини аниқлаб, унинг руқнлар тартиби ва чизмасини белгилаш, шеърини ана шу руқнларга мослаб ўқиш зарур. Масалан, Алишер Навоийнинг „Ҳайратул аброр“ асаридан олинган „Ҳотами Тойи ҳикояси“ ни ифодали ўқиш учун ушбу асарнинг сариғи мусаддаси матвийи макшуф вазнида ёзилгани, руқнлари ва чизмаси эса:

муфтаилун

— V V —

муфтаилун

— V V —

фоилун

— V —

тарзида эканлигини, айни вақтда ҳикоятнинг баъзи байтлари сариғи мусаддаси матвийи макшуф руқнлари ва чизмаси:

муфтаилун

— V V —

муфтаилун

— V V —

фоилон

— V ~ V

вазнида битилганини аниқлаб, барча мисраларни ана шу руқнларга мувофиқлаштириб ўқиш лозим бўлади.

2. Аруз тизими хусусиятларига кўра, очик бўғинлар таркибидаги унлилар вазн тақозоси билан қисқа ёки чўзиқ талаффуз қилиниши мумкинлигини ҳамisha ёдда тутиш шарт.

3. Ифодали ўқишда мисралардаги ўта чўзиқ бўғинларни тўғри талаффуз қилиш алоҳида аҳамиятга эга:

а) таркибида чўзиқ унли бўлган ёпиқ бўғин кўринишидаги ўта чўзиқ бўғинлар қўлланган бўлса, унли анча чўзиқ талаффуз қилинади, акс ҳолда вазн бузилади. Масалан, Алишер Навоийнинг:

Юз туман вопок эрдин яхшироқ  
Пок хотунлар аёғининг изи —

фардини ифодали ўқиш учун байтдаги „пок“ сўзидаги, „вопок“ сўзининг иккинчи, „яхшироқ“ сўзининг охириги бўғинлари таркибидаги „о“ унлиларини чўзиб талаффуз қилиш лозим бўлади. Алишер Навоийнинг „Шер билан Дуррож“ масалидаги кўп сўзлар ҳам шу тарзда ўқилади. Масалан:

Қайдаки ором тутуб шарза шер,  
Гирдида дуррож учубон далер. —

байтидаги „шер“ сўзи, „ором“ „дуррож“, „далер“ сўзларининг иккинчи бўғинларидаги унлилар анча чўзиб талаффуз қилинади. Шундай ўқилмаса, вазн бузилиб, асар оҳангига путур етади.

Ўта чўзиқ бўғинлар таркибида келган хилма-хил унлилар шу тарзда чўзиб талаффуз қилинаверади. Масалан:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,  
Лек шараф келди ҳаёу адаб.

*Навоий.*

Зор Махмур талаб қилди кечишни шоҳдин,  
Ҳапалак юртига тушган пул агарчи лак-лак,

*Махмур.*

Эй жаҳондори зафар, кавкабаи даври фалак,  
Гўш қил қиссаи қишлоғи хароби Ҳапалак.

*Махмур.*

Қилиб таклиф бир зоти киромиё,  
Кириб гимназия кўрдук тамоми.

*Фурқат.*

б) қўш ундош билан тугалланувчи ўта чўзиқ бўғинлар қўлланган бўлса, улар икки хил талаффуз эгилади:

— бундай бўғинлар таркибидаги унлилар баъзан чўзиб талаффуз қилинади. Масалан, „Шер билан Дуррож“ масалидаги:

Ҳар кишиким ростни бехост дер,  
Айтса ёлғон доғи эл рост дер. —

байтида „рост“ сўзидаги (ҳар икки ўринда) „айтса“ сўзининг биринчи, „бехост“ сўзининг кейинги бўғинларидаги унлилар чўзиб талаффуз қилинади;

— қўш ундош билан туғаган ўта чўзиқ бўғинлар кўп ҳолларда охириги ундошни алоҳида қисқа бўғин қилиб талаффуз қилиш тарзида ўқилади. Масалан, Навоийнинг:

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,  
Жон баса қилдим фидо, ороми жоне топмадим.—

байтидаги „меҳр“ сўзи „меҳ-р“ тарзида, „р“ ундоши ўзича, алоҳида, қисқа бўғинга айлантириб ўқилади. Бобурнинг „Ким ёр анга илм толиби илм керак“ деб бошланувчи машҳур рубоийсидаги „илм“ сўзи ҳам 1-, 2-, 4-мисраларда „ил-м“ тарзида „м“ ундошини алоҳида, қисқа бўғинга айлантириб талаффуз қилинади. Бундай ҳолатларда охириги икки ундошни бир бўғин қилиб, масалан, „ме-ҳр“ „и-лм“ тарзида ўқиш вазн ва оҳангнинг бузилишига олиб келади.

4. Аруз тизими асосида яратилган шеърий асарларни ифодали ўқишнинг яна бир шарти мисра таркибидаги сўзларнинг вазн тақозоси билан қўшиб ўқилишидир. Яна аниқроғи, у ёки бу мисрани танланган ўлчовга мувофиқ ўқиш учун бирон сўз охиридаги ёпиқ бўғиннинг сўнгги ундоши ўзидан кейин тўрган унли билан бошланувчи бўғинга қўшиб ўқилади. Натижада аввалги ёпиқ бўғин очиқ бўғинга айланиб, вазн рукнларига мослашиш юз беради. Жумладан, „Шер билан Дуррож“ масалининг бир неча байтини ўқиб кўрайлик:

Бор эди бир бешада бир тунд шер,  
Ваҳшат аро кўк асадидек далир.  
Чун бўлур эрди болалаб завқнок,  
Мўр боласин қилур эрди ҳалок.  
Бор эди дуррож ўшал бешада,  
Шери жаён ваҳмидин андешала.  
Шерки тишлаб боласин дам-бадам,  
Бешада ҳар ён кўяр эрди қадам.  
Етгач анинг боши уза ногаҳон,  
Фир эта учса эди ул нотавон.  
Ваҳм ила сесканмак эди шер иши,  
Ўлтурур эрди боласига тиши.

Юқоридаги байтларни ифодали ўқиш учун таъкидланган сўзларни бир-бирига қўшиб „ваҳша-та-ро“, „бўлу-рэр-ди“, „в аҳмиди-нан-де пада“, „қуя-рэр-ди“, „етга-ча-нинг“, „ваҳми-ла“, „сесканма-кэ-ди“, ўлтурур эрди, тарзида талаффуз қилиш шарт. Шундай қилинса, мисралар таркибидаги сўзлар вазн рукнларига мослашади. Масалан, „ваҳшат аро“ сўзларини қўшмай ўқисак, ушбу бирикма чизмаси — — V — тарзида бўлган мустафъилун рукнига тенг бўлади. Ваҳоланки, ҳикоят муфтаилун муфтаилун фоилун рукнларига асосланувчи вазнда битилган. Демак, „ваҳшат аро“ бирикмасини „муфтаилун“ рукнига мослаб ўқиш зарур. Бунинг учун эса бирдан-бир йўл „шат“ бўғинидаги „т“ ундошини кейинги бўғинга қўшиб, иккинчи бўғинни — „ша“ кўринишида ўқишдир.

Юқоридаги асосий ҳолатлардан тайшқари, бир қатор жузъий жиҳатлар ҳам борки, уларни пухта билиб олмай туриб, аруз



вазнидаги шеърларни ифодали ўқишга эришиб бўлмайди. Бу жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўртагида иккиланган қўш ундош келувчи *қаттиқ, аччиқ, етти, саккиз, ҳамма* каби сўзларда вазн талаби билан ўртадаги ундошлардан бири тушириб ўқилиши мумкин. Масалан:

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажабким сарвнзим ўн саккиз ёшиндадур.

*Навоий.*

Ўшал дарёни мавжидур табассум,  
Қаттиқ кулгуси қилгонда талотум.

*Фурқат.*

Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки ман ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.

*Машраб.*

2. Айириш белгиси, араб алифбосида „айн“ ҳарфи билан тугалланувчи ўта чўзиқ бўғинларнинг ўқилиши ҳам ўз хусусиятларига эга. Навоийнинг „Ҳайратул аброр“ достонидан олинган:

Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,  
Яхши керак кўнглида андешаси. —

байтидаги „нафъ“ сўзи „наф“ тарзида бир чўзиқ бўғин сифатида талаффуз қилинса:

Хайр муяссар гар эмас эл била,  
Нафъ тегурмак ҳам ўлур тия била. —

байтида шу сўзнинг ўзи „наф-ъи“ тарзида бир чўзиқ ва бир қисқа бўғин қилиб ўқилади. „Фарҳод ва Ширин“ достонидан олинган:

Бу навъ эрмас ато қўймади отин,  
Ки кўргач ишқ анинг покиза зотин,  
Анга фарзона Фарҳод исм қўйди.  
Хуруфи маъҳазин беш қисм қўйди. —

байтларидаги навъ сўзи „нав“ тарзида бир чўзиқ бўғин сифатида талаффуз қилинса,

Ато бу навъ кўргач иш ҳисобин,  
Муносиб англади илм иктисобин. —

байтидаги „навъ“ сўзи эса „нав-ъи“ тарзида ўта чўзиқ, яъни бир чўзиқ ва бир қисқа бўғин тарзида ўқилади.

Шу достондан олинган:

Шабистонида ул шамъ ўлди равшан,  
Ки базми гулларидин бўлди гулшан. —

байтидаги „шамъ“ сўзи „шам“ тарзида бир бўғин қилиб ўқилса, шу байтдан кейинги:

Неча ул шамъ бор эрди дилафрўз  
Вале кўп шуъла торгар эрди жонсўз. —

мисраларидаги „шамъ“ сўзи „шам-ъи“ тарзида ўта чўзиқ бўғин қилиб талаффуз этилади.

3. Айрим сўзларда вазн талаби билан охириги ундош тушириб ўқилади. Жумладан: шу дostonда Қораннинг Фарҳодга берган жавобини ифодаловчи:

Анинг сув бермағида ҳолати бор,  
Ки андин айламасмиз элга ахбор. —

байтидаги сув сўзи ўз ҳолича тўла талаффуз қилинса, шундан кейинги байтнинг ўзида, яъни:

Сув берса ўйла афзориға устол,  
Юз ил хоро демайким йўнса пўлод,  
Синардин тешавор осуда бўлғай,  
Тугангай баски ишдин сула бўлғай. —

мисраларидаги сув сўзи вазн тақозоси билан „су“ тарзида қисқа бўғин қилиб, яъни „в“ ундош туширилиб талаффуз қилинади. Парчанинг иккинчи мисрасидаги „ил“ сўзига эътибор қилган бўлсангиз, у „йил“ маъносида қўлланаётганини кузатасиз. Демак, „йил“ сўзи ҳам вазн талаби билан „ил“ тарзида ўқилиши мумкин экан.

Вазн талаби билан айрим тарихий шахслар, афсонавий қаҳрамонларнинг номлари ҳам танланган ўлчовга мувофиқлаштириб ёзилиши ва ўқилиши мумкин. Чунончи, „Фарҳод ва Ширин“ дostonидан олинган:

Чиқиб чун келди ул офот ичидин,  
Скандар ўйлаким зулмот ичидин...  
Ўқуб хотам аро ёзилгон исмин.  
Очар Искандарий Румий тилисмин. —

Байтларида келтирилган Искандар номига эътибор беринг. Вазн талабига кўра шу сўз биринчи байтда Скандар сифатида, иккинчи байтда эса Искандар сифатида ёзилган, ўқилишида ҳам ана шундай талаффуз қилинади.

4. Шоирларнинг „ий“ қўшимчаси билан тугалланувчи тахаллуслари ҳам баъзида вазн тақозоси билан „й“ товуши туширилиб талаффуз қилинади.

Ғамзангиз қон тўккали қасд этса ҳар дам ул замон,  
Лаълинигиздан кўп бўлур Саккокийга жон миннати.  
Сочинг била юз ёпмағиму Лутфийга кўргуз,  
Қун, оре, булуттин очилур, яхши кўринур.  
Ўзгадин қилмам шикоятким, азизим кўзида  
Ўтга тушқур бу кўнгулдур Лутфийни хор айлаган.  
Йиғлар Муқимий тоқай, топмас мурод, найлай,  
Ўйнайлию, кулайлик, эсон, омон бўлайлик.

каби байтлардаги тахаллуслар вазн талаби билан Саккокига, Лутфига, Лутфини, Муқими тарзида ўқилади.

Увайсий тахаллусининг ёзилишига эътибор беринг:

Вайси шаънига муносиб кўрсаким ҳар қанча сўз  
Минг забон пайдо бўлуб айтса яна то бўлса оз...  
Вайсидинким мунтазирларғи деманг сиз, сахлдур,  
Барри қон олудан гирёна дийдам мунтазир.

Аруз вазнида битилган шеъринг асарларни ифодали ўқишнинг ана шу каби муаммоли жиҳатлари 5—10 - синфларда мумтоз адабиёт намуналарини ўрганиш жараёнида изчил ўзлаштириб борилади.

## 5 - синф

5 - синфда ўрганиладиган Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарлари аруз ўлчови асосида яратилган. Уларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар аруз тизими хусусиятлари билан илк бор танишадилар, бир қатор вазнларнинг оҳанг жилоларидан хабардор бўладилар.

Юсуф Хос Ҳожибнинг „Кутадғу билиг“ асаридан танланган „Қаю эрда бўлса ўқуш бирла ўг.“ деб бошланувчи парча мутақориб баҳрининг мутақориби мусаммани маҳзуф вазнида битилган бўлиб, руқилари ва чизмаси:

фаулун	фаулун	фаулун	фаал
√ — —	√ — —	√ — —	√ —

тарзидадир. Бинобарин, парчадаги ҳар қайси мисра ана шу ўлчов қолипи асосида ўқилади.

Хусусан, асарнинг шу синфда ўрганилиши мўжалланган „Қаю эрда бўлса ўқуш бирла ўг.“ деб бошланувчи парча ўқилар экан, ҳар қайси мисра юқоридагича оҳанг қолипига мувофиқлаштириб талаффуз этилади. Достон матнида чўзиб ўқиладиган 5та чўзиқ бўғинлар ишлатилмаган. Айрим ўринларда қўшиб ўқиладиган ўринлар учрайди:

Қаю эрда бўлса ўқуш бирла ўг,  
Ани эр атағил неча ўгса ўг.  
Ўқуш, ўг, билик кимда бўлса тугал,  
Ёвуз эрса қад те, кичик эрса ўг.  
На эзу турур бу кишига ўг-а,  
Ўги бўлса ўтру атағу ўг-а,  
Эваклик билинг ул қамуғқа ёвуз,  
Қали бўлса бегка юзи бўлди буз,  
Эвак курғу қилқи қилинчи буши,  
Биликсизга белғу бўлур бу иши,  
Эва қиямиш ишлар бича иш бўлур,  
Эва еса ош, сув, бича иг бўлур.

Кўриниб турибдики, парчани ўқиш қийин эмас, охириги бандлагина бир ўринда қўшиб ўқиладиган икки сўз бор, холос.

Аҳмад Яссавийнинг 5 - синфда ўрганиладиган „Девони ҳикмат“ асаридан танланган парча бармоқ вазнида ёзилгани учун уни ўқиш осон.

Алишер Навоийнинг шу синфда ўрганишга мўлжалланган тўрт рубойиси ҳазаж баҳрининг икки вазни асосида ёзилган. уларни ифодали ўқиш учун ана шу вазнларнинг руқиларига асосланиш зарур.

„Зевар кишига не тожу не афсар бил“ деб бошланувчи рубойи икки вазни бўлиб, биринчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар, 2-, 3-, 4- мисралари эса ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар вазни асосида ёзилган. Бинобарин, рубойи мисраларини қуйидаги рукнлар ўлчовида ўқиш лозим бўлади:

мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ
мафъулу	мафойилу	мафойилун	фаъ
мафъулу	мафойилу	мафойилун	фаъ
маръулу	мафойилу	мафойилун	фаъ

Бу ҳолда мисралар рукнларга шундай ажрагилади:

Зевар, ки — ишига не то — жу не афсар — бил  
 Ул зева — р адаб бирла — ҳаё дархар — бил  
 Ҳар кимки — адабсизду — р ишин абтар — бил  
 Алқисса — эранларга — адаб зевар — бил

„Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай“ рубойиси ҳам юқоридаги вазнлар асосида яратилган, лекин биринчи ўлчовда асарнинг 1-, 3-, 4- мисралари, иккинчи ўлчовда эса фақат иккинчи мисра битилган. Шундай экан, рубойи қуйидаги рукнлар оҳангида ўқилади:

мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ
мафъулу	мафойилу	мафойилун	фаъ
мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ
мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ

Рубойидаги мисралар эса рукнларга қуйидагича ажратилади:

Фарзанд а — то қуллуғин — чу одат қил — ғай,  
 Ул ода — т ила қасби — саодат қил — ғай,  
 Ҳар кимки — атоға кўп — риюят қил — ғай,  
 Ўғлиди — н анга бу иш — сироят қил — ғай.

„Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар“ рубойиси худди биринчи рубойи каби ёзилган ва ўшандай ўқилади. Яъни асар мисралари рукнларга қуйидагича ажратилади:

Ҳар кимки — чучук сўз эл — га изҳор ай — лар,  
 Ҳар неча — ки ағ ёр — дурур ёр ай — лар,  
 Сўз қатти — ғи эл кўнгли — га озор ай — лар,  
 Юмшоғи — кўнгилларни — гирифтор ай — лар,

Демак, рубойини нфодали ўқиш учун иккинчи мисрадаги „ағёр“ сўзининг „ёр“ бўғинини ўта чўзиқ бўғин тарзида (унлини чўзиб) ўқиш, шунингдек, **изҳор, ёр, озор, гирифтор** сўзлари охиридаги ундошларни улардан кейин турган унлиларга қўшиб ўқиш лозим бўлади.

„Хўб эл била суҳбат тугубон хўб ўлғил“ деб бошланувчи рубойи бир вазни бўлиб, барча мисралари ҳазажи мусамма-

ни ахраби макфуфи солими абтар вазни заминида ёзилган. Бу ҳолда асарнинг барча мисралари:

мафъулу мафойилу мафойилун фаъ

рукнлари ўлчовида ўқилади. Ҳар қайси мисрани эса рукнларга қуйидагича ажратамиз.

Хўб эл би — ла суҳбат ту — тубон хўб ўл — гил,  
Яхшини — талаб қилғи — лу матлуб ўл — гил,  
Ширин сў — э ила халқ — қа марғуб ўл — гил,  
Юмшоқ де — ҳадисингни — ю маҳбуб ўл — гил.

Асарни ифодали ўқиш учун учинчи мисрадаги „халқ“ сўзини ўта чўзиқ бўғин тарзида, яъни „а“ унлисини чўзиб талаффуз этиш, хўб сўз сўзлари ҳамда қофиялардаги „б“ ундошини ўздан кейинги бўғин билан кўшиб ўқиш тақозо қилинади.

Алишер Навоий рубоийларини ўқиш жараёнида ўқитувчи вазилар номи, рукнларни ўргатмаса ҳам, мисралардаги чўзиб ўқиладиган, ҳам кўшиб ўқиладиган ўринларни тушунтириши зарур бўлади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг „Соғиниб“ шеъри бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, уни ўқиш қийин эмас. „Салом айтинг“ мухаммаси эса ҳазажи мусаммани солим ўлчовида ёзилган, бинобарин, унинг ҳар қайси байти

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
рукнлари оҳангида ўқиши керак. Шеърда ўта чўзиқ бўғинлар кўп қўлланмаган, кўшиб ўқиладиган ўринлар ҳам кам. Фақат иккинчи бандни ўқишда эътибор берилиши лозим бўлган баъзи ўринлар мавжуд. Маълумки, ушбу банд:

Саломат денг онажоним, кўзин зинҳор ёшлатманг,  
Жудодиг доғи бас, бемор деб минг бор қақшатманг,  
Онам бечорани ҳам бистарига зор ташлатманг,  
Оға, ҳамшираларга мотамим такрор бошлатманг.  
Эшитган бўлсалар нотоблигим ўзга маром айтинг. —

мисраларидан ташкил топган. Уларни ифодали ўқиш учун зинҳор, бемор, такрор сўзларининг кейинги бўғинларини, шунингдек, бор, зор сўзларини ўта чўзиқ бўғин тарзида, унлини чўзиб ўқиш талаб қилинишини унутмаслик лозим.

## 6- синф

Олтинчи синфда мумтоз адабиётдан танланган асарлар арузнинг хилма-хил ўлчовлари асосида яратилган. Уларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар аруз тизимига хос янги-янги оҳанг хусусиятлари билан таништирилади.

Алишер Навоийнинг „Ҳотам Тойи“, „Икки вафолик ёр“ ҳикоятлари „Ҳайратул аброр“ достони каби сариъи мусаддаси матвийи макшуф ҳамда сариъи мусаддаси матвийи макшуф

вазнлари асосидā яратилган. Бинобарин, иккала ҳикоя ҳам ана шу вазнларга хос:

муфтаилун      муфтаилун      фонлун  
— √ √ —      √ √ —      — √ —

ҳамда

муфтаилун      муфтаилун      фонлон  
— √ √ —      — √ √ —      — √ ~

рукнлари оҳангида ўқилиши лозим. Шоирнинг ушбу асарларида чўзиб ўқилиши лозим бўлган ўта чўзиқ бўғинлар, қўшиб ўқилиши зарур бўлган ўринлар анчагина. Ўқиш жараёнида уларга алоҳида диққат қилиш керак бўлади.

„Ҳотам Тойи“ ҳикояси қуйидагича ўқилади:

Ҳотами Тойига бир озодаваш  
Дедики: „Эй ҳимматинг озода қуш,  
Токи саҳо бўлди кафинг варзиши  
Кўрдунг экинму бир ўзунгдек киши?“  
Дедики: „Бир кун қилибон жашни ом,  
Индаб эдим бодия аҳлин тамом.  
Матбах аро юз тева қурбон эди,  
Кўю қўзи беҳаду поён эди.  
Базм ичидин дашт сори бир нафас,  
Касби ҳаво айламак эттим ҳавас.  
Сайра кўрдум бир асири миҳан,  
Бир қучоқ орқасига юклаб тикан,  
Жисми уйин айлабон ул юк ниғун,  
Тиркабон ул уйга асодин сутун:  
Ҳар қадам олғунча этиб муддате,  
Ҳар нафас ургунча ўтуб фурсате.  
Солди ул эмгак ўти кўнглумга тоб.  
Лутфу тараҳҳум била килдим хитоб.  
„К-ей қалинг эмгак юки паст айлаган,  
Жисмида гам хори нишаст айлаган!  
Даштаро гўёки хабар билмадинг,  
Ҳотам уйи сори гузар қилмадинг?  
Даъват этиб асру фаровон букун,  
Қилди ямон-яхшини меҳмон букун.  
Ташла тикан, гулшани иззатқа ет.  
Чекма машаққат, қўлу даъватқа ет.“  
Менда чу фаҳм этти бу навъ изтироб,  
Бош кўтариб куддю берди жавоб:  
„К-ей солибон ҳирс оёғинга банд,  
Озу тамаъ бўйнуга боғлаб каманд.  
Водийн ғайратга қадам урмагон.  
Кунгури ҳимматқа алам урмагон.  
Сен, доғи чеккил бу тикан меҳнатин,  
Тортмағил Хотами Той миннатин.  
Бир дирам олмоқ чекибон дастранж.  
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.“  
Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди,  
Мендин анинг ҳиммати афзун эди.“  
Ҳиммат агар бўлса, Навоий, санга,  
Банда дурур Хотами Тойи санга.  
Соқий, аёқ тут, карам изҳор қил,  
Базлди хотамга намудор қил.  
Бизда чу май важҳига камдур дирам,  
Камлик эрур биздину сендин карам.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳикояни ифодали ўқиш учун кўплаб мисралардаги сўзларни кейинги бўғинга кўшиб ўқиш лозим. Айни вақтда таъкидланган бўғинларни ўта чўзиқ бўғин тарзида (унлини чўзиб, сайр, базл каби сўзлардаги охириги ундошни алоҳида бўғин қилиб) ўқиш лозим.

„Икки вафолик ёр“ ҳикояси ҳам шу вазнлар асосида битилган. Бу асарда ҳам ифодали ўқиш чоғида эътибор қилинади-ган кўпгина мисралар мавжуд.

муфтаилун

— — √ √ —

Андоқ эшит

Тўрт улус

Фатҳи ақо

Ҳинд саво

Фатҳ ила нус

Чарх адув

Чунки адув

Бек деликим:

Касратидин

Қон ила шин

Бош тушуб ул

Бош кесибон

Ҳар сари қон

Жумлаи о

Ушбу маҳал

Бўлди қитол

Тушти сипо

Шоҳ ясо

Қатл ишиға

Бошин анинг

Кўрди чу тиг

Ёри шафиъ

Ким „Санга мақ

Кўй ани, бу

Чун анга юз

Ёри ҳам эт

Қайсиға ай

Ёри қўяр

Тунд бўлуб

Деди: Ики

Қай бирининг

Ёна бири

Ким: „Мени қат

Токи мен ўл

Базл қилур

Бошлариға

Макс эди бу

муфтаилун

— √ √ —

тимки шоҳи

хони Темур

лимга қил

дида қатиқ

рат чу анга

қалбига сол

куфр эли эр

„Қилсун улус

даштни тут

гарф дин о

рўдда сой

ҳар киши ўз

тўкмак ила

ламда солиб

да ики бе

аҳлиға но

ҳи бирисин

қидин амон

чун ёнидин

чопмоқ учун

остида кўл

ўлди очиб

суд агар

бош анга по

ланди қўюб

ти бу сўз из

лай деса ул

эрди аё

қотили пў

нгизни чопай

қатлиға қил

айлар эди

л айла бурун

гунча тирик

лар эди бир

тиғ учун эр

навъ арода

фоилун (Фоилон)

— √ — (— √ ~)

комрон

кўрагон

ғонда азм,

бўлди разм.

берди даст.

ди шикаст.

ди тамом.

қатли ом“.

ғон қатил,

қизди иил,

тошича,

бошича

тиғи тез.

рустахез.

чора ёр,

гоҳ дучор.

чопқали,

топқали.

чекти тиг.

бедариг.

дошини,

бошини

бош эрур.

дош эрур.

ёрини,

ҳорини

зулм фош,

ғиға бош.

лод чанг

бедаранг“.

ғач шитоб,

изтироб

тез бўл,

бўлсун ул“.

бирга бош,

ди талош.

бир замон,

Ким эл арө  
Бир-бирига  
**Шоҳ** доғи  
Фош этиб ул  
Ҳам элу, ҳам  
Берса, Наво  
Сен доғи қил  
Соқий, олиб  
Меҳру вафо  
Оғзима жон  
Ваъда неча,

тушти нидо:  
кечти алар  
кечти улус  
сидқу мавад  
ўзлари бўл  
ий, санга ё  
бошингу жо  
кел қадаҳе  
шарти била  
етти, даво  
эмди вафо

Ал-амон“,  
жонидин,  
қонидин.  
дат хавос,  
ди холос.  
ре худо,  
нинг фидо.  
ёр эсанг,  
бор эсанг.  
қил манга,  
қил манга.

Бу ҳикояни ўқиш чоғида ҳам кўпгина ўринларда қўлланган ўта чўзиқ бўғинларни тўғри (унлини чўзиб, чарх, базм каби сўзлардаги охириги ундошни чар—х, баз—м тарзида алоҳида киска бўғинга айлантириб) ўқишга эътибор қилиш лозим.

Алишер Навоийнинг „Қабутар“ ҳикояси эса „Садди Искандарий“ достони учун асос бўлган мутақориб мусаммани маҳзуф ва мутақориб мусаммани мақсур вазнларида ёзилган. Бинобарин, ҳикоя мисралари ана шу ўлчовга асос бўлган:

фаулун      фаулун      фаулун      фаал  
V — —      V — —      V — —      V —

ҳамда

фаулун      фаулун      фаулун      фаул  
V — —      V — —      V — —      V ~

рукнлари ва чизмасига мувофиқ ўқилади. Бу ҳикояда ҳам ўта чўзиқ бўғинлар ҳамда қўшилиб ўқиладиган ўринлар анчагина учрайди.

Эшитгимки, бир тойири номабар,  
гитик зимнида шарҳи ҳангома бор.  
Сабукпар кабутарки ҳар бир қулоч.  
Ки паррон очиб тай, қилиб бир йиғоч,  
Топиб эрди бир шоҳ қайдида банд;  
Етиб эрди болу париға газанд.  
Фалак гарлиши айлабон зулму зўр,  
Неча йил ани айлабон хона мўр.  
Чу зиндонидин қочти ул бенаво,  
Нишоту фарах бирла тутти ҳаво.  
Сингиб кўкка ҳар сори чун боқти ул,  
Ўзининг диёри сори тутти йўл.  
Қилиб саъй ила тийра фархундавой,  
Неча кунчилик йўлни бир дамда тай.  
Вале зулми даврон солиб инқилоб.  
Қилиб эрди ул бўлгон уйни хароб.  
Қабутар етишгач уйин топмади,  
Ва лекин учардин қанот ёпмади.  
Басе эл бўлуб том уза донарез.  
Учуруб кабутар берур эрди хез.  
Булар сори ҳеч айламай илтифот,  
Урар эрди ўз томин истаб қанот.  
Басе давр уруб эҳтиёт айлабон.  
Бузуғ узра қўнди нишот айлабон.



Ки маънус эрур тарчи вайронадур,  
Негаи шоҳ қасринки бегонадур.  
Эрур кушқа хушроқ чу боксинг аён,  
Мурассаъ қафасдин тикан ошён.

6- синф дастурида шоирнинг „Шер билан Дуррож“, „Бул-бул ва Зоғ“ диққатлари мустақил ўқишга тавсия қилинган. Ҳар икки асар диққат билан ўқилмаса, вазн бузилишларига йул қўйилади. Шунинг учун ҳам уларни ўқиш олдидан вазнлар хусусияти, руқилар таркиби билан ўқувчиларни таништириш талаб қилинади.

„Шер билан Дуррож“ масали „Ҳайратул аброр“ достонидан олингани учун, юқориди таъкидлаганимиз сариъи мусаддаси матвийи макшуф (руқилари: муфтаилун муфтаилун фоилун) ҳамда сариъи мусаддаси матвийи маъкуф (руқилари: муфтаилун муфтаилун фоилон) вазнларида битилган.

Масалда алоҳида диққат қилиниши лозим бўлган ўринларини қуйидагича белгилаш мумкин:

Бор эди бир бешада бир тунд шер.  
Ваҳшат аро кўк асадилек далир.  
Чун бўлур эрди болалаб завқнок,  
Мўр боласин килур эрди ҳалок.  
Ташлабон ул мояи пайвандини,  
Оғзида асрар эди фарзандини.  
Бор эди дурроже ўшул бешада,  
Шери жаён ваҳмидин андешада.  
Шерки тишлаб боласин дам бадам,  
Бешада ҳар ён кўяр эрди қадам.  
Етгач анинг боши уза ногаҳон,  
„Фир“ эта учса эди ул нотавон.  
Ваҳм ила сесканмак улуб шер иши,  
Ўлтурур эрди боласига тиши.  
Тиш била айлаб боласи ёрасин,  
Ёра этиб ўз жигари порасин.  
Дойим анга бу ғам аро ғам эди.  
Ғам неки, мотам уза мотам эди.  
Кўнгли бу ишдин бўлуб озорлик,  
Бошлади дуррож била ёрлик.  
Дедики: „Мендин санга йўқ қасду кийн,  
Эмин ўлу бил мени доғи амин  
Ваҳмни кўй, ҳамламу ҳамрозим ул.  
Айшу тараб вақти навосозим ул.  
Мен доғи лаҳнинг эшитиб шод ўлай,  
Нағманг ила қайғудин озод ўлай  
Шарт буқим етса газанде санга,  
Солса фалак ҳиласи банде санга.  
Лутф қўлин ҳолинга ҳамдаст этай,  
Ҳасмни бир панжа била паст этай.  
Қўргузуб ихлос ишида ихтисос,  
Сени адув домдин айлай халос“.  
Шер кўп афсус била чун қилди жаҳд  
Сидқ ила дуррож доғи қилди аҳд.  
Андоқ аро ерла аён булди меҳр.  
Ким ҳасад элтур эди андин сипеҳр.  
Қайдаки ором тутуб шарза шер.  
Гирдида дуррож учубон далир,  
Бошига парвоз ила гардиш намой

Уйлаки султон боши узра хумой.  
 Шер эшитиб анинг илҳонини,  
 Фаҳм қилиб савтида ёлгонини,  
 Дер эди: „Ёлгон демаким, шум эрур,  
 Қизб туз эр оллида мазмум эрур“.  
 Панд эшитмас эди дуррожи маст,  
 Кизбдин этмас эди афронни паст.  
 Бир кун анинг қасдиға бир сайдгар,  
 Ходиса домин ёйиб эрди магар.  
 Дона била сув сари қилғоч хиром,  
 Тортти сайед анинг устига дом.  
 Қичқирибон дом аро ул мубтало,  
 Неча деди: „Тот, мени туттило“.  
 Шер қулоғиға етиб ул мақол,  
 Савтини дойимғидек этти хаёл.  
 Кўп эшитиб эрди бу ёлгонини,  
 Уйла гумон этти чин афгонини.  
 Ҳар нечаким рост фиғон айлади,  
 Сидқини ҳам кизб гумон айлади.  
 Махласиға айламади илтифот  
 Токи анга муноқатиъ ўлди ҳаёт.  
 Ҳар кишиким ростни бехост дер,  
 Айтса ёлгон доғи эл рост дер.  
 Сўзда Навоий не десанг чин дегила  
 Рост наво нағмаға таҳсин дегил.

„Булбул ва Зоғ“ ҳикояти „Сади Искандарий“ дostonилан олинган ва бинобарин, юкорида кўриб ўтганимиз мутақориб мусаммани маҳзуф (рукилари: фаулун фаулун фаулун фаал) ҳамда мутақориб мусаммани мақсур (рукилари: фаулун фаулун фаулун фаул) вазнларига асосланади. Ҳикояни ўқишда ана шу ўлчовларнинг хусусиятларини назарда тутиш шарт.

Эшиттимки, бир боғ аро гул чоғи,  
 Ки тез ўлди булбул фиғон қилмоғи.  
 Келиб сарзаниш қилди бир зоғ анга,  
 Ким эрди нишиман ҳамул боғ анга.  
 Деди: „К-ей жунун шеваи ҳарза рой!  
 Недур буки, ҳар йил аро ўн бир ой  
 Кезарсен чаманда ҳазину ҳамуш.  
 Бир ойдур санга мунча жўшу хуруш?  
 Бу ишта дарангу саботинг қани?  
 Чаман қушларидин уётинг қани?“  
 Деди булбул: „Эй ишқдин беҳабар!  
 Менинг куймакимдин санга не хабар?  
 Чу ул йўқ турур ўн бир ой боғ аро.  
 Эрур рўзгорим сениндек қаро.  
 Ғаму дард эрур менда лайлу наҳор,  
 Ва лекин чу эсти насими баҳор,  
 Гул этти чиқиб жилва оийн яна,  
 Тикиб жайбиға нофан чин яна,  
 Чу гул қилди бу навъ зеби жамол.  
 Қачон қолгай ул лаҳза булбулға ҳол?!  
 Чаман ҳусни дийнор агар донгдур.  
 Ки бечора булбулға гулбонгдур  
 Чу кетти чамандин гули оташин  
 Кумур бирла найлай бўлуб ҳамнишин?  
 Сенинким намудоринг ўлди жуада,  
 Ҳаётинггадур гул исидин халад.

Қачон англағайсен менинг ҳолатим.  
 Ки сендин йироқ яхшироқ сўхбатим\*.  
 Чу булбул аён қилди бу дарду доғ,  
 Қарорди жавобнда афсурда зоғ  
 Демакка жавоб ўлмади сахтқўш  
 Қиш айёми булбулдек ўлди ҳамўш.

6- синфда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бир қатор рубойларини ўрганиш назарда тутилган. Уларни ифодали ўқиш учун рубойларнинг вазн, оҳанг хусусиятларини хотирга олиш зарур.

Шоирнинг „Ҳар кимки вафо қилса вафо топқусидир“ мисраси билан бошланувчи рубойиси икки вазнли бўлиб, 1-, 2-, 4- мисралари ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб ўлчовида. Унинг рукнлари ва чизмаси:

мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаал
— — √	√ — — √	√ — — √	√ —

кўринишидадир. 3- мисра эса бу вазндан бир оз фарқланувчи ҳазажи мусаммани ахраби макбузи солими абтар ўлчовида ёзилган бўлиб, рукнлари ва чизмаси:

мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ
— — √	√ — √ —	√ — — —	—

тарзида. Шундай экан, рубой мисралари:

мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаал,
мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаал.
мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ
мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаал. —

оҳангида ўқилади. Асарда ўта чўзиқ бўғинлар, кўшиб ўқиладиган ўринлар учрамайди. Бинобарин, рубойини ифодали ўқишда рукнлар оҳангига эътибор қилинса кифоя.

„Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутингиз“ деб бошланувчи рубой ҳам икки вазнли бўлиб, тузилиши жиҳатдан юқоридаги асардан фарқ қилади. Ушбу рубойнинг 1 — 2- мисралари ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб (буни юқорида кўрган эдик) вазнида, 3 — 4- мисралари эса ҳазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи ажабб (рукнлари: мафъулу мафоилун мафойилу фаал) ўлчовида битилган. Демак, ҳар икки вазн иккинчи рукн жиҳатидангина сезилар-сезилмас фарқланади. Асарни ўқиш чоғида мисраларнинг:

мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаал,
мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаал,
мафъулу	мафоилун	мафойилу	фаал,
мафъулу	мафоилун	мафойилу	фаал. —

оҳанг қолипларига риоя қилиниши лозим. Бу хил ўқилганда биринчи мисрадаги „аҳбоб“ сўзида иккинчи бўғиннинг ўта чўзиқ экани, демак, унинг таркибидаги „о“ унлисини чўзиб та-лаффуз қилиш, учинчи мисрадаги чарх сўзини чар-х тарзида охириг ундошни қисқа бўғинга айлантиришни унутмаслик лозим.

„Беқадрмену хароби сим эрмасмен“ деб бошланувчи рубойсининг 1-, 2-, 3- мисралари ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар, 4- мисраси эса ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи солим абтар вазнлари асосида яратилган. Шундай экан, унинг мисралари

мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ,
мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ.
мафъулу	мафоилун	мафойилун	фаъ,
мафъулу	мафойилу	мафойилун	фаъ. —

рукнлари оҳангида ўқилади. Бунинг учун айрим ўринлардаги ўта чўзиқ бўғинлар ҳамда қўшиб ўқиладиган бўғинларга диққат қилиш зарур.

Беқадрмену хароби сим эрмасмен,  
 Ҳам мол йиғиштурур лаим эрмасмен.  
 Кобилда иқомат этти Бобур дерсиз,  
 Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

„Беқадрмену“ сўзини „бе-қад-р-ме-ну“ тарзида талаффуз этиш, „мол“ сўзидаги унлини чўзиш, таъкидланган ўринларда ундошларни ўзидан кейин турган бўғинга қўшиб ўқиш вазн талабидир.

„Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши“ мисраси билан бошланувчи рубойи уч ўлчовли бўлиб, мисраларнинг рукнлари таркиби:

мафъулу	мафоилун	мафойилу	фаал,
мафъулу	мафоилун	мафойилу	фаал.
мафъулу	мафоилун	мафойилу	фаул,
мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаал. —

кўринишидадур. Шунга кўра рубойини:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,  
 Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.  
 Кўнгулум бу ғариблиқда шод ўлмади оҳ,  
 Ғурбатда севунмас эмиш албатта киши. —

тарзида ўқиш лозим.

Бобур рубойларини таҳлил қилиш жараёнида шоирнинг ўз асарлари вазни, оҳанг жилоси устида ишлаш маҳоратига ҳам алоҳида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

**Муҳаммад Солиҳ** қаламига мансуб „Шайбонийнома“ достони—кўп вазли асарлардан бири. Шоир ўзи тасвирлаётган тарихий воқеаларни рамал баҳрига мансуб хилма-хил вазнлар, ранг-баранг оҳанглар воситасида ифодалайди. Асарда тўрт ўлчовдан кенг фойдаланилган бўлиб, улар рамали мусаддаси солими маҳбуни маҳзуф (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилун), рамали мусаддаси солими маҳбуни мақсур (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилон), рамали мусаддаси солими маҳбуни мақтуъ (рукнлари; фоилотун фаилотун фаълун) ва рамали мусаддаси солими маҳбуни мақтуъи мусаббағ (рукнлари: фоилотун фаилотун фаълон) ўлчовларидир. Кўриниб турибдики,

ушбу тўрт вазнининг биринчи ва иккинчи рукнлари бир хил **фаилотун фаилотун** кўринишида бўлиб, учинчи рукнларигина, фаилун, фаилон, фаълун ёки фаълон тарзида алмашилиб келиши мумкин. Шу туфайли мисралардаги оҳанглар ҳам ўзгариб боради.

Айрим мисраларда эса биринчи рукн ўрнида фаилотун рукни, учинчи рукнлар ўрнида таъкидланган тўрт рукн қўлланади. Бу эса яна тўрт янги ўлчов деган сўздир. Яъни дostonда рукнлари:

фаилотун	фаилотун фаилун,
фаилотун	фаилотун фаилон,
фаилотун	фаилотун фаълун,
фаилотун	фаилотун фаълон.

кўринишида бўлган

рамали мусаддаси махбуни маҳзуф,  
рамали мусаддаси махбуни мақсур,  
рамали мусаддаси махбуни мақтуъ,  
рамали мусаддаси махбуни мақтуъи

мусаббағ вазнлари ҳам қўлланган.

Бинобарин, „Шайбонийнома“ дostonи — 8 вазн асосида битилган асардир. Лекин бу ўлчовлар бир-биридан сезилар-сезилмас фарқланиши туфайли уларни ифодали ўқиш мураккаб эмас.

6-синфда ана шу дostonдан „Самарқанд шахрининг элига Бобур мирзо ёлбориб, ўтган-кечганларидан сўзлагани“ парчасини ўрганиш режалаштирилган. Ўқитувчи, аввало, дoston вазни ҳақида маълумот бериб, унда қўлланган ўлчовларнинг рукнлари, оҳанг хусусиятлари билан таништиргач, асарни намуна учун ўқиб беради. Бу жараёнда эса асардаги охириги рукнларнинг хилма-хил ўлчовларда эканлигига, шунингдек, қатор мисраларда ўта чўзиқ бўғинлар, қўшиб ўқиладиган ўринлар мавжудлигига ўқувчилар диққатини жалб қилади.

Шаҳр эли чун дедилар бу сўзни,  
Тўхтата олмади Мирзо ўзни.

Йиғлабон дедик: „Раҳмат сизга,  
Тенгри берсун бaсe қувват сизга,  
Оталаримни кўра қолгонсиз,  
Иззу жоҳимга назар солгонсиз.

Авбоком-шоҳи жаҳондор Темур,

Хусрави маъдалат осор Темур.

Ўтколи юз йил ўтубтур эмди,  
Кўп эл они унутубтур эмди,  
Ул ироқ бўлса ёқинрокни кўрунг,  
Кўрган элдин юрубон борча сўрунг.

Ким не турлук эди Султон Саййид,

Ким Қаробог аро бўлди шаҳид.

Ул менинг жаддиму бечора отом,  
Андижон мулжида хунхора отом.  
Шоҳи сардори Умаршайх эрди,  
Тиғи хунбори Умаршайх эраи.  
Абогам эрди топиб фазли аҳад,  
Шоҳи динпарвари Султон Аҳмад.  
Ушбу шаҳр ичра туғуб улғайган,  
Нўши даҳр ичра туғуб улғойган.

Қирқ йил шоҳ эди бу кишварда,  
Шоҳи огоҳ эди бу кишварда.  
Сиз анинг даврида бўлгон элсиз,  
Лутфу жуди била бўлгон элсиз.  
Энди ёд айлангиз ул шаҳларни.

Шоҳлик сирридин оғаҳларни.

Истабон руҳларидин ҳиммат,  
Тортингиз банда учун бир заҳмат.

Ҳам алақадарин шод қилинг,

Ҳам мени йиғудин озод қилинг.  
Мени бу шаҳр да зое қилмонг,  
Шуълан қаҳрда зое қилмонг.

Менда минг чоғли навкар бор-йўқ,  
Ким менинг бирла бўлурлар очу тўқ.  
Сиз менинг навкарим уммиди била,  
Навсару савларим уммиди била,  
Шаҳрбандону қабал айламонгиз,  
Хом била жангу жадал айламонгиз.  
Гар ўзунгизга олурсиз ишни,  
Эл улугларга олурсиз ишни.  
Мен бу шаҳр ичра қилурман манзил.

Йўқса филҳол чиқармен ҳосил\*.

Парчани ифодали ўқиш чоғида таъкидланган ўринларга диққат қилиш шарт. Асарнинг бадийий хусусиятлари таҳлил қилинар экан. ўқитувчи шоирнинг дoston оҳангдорлиги устида ишлаш маҳоратига ўқувчилар эътиборини қаратади, мисралардаги оҳангнинг ўзгариб туриши асарни ўқимишли қилганини алоҳида уқтиради.

Ҳужаназар Ҳувайдонинг 6-сиф дастуридан ўрин олган „Роҳати дил“ асари адабиётимизда кенг қўлланган ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида бўлиб, рукнлари ва чизмаси:

мафойилун мафойилун фаулун  
V — — — V — — — V — —

тарзидадир. Асарнинг баъзи мисралари эса бу ўлчовга яқин турувчи ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида ёзилган. Унинг рукнлари ва чизмаси эса:

мафойилун мафойилун мафойил  
V — — — V — — — V — ~

кўринишида. ўқитувчи ушбу асардан олинган „Баёни ғаддорийи дунё“ парчасини ифодали ўқишда унча қийналмайди.

**Муҳаммад Шариф Гулханийнинг 6-синфда ўрганиладиган „Маймун ва Нажжор“ масали бизга Алишер Навоий асарларидан таниш бўлган сариъий мусаддаси матвийи макшўф (рукилари: муфтайлун муфтайлун фоилун) ва сариъий мусаддаси матвийи мавқуф (рукилари: муфтайлун муфтайлун фоилон) ўлчовлари асосида ёзилган. Уни ифодали ўқишга ўргатиш учун ўқитувчи аввало рукилар таркиби ҳақида тушунча бергач, ҳар қайси мисрани мазкур ўлчовга мувофиқ ўқиб бергани, ўта чўзиқ бўғинлар ва қўшиб ўқиладиган ўринларни таъкидлайди. Масал қуйидагича ўқилади:**

Бор эди Кашмир навоҳида тоғ,

Боғи эрам рашкида<sup>1</sup> кўксида доғ.

Анда иморатга яроғлиқ яғоч.

Етти қулоч, бўйи ўн икки қулоч.

Бор эди кўп неъматин алвонлари,

Хурраму маъмур эди ҳайвонлари.

Зулф каби сунбули хўшбўлари,

Роҳатигижон эрди оқар сувлари.

Уйдин улургроқ эди бир гулбуни,

Анда ватан тутмиш эди маймуни.

Жон сотиб ўзни ўйин этарди тан,

Ўқур эди қиссаи хуббул-ватан.

Бир куни нажжори хирадманди фёрд

Кўнгли яғоч йўқлигинин қилди дард.

Борди ўшал тоқға мавқуф эди.

Эзгу яғочлар онга маъруф эди.

Шаҳрини<sup>2</sup> зиндонидин озод ўлуб,

Тоғни<sup>3</sup> Ширинига Фарҳод ўлуб.

Сонур эди ўзини тоғ Хисрави,

Тоғни ўқуб Деҳлавийи маънави.

Элина навқиссаларин қистари,

Расм эди Нажжор яғоч истари.

Эгди у дил гўшасининг пардасин,

Белга суқуб теша бида аррасин.

Бориб анга кесди яғоч решасин,

Куйди ўшал ер унутиб тешасин.

Ўзга ера бордию кесди яғоч.

Ёрмоғини қилди магар ул илж.

Болта бида бир учини ёрди ул,

Пона қўйиб, теша сори борди ул.

<sup>1</sup> Гулханий асаридаги бу сўз барча нашрларда „рашкидин“ тарзида берилган, бу эса вазнга зиддир. Ўлчов асосида уни „рашкида“ ёки „рашки-ла“ тарзида ўқиш тўғрироқ бўлади.

<sup>2</sup> Баъзи матнларда „шаҳарнинг“ тарзида ёзилган, бу эса вазн талабига зиддир.

<sup>3</sup> „Тоғнинг“ тарзида ёзилиши вазнни бузади.

Тушти баногоҳ анга маймун кўзи,  
 Оқилу доно санаб ул дам ўзи.  
 Айди: „Улус ичра бу бир касбдур,  
 Касбни бошина кийиш насбдур.  
 Кийса гар арзир эмиш элга хунар.  
 Бехунар элни дедилар ришу хар.  
 Мен дахи нажжорлиқи<sup>1</sup> ўрганай,  
 Болаларим барчасига ўргатай“.  
 Жаҳд қилиб турди равон борғали,  
 Яъни яғоч қолмишини ёрғали. . .  
 Минди яғоч устига нажжордек,  
 Косиби пурқордаи пурқордек.  
 Кетди хунар шавқи била ғуссаси,  
 Тушди яғоч айрисиға думчаси.  
 Балки недин бўлди тутулмоқлиғи,  
 Мумкин эмас ўлди қутулмоқлиғи.  
 Одамнинг жинсида йўқ қиссаси,  
 Қолди анинг думчасининг ҳиссаси.

Асарни ўқиш жараёнида таъкидланган ўринларнинг чўзиб  
 ёки қўшиб ўқилиши, шунингдек, касбни, касбдур, насбдур,  
 жаҳд каби сўзлардаги қўш ундошнинг иккинчисини алоҳида  
 бўгин қилиб (кас-б-ни, кас-б-дур, нас-б-дур, жаҳ-д тарзида)  
 талаффуз қилиш тушунтирилади. Масални таҳлил қилиш да-  
 вомида Гулханийнинг вазн устида ишлаш маҳоратига ҳам тўх-  
 таб ўтилади.

Шермуҳаммад Муниснинг 6-синфда ўрганиладиган „Саво-  
 ди таълим“ асари асосан ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи  
 маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

мафъулу мафоилун фаулун  
 — — √ √ — √ — √ — —

тарзидадир. Аини вақтда бир қанча мисралар шу вазнга яқин  
 бўлган, аниқроғи, ундан охириги бўғиннинг ўта чўзиқлиги би-  
 лангина фарқланувчи ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақ-  
 сур вазнида бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

мафъулу мафоилун мафоний  
 — — √ √ — √ — √ — ~

кўринишидадир.

„Саводи таълим“ рисоласида шоир ўта чўзиқ бўғинларга  
 кўп мурожаат қилган, шунингдек, анчагина ўринда бўғинлар  
 бир-бирига қўшилиб ўқилади. Бинобарин, ўқитувчи парчани  
 ўқиш давомида ана шундай жиҳатларга ўқувчилар диққатини  
 жалб қилмоғи лозим.

<sup>1</sup> „Нажжорлиқни“ тарзида ёзиш вазнга зиддир.



Жумладан, қуйидаги парчани кўзлан кечирайлик:

Мунис, қаламинини хат сари сур.  
Қил тарки даранг, илгари юр.

Таълим ниҳонин ошкор эт.

Нуқта била ўлчамак шиор эт.  
Бир-бир бори ҳарфга рақам сур,  
Таълимини бошқа-бошқа билгур.  
Ул қавмки, хатга эрди возеъ,  
Бу нуқта алардин ўлди вожеъ.  
Тули „алиф“ уч нуқатдур, аммо,  
Ул хома биланки қилдинг иншо.  
Арзи доғи сулси нуқта бўлғай,  
Бешу ками бегумон бузулғай.  
Онда харакоту ҳамза пайдо,  
Лекин батариқи рамау имо.

Ул навъки гар бўлур нигунсор.

Бўлғай яна ул „алиф“ намудор.  
Бир нуқтача басдур аввали „бо“.

Лекин танида хилоф пайдо.  
Баъзи сўзи олти нуқтача хуб.

Баъзи деди етти нуқтадур хуб.

Устодин ўлди доғи масмуъ,  
Ким тўққузи бордур асру матбуъ.

Лекин бу фақир мудлаоси,  
Олти нуқату тўқуз ороси.

Таъкидланган ўринларда, унлиларни чўзиб талаффуз этиш, даранг, ҳарф, қавм, навъ каби сўзларда кейинги ундўшни алоҳида қисқа бўгин сифатида (да-ран-г, ҳар-ф, қав-м, нав-ъи каби) ўқишга аҳамият бериш лозим.

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг „Чой“ радифли ғазали шеърятимизда кенг қўлланган рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, бу ўлчовнинг рукилар таркиби ва чизмаси:

фоилотун    фоилотун    фоилотун    фонлун  
—√— —    —√— —    —√— —    —√—

тарзидадир. Шеърнинг аксар мисраларида ўта чўзиқ бўгинлардан фойдаланилган, айни вақтда бир неча ўринда бўгинлар бир-бирига қўшиб ўқилиши талаб қилинади. Хусусан, қуйидаги мисраларни ўқишга эътибор қилиниши зарур:

Токи базм ичра харифи лаъли жонон ўлди чой,

Жонфизолиғ ичра рашки оби ҳайвон ўлди чой.

Жонфизо таъму тараб анғиз кайфият била,

Жумлаи олам элига роҳати жон ўлди чой.

Гўйеким чой эрур меҳри гиях, йўқса недин,

Ҳам гадо матлуби, ҳам марғуби султон ўлди чой.

Топги иззу эътибор ул навъ офоқ ичраким,  
 Сар-басар мақбул аҳлу куфру имон ўлди чой.  
 . . . Етса ҳар мушкил киши олдиға маъни фикрида,  
 Ичкач ул мушкил онинг олида осон ўлди чой.  
 Хаста жонларға даво, бемор танларға шифо,  
 Бўлмаса мунча недин машҳури даврон ўлди чой.  
 Эй ҳаким, эмди давоий айламакдин фориг ўл  
 Ким бори беморлар дардиға дармон ўлди чой.  
 Ушбу таъриф, Огаҳий, бас бўлгусидур чойға,  
 Ким тараб афзойи базми ҳазрати хон ўлди чой.

Ҳазалда таъкидлаб кўрсатилган ўринларни ифодали ўқиш-  
 га алоҳида диққат қилиш, яъни ангиз, мақбул, бемор сўзла-  
 ридаги иккинчи бўғинлар, шунингдек, охириги байтдаги чойға  
 сўзида „чой“ бўғинининг ўта чўзиқлигига диққат қилиб, и, у,  
 о унлиларини чўзиб талаффуз қилиш, гўйёким сўзини худди  
 шу тарзда („гўйёким“ эмас), навъ сўзини „навъ (и)“ тарзида  
 ўқиш, қофиялардаги охириги ҳарфни „ўлди“ сўзининг биринчи  
 бўғинига қўшиб талаффуз қилиш билан вазн талабига риоя  
 қилинади.

Комил Хоразмий қаламига мансуб бўлган „Тошканд мад-  
 хи“ қасидасининг қофияланувчи мисралари рамали мусаммани  
 мақсур вазнида бўлиб, рукнлар таркиби ва чизмаси:

фоилогун    фоилотун    фоилогун    фоилон  
 — / — —    — V — —    — V — —    — V ~

кўринишидадир. Айни чоғда асардаги қофияланмайдиган баъ-  
 зи мисралар рамали мусаммани маҳзуф ўлчовила ёзилган.  
 Унинг рукнлари ва чизмаси эса юқорида кўрганимиздек:

фоилогун    фоилотун    фоилотун    фоилун  
 V — —        — V — —        — V — —        — V —

тарзидадир. Шеърда унча кўп бўлмаса ҳам, ўта чўзиқ бўғин-  
 лар ва қўшиб ўқиладиган ўринлар мавжуд. Хусусан, қуйида-  
 ги мисралардаги ана шундай ҳолатларга алоҳида диққат қи-  
 лиш лозим. Масалан:

. . . Бўлди меҳмон жонимиз ҳақ лутфидин бир боғким,  
 Мевазору, лолазору, нахлдори Тошканд.  
 Вусъату назҳатда рашки жаннагул маъводурур,  
 Кавсари тасними наҳру жўйбари Тошканд.  
 Рўзу шаб сайр айлар онда ҳуру ғилмон ўрниға  
 Сарв қадду, гулжабину, гулғузори Тошканд. . .  
 Таъму лаззатда эрурлар бир-бирисидин алаз,  
 Фўртаҳолю олма ноки обдори Тошканд. .

Сарбасар ашжори заррин баргидин боди хазон,  
Фарш қилгон барча қасри зарнигори Тошканд . .  
Равшан эткондек сипеҳр айвонини шамъи нужум,  
Шабни рӯз айлар чароғони фанори Тошканд

**Муҳаммад Аминхўжа Муқимий**нинг „Подшоҳ йўқлатсалар ногоҳ, гадо деб ахтаринг“ деб бошланувчи ғазали ҳам бизга таниш бўлган рамали мусаммани маҳзуф (рукнлари: фонлотун фонлотун фонлотун фонилун) вазнида ёзилган.

Подшоҳ йўқлатсалар ногоҳ, гадо деб ахтаринг,  
Тутманг ҳаргиз номими, бахти қаро, деб ахтаринг,

Кимса билмайдур мани, ному насаб қилсанг баён,  
Лола янглиғ доғи ғамга мубтало, деб ахтаринг.

Истаган чоғда топай деб, бўлса кўнгилда хаёл.  
Қоматидур бори меҳнатдин дуто, деб ахтаринг.

Ҳажр водийсида кезгай доймоким хўблар,  
Хоки пойидур кўзига тўтиё, деб ахтаринг.

Бир шакарлаб, зулмпарвар ҳасратидин, дўстлар  
Умрлар умри чароғи безиё, деб ахтаринг,

Даҳр зулмидин сирешки тинмай оқиб айланур.  
Чарх жавридин бошида осиз деб ахтаринг.

Толи шум, вожгун, бахту ғизоси дарду ғам,  
Нотавон мўри заифдин бенаво, деб ахтаринг.

Ёр васлиға етолмай қолмиш ул кунким Муқим.  
Ушбу боисдин ўлумиға ризо, деб ахтаринг.

Ғазални ифодали ўқиш учун подшоҳ, вожгун, хўблар, дўстлар сўзларининг биринчи бўғинлари, шунингдек, мақтадаги ёр сузининг ўта чўзиқлигини ҳисобга олиб, унлини чўзиб талаффуз қилиш, ҳажр, умр, даҳр, чарх, зулм сўзлари таркибидagi унлиларни чўзиб ёки охириги ундошни алоҳида қисқа бўғинга (ум-р, даҳ-р, зул-м каби) айлантириб ўқиш зарур. Ғазалнинг иккинчи мисрасидаги „тутманг ҳаргиз“ сўзларининг ўқилиши алоҳида хусусиятга эга. Ғап шундаки, вазн тақозосига кўра биринчи сўздаги „нг“ товуши кейинги бўғинга кўшиб ўқилиши керак. Бу чоғда „ҳаргиз“ сўзидаги „ҳ“ ҳарфи тушиб қолади. Аруз илмида мазкур ҳодисани васли „ҳо“ ҳодисаси дейилади. Бинобарин, юқоридаги икки сўз „тутманг аргиз“ тарзида талаффуз қилинади, акс ҳолда оҳангга путур етади. Ана шу хил хусусиятларни ўқувчиларга тушунтириб бозмиш шеърни ифодали ўқишга имкон беради.

Шундай қилиб, 6- синфда ўқувчилар аруз тизимига мансуб қатор вазнлар билан танишадилар, уларнинг руکنлар таркиби, чизмаларини билиб оладилар, бу ўлчовларнинг оҳанг хусусиятларини ўзлаштириб, улар асосида битилган шеърин асарларни ифодали ўқиш малақасини аста-секин эгаллаб борадилар.

Ўрганилган вазнлар ўқувчилар хотирасида узоқроқ сақланиши учун адабиёт дафтарига ҳар бир ўлчов, унинг рукнлари ва чизмаси, шу ўлчов асосида ёзилган асар номларини қайд қилиб бориш ҳам муҳимдир. Чунончи, ўзлаштирилган содда-роқ вазнларни қуйидагича белгилаб бориш мақсадга мувофиқдир:

№	Рукнлар таркиби ва чизмаси	Шу вазнда битилган асарлар
1.	Муфтайлун муфтайлун фонлун - √ √ -    - √ √ -    - √ -	<b>Алишер Навоӣ</b> 1. „Ҳотам Тойи“ ҳикояти 2. „Икки вафолик ёр“ ҳикояти. 3. „Шер билан Дуррож“ масалли. 4. Гулханий. „Маймун ва Нажжор“
2.	Фаулун фаулун фаулун фаал - √ -    √ - -    √ - -    √ -	<b>Алишер Навоӣ</b> 1. „Кабутар“. 2. „Булбул ва зог“.
3.	Фоилогун фоилогун фойлун - √ - -    √ √ - -    √ √ -	<b>Муҳаммад Солиҳ</b>
4.	Мафойилун мафойилун фаулун √ - - -    √ - - -    √ - -	1. „Шайбонийнома“. 2. Ҳувайдо. „Роҳати дил“.
5.	Мафъуду мафоилун фаулун - - √    √ - √ -    √ - -	3. Мунис. „Саводи таълим“. 4. Огаҳий. „Чои“.
6.	Фоилогун фоилогун фоилогун фойлун - √ - -    - √ - -    - √ - -    - √ - -	5. Комил Хоразмий. „Тошканд мадҳи“. 6. Муқимий. „Ахтаринг“.

Ҳар қайси вазнда битилган асарлар қайд қилинган, кейинги шеърлар номини ёзишга жой қолдирилади. Бинобарин, ўзлаштирилган ўлчов асосидаги яна бир асар ўқилар экан, дафтарга белгилаб борилаверади. Нагижада ўқувчилар ҳар қайси асарнинг шоирларимиз ижодида қанчалик кенг қўллангани ҳақида ҳам тасаввурга эга бўладилар.

## 7- синф

Арузга хос вазнлар, уларнинг ритм-оҳанг хусусиятларини ўрганиш 7- синфда ҳам изчил давом эттирилади. Хусусан, дастурдан ўрин олган асарлар, Алишер Навоӣ, Бобур, Махмур, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеърларини ифодали ўқиш ва гоёвий-бадий таҳлил қилиш жараёнида 6- синфда ўзлаштирилган вазнлар мустаҳкамланади.

Аҳмад Югнакийнинг 7- синф дастурига мувофиқ ўрганиладиган „Ҳибатул ҳақойиқ“ достони (парча) ўқувчиларга 5- синфдан таниш бўлган, 6- синфда ҳам кўздан кечирилган мутақо-

риби мусаммаи маҳзуф (рукнлари: фаулун фаулун фаулун фаал) ўлчови асосида ёзилган. Парчани ифодали ўқиш қийин эмас, чунки унда ўта чўзиқ бўғинлар, шунингдек, қўшиб ўқиладиган ўринлар учрамайди.

**Алишер Навоийнинг „Ҳайратул аброр“** дostonидан олинган „Салотин бобида“ („Шоҳ Ғозий ҳикояти“) парчаси ҳам 6-синфда ўзлаштирилган сариғи мусаддаси матвийи макшуф (рукнлари: муфтаилун муфтаилун фоилун) ҳамда сариғи мусаддаси матвийи мавқуф (рукнлари: муфтаилун муфтаилун фоилон) ўлчовлари асосидадир. Асарни ифодали ўқишга киришиллар экан, ўқитувчи аввало, ана шу вазнларни эслатиб, уларнинг рукнлар таркибини тахтага ёзиб, хогирага туширади, ўқитиб машқ қилдиради, сўнг ҳикояни ўзи ифодали ўқиб беради ҳамда диққат қилиниши лозим бўлган ўринларни таъкидлаб кўрсатади.

Ўрганиладиган парчада ўта чўзиқ бўғинлар ҳам, қўшиб ўқиладиган бўғинлар ҳам анчагина. Ўқитувчи уларни белгилаб олиши ва асарни ифодали ўқиш намунасини бериши лозим. Ҳикоя қуйидагича ўқилади:

Андаки, Ғозий шоҳи фархунда бахт,

Тож олайин деб талашур эрди тахт.

Юз, ики юзча киши бирла қазоқ,

Гоҳ ери Хоразм эди, гоҳи Адоқ,  
Новаки душман юрагин қон этиб,  
Тиғи адув бошини паррон этиб.

Бор эди зогида сазоворлик,

Ким ҳақ анга берди жаҳондорлик.  
Адл эшигин элга кушод айлади.  
Тахт уза ултурдию дол айлади  
Тузди бузуғларни иморат билла,  
Зулмини дафъ этти адолат билла,  
Бидъату фиқҳ аҳли бўлуб мулзавий,  
Адли шариат қулин этти қавий.

Бир кун эди сайрга азми дурӯст,

Шефта золи этагин тутти рӯст.

Нолаву афгон чекибон тортиб оҳ,

Делики: „Эй шоҳи шариат паноҳ,  
Қилғум агар адл эса маръий букун,  
Сенинг ила даъвийи шаръий букун.

Шарт буким, айлама маҳкам итoб,

Маҳкаман шаръда бергил жавoб.  
Шоҳ деди: „Ғар даъви эса қонима,  
Шаръий эса миннатидур жонима“.

Айладилар, бўлди чу бу нукта, жазм,

Қозийи ислом ҳузурига азм.

Иккиси чун ёндашиб ўлтурдилар,  
Ҳар сори ҳайрат била эл турдилар.  
Маъракада зол била Рустаме.  
Бошлари узра ўқудуб оламе,  
Зол деликим: „Қазоқ эрканда шоҳ,  
Тиғ чекибким, чекар эрди сипоҳ,  
Бор эди мен тулга жигаргўшае,  
Бал жигарим мазраидин хўшае.  
Богим аро сарви кихи шева ул,  
Балки қуруқ нахлим аро мева ул.  
Шоҳ қиличи жигарим қилди чоқ,  
Ул жигарим порасин этти ҳалок.  
Тиғ ила ёриб жигарим ёнини,  
Ерга оқизди жигарим қонини“.  
Айтти қози: „Кетур икки гувоҳ.  
То қилайин ҳукмини беиштибоҳ“.  
Деди: „Гар икки тонур этсам ҳавас,  
Ҳам анинг — уқ адлию инсофи бас“.  
Бўйла чу икки тонур ўткарди зол,  
Бўлди муқир ҳисрави фархунда фол.  
Қози ўлуб адл ҳаримиға хос,  
Қилди равон ҳукми дият ё қасос.  
Шаҳ деди: „Шаръ этса бу янглиғ адо,  
Шаръи наби ҳукмиға жоним фидо“.  
Ёглиғ ила боғлади бўйнини руст,  
Юз ҳамёнининг доғи бўйнини суст.  
Тиғ бериб золға беваҳму бийм,  
Бир сори доғи тўқубон ганжу сийм.  
Деди: „Қисос айласанг олингда бош,  
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.  
Мен эдим ул амрда беихтиёр.  
Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр“.  
Тиғни ул адл ила инсофи тунд,  
Золи ҳазин тишларидек қилди кунд.  
Тушти аёғига бўлуб узрхоҳ,  
Дедиким: „Эй хисрави анжум сипоҳ,  
Гар йигитим қилди фидо жон санга,  
Мен қари жони доғи қурбон санга.  
Меъдин агар бўлди аён изтироби,  
Лутф ила авф этки, мен ўлдум хароб“.

Ваҳ, бу не изҳори хижолат бўлур,  
Бу не деган лутфу адолат бўлур.

Зол кечиб даъвийи дастонидин,  
Йўқки, ўгул қонидин, ўз жонидин.  
Турфа буқим, хисрави одил ани,  
Адл ила ул даврда айлаб гани.

Золни анжум киби сийми равон,  
Золи фалакдек қилибон навжувон.

Сийм кучидин бўлибон сиймбар.

Халқ лақаб айлаб анга „золи зар“.  
Зоди фалакдин неча кўрсанг алам,  
Шаҳ чу қилур адл, Навоий, не гам.  
Соқийи гулчеҳра, кетур жоми адл.  
Кўрки, не гуллар очар анжоми адл.  
„Адл аёғин тутки, бўдуб шоа ичай,  
Одиди лавронни қилиб ёд ичай.

Кўриниб турибдики, таъкидланган ўринларга диққат қилинмаса, оҳанг бузилади. Ҳикояни ифодали ўқиш учун анчагина мисраларда ишлатилган **шоҳ, зол, тиф, сийм** каби сўзлар, шунингдек, **шефта** сўзининг биринчи бўғини, **ислом, сипоҳ, гувоҳ хароб равон** каби сўзларнинг иккинчи, **сазоворлиқ, жаҳондорлиқ** сўзларининг учинчи бўғинларидаги унлиларни чўзиб талаффуз қилиш, қўш ундош билан тугалланувчи **бахт, тахт, шарт, руст, жазм, азм** сўзлари таркибидаги унлиларни чўзиб, **сайр, адл, амр, узр, давр** сўзларидаги сўнгги ундошларни алоҳида, қисқа бўғинга айлантириб ўқиш лозим бўлади. Айни вақтда, таъкидланган ўринларда<sup>1</sup> бўғинларни қўшиб ўқиш зарурлигини ҳам унутмаслик лозим.

Алишер Навоийнинг 7-синфда мустақил ўқиш учун тавсия қилинган „Қаноат бобида“ бўлими парчаси ҳам мазкур ўлчовлар асосида бўлиб, уни ўқиш жараёнида ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолатларга алоҳида диққат қилиниши лозим.

7-синфда **Махмурнинг** „Ҳапалак“ шеърини ўрганиш ҳам назарда тутилган. Бу ғазал кўп вазели шеър бўлиб, унда рамал баҳрининг тўрт вазнидан фойдаланилган. Шеърнинг аксар мисралари рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнида бўлиб, унинг рукилари ва чизмаси:

фоилотун    файлотун    файлотун    файлуи  
—V— —    VV— —    VV— —    VV—

тарзидадир. Айни вақтда ғазалнинг:

Бору йўқ уйларини банда баён гар қилсам.  
... Ҳимматинг йўлида бир тепа каромат қилғил,

**Зор** Махмур талаб қилди кечини шоҳдин  
Ҳапалак юртига тушган пуд агарчи лак-лак. —

<sup>1</sup> Босмаҳонада айрим белгилар бўлмаганлиги сабабли қўшиб ўқиладиган ўринларни кўрсатиш идожи бўлмади (муал.).

мисралари **фоилотун, файлотун, файлотун фаълун** рукнларига асосланувчи рамали мусаммаки маҳбуни мақтуъ вазнида ёзилган. Ҳазалдаги:

Халқини кўрсанг агар ўласию қоқу хароб

. . . Ажиринг томирини ўғурида майда туюб. —

мисралари рамали мусаммани маҳбуни мақсур ўлчовида бўлиб, рукнлари **фоилотун файлотун файлотун файлон** тарзидадир.

- Гар таҳорат қи(л) са қавми су (в) тополмай ночор мисраси эса яна бошқача, яъни рамали мусаммани маҳбуни мақтуъи мусаббағ вазнида бўлиб, рукнлар таркиби **фоилотун файлотун файлотун фаълон** кўринишидадир.

Гарчи шеър тўрт вазли бўлса ҳам, уни ифодали ўқиш қийин эмас. Чунки бу тўрт вазн асосан охириги рукннинг **файлун, файлон, фаълун** ёки **фаълон** тармоқ рукнларидан бирига тенг келиши билангина фарқланади, холос.

Ҳазални ифодали ўқиш учун иккинчи мисрадаги „гўш“, 10-байтнинг иккинчи мисрасидаги **боз**, охириги байтдаги **зор** сўзлари, шунингдек, **Махмур** сўзининг иккинчи бўғини ўта чўзиқ эканлигини ҳисобга олиб, унлиларни чўзиб талаффуз қилиш, саккизинчи байтнинг биринчи мисрасидаги **қилса** сўзини вазнга мослаб **қиса**, сув сўзини эса су тарзида талаффуз қилиш зарур бўлади. Шунингдек, 4 — 5-байтларда **заминкандур агар, ургайлар анинг, кўрсанг агар** сўзларини кўшиб ўқиш лозим.

Асарни таҳлил қилиш жараёнида шоирнинг вазндан фойдаланишдаги маҳорати таъкидланади. Зеро, Махмур ўзи тасвирлаётган хароб қишлоқ маъзараларини чизар экан, мисралардаги оҳангни вазнлар воситасида ўзгартириб бориш билан тасвири жонлантиради, шеърнинг жозибадорлигига эришади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 7-синфда ўрганиладиган „Ўзбек хотин-қизларига“ шеъри ҳам аруз вазнида ёзилган. Шоир ўзининг мазкур асарини яратишда ҳазажи мусаммани аштар ўлчовига мурожаат қилган бўлиб, унинг рукнлари вазнида:

фоилун мафойилун фоилун мафойилун

—V— V— — — —V— V— — —

тарзидадир.

Шеърни ифодали ўқиш учун айрим ўринларга ўқувчилар эътиборини жалб қилиш лозим. Ҳазал қўйидагича ўқилади:

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,

Парчалаб кишанларни ҳар томон паршон қил.

Мақтаб анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи

Илму фан тиги бирдан жаҳл бағрини қон қил.

Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,

Сен ҳам аҳли донишлар базминни гулистон қил.



Чўрилишни муллалар сенга қилдилар тақрир,  
 Кел, бугун бу заҳминга маърифатни дармон қил.  
 Сналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни  
 Юзларин қаро айлаб, феълидан пушаймон қил.  
 Ой юзинг қаро чиммат зудидан қутултирил,  
 Чиқ қоронғи турмушдан, нур ишида жавлон қил.  
 Сен қачон маорифнинг дароҳига йўл топсанг,  
 Нурларин олиб кўза сурман сулаймон қил.

Демак, шеърни ифодали ўқиш учун иккинчи байтдаги жаҳл сўзини жаҳ-л тарзида, тўртинчи байтдаги тақрир сўзида „и“ унлисини чўзиб талаффуз қилиш, таъкидланган ўринларда бўғинларни қўшиб юбориш зарур. Шеър таҳлили давомида танланган вазн ғазалдаги ғояларнинг таъсирчан ифодаланишига ёрдам бергани айтиб ўтилади.

Шундай қилиб, 7-синфдаги дарслар давомида аруз вазнининг бир неча янги ўлчови ўзлаштирилади. Уларни адабиёт дафтарига юқорида кўрсатилган намуна асосида ёзиб бориш ушбу вазнларнинг руқнлари, оҳанг хусусиятларини хотирада сақлаб қолишга ёрдам беради.

## 8-синф

8-синфда ўқувчилар ўзбек арузининг янги ўлчовлари билан танишадилар, уларнинг ритм-оҳанг хусусиятларини ўрганадилар. Бу синфда мумтоз адабиёт намуналари Ҳайдар Хоразмийнинг „Гулшани асрор“ дostonидан олинган „Бўз тўқувчи кампир ва баззоз ҳикояти“ билан бошланади. Маълумки, дoston анъанага мувофиқ сариъи мусаддаси матвийи макшуф (руқнлари: муфтаилун муфтаилун фоилун) ҳамда сариъи мусаддаси матвийи мавқуф (руқнлари: муфтаилун муфтаилун фоилун) вазнлари заминида яратилган. Бу ўлчовлар ўқувчиларга 6—7-синфларда ўрганилган Алишер Навоий ва Гулханий асарлари орқали яхши таниш. Бинбарини, ўқитувчи асар ҳақидаги кириш суҳбагида дostonнинг вазнлари ҳамда руқнларини эсла-тиб утади.

8-синфда Алишер Навоийнинг аруз ўлчовида битилган „Қаро кўзим“... „Шоҳнинг мунглағ мушаввашлар била не нисбати...“ „Кеча келгумдур дебон...“ деб бошланувчи ғазалларини ҳамда „Лисонут тайр“ дostonидан „Филлар ва кўрлар“ ҳикоясини ўрганиш назарда тутилган. Бу асарларни ўқиш ва таҳил қилиш жараёнида ўқувчилар мутафаккир шоирнинг ўз ғазал ва ҳикоялари вазни устида ишлаш маҳоратининг янги қирралари билан танишадилар.

„Қаро кўзим“ ғазали ўқувчиларга нотаниш мужтасси му-саммани махбуни мақтуъ вазни асосида ёзилган бўлиб, руқн-лари:

## мафоилун файлотун мафоилун фаълун

кўринишидадир. Бинобарин, ғазал ана шу ўлчовга, унинг оҳанг қолипига мувофиқ ўқилиши лозим.

мафоилун V-V-	файлотун V-V--	мафоилун V-V-	фаълун --
Қаро кўзим, Кўзум қаро Юзунг гули Қадинг ниҳо Таковарниг Итингга ғам	келу мардум сида мардум га кўнгүл рав лиға жон гул ға бағир қо зада жон риш	луғ эмди фан қибн ватани Засин яса шанин чаман нидин ҳино тасин расан	қилғил, қилғил, гулшан, қилғил, боғла, қилғил,
<b>Фироқ то</b>	ғида топил	са туфроғим	эй <b>чарх</b> ,
Хамир этиб Юзунг висо Сочингни бош Хазон сипо	яна ул тор лиға етсун тин аёғ чин ҳиға, эй <b>бо</b>	да <b>қўққан</b> десанг кўнгүл ила шикан ғ-бон эмас	қилғил, ларни, қилғил, моневъ
Бв <b>боғ</b> то Юзида тер Гулоб ила Навойи, ан Анинг бошоғ	мида гар иг ни кўруб ўл юву гул бар жумани шав лиғ ўқин шам	надин тикан сам эй <b>рафи</b> гидин кафан қ жон аро ъи-анжуман	қилғил, <b>қ</b> мени, қилғил, тузсанг, қилғил

Демак, ғазални ифодали ўқиш учун мисраларни юқоридагича рукнларга ажратиб, биринчи ва учинчи рукнларни **мафоилун** ўлчови оҳангида, иккинчи рукнни **файлотун**, тўртинчи рукнларни эса **фаълун** (**эй, чарх, моневъ** рукнларини **фаълон, қ-мени** рукнини эса **файлун**) ўлчови оҳангида ўқиш лозим. Ғазал матнидаги **боғ** сўзи, **боғбон, кўққан** сўзларининг биринчи, **фироқ, рафиқ** сўзларининг иккинчи бўғинлари ўта чўзиқдир, шунга кўра улар таркибидаги унлилар чўзиб талаффуз қилинади: **шавқ, шамъ** сўзлари ҳам ўта чўзиқ бўғиндан ташкил топган бўлиб, уларнинг охирги ундошлари алоҳида қисқа бўғин (**шав-қ, шам-ъ** (и) тарзида ўқилади. 1-, 10-, 13-, 14-, 15-, 16- мисраларда бўғинларни қўшиб ўқиш ҳам талаб қилинади.

Навойининг „Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлар била не нисбати“ деб бошланувчи ғазали шеърятимизда кенг қўлланган рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, рукнлари ва чизмаси:

фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилун

-V--    -V--    -V--    -V-

тарзидадир. Шеърни ифодали ўқишда ҳар сафаргидек ўта чўзиқ бўғинлар ҳамда қўшиб ўқиладиган ўринларга алоҳида диққат қилиш лозим. Ғазал қуйидагича ўқилади:

фоилотун —v—	фоилотун —v—	фоилотун —v—	фоилотун —v—
Шоҳнинг мунг	луғ мушавваш	лар била не	нисбати,
Комронлар	ға балокаш	ларга қайдин	улфати,
Улки қаҳр эт	са, қиличи	дин дамо-дам	қон томар,
Бағридин қон	томғучилар	бирла не жин	сияги.
Васля нўши	бирла жон топ	конға, ваҳ ан	дин не ғам,
Ким тўлодур	захри қотил	бирла жами	фурқати
Даҳр қилгон	дин яланг бо	шини тенг туф	роғ ила.
Не хабар ул	ким етар гар	дунға тожи	рифъати.
Мўр аёғ ос	тида ўлгон	дин қачоқ топ	қай вуқуф,
Арслонким.	кўкка чирмаш	ғай гиреви	шавкати.
Бир кеча тонг	оққуча хиж	рон ўтиға	куйчагси,
Қайла билсун	ким недур маж	руҳ кўнлум	ҳолати
Кўй бу сўзлар	нию бўл ҳо	лимдин огоҳ,	эй рафиқ,
Ким, бу оқшом	асру саъб ул	миш фироқим	шилдати.
Эй кўнгул, иш	қ ичра йўқ шо	ҳу гадоға	имти ёз,
Ўт аро тенг	дур қурук ё	ўл йиғоннинг	ҳирқати.
Ишқ жомин,	эй Навоий,	тавба қилмоқ	саъб эрур,
Хоссаким, йўқ	зуҳду тақво	бирла кўнлум	рағбати

Кўриниб турибдики, ифодали ўқиш 1-, 2-, 3- рукнларга мос келган сўзларни фоилотун, охириги рукни эса фоилотун ўлчовида ўқишни тақозо қиладди. Айни вақтда ғазалда қўлланган **шоҳ, руҳ, ишқ** сўзлари, **комронлар** сўзининг биринчи бўғини, **рафиқ** сўзининг иккинчи бўғини ўта чўзиқ бўлиб, улар таркибидаги унлилар чўзиб талаффуз этилиши, **васл, даҳр** сўзлари, **арслонлар** сўзининг биринчи бўғини, яъни қўш ундош билан тугалланган бўғинларнинг охириги ундоши алоҳида, қисқа бўғин тарзида (**вас-л, даҳ-р, ар-с-лон** каби) талаффуз қилиниши шарт. Шунингдек, **қаҳр этса, туффроғ ила, ҳолимдин огоҳ, ишқ ичра** сўзлари қўшиб ўқилади.

Ғазалда танланган вазмин оҳанг шоир ифодалаётган жиддий ижтимоий ғояларни таъсирчан шаклда ўқувчи онгига етказиш, лирик қаҳрамоннинг исёнкорона қиёфасини чизишга ёрдам берганини шеър таҳлили давомида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир

Шоирнинг 8-синфда ўрганиладиган яна бир ғазали — „Кеча келгумдир дебон“... деб бошланувчи асари ҳам юқоридagi ўлчов асосида ёзилган. Бу асарда мушқил ўринлар йўқ, шунинг учун мазкур ғазални ўқиш устида алоҳида тўхталишга зарурат йўқ, деб ўйлаймиз.

8-синфда Навоийнинг „Лисонут-тайр“ достонидан олинган „Кўрлар ва филлар“ ҳикоятини ўрганиш ҳам кўзда тутилган.

Мазкур ҳикоя ушбу дoston каби рамали мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, рукнлари ва чизмаси:

фоилотун фоилотун фоилон  
—√— —√— —√—

тарзидадир. Асарнинг бир қатор байтлари эса шу вазнга яқин турувчи рамали мусаддаси мақсур ўлчовида битилган бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

фоилотун фоилотун фоилон  
—√— —√— —√~

кўринишида бўлади.

Ўқитувчи ҳикоятни ўқишдан аввал унинг вазни, ҳақида маълумот беради, рукнларни таништиради, сўнг ўзи намуна учун ўқиб кўрсатади. Асарнинг кўпчилик байтларини ўқиш қийинчилик туғдирмайди, чунки уларда ўта чўзиқ бўғинлар кам учрайди. Ҳикоядаги бир қатор байтларнинг ўқилишига алоҳида диққат қилиш лозим. Хусусан, улар қуйидаги байтлардир:

Бас, муносибдур эшит бу можаро,  
Нақл мундоқдурки: Ҳиндистон аро

Туштилар бир навъ ила жамъи басир,

Ё мусофирлиғ била ёхуд асир.

Сўнграким берди аларга рўзгор.

Маскану маъволари ичра қарор.

Бир киши сўрди: „Кўрибсизларми пил?“

Дедилар: „Ҳов“, Ой т т т: „Айгинг далил!“

Чун алар кўрмайдур эрдилар они,

Яхши ҳам сўрмайдур эрдилар они.

Ҳар бири бир узвиға суртиб илик,

Ҳолис айлаб эрдилар ондин биллик.

Қўлларин мас айлаган деди: „Сутун“.

Қорнин эткон мас дедиким: „Бесутун“.

Ул бири ким мас хортум айлади.

Аждаҳо андоми маълум айлади.

... Лек нуқсон эрди тақдир ичра кўп.

Йўқ эди тартиб тағйир ичра кўп.

Чун ҳакими комили ҳинду нажод,

Пилбонлиқ шевасида ўстод.

Бўлди ул тақдирларга мусгамеъ,

Нақл қилгонларга бўлмай мумтанеъ.

Деди: „Ҳар бир улча воқиф эрдилар,

Пил ҳолидин нишоне бердилар.

... Лек жамъ ўлгонда бу барча сифат,

Пилға ҳосилдур ул дам маърифат.

Кўриниб турибдики, ҳикоятни ифодали ўқиш учун байтларда қўлланган ўта чўзиқ бўғинлар ҳамда қўшиб ўқиладиган ўринларга алоҳида диққат қилиш, хусусан, пил, мас, лек сўзлари, басир, асир, далил, нажод, тартиб каби сўзларнинг иккинчи бўғинлари ўта чўзиқлигини назарда тутиб, унлиларни чўзиб, нақл сўзини нақ-л тарзида охириги ундошни қисқа бўғин қилиб талаффуз қилиш, бир қатор бўғинларни қўшиб юбориш лозим бўлади. Ойтти, устод сўзларини эса ой-т-ти, у-с-тод тарзида уч бўғин қилиб ўқиш зарурлигини ҳам унутмаслик керак.

Бобораҳим Машрабнинг „Сенсан севарим хоҳ инон, хоҳ инонма“ деб бошланувчи ғазали қаландарий деб аталувчи ҳазажни мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

мафъулу мафойилу мафойилу фаулун  
 — — √    √ — — √    √ — — √    √ — —

тарзидадир. Ғазалдаги мисраларни юқоридаги рукнлар оҳангига мослаб ўқиш, хоҳ сўзини ҳамма ўринда ўта чўзиқ бўғин сифатида (унлини чўзиб), иккинчи байтдаги „кабоб этти“ сўзларини қўшиб, учинчи байтдаги аро сўзини ара каби (икки қисқа бўғин қилиб) талаффуз қилиш зарур.

Муниснинг „Шеър ул тийғи дудамдурким“ деб бошланувчи ғазали ҳам рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур вазнларида ёзилган бўлиб, рукнлари фоилотун фоилотун фоилотун фоилун ва фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун тарзидадир. Ғазалда ўта чўзиқ бўғинлар кўп қўлланган, қўшиб ўқилиши лозим бўлган ўринлар ҳам анча. Шу туйғайли уни ифодали ўқиш жараёнида қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим:

Шеър ул тийғи дудамдурким, жаҳонни фатҳ этар,  
 Чекмайин лашкар гар олса илгиға ҳар п ó д ш ó х.  
 Шеър ул неъмат эрурким, ҳар неча базл этсалар,  
 Лаззати ортар, доғи қадриға тошмас н ó қ с р ó х.  
 Шеър ул маҳкам иморатдурки, сели ҳодисót,  
 Айламас ҳар неча бўлса т ó н д, бунёдин табоҳ.  
 Ҳар кишиким хотами шеър узра оти тутса нақш,  
 Маҳди бешак, шахси шуҳрат бошиға бўлғай кулоҳ.  
 Балки шеър афзалдурур фарзанддинким, шеърни  
 Насли боқидин бақолиғдур, дер аҳли инти б ó х.  
 Шеърдин топмоқлиғиға Санжару Султон Ҳусайн  
 Номи боқий — Анварий бирла Наврийдур гувоҳ.

Ёзди Фирдавсий унинг отига чун „Шоҳнома“ ни,  
Утти гардундин ливойи шуҳрати Маҳмуд шоҳ.  
Бас эрур вожиб сенга айлаб ҳамиша тарбият.  
Менки Мунисман мени қилмоқ Навоий дастгоҳ.

Бинобарин, ғазални ифодали ўқиш учун ҳар қайси мисрани вази руқнлари оҳангига мослаш, шеър, шоҳ, роҳ сўзлари, подшоҳ, табоҳ, кулоҳ, гувоҳ, дастгоҳ каби қофиядош сўзларнинг, шунингдек, Маҳмуд сўзининг иккинчи интибоҳ сўзининг учинчи бўғини, нуқс, тунд, нақш сўзлари, фарзандинким сўзининг иккинчи бўғини таркибидаги унлиларни чўзиб талаффуз этиш, 1-, 2-, 5- байтларда таъкидланган сўзларни кўшиб ўқиш зарур.

Мунис ўз шеърида танланган вазндан моҳирона фойдаланиб, шеърят, унинг қудрати ва нафосати ҳақидаги муҳим ғоялар, фалсафий мушоҳадаларни вазмин ва таъсирчан ифодалайдики, буни ғазал таҳлили давомида ўқувчилар онгига етказиш лозим.

Амирийнинг „Лаб ўғир такаллумға...“ деб бошланувчи ғазали Ҳамзанинг юқорида ўтганимиз „Ўзбек хотин-қизларига“ шеъри каби ҳазажи мусаммани аштар вазнида ёзилган бўлиб, руқнлар таркиби:

фоилун мафойилун фоилун мафойилун

кўринишидадир. Асарнинг вази, унинг руқнлари таркиби, оҳанг хусусиятлари ўқувчиларга эслатилиб, сўнг мушкул уринларга диққат қилинган ҳолда ўқитувчи томонидан намуна учун ўқиб берилади.

Лаб ўғир такаллумға, зулфни паришон қил,

Қанд қимматин синдур, нархи анбар арзон қил.

Хусн шоҳисан, жоно, бу хазин гадоларға,

Кўз учи била боқиб хайр айла, эҳсон қил.

Ишқ диниға мункир бўлса зоҳиди худбин.

Эй санам, лиқо кўрсат, габрни мусулмон қил.

Эҳтисоб учун зоҳид кирса дайр аро, соқий

Бир қалаҳ била они зухдидин пушаймон қил.

Истасанг кўнгуларни ғамза ёйиға қирбач,

Қошларинг ҳилолини моҳи ийди қурбон қил.

Шўхи чашми навхатсен, ноз даштида сэйр эт,

Гарди хоки пойингни сурман ғазолон қил.

Ёр лаълидин ҳарфе айладим Амир инчо,

Эй кўнгул, бу гавҳарни жон ичида пинҳон қил.

Кўриниб турибдики, ҳар қайси мисрани вази оҳангига мос ҳолда, айни вақтда қанд ишқ, ноз, ёр сўзлари таркибидаги унлиларни чўзиб, зулф, хусн, хайр, габр каби сўзларнинг охирги ундошини қисқа бўғин (зул-ф, хус-н, хай-р, габ-р) тарзида талаффуз этиш, 1-, 4-, 6- байтлардаги айрим сўзларни кўшиб ўқиш лозим.

**Фурқатнинг „Сурмадин кўзлар қаро.“** деб бошланувчи газали ўқувчиларга таниш бўлиб қолган **рамали мусаммани маҳзуф** вазни (рукнлари: фонлотун фонлотун фонлотун фонлотун) асосида ёзилган. Бу шеърни ўқишда ҳам бир қатор ўринларга алоҳида диққат қилиш зарур. Ҳазал қуйидагича ўқилади:

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лола ранг,  
Ҳозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.

Заъфароний кўйлак узра арғувоний камзиҳур,

Рўймол оғушидин пешонани аҳволи танг.

Бори нозик панжалар олтуи узукдин зебнок,

Қўл билатзукдин музайян, нуқрадин оғизда чанг.

Гавҳар осқон ҳалқалар сиймин баноғўшида банд,

Кўринур зулфи тунида субҳи содиқдек аранг:

Ақл ҳуш элтар агар турса паридек силкиниб,

Одамизод ичра ҳам мундоғ бўлурму шўхшанг?

Йўқ кутулмоғлиғ менга ул офати жон дастидин,

Қасдима қошлар камон, пайваста мужгонлар ҳаданг.

Ул париваш ишқидинки телбадурмен гоҳ соғ,

Чунки бордур орамизда гоҳ сулҳу гоҳи жанг.

Жаврларким Фурқат ул шўхи жафожў айлади,

Мунча бедоду ситам қилмас мусулмонга фаранг.

Диққат қилинса, шеър матни устида ишлаш жараёнида гоҳ, соғ сўзлари, зебнок сўзининг ҳар икки бўғини, рўймол, шўхшанг сўзларининг биринчи бўғинлари ўта чўзиқ бўлгани учун улар таркибидаги унлиларни чўзиб талаффуз қилиш. ақл, жавр бўғинлари таркибидаги охириги ундошларни қисқа бўғинга айлантириш, кўйлак узра, гавҳар осқон, Фурқат ул сўзларини қўшиб ўқиш лозимлиги маълум бўлади.

Шеър таҳлил қилинар экан, шоир танлаган вазн туфайли ўзбек келинчақларига хос гўзаллик ғоятда сержилва, таъсирчан мисраларда ифодалангани таъкидлаб ўтилади.

Фурқатнинг мустақил ўқиш учун тавсия қилинган „Кашмирда“ газали ҳам мазкур вазнда ёзилган бўлиб, уни ифодали ўқиш учун қофияланувчи **Кашмирда, тасхирда, иксирда** каби сўзларнинг иккинчи бўғинлари ўта чўзиқлигини инобатга олиб, и унлиси, шунингдек, **субҳ, ҳеч, саҳв** сўзлари, **тезлик** сўзининг биринчи бўғини, **қийғоч** сўзининг иккинчи бўғинидаги унлилар ҳам чўзиқ талаффуз қилинади.

**Анбар отиннинг „Алифбо“** деб аталаётган фардлар тўпламидан ўрин олган шеърларнинг бир қисми ўқувчиларга таниш ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари: мафойилун мафойилун фаулун) ва ҳазажи мусаддаси мақсур (рукнлари: мафойилун мафойилун мафойил) вазнларида битилган.

## Чунончи:

Машаққатсиз хунардин чиқмаган дур,  
Ҳаёнсиз илми дурдин кўб эрур дур.  
Кимки кўбни рангин этди заъфар,  
Ики дунёда бўлмайди музаффар.  
Билинги, ўзига қўймиш бино кас,  
Такабурлик ўтида куйди новас

каби байтлар олдинги ўлчовда бўлса,

Башарни тарихи қонуни аждол,  
Анингдин илм топгуси ҳар авлод.  
Бу йўқсул эл ҳаёти гарчи барбод.  
Бўлур авлодини рўзгори обод.  
Азадин адл ила зулм эрди ножинс,  
Зулмни пеша қилди, кимки ножинс.  
Қачон еткургуси ул кунни оллоҳ,  
Хотунлар хуррам ўлса чекмайин оҳ.

каби байтлар иккинчи ўлчовда битилган. Яна аниқроғи, „Алиф-бо“ даги а, т., ж, ҳ, х, д, з, р, с, ш, й, айн ҳарфларига ёзилган фардлар юқоридаги икки хил вазн асосида ёзилган.

Анбар отин асарининг кўпгина байтлари рамали мусаддаси маҳзуф (рукнлари: фоилотун фоилотун фоилун) ўлчовида бўлиб,

Ҳар нафас мазмун илан ўтса керак,  
Гар ҳаёт мазмунини билса юрак.  
Фоидадасиз сўзламаса қайси тил,  
Она тил бўлғай ўшал тил — она тил.  
Яхши иш қилмоқ учун йўқса укув,  
Санга лозимдур ўкув бирла укув.

каби фардлар шу вазндадир.

Айни вақтда қатор фардлар рамали мусаддаси максур (рукнлари: фоилотун фоилотун фоилон) ўлчови заминида яратилган. Хусусан:

Одамилиқ хислатидур ҳар салом,  
Ҳам баҳойим этмас одамдек калом,  
Одам эрсанг, ташқи сурат берма зеб,  
Она юртингни ҳамиша айла зеб,  
Зулм бўлгон ўлкада қолмайди файз,  
Тонггача кун нуруни омайли файз.

каби байтлар шу вазнда ёзилган.



„Алифбо“ даги б, в, с, з, ф, к, ц, л, м, н, гайн ҳарфларига битилган фардлар юқоридаги икки ўлчовдadir.

Анбар отининг ушбу асаридаги мисралар мазкур вазнлардан бирига хос рукнлар оҳангида ифодали ўқилади.

Шундай қилиб, 8-синфда ўқувчилар аруз тизимига мансуб яна бир неча янги ўлчовлар билан танишадилар, уларнинг рукнлари, чизмаларини дафтарларига ёзиб оладилар, ҳар қайси ўлчовда битилган асарлар номларини қайд этадилар.

## 9-синф

Мактабларнинг адабиёт дастурига мувофиқ 9-синфда энг қадимги даврлардан то XV аср ўрталаригача, хусусан Алишер Навоий ижодигача бўлган ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш кўзда тутилган. Хилма-хил ўзбек шоирларининг лирик ва эпик асарларини ўқиш ва таҳлил қилиш жараёнида ўзбек арузининг вазн-оҳанг хусусиятлари, унинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, ҳар қайси асар вазнининг ўзига хос жиҳатлари, шеърини ўлчовнинг гоё ифодаси, лирик ва эпик қаҳрамон қиёфасини яратишдаги аҳамияти, ижодкорларнинг ўз асарлари оҳангдорлигини таъминлаш маҳораги каби масалаларни қўйиш ва ҳал қилиш имкони мавжуд. Бу соҳалаги изчил ишлар ўқувчиларнинг шеърини асарда вазннинг ўрни, ўзбек арузи хусусиятлари ҳақидаги назарий билимларини чуқурлаштириш, хилма-хил шеърини ўлчовлар билан танишиш, шоирлар бадий маҳоратининг вазн билан боғлиқ қирраларини ўрганишига йўл очади.

9-синфда туркий шеърининг аруз вазнида яратилган илк намунаси — Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ достонини ўқишга киришишдан олдин ўқувчиларнинг аруз вазни ҳақида 5—8-синфда олган маълумотларини эслатиб, мазкур ўлчов ҳақидаги маълумотни чуқурлатиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчининг аруз вазни ҳақидаги маърузаси тахминан қуйидагича мазмунда бўлиши мумкин.

Биз бугун ўқишимиз лозим бўлган асар—Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ достони аруз вазнида ёзилган. Сиз бу вазннинг хусусиятлари билан 5—8-синфларда ўрганилган асарларни ўқиш давомида танишган эдингиз.

Аруз адабиётимизда кенг қўлланган шеърини ўлчов тизимларидан бири бўлиб, мисраларда қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг маълум тартиб билан такрорланиб келишига асосланади. Қисқа бўғин қисқа талаффуз қилинувчи ушли билан тугалланган очик бўғин бўлиб, шеър чизмасида V белгиси билан ифодаланади. Масалан, китоб сафар, умид, бешик, ўроқ, очил каби сўзларнинг биринчи бўғинлари қисқадир.

Чўзиқ талаффуз қилинувчи ушли билан тугалланган очик бўғинлар, шунингдек, таркибида қисқа ушли бўлган эпик бў-

гинлар чўзиқ бўгин саналиб, шеър чизмасида—белгиси билан ифодаланади. Доно, зебо, мактаб, бургут каби сўзларнинг бўгинлари шундай чўзиқ бўгинлардир.

Ёпиқ бўгинлар таркибида чўзиқ унли келса ёки кўш ундош билан тугалланса, бундай бўгинлар ўта чўзиқ саналиб, мисра ичида — √ белгиси, мисра охирида эса ~ белгиси билан ифодаланади.

Ёр, шод, ишқ, жисм сингари сўзлар шу хил бўгинларга мисол бўла олади.

Қисқа, чўзиқ, ўта чўзиқ бўгинларнинг турлича бирикувидан ҳар хил руки (устун) деб аталувчи ритмик бўлақлар тузилади. Улар ўзбек арузида турлича бўлиб, фаулун, мафойилун, фоилотун, мустафъилун, мафъулоту рукиларидир. Бу рукиларнинг такроридан эса аруз ўлчов тизимининг асосий турлари — баҳрлар ҳосил қилинади. Масалан, фаулун руки такроридан мутақориб деган баҳр юзага келади. Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қуталғу билиг“ достони шу баҳрда ёзилган. Унинг икки хил ўлчовидан дostonда фойдаланилган. Бир:

фаулун фаулун фаулун фаулун  
 √— — √— — √— — √— —

кўринишида бўлиб, мутақориби мусаммани солим деб аталади. Чунки шеър бирлиги байт саналиб, бир байт — икки мисрада саккизта ритмик бўлақ — руки иштирок этапти. Буни мусамман, арабча саккизлик дейилади. Солим ибораси эса барча рукилар фаулунга, яъни асосий рукига тенг, ўзгармаган демакдир.

Дostonда қўлланган иккинчи вазн кўриниши:

фаулун фаулун фаулун фаал  
 √— — √— — √— — √—

тарзида бўлиб, охирги рукида бир чўзиқ бўгин туширилган. Шунинг учун бу ўлчовни мутақориби мусаммани маҳзуф дейилади. Маҳзуф бир бўгини ташланган демакдир.

Дostonни ана шу ўлчовлар асосида, шу рукилар оҳангида ўқиймиз.

Ана шундай суҳбатдан сўнг ўқитувчи дostonдан танланган парчаларни вазн рукилари оҳангига мослаб ўқиб кўрсатади. Маълумки, дostonдаги аксар байтлар иккинчи хил ўлчовла битилган. Аввалги ўлчовда эса дostonдаги баъзи қасидалар ёзилган.

Асарни ўқиш қийин эмас. Чунки дostonда ўта чўзиқ бўгинлар жуда кам қўлланган. Ўқиш жараёнида қўшиб талаффуз қилинадиган ўринларга диққат қилиш kifоя. Жумладан, алоҳида таҳлил қилиниши мўлжалланган „Йигитликка ачиниб, қарилик ҳақида айтади“ бобида қуйидагича ўринлар қўшиб ўқилади:

Яна келгил эмди йигитлик манга сан,  
 Оёда тутайин оғи жуз тўшаттим  
 . . . Кичиклик тотиги йигитлик эражи,  
 Йитурдим ман эмди тутарда курагим.  
 Қарилиқта қор йўқ қўни турдим эрса,  
 Яваллиққа эссиз тиригликни иттим.  
 . . . Тамом аргувонтег қизил менгизм эрди,  
 Бу кун заъфарон урғин энгда тўриттим  
 Ёрақ ёзтег эрдим туман ту чечаклиг,  
 Хазонну тушуттум қамуғни куригтим.

„Қутадғу билиг“ бадияти таҳлил қилинар экан, ўқитувчи дostonнинг туркий арузда битилган дастлабки асар эканини алоҳида таъкидлаб, унда қўлланган вазнларнинг шоир гоъларини ўқимишли, таъсирчан тарзда ўқувчи онгига етказишдаги аҳамиятига диққатни жалб эгади.

Шу мавзудан бошлаб ўқувчиларга аруз вазнларини ёзиб бориш учун алоҳида дафтар тутгириш мақсадга мувофиқдир. Бу дафтарнинг ҳар қайси бетига ҳар бир вазн, унинг руқилари ва чизмаси, атамалари ёзилиб, кейин шу вазнда битилган ҳар қайси асар, унинг муаллифи номи ёзиб борилади. Жумладан, мутақориби мусаммани маҳзуф вазни руқилари ва чизмаси дафтарда қайд эгилгач, шу ўлчовда ёзилган илк асар — Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ дostonи, сўнг иккинчи асар — Аҳмад Югнакийнинг „Ҳибат ул-ҳақойиқ“ дostonи ёзиб қўйилади. Кейинги ҳар қайси асар ўрганилганда, шу тарзда дафтарда қайд этиб борилади.

Аҳмад Югнакийнинг „Ҳибат ул-ҳақойиқ“ дostonи ўрганилар экан, ўқитувчи мазкур асар ҳам аруз ўлчовлари асосида яратилганини таъкидлаб, ундаги тўртликлар мутақориби мусаммани маҳзуф вазнида ёзилганига ўқувчилар эътиборини қарагади ҳамда ушбу ўлчов руқилари ва чизмаси:

фаулун фаулун фаулун фаал  
 V— — V— — V— — V—

тарзида эканлигини эслатади.

„Қутадғу билиг“ каби бу асарда ҳам чўзиб ўқиладиган бўғинлар жуда кам. Аммо баъзи ўринларда қўшилиб ўқилиши лозим бўлган сўзларга дуч келамиз. Ўқитувчи асардаги ҳар қайси мисрани юқоридагича руқилар оҳангига мослаб, бунинг учун эса айрим бўғинларни бир-бирига қўшиб ўқиш лозимлигини уқтириб, ўзи намуна учун ўқиб беради. Жумладан, қуйидаги ўринларга ўқувчилар диққатини жалб қилади:

Баҳолик динор ул биликлик киши,  
 Бу жоҳил биликсиз баҳосиз биши  
 . . . Биликлик эр ўлгу оти ўлмату,  
 Биликсиз эсан эркан оти ўлук.  
 Билик бирла олам юқор йўқлади,  
 Биликсизлик элни чўкарди қуди.  
 Не турлик иш эрса оиликсиз ўнги,  
 Ўқунч ул анга йўқ унг анда алин

Паҳлавон Маҳмуд рубойлари бармоқ вазнида таржима қилингани учун уларни ўқиш қийинчилик туғдирмайди.

Сайфи Саройининг „Суҳайл ва Гулдурсун“ дostonи ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур вазилари асосида битилган бўлиб, уларнинг руқилари ва чизмалари ҳар мисрада:

мафойилун мафойилун фаулун  
V---- V---- V---

ҳамда

мафойилун мафойилун мафойил  
V---- V---- V--~

тарзидадир. Шоир ўз асарини туркона, яъни содда услуб билан ёзган, шу туфайли анчагина ўринда қўш ундош билан битган бўғинлар ўта чўзиқ эмас, балки чўзиқ бўғинга тенг қилиб ўқилаверади. Жумладан, ишқ, сайл, майл сўзлари бир чўзиқ бўғин, Суҳайл, айтди каби сўзлар икки бўғин қилиб талаффуз этилади.

Ўқитувчи мазкур асарнинг аруз ўлчов тизимига мансуб ҳазаж баҳрида ёзилганини таъкидлар экан, ушбу баҳр мафойилун руқни такрорига асосланишини, дoston шу баҳрнинг ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур деб номланувчи икки вази асосида яратилганини айтиб ўтиб, ҳазаж сўзи мафойилун руқни такроридан тузиладиган баҳр номи („овозни ёқимли қилиш“ мазмунида) экани, ҳар қайси байтда олти руқни иштирок этгани учун ўлчов олти руқли маъносида арабча мусаддас номи билан аталишини, маҳзуф эса мафойилуннинг охири бўғини туширилган фаулун руқни номи бўлиб, „охири ташланган“ маъносини, мақсур сўзи эса қисқа қилинган маъносини ифодалаб, мафойилуннинг қисқартирилган мафойил руқни номи эканини уқтиради. Сўнг вази руқиларини ўқувчиларга такрорлатиб, ҳар қайси мисрани шу оҳангда ўқиш кераклигини эслатади ва ўзи намуна учун ўқиб беради.

Хоразмийнинг „Муҳаббатнома“ асари ҳам юқоридаги икки ўлчов асосида ёзилган. Бу дostonда ҳам туркона услуб қўлланганлиги туфайли анча мисрада қўш ундош билан битган бўғинлар бир чўзиқ бўғин тарзида ўқилади. Масалан, кўррка, арслон, кўрклу сўзлари уч бўғин эмас, балки икки бўғин қилиб талаффуз этилади.

Дostonда чўзиб ўқилиши лoчим бўлган ўта чўзиқ бўғинлар анчагина учрайди. Шунингдек, бир қатор ўринларда сўзларни қўшиб ўқиш тақозо этилади. Масалан, дарса алоҳида таҳлил қилинадиган „Аввалги нома“ даги қуйидаги байтларга диққат қилиш зарур:

Аё кўрк ичра олам подшоҳи.  
 Жаҳон тутти сенинг ҳуснуи сипоҳи.  
 Пари рухсораларнинг кўрка бойи,  
 Юзунг наврўзу қошинг байрам ойи.  
 Кўнгул ширин сўзунгга бўлди, Фарҳод  
 Кўзунг Кашмир жодусига устод.  
 . . . Фалак ишқинг йўлида бесару пой,  
 Исирганг донаси Зухра, юзунг ой  
 Латофат мулкида султонсен. эй жон,  
 Қамуқ бошдин-оёққа жонсен эй жон.  
 . . . Сочинг бир торина минг ҳўр етмас  
 Юзунининг нурина минг нўр етмас  
 . . . Кишининг сенсини не жони бўлсун,  
 Аниндек умрнинг не сони бўлсун.

Кўришиб турибдики, асарга асос бўлган вазнлар мисралар-  
 даги пой ой, ҳур, нур, жон сўзлари, подшоҳи сўзининг би-  
 ринчи, Фарҳод, устод, Кашмир сўзларининг иккинчи бўғин-  
 лари ўта чўзиқ бўлгани учун улар таркибидаги унлиларни  
 чўзиб, умрнинг сўзи таркибидаги умр ўта чўзиқ бўғинининг  
 кейинги ундошини алоҳида қисқа бўғин (ум-р тарзида) қи-  
 либ талаффуз этиш, кўрсатилган ўринларда сўзларни қўшиб  
 ўқишни талаб қилади.

Хўжандийнинг мустақил ўқиш учун тавсия қилинган „Ла-  
 тофатнома“ достони ҳам ана шу икки вазн асосида яратилган.

Атойи ғазаллари хилма-хил мусиқий вазнлар асосида яра-  
 тилган. „Эй орази шамсу қамарим“ деб бошланувчи ғазал ҳа-  
 зажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган бў-  
 либ, рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада:

мафъулу мафойлу мафойлу фаулун  
 ——∨ ∨—∨ ∨—∨ ∨—∨

тарзидадир. Шеърдаги айрим ўринларда чўзиб ўқилиши ло-  
 зим бўлган ўта чўзиқ бўғинлар учрайди. Ғазал қуйидагича  
 ўқилади:

Эй орази шамсу қамарим, нетти, не бўлди?  
 Вей тишлари дурру гуҳарим, нетти, не бўлди?

Кўнгулм куяриндин санга мен пайд берурмен,  
 Эй марҳами жону жигарим, нетти, не бўлди?

Сен бор экан, ўзга кишига назар этсам,  
 Чиксун бу менин дийдаларим, нетти, не бўлди?  
 Гоҳ жавр ила ўлтур мени гоҳ ноз ила, сендан  
 Ҳаққоки, менинг йўқ гузарим нетти, не бўлди?

Эй луббати Ширин, сени Фарҳод менгизлик,  
 Оламга ёйилди севарим, нетти, не бўлди?

Умримни сенинг қудлуғинга сарф қилбмен,  
 Эй ўз қудидин беҳабарим, нетти не бўлди?  
 Бир зарра сучук сўзни АтоЙидин аярсен,  
 Эй лаблари шаҳду шакарим, нетти, не бўлди?

Шеърдаги панд, бор, сарф сўзлари, Фарҳод сўзининг иккинчи бўғини ўта чўзиқ, шунга кўра улар таркибидаги унлилар чўзиб талаффуз қилинади, назар этсам, жавр ила, ноз ила, АтоЙидин аярсен сўзлари қўшиб ўқилади.

Шоирнинг „Ул санамки“ деб бошланувчи газали рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган бўлиб, руқилари ва чизмаси:

фоилотун    фоилотун    фоилотун    фанлон  
 —√— —    —√— —    —√— —    —√~

тарзидадир. Ўқитувчи фоилотун руқни такрорига асосланувчи баҳр рамал („туя юриши“) деб аталиши, саккиз руқ иштирок этаётгани учун вазн мусамман, яъни саккиз руқли ҳисобланиши, мисра охиридаги фанлон руқни фоилотуннинг қисқартирилган кўриниши бўлгани учун мақсур деб аталишини таъкидлаб ўтади. Газалнинг кейинги уч байтида диққат қилишни талаб этадиган ўринлар учрайди. Мазкур мисралар қуйидагича ўқилади:

... Ул иликким сувдин ориқдур, юмас онй сура.  
 Балки сувни пок бўлсун деб илики бирла юр.  
 Эмди билдим, рост эрмиш, балки кўрдум кёз билла  
 Улки дерлар, сув қизн гоҳ гоҳ кўзга кўринур.  
 Қошларинг ёсин, АтоЙ кўргали ҳусн ичра тоҳ,  
 Субҳидам меҳробларда сураи ёсин ўқир.

Демак, вазини сақлаш учун пок, рост, гоҳ сўзлари, меҳробларда сўзининг иккинчи бўғини таркибидаги унлиларни чўзиб талаффуз қилиш, сувдин ориқдур, ҳусн ичра сўзларини қўшиб ўқиш шарт.

АтоЙнинг мустақил ўқиш учун тавсия қилинган „Жамолнинг васфини. . .“ деб бошланувчи газали ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида битилган бўлиб, руқилари ва чизмаси:

мафойилун    мафойилун    фаулун  
 √ — — —    √ — — —    √ — —

тарзидадир. Асар осон ўқилади. Вазини сақлаш учун 5-байтдаги Яъқубтек сўзининг иккинчи бўғини таркибидаги унлини чўзиш, олтинчи байтда эса „сочингдин узмасмен“ сўзларини қўшиб ўқиш кифоя.

Шоирнинг мустақил ўқиш учун тавсия қилинган „Эй бегим. . .“ деб бошланувчи ғазали ражази мусаммани матвийи махбун вазнида ёзилган бўлиб, руқнлари ва чизмаси:

муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун  
 — √ √ —    — √ — √ —    — √ √ —    √ — √ —

тарзидадир. Шеър қуйидагича ўқилади:

Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур?  
 Эй бегим, ушбу сўз дегул, шаҳд била шакармудур?  
 Кўз учидин қиё-қиё шева била боқишларини,  
 Жон тамурин қиёр учун тигму ё назармудур?  
 Боди сабоки, келтурур жонга сочинг насимини,  
 Шаҳри сабонинг элчиси худҳуди хуш хабармудур?  
 Зулфи муанбарингким, ул кўздин учар узун кеча,  
 Сарви сиҳининг устида зоғу абири тармудур?  
 Зорию нола кам қилай, рўст айт, э боғбон,  
 Итларига бу ноладин ҳар кеча дардисармудур?  
 Лаъли лабниг хаёлидин бир гузар айтайин дедим,  
 Жонни азизин, вале одамига гузармудур?  
 Сўрсанг Атоёи ҳолидин нетти, э подшоҳи ҳўси,  
 Лутфу карам гадоийга тенгри учун зарармудур.

Шеърни ўқишга киришишдан аввал ўқитувчи мазкур баҳрда мустафъилун руқни такрорлангани учун ражаз деб аталиши, муфтаилун ва мафоилун руқнлари эса мустафъилуннинг ўзгартирилган кўринишлари бўлиб, матвий ва махбун номлари билан аталишини таъкидлайди. Сўнг асарни мазкур ўлчов оҳангида ўқиш кераклигини эслатади.

Дастурда номаълум муаллифга нисбат берилган „Гул ва Наврўз“ достони ҳазажи мусаддаси маҳзүф ҳамда ҳазажи мусаддаси мақсур вазнларида ёзилган бўлиб, ушбу ўлчовларнинг руқнлари ҳамда ўлчовлари:

мафойилун мафойилун фаулун  
 √ — — —    √ — — —    √ — —

шунингдек,

мафойилун мафойилун мафойил  
 √ — — —    √ — — —    √ — ~

тарзида эканлигини юқорида кўриб ўтгандик. Достонда ўта чўзиқ бўғинлар кўп қўлланган, қўшиб ўқиладиган ўринлар ҳам анчагина. Шунинг учун достон ўқилар экан. ўта чўзиқ ва қўшилиб ўқиладиган бўғинларга алоҳида диққат қилиш зарур бўлади. Чунончи, достон бошланишидаги „Гул ва Наврўз“ китобининг ибтидоси“ бобида қуйидаги байтларнинг ўқилишига эътиборни қаратиш лозим:

Масиҳо дамлик ул мурғи сухансоа,  
 Аннингдек кўргузув бу парлада рўз.  
 Ки Навшод элида бор эрди бир шоҳ,  
 Келурдин воқифу келурдин огоҳ,  
 . . . Қамуқ оламда адлу доди машҳур,  
 Чериги бениҳоят, мулки маъмур.  
 Жаҳонда бир ўғулға орзуманд,  
 Мунги йўқ ҳеч нимадин ғайри фарзанд,  
 Тилак устида чун сидқи бор эрди,  
 Тилагандек муродин тенгри берди.  
 . . . Янги йилнинг бошида рўзи наврўз,  
 Садафдин чиқди бир дурри шабафрўз.  
 Севингандин отаси ганжин очти,  
 Не ким қизғанганин оламға сочти.  
 Улуқ тўйлар қилиб ишратлар этти,  
 Яратқан бирла кўп ниятлар этти,  
 Улушта мустаҳиқларни қилиб шод,  
 Ҳамул дам бандиларни қилди озод.  
 Суг эмганда саодат доя бўлди,  
 Тили чиққач, ҳунар ҳамсоя бўлди.  
 Чу Наврўз ўлди наврўз ичра фируз,  
 Ота ўғлининг отин қўйди Наврўз.  
 Кичик ёшлин қамуқ фанларни билди.  
 Кўпни ўз ақли бирла фаҳм қилди.

Демак, дostonдан танланган парчаларни ифодали ўқиш  
 учун юқоридаги каби ҳолатларда вазн тақозосига амал қилиш  
 лозим бўлади.

Дастурга мувофиқ шу синфда Лутфий шеърятининг бир  
 қатор нодир намуналарини ўрганиш кўзда тутилган. Бу асар-  
 ларни ғоявий-бадий таҳлил қилиш жараёнида шоирнинг вазн  
 устида ишлаш маҳоратининг баъзи муҳим қирралари ўзлаш-  
 тирилади.

Шоирнинг „Сенсан севарим“ деб бошланувчи машҳур га-  
 зали ўзбек арузига мансуб ўйноқи вазнлардан бири — ҳазаж  
 мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ўлчовида ёзилган бўлиб,  
 унинг рукнлари ҳамда чизмаси:

мафъулу мафойилу мафойилу фаулун  
 — — √    √ — — √    √ — — √    √ — —



тарзида эканлигини юқорида кўриб ўтган эдик. Шеър қуйида-  
гича ўқилади:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инолма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инолма.  
Хижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,  
Оҳи саҳарим хоҳ инон, хоҳ инолма  
Ҳаққоки қилич келса бошимга эшикингдин,  
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инолма.  
Усрук кўзунг ашқолина ҳаргоҳ назар этсам,  
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инолма.  
Яъқуб бикин кўп, йиғидин қолмади сенсиз  
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инолма.  
Ой юзунга кўз солғали ўзга киши бирла  
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инолма.  
Ишқ ўтида Лутфий юзи олтуни ёшурди,  
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инолма

Эътибор қилинса, ғазални ифодали ўқиш учун радифларда-  
ги хоҳ сўзи, шунингдек, **Яъқуб** сўзининг иккинчи, сиймба-  
рим сўзининг биринчи (сийм) бўғинлари таркибидаги унлилар-  
ни чўзиб, „етар, эй“, „кўзунг ошқолина“, „назар этсам“,  
„ишқ ўтида“ сўзларини қўшиб талаффуз этиш лозимлигини  
кўриш қийин эмас.

Шоирнинг „Ёз бўлди“ деб бошланувчи ғазали ҳам худди  
ана шу ўлчов асосида яратилган. Бу асарда ҳам ўқиш жараё-  
нида диққат қилиниши лозим бўлган ўринлар мавжуд. Ғазал-  
ни қуйидагича ўқиш мақбул:

Ёз бўлди, керак ул бути айёр топилса,  
Барча топилур, бизга керак ёр топилса.  
Гул даврида ич боланиким, оқил эмастур  
Ҳар кимки букун дуняда хушёр топилса.  
Мен везгучи қуанинг турурин сиз не сўрарсиз,  
Истанг мени ул ерлаки дилдёр топилса.  
Савлоий бўлубмен чу кўнгул, зулфина бердим,  
Савдо бўлур ондаки харидор топилса,  
Жаврунгни мени хастага қил, ўзгага қилма,  
Мархамин ёқ ул етга ки, афғор топилса.  
Ҳақдин э кўнгул, ўзга нима қилма тамачно,  
Сен хастага ул ердаки дийдор топилса.

Таъкидлардан кўришиб турибдики, асар вазни ғазалдаги  
қофиянош сўзларнинг охириги бўғинлари ўта чўзиқ бўлганлиги  
сабабли улар таркибидаги унлиларни чўзиб, бир қатор ўрин-  
лардаги сўзларни эса қўшиб ўқишни талаб этади.

Лутфий қаламига мансуб бўлган „Кўргали лаълинг ақиқин“ деб бошланувчи газал рамали мусаймани маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, унинг руқнлари ва чизмаси:

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
 —V— — —V— — —V— — —V—

тарзидадир. Шеър қуйидагича ўқилади:

Кўргали лаълинг ақиқин кўнглум ул ён тортадур,  
 Бу ямон андишалиқни гўйё қон тортадур.  
 Дод кўзингдинки, динга неча юз урсам мени  
 Куфр сори сеҳр ила ул номусулмон тортадур.  
 Олида жон тортадурмен, то магар тушгай қабул  
 Бир назар қилмас бу мискин сориким, жон тортадур.  
 Хоки поеким анга зулфи тегар кўп истарам,  
 Ё мени тупроқ ё ризқи паришон тортадур.  
 Майл этар ўз минисига ҳар жинс ўзини ложарам.  
 Бели сори ул каманди анбарафшон тортадур.  
 Қошлари ёсин қулоққа еткура тортар кўзи,  
 Икки ёни маст лаяъқил не осон тортадур.  
 Йўқ турур ёлғуз бу Лутфий жониға жаври рақиб.  
 Қайда бир доно дурур, ул жаври нодон тортадур.

Шеърни ифодали ўқиш учун мисралардаги дод сўзи, тупроқ, рақиб сўзларининг иккинчи бўғинлари таркибидаги унлиларни чўзиб, куфр сўзини куф-р тарзида охириги ундошни алоҳида қисқа бўғин қилиб, кўнглум ул, сеҳр ила, майл этар, жинс ўзини сўзларини қўшиб талаффуз этиш лозим.

Шоирнинг „Кўнглума ҳар ёнки боқсам доғи бор“ мисраси билан бошланувчи туюғи рамали мусаддаси мақсур вазнида ёзилган. Ушбу ўлчовнинг руқнлари ва чизмаси:

фоилотун фоилотун фоилон  
 —V— — —V— — —V~

тарзидадир. Шеърдаги вазни сақлаш учун қофиядош мисралар охиридаги бор радифи таркибидаги унлини чўзиб, учинчи мисра охиридаги ёр эли сўзларини қўшиб ўқиш кифоя.

„Чархи кажрафтор элидин ёзамен“ мисраси билан бошланувчи туюқ эса рамали мусаддаси маҳзуф ўлчовида бўлиб, руқнлари ва чизмаси:

фоилотун фоилотун фоилун  
 —V— — —V— — —V—

тарзидадир. Уни ифодали ўқиш учун учинчи мисрадаги „ёд этмас“ сўзларини қўшиб талаффуз қилиш етарлидир.

Шоирнинг мустақил ўқиш учун тавсия этилган „Жон ҳасрат ила куйдию дилдор топилмас“ деб бошланувчи газали ҳам дастлабки икки газал каби ҳазажи мусаммани аҳраби мақзуфи маҳзуф ўлчовида битилган. Шеър шундай ўқилади:

Жон ҳасрат ила куйди-ю дилдор топилмас,  
 Барча топилур, бизга вале ёр топилмас.  
 Гул келди юзунг давридаким ҳусн сотай деб,  
 Айланди-ю ҳеч ерда харидор топилмас.  
 Аг ёр бикин жону кўнгул кетти қошимдин,  
 Ғамдек манга бир ёри вафодор топилмас.  
 Эй соқийи мажлис, сол иликтин қадаҳу жом,  
 Ким сўзларининг даврида ҳушёр топилмас.  
 Дедимки: „Рақибимни қошингдин кўтар“. Айтур:  
 „Бир гул қониким, олида юз хор топилмас.  
 Эй ҳажр, кўтар ёш ила кўзум қорасини,  
 Кузни нетайин, давлати дийдор топилмас.  
 Кил муҳр оғиз хотамидин Лутфийнинг оғзин,  
 Ким дуняда бир маҳрами асрор топилмас.“

Белгиланган ўринлардан кўриниб турибдики, шеър вазни тақозосига кўра байтлардаги қофиядош ёр, хор сўзлари, дилдор, харидор каби сўзларнинг охириги бўғинлари, шунингдек, учинчи байт бошланишидаги агёр сўзининг иккинчи бўғини ўта чўзиқ бўлгани учун улар таркибидаги унлилар чўзиб талаффуз қилинади, ҳусн, ҳажр, муҳр каби сўзлар таркибидаги охириги ундошлар алоҳида, қисқа бўғин қилиб (ҳус-н, ҳаж-р, муҳ-р, каби) „ҳасрат ила“, „сол иликтин“ сўзлари қўшиб ўқилади. Мақтаъдаги Лутфийнинг сўзи ҳам вази талаби билан Лутфийнинг тарзида талаффуз қилиниши шарт, акс ҳолда қисқа бўғин ўрнига чўзиқ бўғин келиб, ўлчов оҳанги бузилади.

Лутфийнинг мустақил ўқишга тавсия этилган яна бир шеъри — „Мени шайдо қилалурғон бу кўнгулду, бу кўнгул“, мисраси билан бошланувчи газал асосан рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф вазида ёзилган бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

фоилотун    фаилотун    файлотун    фаилун  
 —V—    VV—    V—    VV—

тарзидадир. 6- байтнинг биринчи мисраси рамали мусаммани маҳбуни мақсур ўлчовида бўлиб унинг рукнлари ва чизмаси:

фоилотун    фаилотун    файлотун    фаилон  
 —V—    VV—    VV—    VV~

кўринишида, охириги байтнинг биринчи мисраси эса рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ вазида ёзилган. Унинг рукнлари ва чизмаси:

фоилотун    фаилотун    файлотун    фаълун  
 —V—    VV—    VV—    —

тарзидадир.

Шеърда чўзиб ўқиладиган ўта чўзиқ бўғинлар учрамайди. Ҳазални ифодали ўқиш учун руқнларни мазкур вазн ўлчовига мослаб талаффуз этиш кифоя. Фақат икки ўриндагина кўшилиб ўқиладиган сўзлар мавжуд. Улар бешинчи мисрадаги „ҳаддим эмас,“ ҳамда 11- мисрадаги „дўст орасинда“ сўзларидир.

Лутфий Ҳазал ва туюқларнинг бадий хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида шоирнинг вазн танлашдаги маҳоратини алоҳида таъкидлаб, ҳар қайси асардаги ўлчов гоё, лирик қаҳрамон тимсолини ёрқин ва таъсирчан ифодалашга ёрдам берганини уқтириб ўтиш зарур.

Шу синфда жаҳон адабиётининг нодир намуналари сифатида Фирдавсий ҳамда Ҳофиз Шерозий асарлари ўрганилади. Фирдавсийнинг машҳур „Шоҳнома“, асари асли мутақориб баҳрида ёзилган бўлса ҳам, ўзбек тилига бармоқ вазнида ағдарилган. Шунинг учун дostonдан танланган парчаларни ифодали ўқишда қийинчилик туғилмайди.

Ҳофиз Шерозийнинг „Агар кўнглимни шод этса, деб бошланувчи Ҳазали асл нусха каби ҳазажи мусаммаси солим ўлчовида таржима қилинган. Ушбу вазн руқнлари ҳамда чизмасининг:

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
 V---- V---- V---- V----

тарзида эканини биламиз. Шеърда ўқилиши мураккаб ўринлар йўқ. Шунинг учун Ҳазални вазн руқнларига мувофиқлаштириб ўқиш кифоя.

Ўқув йили охиригача 9-синфда ўрганилган асарларнинг вазн хусусиятлари махсус дафтарда қуйидагича акс этган бўлиши керак.

### 1. Мутақориб мутақориб маҳзүф руқнлари ва чизмаси:

фаулун фаулун фаулун фаал  
 V--- V--- V--- V-

Шу вазнда ёзилган асарларга Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“, Аҳмад Югнакийнинг „Ҳибатул-ҳақойиқ“ каби дostonлари киради.

### 2. Ҳазажи мусаддаси маҳзүф руқнлари ва чизмаси:

мафойилун мафойилун фаулун  
 V---- V---- V---

### 3. Ҳазажи мусаддаси мақсур руқнлари ва чизмаси:

мафойилун мафойилун мафойил  
 V---- V---- V~

Бу вазнларда битилган асарларга Сайфи Саройнинг „Су-  
хайл ва Гулдурсун“, Хоразмийнинг „Муҳаббатнома“ дoston-  
лари, Атоийнинг „Жамолинг васфини“ ғазали, номаълум муал-  
лифнинг „Гул ва Наврӯз“ дostonи киради.

4. Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф  
рукнлари ва чизмаси:

мафъулу мафойилу мафойилу фаулун  
—V V— V V—V V—

Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфу мақсур  
рукнлари ва чизмаси:

мафъулу мафойилу мафойилу мафойил  
—V V— V V—V V—

Бу вазнларда ёзилган асарларга Атоийнинг „Эй орази шам-  
си қамарим“ ғазали, Лутфийнинг „Севсан севарим“, „Ёз бўл-  
ди“, „Жон ҳасрат ила“ каби ғазаллари киради.

5. Рамали мусаммани маҳзуф  
рукнлари ва чизмаси:

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
—V— — V— — V— — V—

Рамали мусаммани мақсур  
рукнлари ва чизмаси:

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
—V— — V— — V— — V~

Бу вазнларда ёзилган асарларга Атоийнинг „Ул санамки“,  
Лутфийнинг „Кўргали лаълинг ақиқ ин“ каби ғазаллари кира-  
ди.

6. Ражази мусаммани мағвийи маҳбун

муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун  
—VV— V—V— VV— V—V—

Шу вазнда ёзилган асарларга Атоийнинг „Эй бегим“ ғазал-  
ли мисол бўла олади.

7. а) Рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф

фоилотун файлотун файлотун файлун  
—V— VV— — VV— VV—

б) Рамали мусаммани маҳбуни мақсур

фоилотун файлотун файлогун файлон  
—V— VV— VV— VV~

в) Рамали мусаммани маҳбуни мақтаъ

фоилотун файлотун файлотун фаълун  
VV— VV— VV— —

г) Рамали мусаммани маҳбуни мақтуъи мусаббағ

фоилотун    фоилотун    фоилотун    фаълон  
V V ---    V V ---    V V ---    ~ ~

Ушбу вазнларда ёзилган асарларга Лутфийнинг „Мени шайдо қиладурғон“ ғазали мисол бўла олади.

8. а) Рамали мусаддаси маҳзуф

фоилотун    фоилотун    фоилун  
- V ---    - V ---    V -

б) Рамали мусаддаси мақсур

фоилотун    фоилотун    фоилон  
- V ---    - V ---    - V -

Бу вазнларда ёзилган асарларга Лутфий туюқлари киради.

9. Ҳазажи мусаммани солим

мафойилун    мафойилун    мафойилун    мафойилун  
V ---    V ---    V ---    V ---

Бу вазн асосида ёзилган асарларга Ҳофиз Шерозийнинг „Агар кўнглумни“ ғазалини кўрсатиш мумкин.

10-синфда дафтарга янги-янги вазнларни, уларда битилган асарларни қайд қилиш охириги мавзуга қадар давом эттирилади. Ўқув йили охириларида бу дафтардаги қайдлар умумлаштирилиб, ўрганилган барча вазнлар баҳрлар бўйича тартиблаштирилади ва мунтазам тус берилади

### 10-синф

10-синфда ўзбек арузи тараққиёт йўллари ва хусусиятларини ўрганиш давом этади. Ўқувчилар Алишер Навоий ижодининг ўзбек арузи камолидаги аҳамияти билан танишадилар, Бобур, Муинс, Турди, Машраб, Увайсий, Огаҳий, Комил Хоразмий, Муқимий ва Фурқатлар шеърятини ўқиш ва таҳлил этиш жараёнида хилма-хил янги шеърӣй ўлчовлар, уларнинг юксак умумбашарӣй ғоялар, тўлақонли лирик ва эпик тимсоллар ифодасидаги муҳим аҳамияти ҳақида маълумот оладилар.

Маълумки, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзбек арузи ривожига кучли таъсир кўрсатди. Форс-тожик шеърятини, жумладан, унинг вазн хусусиятларини атрофлича ўрганган Навоий туркий арузининг тараққиёт йўлларини чуқур таҳлил қилган ҳолда қатор янги баҳрлар, ўнлаб янги вазнларни шеърятимизга олиб кирди. Навоийгача адабиётимизда қўлланган вазнлар сони 40 га етмаган бўлса, улуғ шоирнинг хизматлари туфайли бу хил ўлчовлар сони 100 га яқинлашди.

Навоий ўзбек арузининг бир қатор муҳим ички имкониятларини кашф этди, қофия, радифлардан моҳирона фойдаланган ҳолда оҳанг жилоларига эришишнинг усулларини яратди.

Навобий шеърятимизга қатор-қатор янги шеърӣ жанрлар-  
ни олиб кириш билан ҳам ўзбек арузининг тезкор ривожига  
йўл очиб берди.

Навобий ижодини ўрганиш давомида ўқувчилар ана шундай  
муҳим муаммолар билан танишадилар, буюк ижодкор шеър-  
ятининг вази жиҳатидан баркамоллиги ҳақида атрофлича  
тасаввур оладилар.

Алишер Навобийнинг 10-синфда ўрганилиши мўжалланган  
„Ўн сакиз минг олам ошуби. . .“ деб бошланувчи ғазали асо-  
сан рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, 3-, 7-,  
11-, 13- мисралар унга яқин турувчи рамали мусаммани мақ-  
сур ўлчовида. Бинобарин, ғазал мисралари фоилотун фоилотун  
фоилотун фоилун ва фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рукнлари ўлчовида ўқилади.

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвнозим ўн сакиз ёшиндадур.  
Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,  
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур  
Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса улдурур.  
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур  
Ҳайрат этмон ҳусни нақшилаки, ҳар қайратки бор,  
Барчаси эзид таоло сунъ наққошиндадур.  
Тан анга сийму ичинла тош музлар кўнглидин,  
Ақлга юз қайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.  
Мий кетур, эй муғки, юз қайрат аро қолмиш Масиҳ,  
Бул – ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.  
То Навобий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк.  
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

Кўринадики, иккинчи мисрадаги „сарвнозим“ сўзидаги сарв  
бўғинини сар-в тарзида, олтинчи мисрадаги ҳусн сўзини ҳам  
шу тарзда ҳус-н, 10- мисрадаги ақлга сўзидаги ақл бўғинини  
ақ-л тарзида, 12-мисрадаги дайр сўзини дай-р тарзида кейин-  
ги ундошни алоҳида қисқа бўғинга ажратиб, 8-мисрадаги сунъ  
сўзини сун-ъи тарзида (айириш белгисига қисқа и унлисини  
орттириб), 9-мисрадаги тош ўта чўзиқ бўғини, шунингдек, 3-,  
7-, 11-, 13- мисралар охиридаги бор, ашк сўзлари, масиҳ  
сўзининг иккинчи бўғини таркибидаги унлиларни чўзиб талаф-  
фуз этиш, таъкидланган ўринлардаги сўзларни қўшиб ўқиш  
зарур.

Шоирнинг „Шўх икки ғизолингни. . .“ деб бошланувчи ға-  
зали ҳазожи мусаммани аҳраб вазнида ёзилган бўлиб, рукн-  
лари ва чизмаси:

мафъулу мафоилун мафъулу мафойилун  
—V V— —V V— —

тарзидадир. Бинобарин, ундаги ҳар қайси мисра ана шу рукн-  
лар оҳангида ўқилади.

Шўх икки ғизолингни ноз уйқусидин уйғат.  
То уйқулари кетсин, улзор ичинда ўйнат.  
Тинглабки сочинг ўрдунг, очқанда паршон қил,  
Офоқ саводинда жон ройиҳасин бутрат.

Кулбамга хўй афшон кел, зулфунг қилиб ошуфта,  
 Анжум сиподин синдур, офоқ улусин кўзгат.  
 Ораз қуёшин очиб ашқи қуруган кўзни  
 Кўп ҳажрда йиғлатдинг, бир васлда ҳам йиғлат.  
 Бир оҳ ила кул бўлдум, эй чарх, тилаб топиб,  
 Фарҳод ила Мажнунга ошиқлик ишин ўргат.  
 Хоро тубига ётқунг, йўқ суд агар юз йил,  
 Кўк ағласи устида жисмингни ётиб ағнат.  
 Базм ичра Навоий кўп йиғлар эса, эй соқий,  
 Хуш элткучи дору жомига анинг чайкат.

Бинобарин, **офоқ**, сўзининг иккинчи бўғини, **чарх**, суд сўзлари таркибидаги унлиларни чўзиб, **ҳажр**, **васл**, **элткучи** сўзининг биринчи бўғинини **ҳаж-р**, **вас-л**, **эл-т** тарзида охириги ундошни алоҳида бўғинга ажратиб, шунингдек, таъкидланган ўринлардаги бўғинларни қўшиб ўқиш лозим.

„Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамиша шод бўл“ деб бошланувчи ғазал ҳам рамали мусаммани маҳзүф (5-, 7- мисралари рамали мусаммани максур) ўлчовида ёзилган бўлиб, руқнлар таркиби фоилотун фоилотун фоилотун фонлун (5-, 7- мисраларда фоилолун фоилолун фоилолун фоилон) тарзидадир.

Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамиша шод бўл,  
 Мендину кимдинки, кўнглунг истамас, озода бўл.  
 Гарчи сабрим уйи янглиғ айладинг вайрон мену,  
 Доимо, ё рабки, ҳуснунг мулкидек обод бўл.  
 Мен чекиб андуҳ улай, эл жони бўлсун, эй Масиҳ  
 Соврул, эй чархи нигун, в-эй даҳри дун, барбод бўл.  
 Бевафолар зулму бедодиға эрмассан ҳариф,  
 Эи синуқ кўнглум, агар худ шиша, гар палод бўл.  
 Туттум ўлмакни тирилмак ҳажрида, тенгдур менга.  
 Энди гар бергил зилоли Хизр, агар жаллод бўл.  
 Чекма бошким, эмин эрмассен хазон яғмосидин,  
 Бу чаман ичра агар савсан, агар шамшод бўл.  
 Эй Навоий, олам аҳлига чу йўқ эрмиш вафб,  
 Келу мундин нари бекаслик била муътод бўл.

Ғазал матнида таъкидланган ўринлардан кўриниб турибдики, асардаги қофиядош сўзларнинг охиридаги ўта чўзиқ бўғинларда унлилар чўзиб ўқилади, 5- байтдаги Хизр сўзи Хиз-р тарзида икки бўғин қилиб, таъкидланган ўринлардаги бўғинлар эса қўшиб талаффуз қилинади.

Навоийнинг мустақил ўқиш учун тавсия этилган асарлари: „Кеча келгумдур дебон . . .“, „Кўргали ҳусннингни . . .“, „Жонга чун дерман . . .“, „Хилъатин то айламиш“ ғазалларининг тўрталаси ҳам рамали мусаммани маҳзүф, баъзи қофияланмайдиган мисралари рамали мусаммани максур вазнларида битилган. Демак, уларни ўқиш жараёнида ана шу икки ўлчов руқнлари ва оҳангига эътибор қилиш лозим бўлади.

10-синфда Алишер Навоийнинг бир қатор рубойларини ўқиш ва таҳлил қилиш назарда тутилган. Уларни ўрганиш давомида ўқувчилар 6-, 9- синфда ўзлаштирилган билимларни ривожлантирган ҳолда рубойларнинг янги-янги ўлчовлари хусусиятларидан хабардор бўладилар.



Шоир аратган „Гурбатда ғариб, . .“ деб бошланувчи рубоий икки вазнли бўлиб, 1-, 2-, 4- мисралари ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ажабб вазнида бўлиб, руқилари ва чизмаси:

мафъулу мафонлун мафойилу фаал  
 ---√ √ - √ - √ --- √ √ -

тарзида. 3- мисрада эса иккинчи хил: ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солимми абтар ўлчови қўлланган бўлиб, руқилар таркиби ва чизмаси:

мафъулу мафонлун мафойилун фаъ  
 ---√ √ - √ - √ --- -

шаклидадир. Бинобарин, рубоий икки хил оҳангда ўқилади.

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас сени,  
 Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
 Олгун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
 Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Юқоридагилардан кўринадики, рубоийдаги ғариб сўзининг иккинчи, шодмон, ошён сўзларининг биринчи ўта чўзиқ бўғинлари таркибидаги унлилар чўзиб, таъкидланган ўринлардаги бўғинлар эса қўшиб ўқилиши керак.

„Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз“ мисраси билан бошланувчи рубоий ҳам худди шу тарзлаги вазн хусусиятларига эга, яъни унда ҳам учинчи мисрада ўлчов, бинобарин, оҳанг ўзгаради.

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
 Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
 Ҳар неники севмак ондин ортик бўлмас,  
 Ондин севи кўп севармен, эй умри азиз.

Рубоий вазнига риоя қилиш учун радиф— „азиз“ сўзининг иккинчи, ўта чўзиқ бўғинидаги унлини чўзиб талаффуз этиш, шунингдек, энг муҳими, севармен сўзини ҳар уч мисрада, шунингдек, учинчи мисрадаги севмак сўзини кейинги бўғинга қўшиб ўқиш кифоя.

Юқоридаги икки рубоийнинг вазн хусусиятлари таҳлил қилинар экан, учинчи мисрадаги вазн ўзгаришининг аҳамиятини, яъни бу хил ўзгариш туфайли учинчи мисрадаги оҳанг кескин фарқ қилиб, ўқувчи диққати шу мисрага, ундаги фикрга тортилишини таъкидлаб ўтиш муҳимдир.

Навойнинг „Зоҳид сенга ҳур-у...“ деб бошланувчи рубоийси ҳам икки вазнли, лекин ундаги вазн ўзгариши биринчи мисрага тўғри келади.

Рубоийнинг 1-мисраси ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ажабб. 2-, 3-, 4- мисралари ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи ажабб вазнида ёзилган. Бинобарин, 1-мисра:

мафъулу мафонлун мафойилу фаал,  
 ---√ √ - √ - √ ---√ √ -

2- 3- 4- мисралар эса:

мафъулу мафойилу мафойилу фаал  
— — √ √ — — √ √ — — √ √ —

рукилари ўлчовида ўқилиши керак.

Зоҳид, сенга хур-у, манга жонона керак,  
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак;  
Майхона аро соқию паймона керак,  
Паймона неча бўлса тўла ёна керак.

Шеърни тўғри, ифодали ўқиш учун ҳур сўзидаги унлини чўзиб, сенга, манга сўзларини се-нга, ма-нга тарзида бўғинларга ажратиб талаффуз қилиш кифоя.

„Ким кўрди экан“.. деб бошланувчи рубоий бир вазни бўлиб, барча мисралари ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими абтар вазнида ёзилган. Ҳар қайси мисранинг рукилари ва чизмаси:

мафъулу мафоилун мафойилун фаъ  
— — √ √ — √ — — — — —

тарзидадир.

Ким кўрди экан жаҳонда оё хушлук,  
То бир киши айлағай таманно хушлук.  
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлук,  
Омададурур ёнида юз нохушлук.

Демак, рубоий вазнини сақлаш учун ҳар қайси мисрани рукиларга мувофиқ ҳолда, шунингдек, учинчи мисрадаги икки сўзни қўшиб ўқиш кифоя.

Навоийнинг 10- синфда таҳлил қилинадиган қитъалари ҳам хилма-хил вазнларда ёзилган. „Чун ғараз сўздин эрур...“ деб бошланувчи қитъа рамали мусаддаси маҳзуф вазнида бўлиб, рукилари:

фоилотун фоилотун фоилун

кўренишидадир.

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,  
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.  
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини  
Кўрма ким дер они, кўргилким не дер.

Қитъанинг вазн хусусиятларини сақлаб ўқиш учун хоҳ сўзидаги унлини икки ўринда ҳам чўзиб, ноқил сўзини эса ўзидан кейинги турган ўлса сўзига қўшиб талаффуз этиш лозим.

„Улки ифлосдин аёғинда“ деб бошланувчи қитъанинг 1-, 3- мисралари ҳафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъ вазнида ёзилган бўлиб, рукилари ва чизмаси:

фоилотун мафоилун фаълун  
— √ — — — — √ — √ — — —

кўринишида, 2- ва 4- мисралари эса ҳафифи мусаддаси маҳбуни маҳзуф ўлчовида бўлиб, унинг руқилари ва чизмаси:

фоилотун мафонлун фаиллун  
—√— — √— √— √√—

тарзидадир. Шеър қуйидагича ўқилади:

Улки ифлосдин аёғинла  
Кафш йўл азми чоғи йўқтур анинг,  
Шукр қилдик бокиб биров сори  
Ки юругга аёғи йўқтур анинг

Яъни қитъадаги ифлосдин сўзининг иккинчи бўғини унлисини чўзиб, кафш ва шукр сўзларини каф-ш ва шук-р тарзида охириги унлиларни алоҳида, қисқа бўғин қилиб, шўнингдек, йўқтур сўзини иккала мисрада кейинги сўзга қўшиб ўқиш лозим.

„Нокасу ножинс авлодин. . .“ деб бошланувчи қитъа эса рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Уни шу ўлчовга хос бўлган фоилотун фоилотун фоилотун фоилун руқиларига мувофиқ ўқилади.

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,  
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами.  
Ким, кучук бирла ҳўдукка неча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.

Бинобарин, ножинс сўзининг иккинчи бўғини таркибидаги унлини чўзиб талаффуз қилиш, иккинчи ва тўртинчи мисралардаги таъкидланган сўзларни кейинги бўғинга қўшиб ўқиш билан асар вазнига хос оҳангга эришилади.

„Кимки махлуқ хизматиға камар . . .“ деб бошланувчи қитъа ҳам ҳафиф баҳри вазнлари асосида битилган. Унинг 1-, 2-, 4-, 6- мисралари ҳафифи мусаддаси маҳбуни маҳзуф, 3- мисра ҳафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъ, 5- мисра эса ҳафифи мусаддаси маҳбуни мақсур ўлчовларидадир. Шеърнинг мисраларини ана шу вазнларга мувофиқ ўқиш керак.

Кимки махлуқ хизматиға камар  
Чуст этар, яхшироқ ушалса бели.  
Кўл қовштурғуча бу авлодур  
Ки анинг чиқса эғни, синса эли.  
Чун хушомад демакки бошласа кош,  
Ким тутулса дами, кесилса тили.

Кўриниб турибдики, махлуқ сўзининг иккинчи бўғини, шўнингдек, бешинчи мисра охиридаги кош сўзидаги унлилар чўзиб, чуст этар сўзлари эса қўшиб ўқилса, асар вазни сақланади.

Навой лирикасини бадий таҳлил қилиш жараёнида мутафаккир шоирнинг ўз ғазаллари, рубойи ва қитъалари вазни устида ишлашдаги маҳоратига алоҳида тўхтаб ўтилади. Хусусан, ҳар қайси шеърда танланган ўлчов ифодаланаётган ғоя, тасвирланаётган бадий тимсолларга мослиги, асардаги оҳанг

ундаги мазмунни жозибали, таъсирчан мужассамлантириш учун хизмат қилаётганига ўқувчилар диққати жалб қилинади.

Алишер Навоийнинг „Хамса“ асари ҳақида маълумот берилар экан, ўқитувчи ҳар қайси дostonдан парчалар ўқиш чоғида уларнинг вазн хусусиятлари, руқнлари ва чизмасини назарда тутиши лозим.

„Ҳайратул аброр“ дostonи сариғи мусаддаси матвийи мақшуф ва сариғи мусаддаси матвийи мақшуф вазиларида ёзилган бўлиб, уларнинг руқнлари ва чизмаси:

муфтаилун муфтаилун фоилун  
 —√√— —√√— —√—

ҳамда

муфтаилун муфтаилун фоилон  
 —√— —√√— —√~

тарзида эканлиги олдинги синфларда ўтилганлардан маълум.

„Дайли ва Мажнун“ дostonи асосан ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақзуф ва ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур ўлчовларида яратилган бўлиб, уларнинг руқнлари ва чизмаси:

мафъулу мафоилун фаулун  
 ——√ √—√— √—

ҳамда

мафъулу мафоилун мафойил  
 ——√ √—√— √—~

кўринишидадир. Дostonдаги баъзи байтлар эса ҳазажи мусаддаси ахрами аштари мақзуф ва ҳазажи мусаддаси ахрами аштари мақсур ўлчовларида ёзилган бўлиб улар:

мафъулун фоилун фаулун  
 ——— —√— —√—

ҳамда

мафъулун фоилун мафойил  
 ——— —√— √—~

тарзидаги руқнлар таркиби ва чизмасига эга.

„Сабъан сайёр“ дostonи асосан ҳафиф баҳрига мансуб тўрт вазн асосида битилган. Улар руқнлари ва чизмаси:

фоилотун мафоилун файлун  
 —√—— √— √— √√—

бўлган ҳафифи мусаддаси солими маҳбуни мақзуф,

фоилотун мафоилун фоилон  
 —√—— √—√— √√—

бўлган ҳафифи мусаддаси солими махбуни мақсур.

фоилотун мафоилун фаълун  
—V— V—V— —

бўлган ҳафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ ҳамда

фоилотун мафоилун фаълон  
—V— V—V— —~

бўлган ҳафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ ўлчовларидир. Достоннинг анчагина мисраларида юқоридаги вазнларга яқин турувчи яна тўрт ўлчов қўлланган. Улар рукналари ва чизмаси

фаилотун мафоилун фаилун  
VV— V—V— VV—

тарзида бўлган ҳафифи мусаддаси махбуни маҳзуф,

фаилотун мафоилун фаилон  
VV— V—V— VV~

тарзида бўлган ҳафифи мусаддаси махбуни мақсур,

фаилотун мафоилун фаълун  
VV— V—V— —

тарзида бўлган ҳафифи мусаддаси махбуни мақтуъ,

фаилотун мафоилун фаълон  
VV— V—V—~

тарзида бўлган ҳафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ ўлчовларидан иборат. Бу саккиз вази оҳанг жиҳатидан бири-бирдан сезилар-сезилмас фарқ қилади, холос. Аниқроғи, биринчи рукн фоилотун ёки фаилотун рукнига, охиригги рукнлар эса фаилун, фаилон, фаълун, фаълон рукнларидан бири ўлчо-вида ўқилиши билангина фарқланади.

„Садди Искандарий“ достони эса мутақороби мусаммани маҳзуф ва мутақороби мусаммани мақсур вазнларида ёзилган бўлиб, уларнинг рукнлари ва чизмалари:

фаулун фаулун фаулун фаал  
V— V— V— V—

ҳамда

фаулун фаулун фаулун фаул  
V— V— V— V~

тарзидадир.

Алишер Навоийнинг 10-синфда чуқур ўрганиладиган йирик асари— „Фарҳоч ва Ширин“ достони ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур вазнларида ёзилган. Уларнинг рукнлари ва чизмаси эса

мафойилун мафойилун фаулун  
V— V— V—

ҳамда

мафойилун мафойилун мафойил  
V— V— V~

тарзидадир.

Достонда ўта чўзиқ бўғинлар кўплаб қўлланган, шунингдек, жуда кўп ўринларда бўғинларни қўшиб ўқиш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам достонни ўқиш давомида бундай ҳолағларга алоҳида диққат қилиш лозим бўлади.

Достондаги Хисрав ва Фарҳод мунозарасига бағишланган бўлимдан парча ўқиб кўрайлик:

Деди: „Қайдин сен эй мажнун гумроҳ?“

Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ?

Деди: Недур санга оламда пеша?

Деди: Ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша;

Деди: бу ишқдин ўлмас касб рўзи.

Деди: касб ўлса басдур ишқ сўзи.

Дедиким: ишқ Утидин де фасона!

Деди: куймай киши топмас нишона.

Дедиким: куймакингни айла маълум!

Деди: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум.

Деди қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?

Деди: руҳ эрмас эрли танга пайваст.

Деди: бу ишқдин инкор қилғил!

Деди: бу сўздин истиғфёр қилғил!

Деди: ошиққа не иш кўп қилур зўр?

Деди: фурқат куни ишқи балашўр.

Деди: ишқ аҳлининг недур ҳаёти?

Деди: васл ичра жонон илтифоти.

Дедиким: дилбарингнинг де сифотин!

Деди: тил ғайратидин тутмон отин,

Дедиким: ишқиға кўнглунг ўрундур?

Деди: кўнглумда жондек ёшурундур.

Деди: васлиға борсен орзуманд?

Деди: бормен ҳаёли бирла хурсанд.

Таъкидланган ўринлардан кўришиб турибдики, ҳар қайси мисрани айтиб ўтилган руқнлар оҳангига мослаб кўп ўринда бўғинларни қўшиб ўқиш, инкор сўзининг иккинчи, орзуманд сўзининг биринчи ва учинчи бўғинлари, шунингдек, мисралар охиридаги зўр, маст сўзлари, маълум, маҳрум, пайваст, балашўр, хурсанд сўзининг кейинги бўғинлари таркибидаги унлиларни чўзиб талаффуз этиш лозим.

Асарнинг бадий хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида вазнинг тимсолаар қиёфасини очишдаги аҳамиятини таъкидлаб ўтиш жоиз.

10-синф дастурида Навоийнинг „Мезонул авзон“ асарини ўрганиш ҳам назарда тутаган. Шу жараёнда ўқитувчи асар мазмуни ва аҳамияти ҳақида сўз юритишдан олдин аруз вазни ҳақида назарий маълумот бериб ўтса, ўқувчиларнинг шу вақтгача мактабда олган билимларини умумлаштириб, аруз илмининг асосий қоидаларини яна бир бор эслатиб ўтса, мақсадга

мувофиқ бўлади. Ҳукутовчининг бу хусусдаги суҳбати қуйида  
гича мазмунда бўлиши мумкин.

Аруз шеърӣ ўлчов тизими туркий адабиётларда тахминан  
X асрдан бери қўлланиб келади. Унинг асосий хусусияти  
шеър мисраларида қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг маълум бир  
тартиб билан такрорланишидир.

Сизга маълумки, қисқа унли билан тугалланган очиқ бўғин-  
лар қисқа бўғин саналади ва шеър чизмасида V белгиси билан  
ифодаланadi. Масалан, китоб, зафар, умид каби сўзлар-  
нинг биринчи бўғинлари қисқа бўғинга мисол бўлади.

Чўзиқ унли билан тугалланувчи (масалан, доно, зебо сўз-  
ларидаги каби) очиқ бўғинлар, шунингдек, таркибида қисқа ун-  
ли бўлган (масалан: мактаб, меҳнат сўзларидаги каби) ёпиқ  
бўғинлар чўзиқ бўғин саналади ва шеър чизмасида — белгиси  
билан ифодаланadi.

Таркибида чўзиқ унли бўлган (шоҳ, офтоб сўзларидаги ка-  
би), шунингдек, қўш ундош билан тугалланувчи (ишқ, илм,  
меҳр, даҳр, жисм каби) ёпиқ бўғинлар ўта чўзиқ бўғин деб  
аталади ва шеър чизмасида —V (мисра ичида) ёки ~ (мисра  
охирда) белгиси билан ифодаланadi.

Қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ бўғинларнинг бирикувидан хил-  
ма-хил руқнлар ҳосил қилиниб, улар асосида шеърӣ ўлчовлар  
тузилади. Сиз 6—10- синфлардаги дарслар давомида хилма-хил  
вазвлар билан танишгансиз.

Шу хил маълумотдан сўнг ўқитувчи Навоийнинг „Мезонул  
авзон“ асарига кўчади ҳамда унинг мазмуни ва аҳамияти ҳақи-  
да тахминан қуйидагича тўхталади:

Алишер Навоийнинг „Мезонул авзон“ асари туркий тилда  
аруз вази ҳақида ёзилган биринчи асардир. Шоир унда шеър-  
рийатимизнинг асосий ўлчовига доир қонун-қоидаларни баён  
қилади.

Рисолада аввало аруз вазининг асоси бўлган саккиз асосий  
руқн ҳақида маълумот берилади. Улар фаулун, фойлун, ма-  
фойлун, фойлотун, мустафйилун, мафъулоту, мутафойлун ва  
мафойлатун руқнлари бўлиб, уларнинг турлича такроридан  
арузнинг асосий ўлчов турлари бўлган баҳрлар ҳосил қилина-  
ди. Жумладан, фаулун руқнининг такроридан мутақориб деб  
аталган, мафойлун руқни такроридан ҳазаж деб аталган, фой-  
лотун такроридан рамал деб аталган ўлчов—баҳр юзага келади.

Бу ўринда ўқитувчи қуйидагича тузилган жадвалга ўқув-  
чилар диққатини жалб қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, ушбу саккиз руқн—сўз ўлчови шеър мисралари-  
даги хилма-хил ритмик бўлакларни ўлчаши учун етарли эмас.  
Шунинг учун уларни турлича ўзгартириб, тармоқ руқнлар ҳосил  
қилинади. Асарда ана шу ўзгаришлар, саккиз руқнни ўзгарти-  
ришдан кейин ҳосил бўлган тармоқ руқнлар бирма-бир санаб  
ўтилади. Жумладан, мафойлун руқнини 12 хил ўзгартириш  
натijasида унинг қуйидагича 12 тармоқ руқни ҳосил бўлади  
(152 - бегдаги жадвалда кўрсатилади).

Ана шу хил ўлчовлар асосида мафойилун такроридан ҳосил бўладиган ҳазаж баҳрининг хилма-хил вазилири тузилади. Буларнинг кўпгина турларини биз дарслар давомида кўриб ўтганмиз. Масалан, „Фарҳод ва Ширин“ дostonида мафойилун мафойилун фаулун рукнларидан фойдаланилган, „Лайли ва Мажнун“ дostonи эса мафъулу мафойилун фаулун рукнлари такрорига асосланган эди.

№	Рукн номи ва чизмаси	Унинг такроридан тузилган баҳр ном
1.	фаулун V—	мутақориб
2.	фойилун —V—	мутақорик
3.	мафойилун V—	ҳазаж
4.	фойлотун —V—	рамал
5.	муштафийлун —V—	ражаз
6.	мафъулоту —V—	—
7.	мутафойилун VV—V—	қоқил
8.	мафойилагуи V—VV—	вофир

№	тармоқ рукн ва чизмаси	аталлини
1.	мафойилон V—~	мусаббар
2.	мафойилу V—V	мақфуф
3.	мафойилун V—V—	мақбуз
4.	мафъулун —	аҳрам
5.	мафъулу —V	аҳраб
6.	мафойил V—~	мақсур
7.	фаулун V—	маҳзуф
8.	фойилун —V—	ақтар
9.	фаал V—	ажабб
10.	фаул V~	аҳтам
11.	фаъ —	абгар
12.	фоъ ~	азалл



„Мезонул авзон“ да юқоридаги руқнлардан икки хилининг такроридан тузиладиган яна 12 баҳр келтирилади. Навоий ўз асарида аруз вазнида қўлланувчи жами 19 баҳрни санаб ўтади, уларнинг тузилиши—руқнлар таркибини тушунтиради. Ана шу 19 баҳр 9 доира шаклида изоҳланади.

Алишер Навоий рисолада 19 баҳрнинг энг ёқимли вазнларини санаб, уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиради. Шоир халқ оғзаки ижодидаги арузга мос келувчи „муҳаббатнома“, „туркий“, „мустаҳзод“ каби номлар билан аталувчи вазнларни ҳам бирма-бир санаб ўтади.

Кўрамызки, „Мезонул авзон“ рисоласида аруз вазнининг қонун-қондалари адабиётшунослигимизда илк бор туркий тилда баён қилинди. Ушбу асар аруз вазнининг анчагина мураккаб бўлган қонунларини ўрганишда туркий халқлар шоирлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Улар туркий тилда ёқимли оҳангга эга бўлган шеърлар битиш учун қайси баҳрлар, уларнинг қандай ўлчовлар мувофиқ келишини билиб олдилар. Бинобарин, мазкур асар туркий (эски ўзбек) тилида кўплаб янги шеърларнинг яратилишига сезиларли таъсир кўрсағди.

Муҳаммад Солиҳнинг „Шайбонийнома“ дostonидан парчани 6-синфда ўрганиш жараёнида ўқувчилар ушбу асарнинг вазн хусусиятлари билан ҳам танишган эдилар. 10-синфда дoston кенгроқ таҳлил қилинади.

Асарни ўқишдан аввал ўқитувчи шоир мурожаат қилган ўлчовлар рамали мусаддаси махбуни маҳзуф, рамали мусаддаси махбуни мақсур, рамали мусаддаси махбуни мақтуъ ҳамда рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларини эсла-тиб, уларнинг:

фоилотун файлотун файлун,  
фоилотун файлотун файлон,  
фоилотун файлотун фаълун,  
фоилотун файлогун фаълон

руқнларига асосланишини таъкидлаб ўтади, асардаги ҳар қайси мисрани ана шу руқнларга хос оҳанг билан ўқиш лозимлигини уқтиради.

Дostonда ўта чўзиқ бўғинлар кўп қўлланган, кўшиб ўқиладиган ўринлар ҳам анчагина. Шунинг учун дostonдан парчалар ўқилганда шундай жиҳатларга алоҳида диққат қилиниши зарур. Масалан, Шайбонийхон мадҳига бағишланган бўлимда хоннинг шеърга муносабати баён қилинган парчани кўздан кечирайлик:

Таъб бирла мутасаррифдур ўзи,

Ҳол бирла мутасаввифдур ўзи,  
Таъбидир асру бийик ҳимматидек,  
Сўз уни яхши бори ниятидек.

Шеърни ҳўб ташир завқ била,  
Ўзи ҳам ҳўб айтур шавқ била

Турки абъёти эрур шарбати ноб,

Фёрсий шеърлари ҳам сероб.

Борча серобу саяису дилкаш.

Табъ аҳлига жалису дилкаш.

Асру машҳур муаммолари бор,

Туркча тил била имолари бор.

Қалами доғи эрур мушкфишон.

Хатидек бермадилар ҳеч нишон.

Дардмандонадур овози анинг,

Бордур ул шевада эъжози анинг.

Кўринадики, достон вазилари ушбу парчадаги табъ, ҳол, ноб, шеър, хўб, ҳеч, бор сўзлари, фёрсий, туркча, дардмандонадур сўзларининг биринчи бўғинлари, машҳур сўзининг иккинчи бўғинининг ўта чўзиқлигини ҳисобга олиб, улар таркибидаги унлиларни чўзиб, завқ, шавқ сўзлари, мушк-фишон сўзининг биринчи бўғини таркибидаги мушк сўзида охириги ундошларни зав-қ, шав-қ, муш-к тарзида алоҳида қисқа бўғин тарзида, таъкидланган ўринларда эса бўғинларни қўшиб ўқишни тақозо этади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърятини ўрганиш жараёнида шоирнинг вазн танлаш, асарлардаги мусиқий оҳанг, жозибадорликка эришиш соҳасидаги маҳоратининг янги қирралари ёритилади.

Дастурга мувофиқ, 10- синфда шоирнинг „Топмадим“, „Қолдиму“ радифли, шунингдек, „Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим“, „Гурбатда ул ой ҳажри мени пир қилибдур“ мисралари билан бошланувчи ғазалларининг ғоявий-бадий таҳлили кўзда тутилган.

„Топмадим“ радифли ғазал анчагина мураккаб бўлган мазориъи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган, унинг рукнлари ва чизмаси эса:

мафъулу фоилогу мафойду фонлун  
— — √ — √ — √ √ — — √ — √ —

тарзидадир. Асарни ифодали ўқиш учун ундаги мушкул ўринларга алоҳида диққат қилиш зарур. Шеър қуйидагича ўқилади:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,

Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдек ўзга жони дилафгор кўрмадим,

Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало.

Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқаги била хўй этмишам, нетай,

Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.  
 Бори борай эшикига бу навбат, эй кўнгул,  
 Нечаки бориб эшикига **б**ор топмадим.  
 Бобур, ўзумни ўргатакўр ёрсизки, мен  
 Истаб жаҳонни мунча кезиб **ё**р топмадим.

Кўринадики, ғазалдаги **бор**, **ёр** сўзлари, қофиядош сўзларнинг охириги бўғинлари, **ночор** сўзининг иккинчи бўғини ўта чўзиқ бўлгани учун улар таркибидаги унлилар чўзиб, таъкидланган ўринлардаги бўғинлар қўшиб ўқилиши керак.

“Қолдиму” радифли ғазални шоир рамали мусаммани маъзуф вазнида яратган эди. Бинобарин, бу шеърни ана шу вазнга махсус бўлган:

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
 —V— —V— —V— —V—

рукилари ва чизмасига мувофиқ ўқиш лозим бўлади.

Ғазалда ўқиш учун мураккаблик қиладиган ўринлар деярли учрамайди. Фақат асарнинг биринчи мисрасидаги **чарх**нинг сўзидаги **чарх** бўғинининг ўта чўзиқлигини ҳисобга олган ҳолда **а** унлисини чўзиб талаффуз қилиш зарур. холос.

Бадий таҳлил учун мўлжалланган “Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида **сарғардим**” мисраси билан бошланувчи ғазал ҳазажи мусаммани солим вазнида бўлиб, унинг рукилари ва чизмаси:

мафойлун мафойлун мафойлун мафойлун  
 V— — V— — V— — V— —

тарзидадир. Ғазалда қўшиб ўқилиши зарур бўлган ўринлар анчагина. Уларни кўздан кечирайлик:

Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим,  
 Кўруб раҳм айла-ил, эй доларух, бу чеҳраи зардим.

Сен, эй гул, қўймадинг саркаштинингни сарвдек ҳаргиз,  
 Оёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.  
 Латофат гулшанида гул каби сен сабзу хуррам қол,

Мен арчи даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.  
 Хазондек қон ёшим сориг юзимдин эл танафурда,  
 Баҳор ранги, биҳамдилаҳ, улусдин ўзни қутқордим.  
 Не толеъдур мангаким, ахтари бахтим топилмайди,  
 Фалак аврақини ҳар нечаким дафтардин ахтардим.  
 Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,  
 Бу оламда ўзумни чун ёмон, яхшидин ўтқардим.

Шеърни ифозали ўқиш учун даҳр сўзи, сарвдек сўзининг биринчи бўғинини даҳ-р, сар-в тарзида, таъкидланган бўғинларни эса қўшиб ўқиш зарур.

„Гурбатда ул ой ҳажри мени пир қилубдур“ газали ҳазражи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, рукнлари ва чизмаси:

мафъулу мафойилу мафойилу фаулун  
— — √ √ — — √ √ — — √ √ — — √ — —

тарзидадир. Шеър қуйидагича ўқилади:

Гурбатда ул ой ҳажри мени пир қилибтур.  
Ҳижрон била гурбат менга таъсир қилибтур.  
Мақдур борича қилурам саъйи висолнинг,  
То тенгрини билмонки не тақдир қилибтур.  
Тақдирдур ул ёну бу ёи солгучи, йўкса,  
Кимга ҳаваси Санбалу Татйир қилибтур.  
Бу Ҳинд ери, ҳосилидин кўп кўнгул олдим,  
Не судки бу ер мени дилгир қилибтур.  
Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур.  
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур.

Таъкидланган ўринлардан кўришиб турибдики, газалда ўта чўзиқ бўғинлар анчагина бўлиб, улар таркибидаги унлилар ҳамма ўринда чўзиб талаффуз қилиниши лозим. Хусусан, кофияланувчи пир сўзи, таъсир, тақдир, Татйир, дилгир, тақсир сўзларининг иккинчи бўғинлари, шунингдек, мисралардаги Ҳинд сўзи, судки, ёрки сўзларининг биринчи, мақдур, тақдир, маъзур сўзларининг кейинги бўғинлари ўта чўзиқ бўлгани учун улар таркибидаги унлилар чўзиб, кўрсатилган ўринларда сўзлар қўшиб ўқилади.

Шермуҳаммад Муниснинг „Дўстлар, менсиз даме оҳанги ишрат қилмангиз“ деб бошланувчи газали рамали мусаммани маҳзуф, 3-, 7-, 9- мисралари эса рамали мусаммани мақсур вазнлари асосида ёзилган.

Дўстлар, менсиз даме оҳанги ишрат қилмангиз,  
Сиз ичиб саҳбо, мени хунхори ҳасрат қилмангиз.

Гар муяссар бўлса бир маҳбуб ила базми нишот.  
Менсизини суҳбат тузарга майлۇ рағбат қилмангиз.  
Топсангиз базми висоли анда ёт этмай мени,

Зор кўнглумни асири доғи фурқат қилмангиз.

Мен киби йўқтур арода манкуби маҳмури айш.  
Кимсага мендин зиёда бода шафқат қилмангиз.

Аҳли доғиш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб.  
Жамъи нодонлар била изхори улфат қилмангиз.

Дўст улдуким, ёмон кун юз эвурмас дўстидин,  
Мунис аҳволин кўруб тарки муҳаббат қилмангиз.

Ғазалии ифодали ўқиш учун биринчи ва охириги байтда дўст, учинчи байтдаги зор, шунингдек, айш сўзи, нишот, китоб сўзларининг кейинги бўғинлари таркибидаги унлиларни чўзиб, таъкидланган ўринларда эса бўғинларни қўшиб талаффуз қилиш лозим.

Шоирнинг „Ошно“ радифли ғазалининг барча мисралари рамали мусаммани маҳзуф ўлчовида битилган. Шеърни ифодали ўқиш жараёнида баъзи бўғинларга алоҳида диққат қилиш зарур бўлади.

Ғазал қуйидагича ўқилади:

Давлатинг боридадурлар барча олам ошно,  
Қайтгач давлат жаҳонда топилур кам ошно.  
Ўйла бекаслик мени маҳзунга топмиш дастким,  
Бир киши йўқтур манга жуз кулфату ғам ошно.  
Баски даврон хоҳиши бегоналиғ солмоқғалур,  
Бир бирига бўла олмас икки ҳамдам ошно.  
Кимки бўлди ошно, ёт айлади бегоналиғ.  
Топмадим бу давр аро бир аҳди маҳкам ошно,  
Ғар вафо бўлса бирида бўлғай эрди, кўрмадим,  
Бўлдилар ҳар нечаким авлоди одам ошно.  
Ҳажр ранжидин ўларга етмишамким, кўрсалар,  
Ҳолима тутқай азо бегона, мотам ошно.  
Ишқ аро ул навъ эрур ваҳшат мени мажнунғаким,  
Ўзгани демай, бўла олмас кўнгул ҳам ошно.  
Дард чекмак, ашк тўкмак ишқ элига хосдур,  
Ҳар кўнгулга дард, ҳар кўзга эмас нам ошно.  
Мунисо, даврон ғами бегона бўлса тонг эмас,  
Қим сенга бўлмиш бийик донишвар Акрам ошно.

Кўриниб турганидек, ошно радифининг биринчи бўғини, ҳажр, дард, ашк сўзлари, қайтгач, дастким, хосдур сўзларининг биринчи бўғинлари ўта чўзиқ, шунга кўра улар таркибидаги унлилар чўзиб талаффуз қилинади, таъкидлаб қўйилган ўринлардаги бўғинлар эса кейингиларига қўшиб ўқилади.

Муниснинг „Басе ғам боридин . . .“ деб бошланувчи ғазали ҳажажи мусаддаси маҳзуф вазнида бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

мафонийлун мафонийлун фаулун  
V---- V---- V---

тарзидадир. Шеърда ўқишни мушкуллаштирувчи ўринлар йўқ, шунинг учун ҳар бир мисрада юқоридаги каби рукнлар оҳангига эътибор қилинса кифоя.

„Шириң сухан Лайливашим вақтики қоҳир бўлғуси“ мисраси билан бошланадиган мухаммас ҳам рамали мусамманми маҳзуф вазнида ёзилган. Асар вазнини сақлаш учун иккинчи банддаги зорға сўзининг биринчи бўғини ҳамма меҳр сўзи, учинчи банддаги навъ сўзи, тўртинчи банддаги қофиядош жомға, нофоржомға, беоромға, исломға сўзлари ҳамкешлик сўзининг иккинчи бўғини, бешинчи банддаги нешдин сўзининг биринчи бўғини, олтинчи банддаги дилдор сўзининг кейинги бўғини таркибидаги увлиларни чўзиб талаффуз этиш, учинчи банддаги ихлос ила, ғамзангдин ўлтурмак, устод улса, тўртинчи банддаги ғайр ила, майл этти, бешинчи банддаги сабт ўлғуси, олтинчи банддаги дафъини эг радифи, еттинчи банддаги хусн ичра, ақл айлаб сўзларини қўшиб ўқиш лозим.

Шоирнинг мустақил ўқиш учун тавсия қилинган „Ҳануз“ радифли ғазали рамали мусамманми мақсур вазнида ёзилган бўлиб, ўқиш чоғида бир қатор ўринларга диққат қилиш зарур.

Гунчалар оилди-ю, кўнглум очилмайдур ҳануз,

Булбулосо хотирим гул майли қилмайдур, ҳануз.

Заъф аро ушшоқға ибрат бўлубман, оҳким,

Кўзга аҳволи низорим ёр илмайдур ҳануз.

Ваъдаий вася айлаб эрди, айлади таъхир кўп,

Ё ибо қилди-ю, ё ёдига келмайдур ҳануз.

Пеша айлаб чарх золи тинмайин тун-кун даме.

Дилбаримча жавр ойлини билмайдур ҳануз.

Ёрни ашким ғарқ этиб зўр этти оҳим сарсари,

Недин эркандур фалак тоқи йиқилмайдур ҳануз.

Юз надомат бирла эмди ўзни ўлтурсам не тоғ,

Сажда қилмоқлиғқа бошим бир эгилмайдур ҳануз.

Ихтиёр этса агар Мунис яна саргашалик,

Панд қилмангким, жунунидин ойлмайдур ҳануз.

Кўринадики, ғазалдаги ёр, оҳ, чарх, жавр, панд сўзлари, шунингдек, ушшоқ, таъхир, ҳануз сўзларининг иккинчи бўғинлари ўта чўзиқ бўлиб, улар таркибидаги увлиларни чўзиб талаффуз қилиш, 1-, 2-, 3-, 5-, 7- мисраларидаги таъкидланган сўзларни қўшиб ўқиш талаб қилинади.

Мунис ғазал ва мухаммасларининг бадииятини ўрганиш давомида шоирнинг вазн танлаш, ўз асарлари оҳангдорлигини таъминлашдаги маҳорати, ҳар қайси шеърдаги ўлчовнинг гоёя, лирик қаҳрамон қиёфасини очишдаги аҳамиятига ҳам тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

10- синфда Турди Фароғийнинг бир қатор шеърларини таҳлил қилиш назарда тутилган. Шоирнинг „Субҳонқулихон“ мухаммасини ўқиш ҳамда вазни устида ишлаш алоҳида эътиборни тақозо этади. Гап шундаки, ҳажм жиҳатидан анча катта бўлган ушбу ҳажвий асар рамал баҳрига мансуб вазнларда

битилган. Шеърнинг аксар мисралари рамали мусаммани махбуни мақсур ўлчовида ёзилган бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

фоилотун    файлотун    файлотун    файлон  
 —V— —    VV— —    VV— —    VV~

кўринишидадир, Хусусан, ҳажвиянинг биринчи ва учинчи бандлари шу ўлчов асосида битилган. Ушбу бандлардаги мисраларни юқоридаги рукнлар оҳангига мувофиқлаштириб ўқиш талаб қилинади.

Жойи осойиш эмас ҳеч кима бу кўҳна равоқ,  
 Ёғдирур бошимиза санни жафо, гарди фироқ.  
 Йўқолиб расми вафо, бўлди ҳама бошу оёқ,  
 Мулкдин адлу карам кетти, келиб кийну ни оёқ,  
 Яхшилик қилма тамаъ, зулм ила дўлди офоқ.  
 Шоҳ ҳамбазм ўлуб хожасаролар била ёр,  
 Ҳукм баръаке суруб бўлди ёмонлар сардор.  
 Хор ўлди уламою фузало, шайху кибор,  
 Кўриниш юрт иши топди на ерларга қарор,  
 Хон жилови ики бадракка тегиб бўлди иноқ.

Ана шу вази қўлланган бандлардаги бир қатор мисралар мазкур ўлчовга яқин турувчи рамали мусаммани махбуни мақсути мусаббағ вазида ёзилиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

фоилотун    файлотун    файлотун    файлон  
 —V— —    VV— —    VV— —    —~

тарзидадир. Жумладан, юқоридаги парчада биринчи банднинг бешинчи ва иккинчи банднинг иккинчи мисралари ушбу ўлчов заминидадир. Шу нарсага алоҳида эътибор қилиш лозимки, ҳар қайси банддаги сўнги, бешинчи мисралар юқоридаги ўлчовларнинг униси ёки буниси асосида битилган.

Ҳажвиядаги кўпгина бандларнинг 1—4-мисралари рамали мусаммани махбуни мақсуф ўлчовида бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

фоилотун    файлотун    файлотун    файлон  
 —V— —    VV— —    VV— —    VV—

тарзидадир. Хусусан, шеърнинг:

Ҳукмидур жумла либосию ишидур амали,  
 Сўзидур бетагу фармону нишони жаали,  
 Мумсикун сифлаи дундурки бағоят қабили,  
 Анга ўхшарки қолон бурунчиларнинг масали:

„Ёғ ишқордин олуру қора сувдин қаймоқ“.  
Едингиз барчангиз итлек фуқаронинг этини,  
Ғасб ила молин олиб, қўймадингизлар битини,

Қамчилар доғ солиб бўйшиға, тилиб этини,  
Ёрдингиз захрасини, (ичидан) олиб ўтини,

Бўлмади кам бу раят бошидин ҳеч таёқ

Бандларининг 1—4- мисралари шу ўлчовда битилган.

Шеърда қўлланган яна бир вазн рамали мусаммани махбу-  
ни мақтауъ бўлиб, унинг рукнлари ҳамда чизмаси:

Фойлотун    файлотун    файлотун    фаълун  
—√— —    √√— —    √√— —    — —

тарзидадир. Жумладан:

Қани бир хисрави одилки, анга дод этсам,  
Сўрса ақволими, ғам хирмонини бод этсам,  
Доми меҳнаткададин кўнглили озод этсам,  
Ким бузулгон дили вайлонани обод этсам,

Айласам бўси адаб шоҳ кўюб қайда оёқ.  
Эй юзи қора, кўзи кўр, қулоғи қар беклар,  
Билингиз бу сўзимни панд саросар, беклар,  
Айлангиз паправии шаръи поямбар, беклар,

Сизга дарқор бу юрт, эй гала — занғар беклар,  
Бу қадим нақл эрур, „Эл работу тўра — кўноқ“

Бандларининг 1—4- мисралари шу вазнидадир.

Шеърни ифодали ўқиш учун таъкидланган ўта чўзиқ бў-  
ғинлар ва қўшилиб ўқиладиган сўзлар талаффузига эътибор  
қилиш зарур.

Шоир ўз асарига хилма-хил вазнларни қўллар экан, оҳанг  
ранг-баранглигига эришган, буни бадиий таҳлил давомида таъ-  
кидлаб ўтиш лозим.

Турдининг „Тор кўнгилик беклар...“ ғазали рамали му-  
саммани маҳзуф вазнида битилган бўлиб, уни ўқиш қийин  
эмас, фақат охириги байтдаги мардлар, захмлар сўзларининг  
биринчи бўғинларига диққат қилиб, биринчисига унлини  
чўзиб, иккинчисига „м“ ундошини алоҳида, қисқа бўғин  
(заҳ-м) тарзида ўқишга диққат қилиш kifоя.

„Бир сари азм айла, жойи номусулмондур бу мулк“ деб  
бошланувчи ғазал рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган.  
Уни ифодали ўқиш учун ўта чўзиқ бўғинларга эътиборни қара-  
тиш зарур. Шеър қуйидагича ўқилади:

Бир сори азм айла, жойи номусулмондур бу мулк,

Фитнаи авбош, зулму куфру тугендур бу мулк.  
Бир катиба ҳурматидин лек ислом оти бор,  
Мутла: о киртори хайли кофиристондур бу мулк.

Дур аҳду танг чашму, бесару Яъжуж вазъ,



Мухталиф мазҳаб гуруҳи Ўзбекистондур бу мулк,  
 Нақди жон берсанг, топилмас истасанг бир зарра айш,  
 Меҳнату андӯҳни сўрсанг, фаровондур бу мулк,  
 Жойи исломч мусулмонлиг, Фароғий истама,  
 Пойтахти кишвари Субҳонқулихондур бу мулк.

Шеърга асос бўлган вазн мисралардаги мулк, лек, дур, танг, айш сўзлари, пойтахт сўзидаги биринчи, авбош, яъжуж, андуҳ сўзларидаги иккинчи бўғинлар ўта чўзиқлигини ҳисобга олиб, улар таркибидаги унлиларни чўзиб талаффуз қилиш. айни вақтда, биринчи мисрадаги азм айла сўзларини қўшиб ўқишни тақозо этади.

Шоирнинг мустақил ўқиш учун тавсия қилинган „Турди-ман“ ғазали ҳам „... Яхши замонлар кўрдиман ...“ мухаммаси каби рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган.

**Бобораҳим Машрабнинг** 10- синфда ўрганиладиган асарлари хилми-хил вазнларда битилган бўлиб, уларни ўқиш, таҳлил қилиш давомида ўқувчилар аруз тизими хусусиятларини янада чуқурроқ ўзлаштириб оладилар. Шоирнинг мактаб дастуридан ўрин олган „Ишқ водисидин бир кеча мен ҳай-ҳалаб ўт-тум“ мисраси билан бошланувчи ғазали ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф вазнида бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

мафъулу    мафоййлу    мафоййлу    фаулун  
 — — √    √ — — √    √ — — √    √ — —

тарзидадир.

Шеърни юқоридаги рукнларга мос оҳангига риоя қилиб, иккинчи байтдаги дасторни, тўртинчи байтдаги афоқни, олтинчи байтдаги айёр, тўққизинчи байтдаги хомуш сўзларининг иккинчи бўғинлари ўта чўзиқлигини ҳисобга олиб, улар таркибидаги унлиларни чўзиб, биринчи байтдаги зуҳҳод элини, еттинчи байтдаги билмак учун, шунингдек, ўгтум радифи олдинда турган барча сўзларни радиф билан қўшиб талаффуз этиш зарур.

Шоирнинг „Ишқ мазҳабига тақвию тоат чидаялмас“ мисраси билан бошланувчи ғазали ҳам худди шу ўлчовда ёзилган. Шеър вазни ғазалдаги фақр (4- байт) сўзи таркибидаги охирги ундошни алоҳида бўғин қилиб (фақ-р тарзида), шунингдек, шоҳ (9- байт) сўзи, маҳлиқони (6- байт) сўзининг биринчи бўғини, боякбор (2- байт) ва Мажнун (7- байт) сўзларининг кейинги бўғинлари ўта чўзиқлиги учун улар таркибидаги унлиларни чўзиб, бетоқаг ўлуб (2- байт), ҳайратдан агар (3- байт), осойиш ила (4- байт), зоҳид агар (6- байт), ишқ элини (9- байт) ҳамда кўнгил ила (10- байт) сўзларини қўшиб ўқишни тақозо қилади.

Шоирнинг „Ажаб мажнундуман“, деб бошланувчи ғазали ўқувчиларга яхши таниш бўлган ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган, бинобарин, унинг руқилари ҳамда чизмаси:

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
V--- V--- V--- V---

тарзидадир. Ғазалда ўта чўзиқ бўғинлар қўлланмаган, фақат биринчи байтдаги **мавж уруб**, егтинчи байтдаги **ҳайрат ичра** сўзларини қўшиб ўқиш билан асар оҳангини сақлаш мумкин бўлади.

„Уртар“ радифли ғазал ҳам шу ўлчов асосида битилган бўлиб, унда ҳам ўқилиши мураккаб ўринлар жуда оз. 6-байтдаги **осмон** сўзининг биринчи бўғини, 2-, 3-, 6-байтларнинг қофияланмайдиган мисралари охирида келган **гирён**, **ҳайрон**, **бўлмоқ** сўзларининг иккинчи бўғинлари ўта чўзиқлиги учун улар таркибидаги унлиларни чўзиб ўқишга диққат қилиш кифоя.

Ушбу шеърлар бадияти таҳрир қилинар экан, танланган ранг-баранг вазилар туфайли Машраб ғазалларидаги ғоялар ёрқин ифодаланаётганини, лирик қаҳрамон кечинмалари ғоят таъсирчан акс этаётганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Хувайдо қаламига мансуб „**Нафсинг сени қаттиғ бало**, **албатта ургил пой анго**“ деб бошланувчи ғазал ражази мусаммани солим ўлчовида ёзилган бўлиб, унинг руқилари ва чизмаси:

мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун  
--V-- --V-- --V-- --V--

тарзидадир. Шоирнинг „**Хоки пойи яхшилар бўл**, **ҳок бўлмасдин бурун**“ деб бошланувчи ғазали рамали мусаддаси маҳзуф вазнида, „**Қайси кун келди жаҳонга ...**“ деб бошланувчи ғазал ҳам шу ўлчов асосида битилган. Бу ғазалларни ўқиш жараёнида руқилар оҳангини сақлашга алоҳида диққат қаратилиши керак.

**Жаҳонотин Увайсийнинг** „Замона кулфатидин“, деб бошланувчи ғазали ҳазажи мусаммани солим вазни асосида битилган. Унинг руқиларини юқорида кўриб ўтган эдик. Ғазал қуйидагича ўқилади.

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу чархи бемуруватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоми рақиблардин,  
Бу кўтаҳ мардуми нофаҳмдин доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу гулзори фано ичра маҳалли Сехалал йўқтур,  
Ҳамиша хорадин захму, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Фано мардумларини сиринин ҳеч кимса йўқ огаҳ,

Қабиҳ гуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Кўнгул қони бу роҳи диладин бир лаҳза банд ўлмаз,  
Вужудим изтироб айлаб, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Тўлубдур бағрим ичра қон мисоли гунча, найлармен,

Очидмай гул сифат ушбу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Сўзумдин хотиринг узра гумони ўзга еткурма.  
Ки изҳор айламай найлай, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.  
Мени расвои оламдин мабодо ихтироз этма,  
Такаллум бирла шод айла, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.  
Кўнгулни оташни бежо қилибдур нутқи гуфтори,  
Қаю боғ андалибидин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Бу сўзни айлади барпо ажаб густоҳлик бирла,  
Малоли хотир ўлгойму, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким,

Умархон зуфнуниким, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Бинобарин, ғазалдаги „зуфнун“ сўзининг биринчи, „гуфтор“, густоҳлик сўзларининг иккинчи бўғинлари таркибидаги унлилар чўзиб, нофаҳмдин сўзининг иккинчи бўғини фаҳ-м тарзида кейинги ундошни алоҳида қисқа бўғинга айлантириб, таъкидланган ўринлардаги сўзлар эса қўшиб ўқилади.

Увайсийнинг „Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман“ мисраси билан бошланувчи ғазали ўқувчиларга таниш ҳазажи мусаммани ашгар вазнида бўлиб, унинг рукилари ва чизмаси:

фоилун      мафойилун      фоилун      мафойилун  
—V—      V——      —V—      V——

кўринишидадир. Шеър қуйидагича ўқилади:

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,

Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.  
Истадим бу оламни, топмадим вафо аҳли,  
Барчадин юмуб кўзни мўддао Увайсийман.  
Кечалар фиғонимдин тинмади кавокиблар,

Ўрз то само узра можаро Увайсийман.

То кўруб хароботни таън этма, эй зоҳид,  
Бир нафас эмас холий иқтидо Увайсийман,

Фақр боргоҳига қўйса гар қадам ҳар ким,  
Бош анга керак бўлса, жон фидо Увайсийман.

Вайси бериёзат деб сахл тутма, эй ориф,  
Ишқ аро ниҳон, дарди бедлаво Увайсийман.

Кўриниб турибдики, шеър вазни оҳангини сақлаш учун арз, таън сўзлари, шунингдек, ошно, боргоҳига сўзларидаги биринчи бўғинлар таркибидаги унлиларни чўзиб талаффуз этиш, фақр, сахл сўзларининг охириги ундошларини фақ-р, сах-л тарзида алоҳида бўғин қилиб, таъкидланган ўринлардаги сўзларни эса қўшиб ўқиш лозим.

Шоира танлаган бу ўлчовлар асарларда ифодаланган ғояларни таъсирчан ифодалашга хизмат қилганини таъкидлаб ўтиш ҳам муҳим.

Нодира ижодини ўрганиш давомида унинг бир қатор ғазаллари таҳлил этилади. Шоиранинг 10-синф дастуридан ўрин

олган „На гул сайр айла . . .“ деб бошланувчи ғазали ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган, бинобарин, унинг руқнлари ва чизмаси:

мафойилун      мафойилун      фаулун  
V---              V---              V---

тарзидадир. Шеър қуйидагича ўқилади:

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,  
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.  
Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт.  
Узору қадди рафторингни кўрсат,  
Чаман сарву гулини шармсор эт  
Лаби махмуридурмен, жоми май тут,  
Карам қил, соқие, дафъи хумор эт,

Аналҳақ можаросин айладинг фош,

Кел, эй Мансур, истиқболи дор эт.  
Дури ашки ақиқи хуни дилни.

Келур ёринг аёғига нисор эт.

Куйиб. эй Нодира, олам элиға.

Муҳаббат шевасини ошкор эт.

Ғазалдаги **фош** сўзи, **ошкор** сўзининг биринчи, „Мансур“ сўзининг иккинчи бўғинлари ўта чўзиқ бўлгани учун улар таркибидаги унлилар чўзиб ўқилади. **Шармсор** сўзининг биринчи бўғини **шар-м** тарзида, кейинги ундошни алоҳида бўғин қилиб талаффуз этилади. Айни вақтда **сайр айла**, **гар одамсан**, **кел**, **эй** сўзлари, шунингдек, барча байтлардаги қофиялар ва радифлар қўшиб ўқилади.

Шоира қаламига мансуб бўлган „Фалак“ радифли ғазал асосан **рамали мусаммани маҳзуф** (руқнлари: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазнида ёзилган бўлиб, 4-, 5-, 7-байтларнинг қофияланмайдиган мисралари унга яқин бўлган **рамали мусаммани мақсур** (руқнлари: фоилотун фоилотун фоилотун фоилон) ўлчовидадир. Шеър қуйидагича ўқилади:

Ёрдин айру мени бедилни зор этти фалак,

Ёшурун дарди дилимни ошкор этти фалак.

Кўзларимни кавкаб афшон айлади мардум каби,

Маҳлиқоларнинг юзидин **шармсор** этти фалак.

Кетти ул хуршиди маҳпайкар, ани ҳижронда,

Интизор айлаб кўзимни ашкбор этти фалак.

Ихтиёрим бор эди ҳар ишни қилсам ихтиёр,

Ёрдин айлаб жудо беихтиёр этти фалак.

Эрди хоки пайкарим андўҳ тоғидин гарон.

Поймоли хайли ғам айлаб ғубор этти фалак.

Ғунча гулшанда Азизи Мисри истиғно эди,

То нашот изҳор этиб гул бўлди, хор этти фалак.

Қўймайин озоду ҳуррам дил, қилиб макру фусун.  
 Кўп диловарларни марг ила шикор этти фалак.  
 Нодира, кўз тутма гардундин мурувватким баса,  
 Эътибори даҳрни беъътибор этти фалак.

Кўриниб турибдики, асарда танланган вазн мисралардаги ёрдин, ошкор, поймоли сузларининг биринчи, андуҳ, гарон, фусун сўзларининг иккинчи бўғинлари таркибидаги уилицарни чўзиб, кавкаб афшон, марг ила сўзларини қўшиб ўқишни тақозо этади. Айни вақтда шармсор, даҳрни, ашкбор сўзларининг биринчи бўғинлари шар-м, даҳ-р, аш-к тарзида талаффуз этилади.

Муҳаммад Ризо Огаҳий шеърини ўзининг хилма-хил вазнларга бойлиги, оҳангларнинг сержилолиги билан ажралиб туради. Шоирнинг 10-синфда ўрганиладиган лирик шеърлари ҳам шу жиҳатдан аҳамиятлидир.

Огаҳийнинг „Эй ёр, санга ушбу жаҳон . . .“ матлаъли мустаҳзоди ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустаҳзод вазнида ёзилган бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси:

мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаулун
— — √	√ — — √	√ — — √	√ — —

мафъулу	мафойил
— — √	√ — ~

мафъулу	фаулун
— — √	√ — —

тарзидадир. Шеърнинг ўқилиши қуйидагича:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул,

бир ошиқи ҳайрон,  
дийдоринга шайдо.

Бир шэфтадур кокули мушкинингга сунбул,

ҳам холи паршон,  
ҳам бошида савдо.

Ҳам сарв қаднинг жилвасини кўргали қумри,

ҳар дам чекибон оҳ,  
билкул борур ўздин.

Ҳам гул юзинга маҳви жамол ўлғали булбул,

тун-кун чекар афгон,  
тинмай дами асло.

То тушти фироқингга мавнинг ғамзада кўнглум,

ҳар лаҳза ёнодур,  
юз дард ўти ичра.

Эмди анго торторга дами сабри таҳаммул,

йўқ меҳнати ҳижрон.  
раҳм айла, нигоро.

Фарёдки, ислом элини қатл қилурга,

мастона суруб **от**,  
андоқ қилич урдинг.  
Ким, етти дами тийғинг ила қатлға билкул  
мажмуъи мусулмон,  
эй кофири тарсо.

Чашми караминг пур нигоҳи қилғуси **обод**,  
оламини саросар,  
недур бу ситамким.

Чекмакни дариг айламагунг тийғи тағофул,  
бўлса неча вайрон,  
маъмураи дунё.

Хуснингни тамоша қилибон, баҳра олурлар,  
кўзум била кўнглум  
бир-биридан афзун,

Зинҳорки эмди ёзибон юз уза кокул,

айлаб они пинҳон,  
манъ этма томошо.

Манким эшикинг бандалари ожизидурман,  
шукр этмак ишимдур,  
гар очу ва гар тўк,

Лутфингга қилурман бори ҳол ичра таваккул,

ё розиқи маннон,  
сансан анга доно.

Хай-ҳай, не тароватлиғ эрур боғи жамолинг  
ким тергусидир гул  
ондин ҳама олам,

Мундин дурур анвои гулу жола била мул,

ҳам жайби гулистон,

ҳам домани саҳро.

Ҳажринг ғами захрини ичиб Огаҳийи зор,  
ўлмакка етибдур,  
комиға етушмай.

Қилма нафаси ҳолини сурмоқда тааллул,

эй Исоий даврон,  
қилғил ани иҳё

Шоирнинг „Мушкин қошининг ҳайъати . . .“ деб бошлана-  
ди: ан машҳур ғазали **ражази мусаммани солим** вазнида ёзил-  
ган бўлиб, рукнлари ва чизмаси:

мустафъилун    мустафъилун    мустафъилун    мустафъилун  
--V--            --V--            --V--            --V--

тарзидадир. Шеърни ўқиш мураккаб эмас, чунки унда ўта  
чўзиқ бўғинлар кўп қўлланмаган. Иккинчи байтдаги пайванд  
сўзини пайван-д, еттинчи байтдаги меҳр сўзини меҳ-р тарзида,  
шунингдек, тўртинчи байтдаги душворким сўзининг иккинчи  
бўғинидаги унлини чўзиб талаффуз қилиш, бешинчи байтда

булбулдек айлар, саккизинчи байтда сарбод ўлур ва сайр эг сўзларини, радифлар олдидаги сўзларни устина радифига қўшиб ўқиш билан асар вазини сақлашга эришиш мумкин.

„Бизки, букун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз“ мисраси билан бошланувчи ғазал ражази мусаммани матвийи махбун вазнида ёзилган, унинг рукнлари ва чизмаси эса:

муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун  
 -V V- V-V- -VV- V-V-

тарзидадир. Асарни ўқиш жараёнида бир қатор мушкул ўринларга диққат қилиш лозим бўлади. Шеър қуйидагича ўқилади:

Бизки букун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз,  
 Бошимиз узра оҳимиз, шуъласидир кулоҳимиз  
 Қасри рафиъимиз бузуқ кулбаи кўҳнамиз бўлуб,  
 Гушаи ажзу масканат туфроғи тахти жоҳимиз  
 Маркаби ғам-самандимиз, доим алам камандимиз,

Нолаи зор—туғимиз, хайли бало-сипоҳимиз.

Лашкари кибру наҳвату нафс ила тузгали масоф,  
 Ғамкадамиз фазосидур арсаи размгоҳимиз.

Ким бўла олгусти тараф бизгаки, ашқу оҳдин

Тутти еру сипеҳрини шавкату дастгоҳимиз.

Мартабаи уружimiz ажз ила уйла тутти авж,

Ким, бўла олмағай ети чарх ғубори роҳимиз.

Ҳимматимиз баланд эрур уйлаки ҳеч тушмағай.  
 Даҳр дани арусининг жилвасига нигоҳимиз  
 Олами фақр базмида жоми сабуҳи ичкали.  
 Субҳи сафидимиз эрур бизга шаби сиёҳимиз.  
 Шоҳиди манийи вафо ишқини даъви эткали,  
 Чехраи зарду, қадди ҳам келди ики гувоҳимиз.

Бизни бу даҳр боғининг ишрати орузсидин,  
 Шукрки, фарғ айламыш марҳамати илоҳимиз.  
 Оғаҳи, бўлса тонг эмас фақр эли гар мутайимиз,  
 Бизки букун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз.

Таъкидлардан кўриниб турибдики, вазини сақлаш учун ғазал мисраларидаги зор, ҳеч, авж сўзлари, оҳдин, орузсидин сўзларининг биринчи бўғинлари, масоф сўзининг кейинги бўғини таркибидаги унлиларни чўзиб ўқиш, фақр, чарх, даҳр, шунингдек, размгоҳимиз, дастгоҳимиз, шукрки сўзларининг биринчи бўғинларидаги охирги ундошларни алоҳида бўғин қилиш (фақ-р, чар-х, даҳ-р, раз-м, дас-г, шук-р тарзида) талаффуз қилиш, кўрсатилган сўзларни қўшиб ўқиш зарур.

„Огоҳнома“ қасидаси мутақориб баҳрига мансуб икки вазн асосида ёзилган. Улардан бири мутақориб мусаммани маҳзуф ўлҷови бўлиб, рукнлари ва чизмаси:

фаулун фаулун фаулун фаал  
 V--- V--- V--- V-

кўринишидадир. Иккинчиси эса ундан фақат охирги бўғиннинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланувчи мутақориб мусаммани мақсур вазни бўлиб, рукнлари ва чизмаси:

фаулун фаулун фаулун фаул  
 V--- V--- V--- V~

кўринишидадир. Қасида байтларида ана шу икки ўлчов алмашишиб қўлланаверади.

Шеърда ўта чўзиқ бўғинлар анчагина, кўшиб ўқиладиган ўринлар ҳам кўп. Шунинг учун бундай ҳолатларга алоҳида диққат қилиш талаб қилинади. Қасида ҳажми катта бўлгани учун унинг ўқилиши мураккаб бўлган баъзи байтларинигина кўздан кечирамиз.

Аё хисрави маъдалат дастгоҳ,  
 Нажобат сипеҳрида рахшанда моҳ...  
 Замиринни сабр айлабон, шод тут,  
 Бори кулфату ғамдин озода тут.  
 Агарчи бу ғам усру душвордур,  
 Вале чеккали банда ночордур.  
 Қилиб сабр бирла-сукун ошкор,  
 Бори ҳолда шуқр қил ихтиёр...  
 Жаҳон ичра халқ айлади, шоҳлар,  
 Қавий қудрату соҳиби жоҳлар.  
 Қилиб баъзи адлу карам ошкор,  
 Вале баъзи зулму ситам ихтиёр...  
 Бориси кўруб, чарх дундин ситам.  
 Адам сори ночор қўйди қадам...  
 Бировга мақом ўлса гар авжи бахт,  
 Онинг қасди урмоқ они ерга сахт.  
 Биров топса пуржомдин комини,  
 Ситам тошидин синдурур жомини.  
 Биров нўш иқболдин топса баҳр,  
 Берур жом идбордин онга заҳр.

Оғаҳийнинг мустақил ўқиш учун тавсия этилган „Юзинг очким...“ деб бошланувчи ғазали ҳазажи мусаммани солим ўлчовида ёзилган бўлиб, бу хил вази рукнлари ва чизмаси:

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
 V---- V---- V---- V----

тарзида бўлишини юқорида кўриб ўтган эдик. Ғазалда ўта чўзиқ бўғинлар деярли учрамайди (фақат 4-байтдаги жисм,



8- байтдаги кизб сўзини жис-м, киз-б тарзида талаффуз қилиш лозим), аммо қўшилиб ўқиладиган ўринларга ҳар бир байтда дуч келамиз. Ана шу ўринлар эътиборни талаб қиладди.

Ўзинг очким, куёш садқанг бўлуб бошингдин айлансун,  
Янги ой юз тавозуъ кўргузуб, қошингдин айлансун.  
Агарчи лаълу ёқут эл замирига муфарриҳдур,  
Ҳаёт афзо ики лаъли гуҳарпошингдин айлансун.

Тану жоним ҳадаф айлаб, ўку тош отсанг, эй чобўк,  
Бири ўқингдин эврулсин, бири тошингдин айлансун.  
Рақибинг гар эрур хасим, они йўлдош этиб келсанг,  
Санга жон садқа бўлсун, жисм йўлдошингдин айлансун.  
Чу ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаб жамолингдин.  
Ки, ўн саккиз минг олам ўн саккиз ёшингдин айлансун,  
Боқиб кўз учидин пинҳону фаш эттинг тағофиллар,  
Йўку сорим ҳамул пинҳон ила фашингдин айлансун.

Неча қаллош эсам ҳам ағниё олида бош эгмон,  
Ғанийлар ҳиммат ичра ушбу қаллошингдин айлансун.  
Чу бергунг нон ила ош, эй сахий, сидқ аҳлига бергил,  
Риёву кизб аҳли нонингу ошингдин айлансун.

Ул ой кўнглига қилди, Огаҳий, оху ёшинг таъсир.  
Бори жону жаҳоним оҳ ила ёшингдин айлансун.

Огаҳий шеърларининг вазн хусусиятларини ўрганиш жараёнида ҳар қайси асарда танланган вазн гоё ва тимсолларни ёрқин ифодалашга хизмат қилгани таъкидлаб ўтилади.

10- синфда „XIX асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиёти“ мавзуси ўрганилар экан, ўқувчилар шеъриятимизда арузнинг ривожланиш йўллари билан янада муфассалроқ танишиш имкониятига эга бўладилар.

Шоир Алмайнинг шу синфда таҳлил қилинадиган „Ҳаёт“ радифли ғазали рамали мусаммани мақсур вазнида битилган бўлиб, рукнлари ва чизмаси:

фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилон  
—√— —    —√— —    —√— —    —√~

тарзитадир. Шеърни ана шу рукнларга мослаб ўқиш қийин эмас.

Комил Хоразмийнинг мазкур синфда ўрганишга тавсия этилган „Шамъ“ радифли шеъри ҳам шу ҳил вазнида ёзилган. Асарни ифодали ўқиш учун бир қатор ўринлардаги ўта чузиқ бўгинлар ҳамда қўшиб ўқиладиган ўринларга диққат қилиш лозим. Ғазал қуйидагича ўқилади:

Бўлмаса гар бир парининг ишқидин девона шамъ,

Нега ҳар тун ўртанур то субҳ ёна-ёна шамъ?

Баски ишқ ичра эрур собит қадамким, бошини —

Кессалар ҳар неча тебранмай турар мардона шамъ.

Кўрса ҳар маҳфил аро кўнглум жамоли шуъласин,

Айланур парвоз этиб кўрган киби парвона шамъ,

Кўзу кўнглум тийра эрдилар узоринг ҳажрида.

Шукрим топти бир оқшом бу ики кошона шамъ.

Келса ҳар мажлисга, бошига нисор этмак учун,

Оқизур ҳар тун дури ашкани дона-дона шамъ  
Шочим андоқ тийра бўлмиштур узоринг ҳажрида,  
Равшан эткучи шабистоним юзинг жонона шамъ.

Равшан этмас машъали хуршид Комил кулбасин  
Топмаса гар оразингдин бу қаро вайрона шамъ.

Эътибор қилинса, **субҳ сўзи**, **хуршид сўзининг** иккинчи бўғини таркибидаги унлиларни чўзиб, **шукрким сўзининг** биринчи бўғинини **шук-р** тарзида талаффуз қилиш, кўрсатиб қўйилган ўринларда сўзларни қўшиб ўқиш кераклигини кўриш мумкин.

Шоирнинг мустақил ўқишга тавсия эгилган „Тамаъ“ радифли ғазали ҳам шу вазнда битилган. Унинг магнида ҳам ўқилишда мушкулот туғдирувчи анчагина ўринлар мавжуд. Шеърни қуйидагича ўқиш мақсадга мувофиқдир:

Эй кўнгул, зинҳор қилма аҳли даврондин тамаъ,  
Бор эса бу хаста жисмингга агар жондин тамаъ.

Чунки йўқ эрмиш жаҳон аҳлида холис дустлиғ,  
Кимки ондин яхшироқ йўқ, айлама ондин тамаъ.

Даҳри дундин кўрмағунг жуз ҳасрату нокомлиғ,

Гавҳари мақсудни қилма бу уммондин тамаъ.  
Солим ўлмоқнинг сипеҳр осебидин имкони йўқ,  
Қилма ҳаргиз офият ганжин бу вайрондин тамаъ.

Кўзлари жаллоддин қилмоқ мурувват орзу,  
Аҳли ислом айлагандек кофиристондин тамаъ.  
Истайин не навъ жоним роҳатин мужгонидин,

Қилгому мажруҳ марҳам тийги урэндин тамаъ.  
Шарбати лаълийи хосин истамаклик боладин —

Айламак жонбахшлиғ жуз оби ҳайвондин тамаъ.  
Хони васлиға рақибидин ионат истамак.  
Айлаган ёнглиғ гадо илгидаги нондин тамаъ.  
Одам ичра гар бўлай десанг азизу, аржуманд,  
Айлама Комил киби жуз зилли субҳондин тамаъ.

Таъкидлардан маълум бўладики, вазн талабиға кўра **навъ сўзини нав-ъи** тарзида, **дўстлиғ**, **орзу сўзларининг** биринчи, **зинҳор**, **нокомлиғ**, **мақсудни**, **мажруҳ**, **жонбахшлиғ** сўзларининг иккинчи, **аржуманд сўзининг** учинчи бўғинларининг ўта чўзиқлигини назарда тутиб уларнинг таркибидаги унлиларни чўзиб талаффуз эгиш, сипеҳр осебидин, одам ичра сўзларини қўшиб ўқиш шарт.

Шоирнинг мустақил ўқиш учун тавсия қилинган яна бир шеъри — „Эй кўнгул“ радифли ғазали **рамали мусаммани маҳзуф** вазнда ёзилган (рукнлари: **фоилотун** **фоилотун** **фоилотун** **фоилун**). Асар қуйидагича ўқилади:

Бўлмаса гар дуну сифла лўсту гардун, эй кўнгул,  
Нега дунни шод этар, донони маҳзун, эй кўнгул.

Чун фалак нодоннавозу хасм — донодур, не суд.  
Дониш иқлимида бўлсанг гар Фалотун, эй кўнгул,

Иззат ила неъмат авжида бўлур олиймақом,  
Ҳар ким ўлса каж нечукким айн ила нун, эй кўнгул,  
Зойил этмак истасанг ўздин мазаллат, қонёъ ўл,  
Олмас ул чиркингни мундин ўзга собун, эй кўнгул,  
Жавҳари жоң ул матоъ эрмаски сотгун олғасен.  
Не осиг гар ҳосил этсанг ганжи Қорун, эй кўнгул,  
Оқил эрсанг кибру нахват қилса илму жоҳинга

Бўлди истиқборидин иблис малъун, эй кўнгул,  
Ийман ўлма қайдидан, ёру биродарман дебон,  
Не жафолар қилмади Юсуфга Шамъун, эй кўнгул.  
Даҳрнинг пасту баландидин десанг фориг бўлай,  
Қўйма илқингдин замоне жсми гулгун, эй кўнгул,  
Топти шоҳи нуктадон алофидин сўз аҳли қадр,

Зоҳир эткил эмди бикру соф мазмун, эй кўнгул,  
Бу гулистондин бақо бўйини истаб бўлмагил,  
Лола баргидек саропо доғи дилхун, эй кўнгул.

Комил эрсанг одат айла сабр ила хомушлуғ,  
Гар бор эрса ҳар сўзунг бир дурри макнун, эй кўнгул.

Шеърлар таҳлил қилинар экан, уларда танланган вази­лар­нинг ғоялар, лирик қаҳрамон кечинмаларини ёрқин акс этти­ришдаги аҳамиятини айтиб ўтиш зарур.

Муқимийнинг 10-синфда ўрганиладиган хилма-хил жанр­лардаги асарлари ҳам вазнинг ғоя ва тимсолларни ифодалаш­даги ўрнини ёрқин мисоллар билан ёритишга имкон беради. Шоирнинг „Навбаҳор“ шеъри рамали мусаммаи маҳзуф ва­зи­нида ёзилган бўлиб, арузга хос кўп жиҳатлар унда ўз аксини топган. Ҳазални ўқиш қийин эмас, баъзи ўринлардаги ўта чў­зиқ бўғинлар ҳамда қўшиб ўқиладиган ўринларга диққат қи­лиш кифоя.

Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,

Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоғлар.  
Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила,

Ўйнашиб гоҳе табиатни қилайлик чоғлар.  
Рух очиб кўздин ниҳон бўлса паридек найлайин,

Айрилиб хушу ақлдин телба бўлмай соғлар.

Ҳайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда ҳор экан,

Олдилар ҳар ерда булбул ошенин зоғлар.

Марҳам истаб кимсадин, захми дил изҳор айласанг,

Чорае қилмоқдин ўзга устига тирноғлар.

Тобакай мундоғ маломат кунжида доим Муқим.

Бу замон кўз тутгин эмди. сенга бўлсун тоғлар.

Таъкидлардан кўриниб турибдики, вазнини сиқлаш учун ав­вало қофияларнинг, шунингдек, хайфким, ошенин сўзлари-

нинг биринчи бўғинлари ўта чўзиқ бўлгани учун уларнинг таркибидаги унлиларни чўзиб талаффуз этиш, суҳбат айлайлик, хор экан, марҳам истаб, дил изҳор, тутгин эмди сўзларини қўшиб ўқиш лозим.

Шоир қаламига мансуб бўлган „Ошиқ бўлибман“ шеъри мутақориб мусаммани аслам вазнида ёзилган. Унинг руқналари ва чизмаси эса:

фаълун фаулун фаълун фаулун  
 — — — — —  
 — — — — —  
 — — — — —

тарзидадир. Асарда мушкул ўринлар учрамайди. Унинг мисраларини юқоридаги руқналарга мослаштириб ўқиш кифоя.

Муқимийнинг „Ким десун“ радифли мухаммаси ҳам унинг „Навбахор“ ғазали каби рамали мусаммани махзуф вазнида ёзилган. Асар вазини сақлаш учун биринчи банддаги офғобим сўзининг биринчи бўғини, иккинчи банддаги ёр-ёр, ҳеч сўзлари, ошносилин сўзининг биринчи бўғини, учинчи банддаги хор, тўртинчи банддаги субҳ, шамъдек сўзининг биринчи бўғини, махмурмен сўзининг иккинчи бўғини, охирги банддаги дўстлар сўзининг биринчи бўғини, бешинчи банднинг қофиядош ўйлар, мўйлар, бадхўйлар, хушомадгўйлар сўзларидаги „ў“ унлисини, олтинчи банд қофияларида остин, чоштин, костин, ростин сўзларидаги „о“ унлисини чўзиб ўқиш, тўртинчи банддаги расмдур сўзининг биринчи бўғинида „м“ ундошини алоҳида бўғин сифатида (рас-м-дур тарзида) талаффуз қилиш, иккинчи банддаги олмай орому, бешинчи банддаги заиф ўлди, олтинчи банддаги субҳ ила, еттинчи банддаги шароб ичсам сўзларини қўшиб ўқиш лозим бўлади.

Шоирнинг „Танобчилар“ ҳажвияси Навоий „Ҳайратул абдор“и каби сариъи мусаддаси матвийи макшүф, вазнида ёзилган бўлиб, унинг руқналари ва чизмаси:

муфтаилун муфтаилун фоилун  
 — √ √ — — √ √ — — √ —

тарзидадир

Ҳажвиядаги ақсар байтларни мушкулотларсиз ўқиш мумкин. Баъзи байтларда эса чўзиб ёхуд қўшиб ўқиладиган сўзлар учрайди. Қуйида ана шундай байтларни келтирамыз:

Бўлди таажжуб қизиқ хангомалар,

Арз этайин эмди ёзиб номалар.

Алл қулоғила эшит ҳолими,

Зулм қилур, баски, менга золими.

Ўн ики ойда келадур бир таноб,

Ўзгалара роҳату менга азоб. . .

Қайсики қишлоққа тушар отидин.

Элни йиғиб воқиф этар зотидин.

Дерки: . . . . Кўзунга ҳали кал жўжаман,

Махдуми аъзамлик ўзим хужаман.

Бизга бобо ҳазрати Шоҳлик мазор,  
Мухлисимиз мардуми ушбу диёр ...  
Биби Убайна бўладур холамиз,

**Гоҳ** келур эрди кичик боламиз.  
**Ҳизр** отамларга бурадор эрур.  
Чимлиғ азизлар манга додар эрур.

Гарчики мен олиму шайхи замон,  
Қирқингиза эмди берай бир қозон. . .

**Хоҳ** танобингни дучандон қилай.

**Хоҳ** карам бирла бошингни силай. . .

Ҳозир этинг **тўрт** нафар мардикор,

Тўғри қил, олдимга қилибон катор . .

Бир бураин **мўйлабимни** чиқиб,

**Торт** танобини жазоси сиқиб!

**Хоҳ** ўлинг, **хоҳ** қотинг, баччагар\*,  
Дебки узангуга оёғин тирар.  
Бир-бирига қишлоқ эли боқишиб.

**Гоҳ** уён, **гоҳ** буён чопишиб,  
**Жамъ** бўлиб айлаубон маслаҳат,  
Дўғмага дер: „Бир нима бериб жўнат“.  
Ақча кўлида ики-уч мўйсафид,  
Дерки: „Бу назрингизу, бизлар мурид“.  
**Зулм** бида эллигу юзни олур,

**Без** танобини дучандон солур.

Тоғи булар яхшию бизлар **ёмон**,

Эл тамизидин ҳазар эт. альъамон.

Кўринадики, асар вазни **гоҳ**, **хоҳ**, **ёоз**, **тўрт**, **торт**, **жамъ**, **мўйлабни** сўзларининг биринчи, қофиядош **таноб**, **азоб**, **мазор**, **диёр**, **ёмон**, **альъамон** каби сўзларнинг охириги бўғинлари таркибидаги унлиларни мўзиб, **ҳизр**, **зулм** сўзларининг охириги ундошини алоҳида бўғин қилиб, кўрсатилган ўринлардаги сўзларни эса қўшиб ўқишни тақозо этади.

Шоирнинг „Тўй“ ҳажвияси **хафиф** баҳрига мансуб вазналарда битилган. Асар мисраларида рукнлари ва чизмаси:

фоилотун мафоилун фаълун

—V— V— —

тарзида бўлган **хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ**;

фоилотун мафоилун файлун

—V— V—V— V—V—

тарзида бўлган **хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф** ҳамда:

фоилотун мафоилун файлон

—V— V—V— V—V—

тарзида бўлган хафифи мусаддаси солими махбуни мақсур  
вазнлари алмашиб қўлланади. Айни вақтда ҳажвиянинг бир  
қатор мисралари ушбу баҳрнинг „фаилотун“ руки билан бош-  
ланувчи тўрт ўлчовида битилган бўлиб, булар руқилари ҳам-  
да чизмалари:

фаилотун мафоилун фаълун  
 $\checkmark\checkmark\text{---}$   $\checkmark\text{---}\checkmark\text{---}$   $\text{---}$

тарзида бўлган хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ:

фаилотун мафоилун фаълон  
 $\checkmark\checkmark\text{---}$   $\checkmark\text{---}\checkmark\text{---}$   $\text{---}$   $\sim$

тарзида бўлган хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббар

фаилотун мафоилун файлун  
 $\checkmark\text{---}$   $\checkmark\text{---}\checkmark\text{---}$   $\checkmark\checkmark\text{---}$

тарзида бўлган хафифи мусаддаси махбуни маҳзүф ҳамда:

фаилотун мафоилун файлон  
 $\checkmark\checkmark\text{---}$   $\checkmark\text{---}\checkmark\text{---}$   $\checkmark\checkmark\sim$

тарзида бўлган хафифи мусаддаси махбуни мақсур вазнлари-  
дир.

Демак, „Тўй“ ҳажвияси юқоридаги 7 ўлчовда ёзилган асар.  
Лекин уни ўқиш унчалик қийин эмас. Таъкидланган вазнлар  
шеър мисраларидаги биринчи руқиларни аксар ўринларда **фоил-**  
**лотун**, баъзиларини эса **фаилотун** ўлчовида ўқишни тақозо эта-  
ди. Иккинчи руқилар барча мисраларда **мафоилун** ўлчовида,  
учинчи руқилар эса **фаълун**, **фаълон**, **файлун** ёки **файлон**  
ўлчовларидан бирига мослаб ўқилади. Шеърда чўзиб ёки қў-  
шиб ўқиладиган ўринлар ҳам анчагина бўлиб, улар қуйидаги-  
лардир:

Эшитинг бир ҳикоя Иқондин,

Тўй ночор қилди ёлғондин.

Хўжайин берди Тошканддин тил,

„Тўй қилар бўлсанг, қўй ўзингга кафил...“

Не керак сизга тўй қилмоқлик,

Керилиб **обрўй** қилмоқлик...

Туйнугингдин агарда чиқса тутун,

Мунда бер дастмояларни бутун...

Соф ният сувикни лойланса.

Не ажаб хайр эшиги бойланса.

Кичигу катта хўрд ила реза

Қилдилар бир-бирига истеза...

қўй олиб сўйди арриг уч сўмга,

Урди гўшт ила ёғини хумга.

Уч кишини маҳалладин оқшом,

Чорлади, келди олдириб иллом...

Каллага етгудек биринж ила ёғ,

Келдилар олишиб учида аёғ. . .  
Қўшниллар ҳам солурлар эрди кулоқ.

Асарин топмас эрди дегу табоқ. . .

Яхшиллар, қилди тўй деманг зинҳар.

**Хўб** бўлмас эшитса хешу табор  
Нима кўп менда ёру ошно кўп.

**Бой** кўп, шайху хожа, мулло кўп.  
Етса ногоҳ қудоқларига бу гап.

**Обрўйим** кетиб қолур-да тугаб. . .

Енг учида қўюлди тўққуз нон,

Кулчалар тошки синдирур дандон. . .  
Фотиҳа жаҳя йла ўқушди туруб.  
Келдилар тўйдин ўйга, оч кекуруб,

—Икки юз сўм бўлурми, деб, ширавоб,  
Бўлганйи шул тўйининг охири кор.

**Бордо** айгур эрди тўйларда,  
Ёру, дўстига кўча-кўйларда:

— **Қирқ** чорак гуруч олай дерман,  
Яна тўйинга етмагай дерман.  
Хотирим жамъ тўғрисидин унум.  
Камалигим бир сўкум билан ўтунум. . .

Кўча дарвоза тўй кунн занжир.

Тўкти мискин, гадо йўлига қир.  
Урди чўт сарфига тўй ўтганда,  
Тузгача жамъи ўттиз уч танга.

Ушбу сўзлар Муқийм эмас ёлгон,

Қўну қўшнисн шоҳиду бурҳон.

Мухтасар бўлди, топти сўз анжом,  
Алло, вассалому нома тамом.

Шеърни таҳлил қилиш давомида асарда танланган хилма-хил ўлчовлар воқеаларни ҳаётий ва таъсирчан тасвирлашга, гавдалантирилаётган қиёфаларнинг жонли ифодасига хизмат қилгани таъкидланади.

Муқимийнинг „Лой“ радибли ҳазил шеъри рамали мусам-мани мақсур вазнида ёзилган бўлиб, бу ўлчовнинг руқилари ҳамда чизмаси:

фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилон  
— √ — —    — √ — —    — √ — —    — √ ~

тарзидадир.

Муқимий „Саёҳатнома“ ларининг барчаси хазажи мураб-баи солим вазнида ёзилган бўлиб, унинг руқилари ва чизмаси ҳар мисрада:

мустафъилун    мустафъилун  
— — √ —                    — — √ —

тарзидадир. Асарнинг кўп бандлари осонлик билан ўқилади. Айрим мисраларни ўқишда эса ўта чўзиқ бўғинлар ҳамда кўшиб ўқиладиган ўринларга диққат қилиш талаб этилади. Жумладан. „Қўқондан Шоҳимардонга“ қисмида сайр сўзи, **фарёким, бадкайф, фирдавс, маъюс** сўзларининг иккинчи бўғини таркибидаги унлиларни чўзиб талаффуз этиш, ҳар қайси банд охирида „экан“ радифига ундан олдин турган қофиядош сўзларни (кажрафтор экан, даркор экан, бозор экан ва ҳ. к. тарзида) кўшиб ўқиш лозим бўлади. „Қўқондан Фарғонага“ қисмида жой сўзи, пурзўр сўзининг иккинчи бўғинини чўзиб ўқиш, биринчи банддаги **шаҳрдин** сўзининг биринчи бўғинидаги „р“ ундошини алоҳида қисқа бўғин қилиб талаффуз қилиш зарур бўлади.

„Қўқондан Исфарага“ бўлимида ҳам шу хил ўринлар мавжуд. Чунончи, биринчи банддаги **афлок**, бешинчи банддаги **толзор**, 11- банддаги **хурсанд**, 12- банддаги **пурфайз**, 13- банддаги **маъюс**, 17- банддаги **сарҳавзлар** сўзларининг иккинчи бўғинлари таркибидаги унлилар чўзиб ўқилади, қофиялар „экан“ радифига кўшиб талаффуз қилинади.

Асарнинг „Исфара саёҳати“ қисмида ҳам бундай ўринлар учрайди. Хусусан, қуйидаги бандларнинг ўқилишига аҳамият берайлик:

Шаҳр ичра тоқат тоқ ўлуб,  
Дубора йуллар қоқ ўлуб,  
Кўз Исфара муштоқ ўлуб  
Аввал чиқиш „Яйрон“ экан...

Кетгунча йўллар хорлар.

Йўл захмидин озорлар.

Кўкка етар кўхсорлар.

Ҳайҳот, хористон экан,  
Кам ғайри қаҳхору Умар,  
Фарғонада ҳофиз дигар.  
Билмас эканман бехабар.

Навмидлар хушхон экан.  
„Чоркў“ га ҳам келдим етиб,  
Отдан йиқилдим шилл этиб,

Беҳўш - ўзимдин кетиб,  
Ман саҳт бедармон экан.

„Чоркў, бозорин тўр бил.

Атрофини кўхсор бил,

Панжшанба кун бозор бил,  
Бир икки-уч дўкон экан.  
Бой мардикори маччойи,

Чўнтоғ сомонлик жойи,  
Бечорага нону чойи.  
Тун ўрнида ўтган экан...



Аmmo амин Абдурасул,

Ким борса хизматкор ул;

Яхши йигит очик кўнгул,

Юрт устида турган экан.

Шеърдаги белгиланган бўғинларни чўзиб талаффуз этиш, „шаҳр ичра“ сўзларини, шунингдек, қофияларни радифлар билан қўшиб ўқиш билан асар вазнини сақлашга эришиш мумкин.

Муқимийнинг мустақил ўқишга тавсия қилинган „Сайлов“ шеъри ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Ушбу ўлчовнинг рукнлари ва чизмаси ҳар бир мисрада:

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
V----- V----- V----- V-----

тарзида эканлигини юқорида кўрганмиз.

„Зулм ила қаҳру ғазаб“, „Толем“, „Ёр ила“ ғазаллари ўқувчиларга яхши таниш бўлиб қолган рамали мусаммани маҳзуф (рукнлари: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазнида ёзилган. Шеърларни ифодали ўқиш учун мисралардаги ўта чўзиқ бўғинлар ҳам қўшиб ўқиладиган ўринларга алоҳида диққат қилиш талаб этилади.

„Зулм ила қаҳру ғазаб“ ғазалида бундай ҳолатлар анчагина учрайди. Асар шундай ўқилиши керак:

Зулм ила қаҳру ғазаб изҳор қилмоқ шунчалар,

Ошиқи бечорага озор бермоқ шунчалар.

Гул дебон севган кишининг кўкрагига ниш уруб,

ҳастаю маъюс этиб афғор қилмоқ шунчалар.

Тўтийи ширин сухан ағёрларнинг базмида,

Бизга келганда гапирмай зор қилмоқ шунчалар.

Сизга ким айди муҳаббат аҳлини қил ихтисоб,

Қўркутиб ўз айбига икром қилмоқ шунчалар.

Келса олдингизга бой сурат ёқоси тугмалик,

Иzzат ила шоду миннатдор қилмоқ шунчалар.

Гарчи келса эски тўн, биздек дуоғўйи фақир,

Камбагалнинг хирқасидин ор қилмоқ шунчалар.

Ҳар балою жабр келса ёнмагай ҳарғиз Муқим,

Ошиқ аҳлини урубон хор қилмоқ шунчалар

Кўринадики, асар вазнини сақлаш учун, аввало, қофиядош сўзлар таркибидаги „о“ унлисини, шунингдек, ағёрларнинг „фақир“ сўзларининг иккинчи бўғинларидаги унлиларни чўзиб ўқиш, мақтадаги жабр сўзининг охириги ундошини алоҳида қисқа бўғин қилиб (жабр-р) талаффуз этиш зарур.

„Толем“ ғазали таркибидаги оҳким, вожгундур. рўйгардон, рўзгорим сўзларининг биринчи бўғинлари таркибидаги унлилар ҳам чўзиб ўқилади.

“Ёр ила” деб бошланувчи газал эса шундай ўқилиши зарур:

Ёр ила не хуш замони рўзгорим бор эди,  
Подшолик давлатидин ҳамки орим бор эди.

Гоҳ беморини йўқлаб келса, айлаб жон фило,  
Гавҳари ашке қудумига, нисорим бор эди.

Ҳеч бир сўрмасмуди, ноком давронлар ўтар,  
Қуллари ичра башарти эътиборим бор эди.  
Очилур кўнгул қачон қолганда кўз ёшим қуруб,  
Айласам то сабзу тор абри баҳорим бор эди.  
Қайси жонидин келур деб термулуб ҳар соате.

Йўлларида чор чашми интизорим бор эди.

Хўблардин чекмиш эрканман жафою жаврлар.

Қайда билсам ошнолик ихтиёрим бор эди.  
Бағри қаттиқ бўлмас эрса демагай ҳаргиз нечун  
Ўтса ҳам ойлар, Муқимий дилфигорим бор эди.

Муқимий шеърятининг бадий хусусиятлари таҳлил қилинар экан, шoir асарларининг вазн жиҳатидан ранг-баранглиги, шеърий ўлчовларнинг гоё ва лирик, ҳажвий тимсоллар қиёфасини очишдаги аҳамиятига ҳам алоҳида диққат қилиш зарур.

Фурқат шеърятини ўқиш ҳамда вазн хусусиятларини ўрганиш жараёнида ўзбек арузининг XIX аср иккинчи ярмидаги тараққиёти тўғрисидаги ўқувчилар билими янада чуқурлаштирилади.

Шоирнинг алоҳида мавзу сифатида таҳлил қилинадиган “Фасли навбаҳор ўлди” газали ўқувчиларга таниш бўлган ҳазаж мусаммани аштар вазнида ёзилган бўлиб, рукнлари ва чизмаси ҳар байтда:

фоилун мафойлун фоилун мафойлун

—V— V— — — —V— V— — —

тарзидадир. Шеър матнида кўп бўлмаса-да, ўта чўзиқ бўгинлар ва қўшиб ўқиладиган ўринлар мавжуд. Газал қуйидагича ўқилади:

Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар,

Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.  
Субҳидам тушуб шабнам бўлди сабзалар хуррам,  
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар.  
Настаран ювиб юзни. ёсуман тузиб ўзни  
Наргис очибон кўзни интизори ёронлар.  
Бир саҳар эдим уйғок. ўт туташти оламга,

Тоғлар чекиб ларза титради биёбонлар.  
Қумрилар қилиб ку-ку, булбул айлабон чаҳ-чаҳ.  
Сарв гул ўза доим тортар оҳу афгонлар.  
Булбул ўқуғоч йиғлаб субҳидам хазон фаслин  
Гунча қон ютуб юз чок этти гул гирибонлар.  
Кечтилар вафо аҳли қолмайин тутуб савсан.  
Кийди кўк қилиб сунбул зулфини паришонлар.  
Куймасун бу савлода не учун димоғимким,

Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар.

Ғазалдаги сарв, шод сўзлари, дўстлар, тоғлар сўзларининг биринчи бўғинлари ўта чўзиқ бўлганлиги сабабли улар таркибдаги унлилар чўзиб, навбахор ўлди, сайр этинг, наргис очибон, булбуд уқуғоч сўзлари қўшиб ўқилиши вази тақозосидир.

„Бормасмиз“ радифли ғазал ҳазажи мусаммани солим вазида бўлиб, рукнлари ва чизмаси ҳар бир мисрада:

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
 √----- √----- √----- √-----

тарзидадир. Шеърда биргина ўта чўзиқ бўғин бўлиб, у ҳам бўлса 6- байтдаги сабр сўзидир. Вази талаби билан уни сабр тарзида, охириги ундошни алоҳида бўғин қилиб талаффуз этилади. Аммо асарда анчагина қўшиб ўқиладиган ўринлар мавжуд. Шу ҳолатларга диққат қилиб, ғазални қуйидагича ўқиш лозим:

Биз истиғно эли қичқирмагон маъвоға бормасмиз,  
 Агар чандики хирмон айласа дунёга бормасмиз.  
 Агар лаб ташна қолсақ филмасал саҳройи оламда,  
 Маломат зоҳир этса мавж уран дарёга бормасмиз.  
 Умид этгонимиз аксар саодат бўтаи ҳақдин.  
 Агарчи мис эруримиз, қиммати тиллоға бормасмиз.  
 Ҳамиша лоф урармиз халқ аро Фарғона мулкнда,  
 Бағоят таъбимиз озода деб, ҳар жоға бормасмиз.  
 Ҳаво лойиға ботган моуманлик дўсти худбинким,  
 Ушандоғ кам зарофат маскани аъдоға бормасмиз.  
 Биз эллар—фахр элимиз, парча нонға сабр айлармиз,  
 Ғараб дунё учуп Искандару Дороға бормасмиз.  
 Эмасдур ончи асбоби жаҳонға фикримиз, Фурқат,  
 Вале кетгунча жуз андишай фарлоға бормасмиз.

Фурқат қаламига мансуб машҳур „Сайдинг қўя бер, сайёл“ мусаддиси ҳазажи мусаммани ахраб вазида ёзилган бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси ҳар бир мисрада:

мафъулу мафойилун мафъулу мафойилун  
 ---√ √----- ---√ √-----

тарзидадир. Асар осон ўқилади, унда чўзиб ёки алоҳида бўғин қилиб талаффуз этиладиган сўзлар учрамайди. Аммо мухаммасдаги бир қанча мисраларда қўшиб ўқиладиган ҳолатларга дуч келамиз. Чунончи, асарнинг тўртинчи ва бешинчи бандларидаги:

Саргашта бу водийда бир бошиға раҳм эттил,  
 Йўқ тоқати бандингга, бардошиға раҳм эттил,  
 Йиғлаб сенга термўлур, кўз ёшиға раҳм эттил,  
 Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошиға раҳм эттил.

Шунингдек,

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,  
 Охир бу нечук бедод олам анга тор ўлса,  
 Чикмай деса жойидин узлатда фигур ўлса,  
 Гар чиқса бацогоҳи домеға дучор ўлса,

мисраларидаги қофия ва радифлар қўшиб ўқилади. Айни вақтда учинчи банднинг иккинчи мисрасидаги **оҳулар ила**, олтинчи банднинг биринчи мисрасидаги **зулм айлаб сўзлари** ҳам шу тарзда ўқилиши керак.

Шоирнинг „Илм хосияти“ маснавийси ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур вазнларида битилган бўлиб, уларнинг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада:

мафойилун мафойилун фаулун  
V— — — V— — — V— —

ҳамда

мафойилун мафойилун мафойил  
V— — — V— — — V— —

тарзидадир. Шеърда чўзиб ва қўшиб ўқиладиган ўринлар аначагина. Ана шундай байтларни кўздан кечирайлик:

Дейин сўз илми хосиятидин,  
Баён айлаб анинг моҳиятидин.  
Кўпайди илм ила ҳикмат жаҳонда,  
Кўрунғ ўтган замондин бу замонда.  
Сикандарким жаҳонга шоҳ эрди,  
Сипоҳ анжум фалак хиргоҳ эрди.  
Уч ойлик ердин олғайлар хабарлар...  
Низом ўлди сипоҳийлик ишиға,  
Етиб ҳам манфаатлар кўп кишиға...  
Масалким, Топшканддин олсалар мол,  
Билиш лозимки, Московда на минвол.  
Юбориб ва бориб беҳуда топса,  
Бу савдосида яъни суд топса,  
Бўлурлар телгром ила хабардор.  
Билурлар нафъ ённки зарар бор.  
Бу ҳикмат Русиянинг давлатидин  
Бўлубтур илмни хосиятидин.  
Сикандар давлатида аҳли юнон,  
Фалотун ҳам Арасту бирла Лукмон.  
Фунуни телгроми билмадилар,  
Магар илмини ҳосил қилмадилар.  
Керак одамға қилғой-илм ҳосил.  
Жаҳондин ўтмағай то маҳз жоҳил.  
Жаҳон басту кушоди илм бирла,  
Надур дилни муроди илм бирла.  
Кўнгулларни сурўри илмдандур,  
Кўрар кўзларни нури илмдандур.

Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,  
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.  
Дариғо, Фурқато, беилм қолдим,  
Ўзумни жаҳл зиндонига солдим.

Фурқатнинг мустақил ўқиш учун тавсия қилинган „Гимназия“, „Виставка хусусида“, „Суворов“ шеърларининг учови ҳам шу хил вазнлар асосида битилган бўлиб, уларни ўқиш жараёнида юқоридаги қабил ўринларга эътибор қилиш лозим.

Наким офоқ ародур баҳр ила бар,  
Ҳама ўлмиш эди анга мусаххар...  
Аниким лашкари оламга тўлди,  
Низоми забт ҳикмат бирла тўлди,  
Бор эрди тўрт минг соҳиб заковат,  
Ҳамиша хизматида ақли ҳикмат...

Қилиб бир неча ҳикмат ошкора,  
Ажалга қилғудек бўлди мадоро.

Неча илму неча фан андин ижод,

Ўлуб хосиятидин олам обод.  
Сикандар амри бирла ҳикмат ойин.  
Қилиб ойина андоқким жаҳонбин.

Жаҳонда хоҳ баҳру хоҳ бардур,  
Ўшал ойина ичра жилвагардур...

Иложин ақли ҳикмат қилмади ҳеч.

Қилурди, лек илмин билмади ҳеч...  
Қилиб шаҳлик иши таъхир андин,  
Бўлур эрди баса дилгир андин.  
Зиҳи даврони — фархунда нишони,  
Замон ўлди, Ҷрусия замони...  
Топарга илмини айлар жадаллар,  
Топиб, айлаб анинг бирла амаллар.  
Бўлуб шул аср ҳикмат ақли ҳадсиз,  
Фатонат ақли донишманд ададсиз.  
Ўлуми фанда Афлотундин афзал,  
Камоли ақлу дониш бирла акмал.  
Неча иш илм ила бунёд қилди,  
Хусусан телгром ижод қилди.  
Ки бир соатда ул соҳиб ҳунарлар.  
Уч ойлик ердин олғайлар хабарлар...  
Низом ўлди сипоҳийлик ишига,  
Етиб ҳам манфаатлар кўп кишига...  
Масалким, Тошкандин олсалар мол,  
Билиш лозимки, Московда на минвол.  
Юбориб ва бориб беҳуда топса,

Бу савдосида яъни суд топса,

Бўлурлар телгром ила хабардор,

Билурлар нафъ ёинки зарар бор.

Бу ҳикмат Русиянинг давлатидин

Бўлубтур илмини хосиятидин.

Сканлар давлатида аҳли юнон,  
Фалогун ҳам Арасту бирла Лукмон,  
Фунуни телгроми билмадилар,

Магар илмини ҳосил қилмадилар.  
Керак одамга қилғой илм ҳосил,  
Жаҳондин ўтмагай то маҳз жоҳил.  
Жаҳон басту кушоди илм бирла,  
Надур дилни муроди илм бирла.

Кўнгулларни сурури илмдандур,  
Кўрар кўзларни нури илмдандур,  
Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор.

Бўлур ҳар кайси ўз вақтида даркор.  
Дариғо, Фурқато, беилм қолдим,  
Ўзумни жаҳл зиндонига солдим.

Жаҳон адабиёти намунаси сифатида ўрганиладиган асар—  
Фузулийнинг „Лайли ва Мажнун“ дostonи Алишер Навоийнинг  
шу номли дostonи вазнида ёзилган.

Бинобарин, унинг аксар байтлари ҳазажи мусаддаси аҳраби  
мақбузи маҳзуф вазнида бўлиб, руқнлари ва чизмаси:

мафъулу мафоилун фаулун  
—V V—V— V—

тарзидадир. Дostonдаги ўта чўзиқ бўғин билан тугалланувчи  
байтлар ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи мақсур вазнида би-  
тилган. Унинг руқнлари ва чизмаси:

мафъулу мафоилун мафойил  
—V —V— V—

кўринишидадир. Дostonдан танланган парчаларни ана шу ўл-  
човларга мувофиқ қилиб ўқилади.

Шундай қилиб, 9-10 синфлардаги дарслар давомида ада-  
биёт дастуридан ўрин олган барча асарларнинг вазнлари ўр-  
ганилиб, уларни ифодали ўқиш усуллари улаштирилади. Ўр-  
ганилган назарий маълумотлар, ифодали ўқиш малакалари ёд-  
дан кўтарилмаслиги учун уларни доимий равишда такрорлаб  
бориш, шеърини асарларни мумкин қадар кўпроқ ёд олишга  
аҳамият бериш, бунинг учун кўп шеър ёдлаган ва уларни  
ифодали ўқиш малакаларини эгаллаб борган ўқувчиларни рағ-  
батлантириб туриш муҳимдир.

#### Адабий тўғарақларда аруз илмини ўрганиш

Аруз илмини ўрганиш фақат дарслар давомида амалга оши-  
рилиб қолмай, дарсдан ва синфдан ташқарида уюштирилади-  
ган турли тадбирлар давомида ҳам олиб борилиши мумкин.  
Бу жиҳатдан, айниқса, 5-9- синф ўқувчилари учун мўлжаллан-  
ган „Ифодали ўқиш“, „Ғазалхонлик“ каби тўғарақлар фаолия-  
ти муҳим аҳамиятга эга. „Ифодали ўқиш“ ёки „Ғазалхонлик“  
тўғарақларининг бош вазифаси ўқувчиларга бадий ўқиш санъа-  
тини ўргатишдан иборат. Бу хил тўғарақларнинг фаолияти даво-  
мида аруз вазнида яратилган асарларни ўқиш усуллари изчил

ўзлаштириб борилади, шеърятимизнинг атоқли намоёндалари юбилейларига бағишланган қироатхонликлар уюшгирилади, мумтоз адабиёт асарларини энг яхши ўқиш бўйича танлов-конкурслар ўтказилади, шеърят, газалхонлик, рубоийхонлик байрамлари ташкил қилинади. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг қадимий адабиётимиз дурдоналари билан атрофийча танишиб боришлари, аруз ўлчовида яратилган асарларни ифодали-бадий ўқиш малакаларини изчил ўзлаштириб боришларига кенг имкониятлар ярагади.

Бу хил тўғаракларда аруз вазнида ёзилган асарларни ифодали ўқишга ўргатиш ушбу ўлчовнинг назарий асослари: қисқа, чўзиқ, ўта чўзиқ бўғинлар, асл рукнлар, баҳрлар ва уларнинг тузилиши, зиҳофлар, уларнинг турлари, тармоқ, рукнлар, шеърятимизда кенг қўлланган вазнлар, уларнинг рукнлар таркиби ва чизмаларини дарсдагига қараганда чуқур ва изчил ўзлаштиришдан бошланади. Арузнинг бу хил назарий масалаларини ўрганиш иши шў ўлчов асосида яратилган асарларни ифодали ўқиш малакаларини ўқувчиларга сингдириб бориш иши билан уйғунлашуви лозим. Ўқитувчи машғулотлар давомида аруздаги шеърятни ифодали ўқиш усуллари: байтларни вазнга, рукнларга мувофиқлаштириб ўқиш, қисқа ва чўзиқ унлилар, ўта чўзиқ бўғинлар талаффузи, қўшиб ўқиш ҳолатлари, айрим сўзларнинг ўқилиши жараёнида юз берувчи турли хил ўзгаришларни изчил ўргатиб бориши, ҳар қайси муаммо устида амалий машғулотларни муттасил уюштириб бориши зарур.

Тўғарак машғулотида ўқувчилар ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини, жумладан, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Машраб ва Мунис, Нодира ва Оғаҳий каби етук шоирларнинг асарларини ифодали ўқиш устида муттасил шуғулланиб борадилар. Уларнинг бу соҳадаги муваффақиятлари аруздаги асарларни энг яхши ўқиш бўйича ҳар йили Алишер Навоий таваллуди куни (9 февраль) арафасида ўтказиладиган анъанавий танлов-курс жараёнида. Шунингдек, бошқа шоирларнинг юбилейларига бағишланган танловларда намойиш қилинади.

10—11-синфларда дарсдан ташқарида аруз илми ва амалиётини ўрганишнинг мақбул шаклларида бири адабиётшунослик тўғараги машғулотларидир. Шеърятга, адабиётшунослик муаммоларига қизиқувчи ўқувчиларни аруз вазни қонунилари, ўзбек арузи тараққиёти босқичлари, шоирларимизнинг вазн соҳасидаги бадий маҳоратларини изчил ва чуқур ўргатиб бориш бу тўғаракнинг доимий тадбирлари бўлиши лозим.

Тўғарак машғулотида аруз илмини ўрганиш муайян режа асосида уюштирилади. Шу режага мувофиқ, аввал аруз назарияси асослари: бўғинлар, асл рукнлар, баҳрлар, зиҳофлар, шеърятимизда кенг қўлланган вазнлар ўзлаштирилади, сўнгра айрим шоирлар ижодининг вазн хусусиятлари, ижодкорларнинг вазн устида ишлаш маҳоратини ўрганишга ўтилади.

Дарс-ар давомида арузнинг хилма-хил ўлчовлари дастурга кўра ўрганилган бўлса, тўғарак машғулотларида уларни муайян изчиллик билан осондан қийинга бориш йўналишида аста-секин ўзлаштириб борилади. Даставвал солим вазнлар, яъни фақат асл рукнлар такроридангина ташкил топган ҳазажи мусаммани солим, ражази мусаммани солим, мутақориби мусаммани солим ҳамда комили мусаммани солим вазнларидаги асарларни ўқиш ўрганилади. Кейин таркибида икки хил рукн келувчи вазнларга ўтилади. Бу хил машғулотлар жараёнида аввало мисра охирида гармоқ рукнлар қўлланадиган ўлчовлар асосидаги шеърӣ асарлар ифодали ўқилади. Хусусан, ҳазажи мусаддаси маҳзуф, ҳазажи мусаддаси мақсур, рамали мусаддаси маҳзуф, рамали мусаддаси мақсур, рамали мусаммани мақсур, мутақориби мусаммани маҳзуф, мутақориби мусаммани мақсур, сариъи мусаддаси матвийи макшув, сариъи мусаддаси матвийи маккуф вазнлари ва улар асосидаги шеърларни ўқиш усуллари ўзлаштирилади.

Шундан сўнг икки хил рукн такрорига асосланган ўлчовларни ўрганишга киришилади. Ўқитувчи машғулотлар давомида ҳазажи мусаммани ахраб (мафъулу мафойилун мафъулу мафойилун), ҳазажи мусаммани аштар (фоилун мафойилун фоилун мафойилун), рамали мусаммани машкул (фаилогу фоилогун фаилогу фаилогун), музореъи мусаммани ахраб (мафъулу фоилотун мафъулу фоилогун), ражази мусаммани матвийи маҳбун (муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун), мутақориби мусаммани аслам (фаълун фаулун фаълун фаулун) вазнларини ўзлаштириш ва шу ўлчовларда ёзилган асарларни ўқиш устида машқ олиб боради.

Навбаъдаги вазифа уч хил рукн иштирок этувчи вазнларни ўзлаштириш ва улар заминида битилган асарларни ўқиш усуллариини ўрганишдир. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари раҳбарлигида ҳазаж, рамал, мужтасс, хафиф баҳрларига мансуб бўлган уч хил рукнли (масалан, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф, рамали мусаммани солими маҳбуни мақсур каби) ўлчовларни ўрганидилар ҳамда шу вазнлардаги асарларни ифодали ўқиш билан шуғулланадилар.

Навбаъдаги вазифа рубоӣи вазнларини ўрганиш ҳамда шу хил жанрдаги асарларни: Алишер Навоӣи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Гаҳӣи ва Аваз рубоӣиларини ифодали ўқиш усуллариини ўзлаштиришдан иборат бўлади. Дастлаб уч хил рукн иштирок этувчи ўлчовлар: ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб (мафъулу мафойилу мафойилу фаал), ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ахтам (мафъулу мафойилу мафойилу фаул) вазнлари, сўнг қолган тўрт хил рукн қўлланувчи ўлчовлар ўрганилади.

Агар тўғарак аъзоларида аруз тизими хусусиятларини янада чуқурроқ ўзлаштиришга қизиқиш бўлса, ўзбек шеърӣида қўлланган кўп рукнли вазнларни ҳам ўрганиш мумкин. Бу ҳол-



да ўқитувчи уларни ҳар байтда 12 руки қўлланган мустаҳзод ўлчови, мутақориб баҳрининг ҳар қайси байти 10 рукндан ташкил топган мутақориб аслам (рукилари ҳар мисрада: фаълун фаулун фаълун фаулун фаълун фаулун фаълун фаулун), мутақориб мақбузи аслам (рукилари бир мисрада: фаулу фаълун фаулу фаълун фаулу фаълун) ўлчовлари билан таништиради ҳамда Алишер Навоий, Огаҳий, Фурқатларнинг шу хил вазнларда ёзилган ғазалларини ифодали ўқишни машқ қилдиради. (Навоий ва Огаҳий асарлари матлаълари китобнинг назарий қисмида келтирилган эди).

Фурқат ғазалида кўп рукнлилик хусусиятлари яққол акс этиб туради. Буни асардаги:

Ақлимни олди, ҳайратга солди бир турфа жонон, султонни  
хўбон,  
Ул бир табассум айлаб такаллум, чун моҳи тобон, бўлди  
намоён,  
Монандаи гул, чун шоҳи сунбул, айлаб тазалзул, келди ни-  
горим,  
Очиб юзини, ташлаб ўзини, қошу кўзини, жавлон бери-  
бон

каби байтлар мисолида кўриш мумкин. Ўқитувчи ғазалнинг ҳар қайси мисраси **фаълун фаулун** рукилари такрорига асосланаётганини таъкидлайди ва шеърни ифодали ўқиш усуллари-ни ўргатади.

Аруз назарияси ва амалиётини шу тарзда ўрганиш ушбу мураккаб тизим хусусиятларини асга-секинлик билан ўзлаштириб бориш, арузда битилган асарларни ифодали ва бадий ўқиш маҳоратини изчил эгаллаб боришга имконият яратади.

Шеърятдаги вазн муаммолари дарслар давомида ўзлаштириб борилгани туфайли тўғарак машғулотларида аруз назариясини ўрганиш унча қийинчилик туғдирмайди. Баҳрлар, вазнларни пухта билиб олган ўқувчилар айрим шоирларнинг танланган асарлари вазнини ҳам ўқитувчи раҳбарлигида мустақил аниқлай оладилар.

Бинобарин, тўғарак машғулотларида Лугфий, Бобур, Машраб, Нодира, Муқимий, Фурқат, Ҳамза каби шоирларнинг лирик асарлари вазнларини тўлалигича аниқлаш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи танланган шоир асарларини тўғарак аъзоларига бўлиб беради, ҳар қайси ўқувчи ўзига топширилган асарлар вазни, рукилари ва чизмасини аниқлаш устида иш олиб боради. Зарур ҳолларда ўқитувчи уларга ёрдам кўрсатиб туради. Муайян фурсатдан сўнг тадқиқоғ натижалари тўпланиб умумлаштирилади.

Тўғарак машғулотларида уюштириладиган қизиқарли тадбирлардан бири мумтоз шеърятимиз намояндалари юбилейлари муносабати билан ўтказиладиган анжуманлардир. Тўғаракда бундай анжуманларни тайёрлаш давомида мутафаккир шоирларнинг энг яхши асарлари ёд олиниб, бадий ўқиш машқ

килинади. Ҳаётини ана шу асарларни танлашга раҳбарлик қилади, шеърларни ифодали ўқишга ўргатади. Мақабда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Машраб ва Оғаҳий, Нодири ва Увайсий, Муқимий ва Фурқат каби ижодкорлар юбилейлари муносабати билан ўтказиладиган анжуманлар шеърят байрамларига айланиши лозим.

Адабиёт тўғаракларида аруз вазнидаги асарларни ифодали-бадий ўқишга доир хилма-хил қизиқарли тадбирларни уюштириш мумкин. Шулардан бири байт-барак мусобақаларидир. Ҳуқувчилар бу хил машғулотларга бажонидил қатнашадилар.

Байт-барак мусобақаларини муваффақиятли ўтказиш учун аввало ҳуқувчилар мумкин қадар кўпроқ байтларни ёд олишлари шарт. Ҳаётини бу жараёнга раҳбарлик қилар экан, байт-барак хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқувчиларнинг хилма-хил ҳарфлар билан тугалланувчи байтларни ёд олишларига алоҳида эътибор қилиши лозим. Яхшиси, ҳар қайси ҳарфни икки-учтадан қилиб ҳуқувчиларга бўлиб берган мақбул. Масалан, бир ҳуқувчи „а“, „б“ ҳарфлари билан бошланувчи 20 байт шеърни, иккинчиси „в“, „г“ ҳарфлари билан бошланувчи 20 байтни ёд олади ва ҳ. к. Қисқаси, байт-барак қатнашчилари ўзбек шеърятинидаги лирик асарларнинг барча ҳарфлар билан бошланувчи байтларидан ёд оладилар. Шундай қилинганда исталган ҳарф билан тугалланган байтга жавоб айтиш мумкин бўлади.

Байт-баракнинг энг яхши шакли ҳалол мусобақадир. Яъни ҳуқувчилар кимнинг байтига ким жавоб беришини олдиндан белгилаб олмай туриб мусобақага киришадилар. Улар тенг икки гуруҳга бўлинадилар. Ҳар қайси гуруҳ ҳуқувчилари барча ҳарфлар билан бошланувчи байтларни камида 20 тадан ёдлаган бўлишлари шарт. Сўнг машҳур бир байт билан, масалан, Навоийнинг:

Одами эрсанг, демагил одами,  
Оники йўқ, халқ ғамидин ғами,

байти билан мусобақа бошланади. Иккинчи томондаги ҳуқувчилардан бири— „и“ унлиси билан бошланадиган байтларни ёд олган бола жавоб қайтаради. Мусобақа шу тарзда эркин, ҳалол давом этади. Қарши томонлардан бири жавоб топа олмай қолса, унга бир балл жарима белгиланиб, байт айтган томон яна янги шеърини парча билан мусобақани давом эттиради. Аввалдан келишилган вақт—10 ёки 15 дақиқа ўтгач, ғолиб аниқланади. Ҳакамлар мусобақа қатнашчиларига баҳо бера эканлар, ҳозиржавоблик билан бир вақтда ўқишнинг ифодалилиги, яъни вазнига мувофиқлигига ҳам алоҳида аҳамият берадилар.

Ана шу тарзда ташкил этилган байт-барак мусобақалари ҳуқувчиларнинг мумтоз шеърятимиздан янада чуқурроқ маълумот олишлари, аруз вазнида ёзилган асарларни ифодали ўқиш малакаларини эгаллашларида мақбул восита бўлиб хизмат қилади.

Адабиёт тўғарақларида аруз илмини чуқур ўрганиш ҳамда ифодали ва бадий ўқиш малакаларини мустаҳкамлашда адабий олимпиада тарзидаги танлов-мусобақалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу хил тортишувлар давомида ўқувчиларга аруз асоси бўлган қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ бўғинлар, асл рукнлар, шеърятимизда қўлланиладиган баҳрлар ҳамда вазнлар, аруздаги асарларни ўқиш усулларига доир қизиқарли саволлар билан мурожаат қилинади. Ўқувчилар икки гуруҳга ажралиб, бир-бирлари билан баҳшлашадилар. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари мусобақани кузатиб борадилар, яқунлайдилар ҳамда ғолибларни тақдирлайдилар.

Мусобақаланиш учун ўқувчиларга қуйидагича саволлар тавсия қилиниши мумкин:

1. Аруз тизими бармоқ тизимидан қайси жиҳатларга кўра фарқланади?

2. Муқимийнинг:

Нав баҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоғлар.—

байтидаги қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ бўғинларни белгиланг.

3. Алишер Навоийнинг:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай—

ҳамда

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.—

байтларининг вазнини аниқланг.

4. Хоразмийнинг „Муҳаббатнома“ достони қайси вазнлар асосида яратилган? Алишер Навоийнинг „Фарҳод ва Ширин“ достони-чи?

5. Эркин Воҳидовнинг „Ўзбегим“ қасидаси вазнини аниқлаб бера оласизми?

6. Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажабким, сарв нозим ўн сакиз ёшиндадур.—

байтида қандай хатога йўл қўйилган?

7. Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,  
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

байтини ифодали ўқиб бера оласизми?

8. Бобурнинг „Муҳтасар“ ва Алишер Навоийнинг „Мезонул авзон“ асарларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини биласизми?

Ўқитувчи олимпиада саволларини тузишда ўқувчиларнинг тайёрлиги, билим савияларини ҳисобга олади, албатта. Мусобақа жараёнида ўқувчилар ҳам бир-бирларига саволлар беришлари мумкин.

\* \* \*

Мақтабда дарслар ва дарсдан ташқаридаги машғулотлар давомида аруз назарияси ва амалиёти ўрганилар экан, кўргаз-

малиликнинг хилма-хил турларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларсиз ўзбек арузининг ўзига хос жиҳатлари, аруздаги шеърларни ифодали ўқиш усулларини пухта ўзлаштириш мушкулдир.

Аруз илмини ўрганишда турли жадваллардан фойдаланиш ижобий натижалар беради. Хусусан, ўзбек арузида қўлланиладиган асл рукнлар, шеърятимизда фойдаланиладиган баҳрлар ва уларнинг таркиби, ҳар қайси баҳрнинг вазнлар доираси, вазнларнинг рукнлар ва чизмалар кўрсаткичи бўйича алоҳида-алоҳида жадваллар тузиб, дарслар ва тўғарак машғулотларида кенг қўллаш зарур.

Аруздаги асарларни ифодали ўқишга ўргатишда ҳам махсус жадваллар қўл келади. Бу хил жадвалларда бир ёки бир неча байтни рукнларга бўлиб ўқиш, ўта чўзиқ ва қўшиб ўқиладиган ўринлар талаффузи рангли ёзувлар билан аниқ кўрсатиб қўйилади.

Аруз тизими асосида яратилган асарларни ифодали ва бадий ўқишга ўргатишда мумтоз адабиёт намуналари ёзилган грампластинкаларнинг аҳамияти ҳам каттадир. Атоий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Нодири, Фурқат каби шоирлар лирикасига бағишланган пластинкалардаги сўз усталари томонидан бадий ўқилган ғазал ва мухаммаслар ўқувчилар учун намуна вазифасини бажара олади

Ўқитувчи дарс ва дарсдан ташқаридаги машғулотлар давомида магнитофон тасмасига ёзилган турли хил ёзувлардан ҳам кенг фойдаланиши мумкин. Радио, телевидение орқали берилган турли бадий эшиттириш ва кўрсатувларни тасмага ёзиб олиб, ўқувчиларга эшиттириш ифодали ўқиш усулларини изчиллик билан ўрганиб боришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ўқитувчи радио ва телевидениедан турли бадий эшиттириш ва кўрсатувларни ўқувчиларга тавсия этиб, улардан ўқиш усулларини ўзлаштириб бориш устидан топшириқ бериши ҳам мумкин.

— Магнитофон тасмасига ўқувчиларнинг ифодали ўқишларини ёзиб олиб, уларга эшиттириш жараёнида йўл қўйилган камчиликларга диққатни жалб этиш, қайта ёзиб олиб эшитиш орқали уларнинг малакалари ошиб боришини кузатиш ҳам қизиқarli натижалар беради.

Магнитофон ёзувларидан аруз назарияси ва амалиёти бўйича ўтказиладиган олимпиада мусобақалари давомида ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Чунончи, айрим ғазал ёки байтлар ёзиб олинган тасмани эшиттириб, уларнинг вазнини аниқлаш, шунингдек, хато ўқилган ўринларни белгилаш бўйича топшириқлар бериш мақсадга мувофиқдир

Аруз илмини ўзлаштириш жараёнида бадий ўқишга бағишланган телевизион кўрсатувларни Навоий, Бобур, Машраб, Нодири, Огаҳий, Фурқат каби шоирлар ижодига доир видеофильм-

лар, ўқув фильмларини видеомагнитофон тасмаларига ёзиб олиб фойдаланиш ҳам машғулотларнинг қизиқарли боришини таъминлайди.

Умуман, ҳар қайси ўқитувчи аруз вазнини ўрганишга оид машғулотларда кўргазмалиликнинг хилма-хил турларидан кенг фойдаланиши, ўқувчиларни ана шундай қуроллар: жадваллар, магнитофон ва видеомагнитофон ёзувлари тайёрлашга жалб қилиб бориши лозим.

Шундай қилиб, хилма - хил адабий тўғаракларнинг машғулотларида аруз назарияси ва амалиётини изчил равишда ўрганиб бориш адабиётимиздаги бадийят муаммоларини дарслардагига қараганда чуқурроқ ўзлаштиришга имкон беради.

## ХУЛОСАЛАР

Шеъриятимизда ўн асрдан бери кенг қўлланиб келган аруз шеърининг ўлчов тизимини мактабларда атрофлича ўрганиш адабиёт ўқитишнинг узвий қисмларидан бирини ташкил қилади. Унинг назарий асосларини, шоирларимиз ижодида кенг қўлланган вазнларини пухта ўзлаштирмай туриб дастурдан ўрин олган шеърининг асарларни ифодали ўқиш ҳам, бадиий санъаткорликнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлмиш вазн устида ишлаш маҳоратини англаб етиш ҳам маҳол.

Аруз илмини ўрганиш 5—6 синфлардаёқ бошланиши лозим. Бу синфларда асосий диққат терма дарсликлардан ўрин олган шеърининг асарларни вазнига мувофиқ ифодали ўқишга, аруз илмининг содда қоидалари—қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ бўғинларни ўзлаштиришга қаратилади.

7—8- синфларда аруз назариясини ўрганиш бир оз чуқурлашади, ўқувчилар ўзбек арузининг мураккаб бўлмаган ўлчовлари билан танишадилар, шеъриятимизда кенг қўлланган вазнларни, уларнинг рукнлар таркиби ҳамда чизмаларини мустақил аниқлашни машқ қиладилар, хилма-хил вазнлардаги шеърларни ифодали ўқиш малақасини такомиллаштирадилар.

Аруз назарияси ва амалиётини изчил равишда ўрганиш иши 9- синфдан бошланади. Дастур асосида мўмтоз адабиётимиз дурдоналарини ўқиш ва таҳлил этиш жараёнида аруз қоидалари, асосий баҳрлар ҳамда вазнларнинг рукнлар таркиби ва чизмалари мунтазам ўзлаштирилади боради, бу асарларни ифодали ўқиш малакалари мустаҳкамланади, энг муҳими, ҳар қайси шоирнинг вазн устида ишлаш маҳорати, шеърининг ўлчовининг асардаги ўрни, гоё ва тимсоллар ифодасидаги аҳамияти атрофлича ўзлаштириб борилади. Шунингдек, ўқувчилар ўзбек арузининг тараққиёт йўллари, аруз илмининг ривожини қонунийларни, ўзбек арузи камолига ҳисса қўшган Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Фурқат, Муқимий каби буюк санъаткорлар илмий фаолияти билан танишадилар.

Аруз илми сирларини эгаллаш синфдан ташқари ишлар—тўғарак машғулоғлари, адабий анжуманлар, аруз вазнида яра-

тилган асарларни энг яхши ўқиш учун танлов-конкурслар, адабий олимпиадалар, баҳс-мусобақалар, байт-барак тортишувлари жараёнида давом эттирилади ва ривожлантирилади.

Аруз илмини ўрганишда кўрғазмалиликнинг аҳамияти муҳимдир. Аруз назарияси асосларини акс эттирувчи жадваллар, бадий сўз усталари ижросидаги грампластинкалар, магнитофон ва видеомагнитофон ёзувлари, бадий ва ўқув кинофильмларидан кенг фойдаланиш бу соҳада муваффақиятли иш олиб боришга имконият яратади.

Адабиёт ўқитувчиларининг аруз илмини ўқувчиларга ўргатиш соҳасидаги эришган ютуқларини умумлаштириб, уларнинг тажрибасини кенг ёйиш адабиёт методикаси фанининг навбатдаги муҳим вазифаларидан саналади.

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
Қириш	5
«Аруз» шеърӣй ўлчов тизими назарияси асослари	12
Мактабда аруз илмини ўрганиш	66
Аруз вазнидаги асарларни ифодали ўқиш	94
Хулосалар	190

Х 59

Ҳожиаҳмедов А.

Мактабда аруз вазнини ўрганиш: Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма.—2—қўлдирилган ва қайта ишланган / нашри.—Т.: Уқитувчи, 1995.—192 б.

74.261.8

№ 463—95

Алишер Навоӣй номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат кутубхонаси

Тираж 2000  
Қарг. тиражи 4000

АНВАР ҲОЖИАҲМЕДОВ

## МАКТАБДА АРУЗ ВАЗНИНИ ЎРГАНИШ

Тошкент «Уқитувчи» 1995

ИБ № 6358

Муҳаррирлар Х. Ҳайитмегов, Ҳ. Юсупова  
Бадний муҳаррир Б. Жўраев  
Техн. муҳаррир Т. Скиба  
Мусаҳҳиҳ Г. Насридинава

Теришга берилди 25.03.94. Босишга рухсат этилди 20.09.95. Бичими 84×108/32. Тип. қоғози. Қегли 10 инновсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 12. Шартли кр.-отт. 12,25. Нашр. л. 12,85. 7500 нусхада босилди. Буюрт-ма № 1460.

«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент — 129, Навоӣй кўчаси, 30. Шартнома № 13-204-93.

Самарқанд вилояти ҳокимияти матбуот бошқармасининг М. В. Морозов номидаги бос-махонасида чоп этилди. Самарқанд шаҳри; Улуғ Турсунов кўчаси, 82. 1995.